


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ИБРОҲИМ МЎМИНОВ НОМИДАГИ
ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**БУХОРО ОЗИҚ – ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ГУЛЧЕҲРА НАВРЎЗОВА

**НАҚШБАНДИЯ ТАСАВВУФИЙ ТАЪЛИМОТИ
ВА БАРКАМОЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ**



ТОШКЕНТ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР
АКАДЕМИЯСИ “ФАН” НАШРИЁТИ**

2007

Ушбу монография тасаввуфнинг нақшбандия таълимоти ва тариқатидаги бунёдкор ғояларнинг моҳиятини очиб, баркамол инсон тарбияси жараёнида ундан фойдаланиш масалаларини ёритиб беради. Унда мавзуга оид манбалар, чет эл ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил этилган. Асар илмий тадқиқотчи ва тасаввуф таълимотини ўрганувчиларга мўлжалланган бўлиб, ундаги ғоялардан фалсафа, ахлоқшунослик, нафосатшунослик, диншунослик, маънавият асослари, миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фанларини ўтиш ва маънавий – маърифий ишларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Масъул муҳаррир: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан
арбоби, фалсафа фанлари доктори,
профессор М.Н.Болтаев

Такризчи: фалсафа фанлари номзоди О.Т.Шарипова

Гулчеҳра Наврўзова. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. Т.2007. 204 бет.

ISBN 5-648-03266-8 ©

**Ўзбекистон
Республикаси
ФА “Фан” нашриёти,
2007 йил**

**Бағрикенг инсон, маърифатпарвар,
зиёли, падари бузрукворим Неймат
Наврўз – зоданинг (1912-1958) муқаддас
хотираларига бағишлайман.**

МУҚАДДИМА

Истиқлол шарофати билан жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг амалга оширилиши миллий ўзликни англаш, маънавий бой тарихимизни ўрганиш ва тадқиқ этиш жараёнини бошлаб берди. Буюк аждодларимизнинг асрлар давомида тўплаган бебаҳо маданий мероси, маънавий қадриятлари миллий маданиятимиз ва миллий истиқлол мафкурамизнинг шаклланиши ва ривожланишига бевосита таъсир этмоқда.

Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги сўзсиз жамият аъзоларининг маънавий баркамоллигига боғлиқ. Давлатимиз мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ёш авлод тарбияси масаласига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Баркамол авлод тарбияси устувор йўналиш бўлган ҳозирги кунда инсонни комиллик даражасига етказишга хизмат қиладиган таълимотларни ўрганиш давр талабидир. Комил инсон муаммосига махсус эътибор берадиган таълимотлардан бири-тасаввуфдир. Шунинг учун тасаввуфни ўрганиш муҳим бўлиб, у Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга хизмат қилади. Тасаввуф таълимотларидан бири – нақшбандиядир. 1992 йил 3 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида»ги қарори бу таълимотни ўрганишга истиқлол даврида берилаётган эътибордан далолат беради. Нақшбандия таълимотининг бағрикенглик ғоясини илгари суриши жамиятда ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик ғояларини амалга оширилишига ёрдам беради. Бу таълимот миллий истиқлол мафкурасининг теран диний-фалсафий илдизларидан биридир. Президентимиз Ислон Каримовнинг: «Ҳозирги мураккаб шароитда халқимиз, аввало, ўсиб-униб келаётган ёш авлодимиз онги ва қалбида мафкуравий иммунитет ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Бу ишни бажариш ёш ниҳолга мевали дарахт куртагини пайванд қиладиган уста боғбондек нозиклик ва меҳр билан, оқилона йўл билан амалга оширилиши лозим»¹, - деган сўзларини амалга оширишда нақшбандия таълимотининг ўзига хос ўрни бор.

Тадқиқотнинг долзарблиги, бизнингча қуйидаги жиҳатлар билан ҳам белгиланади:

Биринчидан, миллий истиқлол ғояси ва мафкуравий муаммоларнинг маънавий соҳадаги асосий вазифалардан бири «ота-боболаримиз динининг гуманистик моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасидаги ишларни давом эттириш. Токи бу дин халқимизнинг минг йиллик тарихи, бугунги маънавий ҳаётимизнинг ҳам асоси, мухтасар айтганда, Оллоҳ доимо қалбимизда, юрагимизда экани юртдошларимиз онгига сингиб борсин. Шу маънода, буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дилинг Аллоҳда, кўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳикмати биз учун муҳим ҳаётий тамойил бўлиб қолаверади»².

Иккинчидан, мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви амалга ошаётган ҳозирги кунда шўролар истибдоди давридаги тасаввуфни инкор этувчи қарашлар ўрнини янги манбалар таржимаси ва ахборотлар эгалламоқда. Уларни илмий - фалсафий таҳлил этиш, объектив баҳо бериш, таржима этилган манбаларни илмий муомалага киритиш долзарб масала бўлиб қолди. «Ўтмишимизни оқлаш» вазифалари умуман олганда бажариб бўлинди; ҳозир эса асосий вазифа тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан холисона ва ҳалол амалга оширишдан иборатдир»³.

Учинчидан, инсон муаммоси фалсафа тарихида ҳамisha долзарб мавзу бўлиб келган ва бунга доир кўп изланишлар амалга оширилган, аммо унинг руҳий камолот билан боғлиқ маънавий жиҳати, нафс тарбияси ва қалб орқали мутлақ ҳақиқатни идрок этиш масаласи илмий нуқтаи назардан жиддий тадқиқ этилмаган. Нақшбандия таълимоти ва тариқатининг бу соҳага оид назария ва амалиётини ўрганиш бу мавзу устида жиддий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб қилмоқда. Бу таълимот бутун оламни билиш учун инсон аввало ўз-ўзини англаши муҳимлигини таъкидлайди. Ҳар бир шахс ўзини англай билиши, бошқара олиши миллий ўзлигини англаш жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Илғор

¹Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Тошент: Ўзбекистон, 2001. 7-бет.

²Ўша асар. 35-бет.

³Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том -Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 40-бет.

фикрли инсонлар ҳаёти, таълимотини ўрганишда ҳозиргача о р и ф, сўфий, в а л и й л а р г а етарлича эътибор берилмаган. Ҳолбуки, тасаввуф аҳли ҳаётининг ўзи кишининг ички, ботиний имкониятларини тўла очиш воситаси билан жуда юксак маънавий мартабаларга эришиш мумкинлигини кўрсатди.

Тўртинчидан, бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси ўзгариб, инсон қалби ва онги учун кураш асосий масалага айланган вақтда ҳар бир соғлом, бунёдкор ғояга эътибор муҳимдир. Тасаввуф аҳлининг инсон ботиний оламига эътибори, диққатини нарса-ҳодисанинг моҳиятини очишга қаратиши, сурат эмас, сийрат, яъни моҳиятни англашга интилиш тажрибасини ўрганиш ижтимоий ҳаётдаги кўр-кўрона тақлид, ғафлат каби иллатларга қарши курашда кўл келади. Нақшбандия тажовузкор экстремистик, ақидапарастлик ғояларига қарши тура оладиган бунёдкор ғоядир.

Бешинчидан, мустақилликка қадар тасаввуф ва унинг тариқатлари, жумладан, нақшбандияга баҳо беришда, кўпинча, Ғарб олимлари, хусусан, рус шарқшуносларининг фикрларига таяниб иш кўрилди. Бу соҳага оид асосий манбаларни ўрганиш ва шуларга асосланиб ҳолис илмий фикрларни илгари суриш, бир ёқламаликка барҳам бериш учун эндиликда масалага чуқур ёндашиш, янгича нуқтаи назарга ўтиш, миллий истиқлол мезонида туриб ҳолис таҳлил қилиш лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, нақшбандия таълимотини қўлёзма манбалар асосида теран ўрганиш зарурати келиб чиқади.

Тасаввуф, жумладан нақшбандия таълимоти ҳақида қўлёзма ва тош босмалар мавжуд.⁴

⁴Салоҳ ибн Муборак ал-Бухорий. Анису-т-толибийн ва уддату-с-соликийн// Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2520/1; Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳофизий ал-Бухорий. Рисолаи Қудсийя// Ўз.ФАШИ. Қўлёзма; 2517/VII; Яъқуб ибн Усмон ибн Маҳмуд ал-Ғазнавий ал-Чархий. Рисолаи унсийя// Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №5825/VI; Яъқуб Чархий. Силсилаи нақшбандия. Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №3410/III; Яъқуб Чархий. Тафсири Яъқуб Чархий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №8745; Саъуддин Қошғарий ибн Шайх Зайнуддин. Калимоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №5501/VI; Абдурахмон Жомий. Калимоти қудсийяи Хожа Муҳаммад Порсо//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №10395/III; Абдурахмон Жомий. Нафаҳоту-л-унс мин ҳазароти-л-қудс//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №4409; Абдурахмон Жомий. Лавоих//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №9784/IX; Абдурахмон Жомий. Тухфату-л-аҳрор//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2002; Алишер Навоий. Насоим-у-л муҳабба мин шамойми-л-фугувва//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №5420; Фаҳруддин Али ибн Ҳусайн ал-Воъиз ал-Қошифий. Рашаҳоту айни-л-ҳаёт//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №1788; Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи вужудийя// Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №501/III; Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи баъни силсила//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №501/XV; Аҳмад Хожагий Косоний. Рисолаи чаҳор калима//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №501/XVI; Али ибн Маҳмуд ал-Абивардий ал-Қураний. Равзату-с-соликийн//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №5417; Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Форукий ан-Нақшбандий ас-Сарҳиндий, Имом Раббоний. Маорифи ладунийя//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №482/III; Абу-л-Мухсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Ҳазрати Хожаи Бузург// Ўз.ФАШИ. Қўлёзма № 9519; Аҳмад Форукий ас-Сарҳиндий. Мактуботи Имоми Раббоний//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №482/VIII; Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал-Форукий ас-Сарҳиндий. Ал-мабдау ва-л-маъод//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №482/II;Муҳаммад Тохир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий. Хужжату-с-соликийн ва роҳатут-толибийн//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №855/II; Сўфи Оллоёр ибн Оллоқули. Муроду-л-орифийн//Ўз.ФАШИ.

Шўролар даврида Нақшбанд тасаввуфи, тарихи, тушунчалари ва унинг яссавиядан фарқи ҳақида Иброҳим Мўминов «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари», «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти масалаларига доир (X-XX аср бошлари)», «XIX аср охири – XX аср бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан» ва «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» илмий асарларида фикр юритган⁵.

Собиқ шўролар иттифоқи парчалангандан сўнг нақшбандия таълимоти борасида жиддий тадқиқот олиб бориш бошланиб кетди. А.Муҳаммадхўжаевнинг «Нақшбандийлик мафкураси» (Тожикистон, 1991) монографиясида нақшбандийликнинг вужудга келиши, ижтимоий-сиёсий ва ғоявий манбалари ва тарқалишининг назарий асослари, сўфиёна амалиёт ва тадрижий тараққиётини таҳлил этган.

А.Муҳаммадхўжаевнинг бу тадқиқоти нақшбандийлик таълимотини тарихий-фалсафий таҳлил этишга бағишланган биринчи жиддий уриниш бўлганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Аммо шу билан бирга, асар камчиликлардан ҳам холи эмас. Чунончи, мазкур тадқиқотда, биринчидан, нақшбандийлик таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанднинг таржимаи ҳолини тўлиқ ўрганмаганлиги, иккинчидан, нақшбандия таълимоти масалаларини ёритишда марксистик мавқеда туриб, Ғарб олимларининг таъсирида ёндашганлиги сезилиб туради.

1991 йилда «Тасаввуф тарихидан: манбалар ва ижтимоий амалиёт» тўплами (Тошкент, Фан, М.М.Хайруллаев таҳрири остида) нашр этилди. Тўпланда Р.А.Тиллабоевнинг «Нақшбандия тариқати масаласига доир» ва Э.Э.Каримовнинг «Мовароуннаҳрда

Қўлёзма №496; Сўфи Оллоёр ибн Оллоқули. Саботу-л-ожизийн//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №7153/І; Шох Абдуллоҳ Мужаддий Ғулом Алишоҳ. Рисолаи тариқати нақшбандия//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №500/ХІІІ; Дарвеш Муҳаммад. Одоби тариқати нақшбандий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №545/VIІІ; Носириддин ибн Амир Музаффар. Тухфату-з-зойирийн//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2193/І; Шох Фазл Аҳмад Маъсумий. Сабакҳои тариқати олияи нақшбандий //Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2572/XXVI; Баъзе аз аҳвол ва ақволи ҳазрати Хожа Баҳоуддин Нақшбанд//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №550/III; Рисолаи Баҳоийя//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №11399/II; Мин мақомати аржуманд ва мақолоти судманди ҳазрати Баҳоу-л-ҳаққи ва—д-дини Нақшбанд//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №502/VIІ; Баёни тариқати нақшбандий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2908/IX; Зикри аҳволи Хожа Муинуддин ан-Нақшбандий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №2158/І; Маноқиби Шайх-Ҳолид Нақшбандий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №79/X; Баёни талқини зикри қалбий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №8812/IV; Таълими тариқаи нақшбандий//Ўз.ФАШИ. Қўлёзма №3424/І. ва бошқалар.

⁵Қаранг: Наврўзова Г. Тасаввуф фалсафаси академик И.Мўминов тадқиқотида // Биринчи Бухоро фалсафахонлиги. Материаллар тўплами. 1- Бўлим.-Бухоро: 1992. Б.-74-76. Наврўзова Г. Академик Мўминов нақшбандия сулукининг ғоявий манбаси хусусида // Иброҳим Мўминович Мўминов. Биринчи Бухоро фалсафахонлиги материалларига илова.-Бухоро, 1992. 18-бет.

XV аср нақшбандия тариқати сиёсий ва диний – фалсафий амалиётининг баъзи томонлари» мақолалари жой олган бўлиб, бу асарларда Хожа Аҳрорнинг тасаввуфий қарашларига эътибор берилган.

Нақшбандийлик тариқати асосчилари ва уларнинг таълимотини ўрганишда Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ⁶, Садриддин Салим Бухорий⁷, Ҳамидхон Исломий⁸, Нажмиддин Комилов⁹, Султонмурод Олим¹⁰, Иззат Султон¹¹, Азиз Қаюмов¹² ва бошқаларнинг¹³ хизматларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Таниқли тасаввуфшунос олим ва таржимон Нажмиддин Комиловнинг «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи» (1996 йил) асарининг биринчи ва иккинчи «Тасаввуф» (Т.:1999) китобининг чоп этилиши ўзбек тасаввуфшунослигида жиддий воқеа бўлди. Бу асарда сўфийликнинг пайдо бўлганидан бошлаб, унинг ривожланиш босқич ва поғоналари, адабиётимиздаги ўрни батафсил ёритилган. Асарда Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўли ва тариқати ҳақида жиддий маълумотлар борлигига қарамай, муаллиф ўз олдида нақшбандия таълимотини ўрганишни мақсад қилиб қўймаган.

Бу соҳада қилинган тадқиқотлар орасида шарқшунос олим Ориф Усмоннинг илмий-ижодий фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Олимнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида» рисоласи (Тошкент, 1995 йил), «Буюк сиймолар, алломалар, ўртаосиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар» тўпламининг 1-китобидаги «Баҳоуддин Нақшбанд» мақоласи билан

⁶Ҳожи Исматуллоҳ Абдуллоҳ. Нақшбандия – учение мировой значимости // Общественные науки в Узбекистане. – 1993. - № 9. – С. 54; Баҳоуддин Нақшбанд. // Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994.

⁷Садриддин Салим Бухорий. Дилда ёр. (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд). –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993; Баҳоуддин Нақшбанд ёки етти пир. –Тошкент: Ёзувчи, 1993.

⁸Ҳамидхон Исломий. Ипор хид ила туғилган ориф (Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд) –Тошкент: Мовароуннаҳр, -1995.

⁹Комилов Н. Икки ҳадис орасида // Жаҳон мулкининг нигоҳбони. –Бухоро: Маърифат, 1993. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Тошкент: Ёзувчи, 1996. –К. 1; Тасаввуф. Тавҳид асрори. –Тошкент: Ўзбекистон. 1999. К. 2.

¹⁰Султонмурод Олим. Ишқ, ошиқ, маъшук. –Тошкент: Фан, 1992 ; Буюк нақшбандия. Кеча, бугун, эртага. // Фан ва турмуш. –1993. –5-6- сонлар; Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳақиқати. –Наманган: 1994; Нақшбанд ва Навоий. –Тошкент: Ўқитувчи, 1996.

¹¹Иззат Султон. Баҳоуддин Нақшбанд абадияти. –Тошкент: Фан, 1994.

¹²Қаюмов А. Бу оҳанг ила бўлгайсен нақшбанд.. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993.

¹³Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; Бўриев О. Б.Валихўжаев. Хожа Аҳрори Вали. - Самарканд.; Зарафшон. 1993; Йулдошев Н. Баҳоуддин Нақшбанд (ҳаёти ва фаолияти, унинг ҳақида айрим ривоятлар). -Бухоро: Бухоро, 1993; Маҳкам Андижоний «Ҳикмат қалами-ла нақшбанд этиб» // Мулоқот. -9 сон. 1993. 44-бет; Шодиев Р. Навоий ва нақшбандия // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. -1993. -2 сон 41-бет; Ҳайитметов А. Нақшбандия Навоий талқинида // Фан ва турмуш. 1993 -3 сон.13-бет; Хожа Муҳаммад Порсо// Мулоқот. -1994. -1 сон. 52-бет; Ўша муаллиф. Хожа Алоуддин Аттор. - Тошкент: Ўзбекистон, 1994.23-бет ва бошқалар.

бирга 1999 йил Самарқандда Марказий Осиёни тадқиқ этувчи Халқаро институт томонидан нашр этилган «Марказий Осиёнинг энг йирик сўфий тариқатлари» асари диққатга сазовордир.

Нақшбандия таълимотини ўрганишда Султонмурод Олимнинг «Нақшбанд ва Навоий» асарининг нашр этилиши айтилиши айни муддао бўлди. Бу асарда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Увайсий» эканлиги масаласига алоҳида эътибор берилган. Азиз Қаюмов ва Иззат Султоннинг рисолаларида Нақшбанднинг таржимаи ҳолига оид айрим маълумотлар берилиб, ушбу таълимотнинг муайян қирралари таҳлил этилган.

Бу соҳага оид ўз фикр ва қарашларини баён этган файласуф олимлардан М.Болтаев¹⁴, А.Зоҳидий¹⁵, Р.Н.Носиров¹⁶, М.Орипов¹⁷, М.Ражабов¹⁸, М.Хайруллаев¹⁹ни эслаб ўтиш ўринлидир. Улар амалга ошираётган тадқиқотлар илмий қимматга эга.

Шарқда яратилган тасаввуф фалсафаси бир қанча тариқатларга бўлинган. Улар яссавия, суҳравардия, кубравия, кодирия ва бошқалар. Биз улардан нақшбандия тариқатини танлаб олдик ва тадқиқ қилдик. Лекин нақшбандиянинг бир ўзи тасаввуф фалсафасини ифодалай олмайди. Уни тариқатлар тизимида ўрганиш зарур. Бошқа тариқатлар ҳақида О.Файзуллаев²⁰, А.Ш. Жузжоний²¹ ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд таржимаи ҳоли рус шарқшунос олимлари томонидан ҳам тадқиқ этилган²². Санкт-Петербург

¹⁴Болтаев М. Дунёни англаган кўнгил // Саодат. -1993 -8 сон. 6-бет; Хўжа Абдулхолик Гиждувоний - инсондўст ҳаким, рифъат шайх. -Бухоро: Бухоро, 1994.

¹⁵Зоҳидий А. Туркистонда ўрта аср араб мусулмон маданияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993; Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти // «Дунё» журналининг нишона номери. -1993. 20-бет.

¹⁶Носиров Р.Н. Тасаввуф таълимоти, унинг моҳияти ва аҳамияти. (Ўқув қўлланма) - Тошкент:1996.

¹⁷Арипов М. К вопросу об отношении Алишера Навои к суфизму // Философские науки. -1986., -№ 5. - С. 99; Гуманизм Алишера Навои. - Тошкент:Узбекистан, 1991.

¹⁸Раджабов М. Абдурахман Джами и таджикская философия XV века. -Душанбе: Ирфон, 1968.

¹⁹Хайруллаев М. Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий тараққиёт (Уйғониш даври маданияти). - Тошкент: Фан, 1994; Ўрта Осиёда IX-XII асрларда маданий юксалиш // Буюк сиймолар, алломалар. - Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. -К-1. 5-бет.

²⁰Файзуллаев О.Ф. Шайх Зайниддин Бобо шажараси. // Фан ва турмуш. -1991.- № 10. 16-бет; Алишер Навоий мутасаввиф-файласуфлар ҳақида. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.- 1991.- № 11. 43-46-бетлар; Шайх Умар Суҳравардийнинг Тошкентдаги авлодлари шажараси. // Ҳаёт ва қонун. -1995.- № 2. 68-бет; № -4. 57-бет; Суҳравардия // Мулоқот - 1998 - №8 36-39-бетлар; Дустлигимиз замани - илдизимизнинг бирлигидир.(Ислоҳ ва насроний динлари намояндалари шажараси) // Жамият ва Бошқарув - 2000 - №1, 77-80-бетлар.

²¹Жузжоний А.Ш. Тасаввуф сирру асрори. // Мулоқот - 1998 - №8 .32-35-бетлар.

²²Акимушкин О. Джами. Эпоха, жизнь, творчество. -Сталинабад: Тадж.госиздат, 1949; Гордлевский В. А. Бахауддин Нақшбанд (К вопросу о наслоениях в исламе) //Избранные Соч. -М.: 1962. -Т. 3.; Его же. Нақшбандия // там же. С.187-188; Бертельс Е. Э. Суфизм и суфийская литература. - Москва: Наука, 1965; Его же. Нақшбанд Баҳоуддин//Ислам. Энциклопедический словарь. -Москва: Наука, 1991. - С. 186; Ситняковский Н. Бухарская святыня (Мазар Баҳоуддина) // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского Клуба любителей Археологии. Год четвёртый (1 декабря 1898 года -11 декабря 1899 года).

шарқшунослари нақшбандия таълимотига оид манбаларни таржима этиб, бу таълимотни ўрганишга муҳим ҳисса қўшганлар²³. Хисматулиннинг «Сўфийлар донолиги» асарига ёзган «Ислом мистицизми ва хожагон нақшбандия» кириш сўзида нақшбандияни хожагон тариқати жамоаларидан бири ва унинг тараққиётининг юксак чўққиси деб атайди²⁴. Хорижий мамлакатларда, айниқса, Туркия²⁵, Германияда²⁶ нақшбандия таълимотига оид тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинган.

Турк олимларидан Маҳмуд Асъад Жўшоннинг «Тасаввуф ва нафс тарбияси» (Чўлпон, 1998), «Ислом, тасаввуф ва ахлоқ» (Истиқлол, 2000) асарларида тасаввуфнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, нафс тарбияси ва комил инсон хусусиятлари ҳақида маълумот берилган ва нақшбандия таълимотига оид асосий тушунчалар ёритилган. Усмон Турар «Тасаввуф тарихи» (Истиқлол, 1999) китобининг аҳамияти, айниқса, каттадир. Китобда тариқатлар масаласига эътибор берилиб, тариқат тушунчаси, тариқатларнинг муштарак жиҳатлари, машҳур тариқатлар ва шу жумладан, нақшбандия ва унинг асосчилари ҳақида маълумот берилган.

Турк олимларининг тасаввуф ва нақшбандияга оид тадқиқотлари биз учун жуда қадрли, аммо уларда бу таълимотнинг диний ва амалий томонига эътибор бериш кучли бўлиб, унинг фалсафий жиҳатлари етарли даражада ёритиб берилмаган.

1989 йил Гамбургда немис олими Юрген Пауль «XV асрда Ўрта Осиёда нақшбандийлик ва унинг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти» мавзuida номзодлик диссертациясини ёқлаган. Бу диссертация асосан тарихий аспектда бўлиб, унда Ўрта Осиёда

XV асрда нақшбандия тариқати жамоасининг жойлашиши ва ўрни, Хожа Аҳрори Валийнинг фаолияти таҳлил этилган.

- Т.: 1900; Семёнов А. А. Бухарский шейх Бахоуддин. // Восточный сборник в честь Веселовского А. Н. -М.: 1914.

²³Мудрость суфиев/Пер. с перс. О. М. Ястребовой, Ю. А. Иоаннесьяна, Б. М. Бабаджанова. -СПБ: Азбука, Петербургское Востоковедение, 2001.

²⁴Ўша жойда. -Б.16-17.

²⁵Таҳсин Ёзувчи. Нақшбанд // Ислом энциклопедияси - Истанбул: 1954 -Т. 2 -Б52; Салжуқ Эройдин. Нақшбандия тариқати // Тасаввуф ва тариқатлар. - Истанбул: 1981. -Б.217- 235; Сиддик Нажи Эрен. Аллаҳа ва расулига энг яқин йўл. -Истанбул: Сеха, 1985; Хоний Абдулмажид. Ал-ҳадоиқ ул-вардия. (Нақшбандийларнинг китоби). Шоҳ асар /Арабчадан туркчага Абдулқодир Оқчичек таржимаси. -Истанбул: Сена, 1986; Шамсуддин Сомий. Қомус ул-аълум. -Истанбул: 1312 ҳ. й. - Т. 2 -Б.1412. Бухоро музейи. Инв. №10682/II; Мехмед Заҳид Кутки. Тасаввуфий ахлоқ. - Истанбул: Сеха, 1991. -Т. 1. ва бошқалар.

²⁶Аннемарис Шимел. Жонон менинг жонимда. Ислом оламида хотин-қизлар сиймоси/ Олмон тилидан Йўлдош Парда таржимаси - Т.: Шарқ, 1999.

Чет эл олимларидан А.Алгар²⁷, М.Моле²⁸, Ж.Гросс²⁹, Юрген Пауль³⁰ бу тариқат билан қизиқиб махсус тадқиқотлар олиб бордилар. 1990 йилда Париж ва Истанбулда инглиз ва француз тилларида, 1985 йил май ойида Парижда бўлган халқаро илмий анжуманнинг материаллари «Нақшбандия» тўплами нашрдан чиқди. Идрис Шохнинг сўфизмга оид асарларида³¹ нақшбандия таълимоти таҳлил қилинган. Инглиз олими Тримингэм Дж.С. «Исломда сўфий тариқатлари» (М.: Наука, 1989) асарида нақшбандия тариқати ҳақида қимматли илмий фактлар келтирилган. Ҳинд олими Р. К. Губтаннинг асарида ҳам диққатга сазовор фактлар бор³². Тиерри Зарконнинг «Ҳиндистонда туркий сўфизм: яссавия йўли»³³ мақоласида Ҳиндистондаги нақшбандийликни яссавийлик билан тенглаштириш майли кўзга ташланади.

Аҳмад ал-Нақшбандий ал-Холидийнинг «Жамиъ ал-усул фи ал-авлия» (Либнон-Бейрут, 1997) 3 томлик асарида нақшбандия тариқатининг хусусиятлари, мақоми ва ўзига хос томонлари очиб берилган.

М.Хайруллаев ва Ҳ.Алиқуловлар масъул муҳаррирлигида чоп этилган «Ислом, тарих ва маънавият» (Тошкент, 2000) тўпламидаги Б.Бобожоновнинг «Ислом, тасаввуф ва ҳукмдорларга насиҳат масаласи» мақоласида хожагон-нақшбандия тариқатидаги сиёсий қарашлар ривожини манбалар асосида ёритилган.

Мустақиллик йилларида нақшбандияга оид манбалар дастлаб қисқа парчалар ҳолатида, кейинчалик, бир неча китоблар таржима этилди. Бу тариқатнинг XIX аср охири – XX аср бошларигача

²⁷ Algar H. Bibliographical notes on the Naqshbandi tariqat. // Essays on Islamic philosophy and science ed. by G. F. Hourani. - Albany: 1975. -P. 254; Algar H. The Naqshbandi oder: a preliminari survey of its histori and significance. // Studia islamica. -Paris: G. -P. Maisonneuve -Larose, 1977. -P. 123; Algar H. A Brief History of the Naqshbandi Order. // Naqshbandis. - Istanbul-Paris: Edition isis, 1990 - P. 3; Algar H. The present State of Naqshbandi Studies. // Naqshbandis. - Istanbul-Paris: Edition isis, 1990 - P. 45; Algar H. Political Aspects of Naqshbandi Histori. // Naqshbandis. - Istanbul-Paris: Edition isis, 1990 - P. 123.

²⁸ Mole M. Autour du Dare Mansour: l'apprentissage mystique de Baha' al-Din Naqshband. -REI. 1959, 1, - p-35; Mole M. Quelques traites naqshbandis. // Нақшбандиёт. - Техрон: 1958.

²⁹ Jo-Ann Gross. The Economic Status of A Timurid Sufi Shaykh: A matter of Conflict of Perception. // Iranion Studies. Volime. XXI. -1988- Number. 1-2 - P. 84; Jo-Ann Gross. Multiple roles and perceptions of a sufi shaykh: Symbolic stataments of political and religious authority. // Naqshbandis. - Istanbul-Paris: Edition isis, 1990. - P. 109.

³⁰ Jurgен Paul. Forming a faction: the himayat system of Khwaja Ahrar. //Beihefte zu der Islam. and Turkmen Societies in Transitation: Iran in the fifteenth Centure»MESA Annual Meeting, Tronto, November 1989. - P. 533.

³¹ Идрис Шах. Мыслители Востока. / Перевод с англ. Х. Б. Номада. -Из-во «Лоризэн» Фирмы С. Е. Т. 1994; Идрис Шох. Нақшбандий тариқати. (ўзбек, инг., рус тилларида) - Тошкент: 1993; Идрис Шох. Суфизм. –М.: Кнышев, Комаров и К., 1994.

³² Gupta R. K. Yogis in silense. The Great Sufi Masters - Delhi, 2001.

³³ Thierry Zarccone. Turkish Sufizm in India: The Case of the Yassawiyya / Confluence of cultures. French Contributions to Indo-Persian Studies. Manohar. 1994 -P.83-92.

намояндалари ҳақида маълумот берувчи асар таржима этилиши диққатга сазовордир¹. Таржима бўлган асарларни ўқиб фалсафий таҳлил этиш, мавзуга оид мавжуд янги манбаларни аниқлаб, илмий жамоатчиликка тавсия этиш муаммоси ҳозирги кунда долзарб бўлиб турибди.

Чоп этилган тадқиқотларда, умуман нақшбандия таълимоти ҳақидаги дастлабки маълумотлар бор, лекин бу таълимот моҳияти ва хусусиятлари ҳали етарли даражада ўрганилмаган. Уларнинг айримларида нақшбандия тариқатининг асосан, ўн битта рашҳаси атрофида фикр юритилади. Шунинг учун таълимотни яхлит тизимли ўрганиш зарур.

Мақсад нақшбандия тасаввуфий тариқатининг мазмунини таҳлил этиш, унинг фалсафа тарихидаги ўрнини ва миллий истиқлол мафкурасининг илдизларидан бири эканлигини асослаб бериш, баркамол авлод тарбияси жараёнида булардан фойдаланиш даражаларини тадқиқ этишдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни баҳоли қудрат амалга ошириш назарда тутилади:

– тасаввуф ва тариқатлар тушунчасини илмий таҳлил этиш асосида нақшбандия таълимотининг асл моҳиятини тадқиқ қилиш;

– манбалар асосида нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти, фаолияти ва илмий меросини таҳлил этиш. Унинг «Авроди Баҳоийя» рисоласи ва бошқа манбалар асосида тасаввуфий дунёқараши мазмунини қиёсий ўрганиш;

– бу таълимотнинг асосий масалалари – «вахдати вужуд», «вахдати шуҳуд», инсон ва унинг камолоти даражаларини очиб бериш;

– инсон камолотида нафснинг ўрни ва унинг тарбиясига оид нақшбандия таълимотининг муҳим жиҳатларини ёритиш;

– нақшбандияда эътиборли мақом касб этган инсон руҳий камолотига доир масалаларнинг мазмунини очиб бериш;

– огоҳлик талаби ва «хилват дар анжуман» тамойилини инсон камолоти учун аҳамиятини таҳлил қилиш;

– нақшбандия таълимоти ва амалиётининг баркамол инсон тарбиясидаги ўрнини кўрсатиб бериш ва уларни ҳаётга тадбиқ этишнинг услубларини тавсифлаш;

¹Васлий Сайид Аҳмад. Назм-ус-силсила./тарж. Б.Мухиддинова. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2001-120-бет

– миллий истиқлол ғояси ва мафкураси шаклланишида
нақшбандийликнинг ўрнини аниқлаш.

I БОБ. ТАСАВВУФ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ

1.1. ТАСАВВУФ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Нақшбандия тасаввуфий таълимотдир. Унинг моҳиятини англаш учун тасаввуф тушунчасини билиш зарур.

Тушунча предмет ва ходисаларнинг зарурий белги ва хусусиятларини умумлаштирган, мавҳумлаштирган ва айни чоғда аниқлаштирилган фикрий образдир. Биз тадқиқотларда берилган таърифлар асосида тасаввуфга хос зарурий белги ва хусусиятларни умумлаштириб, мавҳумлаштириб, аниқлаб унинг илмий тушунчасини беришга ҳаракат қилдик.

Тасаввуфга баҳо беришда кўпинча таълимотнинг таърифи эмас, балки унинг мазмунини очишга эътибор қаратилган ва бу сўзнинг келиб чиқиши қуйидагича изоҳланган:

а) Тасаввуф сўзи «Асҳоби суффа»дан пайдо бўлган. Бу нуқтаи назарга кўра, сўфийлар ҳолу ҳаракатлари билан асҳоби суффага ўхшайдилар.

б) Тасаввуф калимаси «сафф»дан пайдо бўлган. Сўфийлар Аллоҳнинг розилигига мувофиқ яшаганликлари туфайли охирада Аллоҳ ҳузурини олдинги сафда турадилар.

в) «Бану суфа»га нисбат берилиб, сўфий дейилган. Бану Суфа Мудор қабиласидан Каъбатуллоҳга хизмат қилиб, Аллоҳ розилиги учун халққа хизмат қилган ва астойдил ибодатга берилган сулоланинг исмидир.

г) Сўфий сўзи «сафо»дан келиб чиққан деб айтилади. Бундай қарашга кўра, сўфий дунёвий кирлардан қалби тозаланиб, поклангани учун ушбу номга сазовор бўлган. Имом Қушайрий ушбу қараш тарафдори.

д) Тасаввуф, бир ёқлама бўлиш, юз ўгириш маъноларини билдирувчи «савф» сўзидан олинган дейилади. Аллоҳга эришганлар мосиводан юз ўгирганлари учун уларга сўфий, юрган йўлларига эса тасаввуф дейилган.

е) Сўфий калимаси юнонча «ҳикмат» (фалсафа) маъносини билдирадиган «софос-софия»дан олинган. Умар Фарид Кам (1861—1944) «Ваҳдати вужуд» асарини (76 бет), Шамсиддин Сомий эса «Қомуси туркий» асарининг «тасаввуф» ва «сўфий»

моддаларида ушбу фикрни ёқлайдилар. Шайх Сафват Йеткин ҳам шу нуқтаи назарни ҳимоя қилади³⁴.

Исмоил Ҳаққий Измирли эса бу нуқтаи назарни рад этиб, куйидаги далилларни илгари суради. Зоҳидлик йўлига сулук қилган кишиларнинг «сўфия» исми билан машҳур бўлишлари, юнонча асарларнинг таржима қилиниши ва фалсафанинг мусулмон орасида тарқалишидан аввал содир бўлган. Малик ибн Динор, Робия Адавия, Шақиқ Балхий ва Фузайл ибн Аёз шундай кишилардандир. Илк бор сўфий исми билан аталган зот 767 йилда вафот этган Абу Ҳошимдир. Бундан ташқари сўфий номи юнончадан олинганда эди, унинг истеъмолга кириши юнон китобларининг таржима қилиниши билан фалсафа лафзининг тарқалишидан кейин рўй берган бўларди.

ж) сўфий калимаси жун, юнг маъносидаги «суф» сўзидан олинган. Рангсиз, дағал жундан тикилган либос киймоқ у даврларда гуноҳдан пушаймон бўлишнинг аломати эди. Муҳосибийнинг фикрича, жунли либос кибрни ўлдириб, одамни камтарин қилади. Малик ибн Динор, Утба ва Суфёни Саврийларнинг жунли либос кийганликлари ривоят қилинади.

«Ғиёс-ул-луғот»да тасаввуф сўзига изоҳ берганда жунли либос киймоқдан келиб чиққан ва унинг маъноси нафсоний истаклардан пок бўлмоқ ва бутун оламдаги нарсаларни ҳақни зуҳури деб билмоқдир деб таъкидланган. Яна тасаввуф савф сўзидан келиб чиққанки, унинг маъноси бир томонга юз бурмоқ эканлиги ва Ҳақ йўлига кирганлар бир томонга юз бурганлари учун уларни тасаввуф дейдилар, деб ёзилади³⁵.

Турли хил талқинлар ва қайси сўздан келиб чиққан бўлишига қарамай, «сўфий» калимаси сўфийлик сифатига эга кишилар гуруҳининг номи бўлиб, сўфийлик йўлини танлаган киши «сўфий», у юрган йўлга эса «тасаввуф» дейилган. Биз учун тасаввуфнинг асл моҳияти масаласи муҳимдир. Бу ҳақдаги қарашлар турличадир:

Кўпинча тасаввуфни мистика, зоҳидлик ва пантеизм билан боғлиқ деб қараш мавжуд бўлган. Тасаввуф «исломдаги мистик оқим»³⁶, «исломдаги мистик – зоҳидона оқим»³⁷, «ғарбий ислом оламида мистицизм, шарқий исломда (форс ва форс ҳинд)

³⁴Ироқий Фаҳриддин. Ламаот / Сафват Йеткин таржимаси.-Истанбул: 1985-5-бет.

³⁵Ғиёс-ул-луғот: Иборат аз се жилд. -Душанбе: Адиб. 1-жилд . Алиф-шин.1987. 196-бет.

³⁶Философская энциклопедия.М.1970.Т.5.С.164.

³⁷Кныш А. Д. ат-Тасаввуф /Ислом.Энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1991.-С.225.

пантеистик теософия»³⁸, деб баҳо берилган. Тасаввуфни «исломдаги диний – мистик оқим»³⁹, деб қараш ҳозир ҳам мавжуд. Мистика лотинча сўз бўлиб «яширин, тилсиз, оғиз очмаслик ва кўз юмиш» деган маънони беради. Шарқда ҳиндуизм ва бутпарастлик, Ғарбдаги мистицизм билан тасаввуфнинг баъзи ўхшашликлари бўлса-да, аммо у ўзига хос хусусиятга эга бўлган таълимотдир. Тасаввуф билан ғарбу шарқ мистицизми ўртасидаги фарқлар куйидагича:

1. Мистицизмнинг икки характери бор: Пассивлик (ҳаракатсизлик) ва метод (усул) сизлик. Мистицизмда инсоннинг пайдо бўлиши ва борар манзили маълум эмас. Тасаввуфда бидоят (ибтидо) ва ниҳоят, бошланиш ва камол топишга эришув ва бу йўлда қўлланилган метод муҳим аҳамият касб этади. Мистицизмда ҳаракат ва ғайратга эҳтиёж йўқ, кишининг яратилиши имконияти кифоядир.

2. Мистицизмда шайхга боғланиш асоси йўқ. Тасаввуфда эса сайру сулук бир муршид ҳузурида бошланади ва бунга «иккинчи туғилиш» дейилади.

3. Мистицизмда муршидлар силсиласи йўқ. Ҳолбуки тасаввуфий тарбиянинг энг муҳим унсурларидан бири силсиладир.

4. Мистицизмда муршид бўлмагани сабабли аврод, азкор (кундалик ўқиладиган дуолар, зикрлар) ҳам йўқ. Ҳолбуки сайру сулук шайх тайинланган ва белгилаган чизги йўл узра жараён этади ва ташқарига чиқилмайди.

5. Мистицизмда юқорида айтилгандек, истеъдод ва қобилият кифоядир. Тасаввуфда эса интисоб – шайхга боғланиш, бир-бирини тақозо этувчи уч босқични намоён этади:

а) кишининг истеъдоди; б) бу истеъдод ва қобилиятнинг кучайиши ва ривожланишини таъминловчи илоҳий нур ва файзнинг берилиши; в) шайх, зикр, риёзат каби ёрдамчи унсурлар орқали мақомларни бирма-бир ошиб ўтиб, вуслатга ва ваҳдатга эришуви.

6. Мистицизмда техник қоидалар йўқ. Ҳолбуки, тасаввуф тариқатларида одоб-аркон деган махсус усуллар мавжуд бўлиб, киши бу техник усуллардан фитратига энг мувофиқ бўлганини танлайди ва ўша тариқатга киради. Тариқат алмашиш ҳодисаси ҳам шунга асосланади.

³⁸Энциклопедический словарь. Изд. Бронгауза и Ефронга СПб. 1901. Т.32.С.129.

³⁹Из истории суфизма: Истоки и социальная практика-Тошкент: Фан, 1991. С.5.

7. Аврод-азкор мистицизмда шарт эмас. Мистик одам қилган ибодатлар ҳар ким ҳам бажараверадиган ибодатлардир. Тасаввуфда эса шайхнинг тавсиясига кўра мурид муайян вақтларда зикру тасбеҳот билан шуғулланади.

8. Мистиклар пировардида «илмал яқин» даражасига кўтарила оладилар. Сўфийлар эса «айнал яқин» дан ўтиб, «ҳаққал яқинга» – комил инсон нуқтасига эришадилар.

9. Мистик ҳолларда экстаз-важд (ўзини йўқотиш) муҳим хусусият, солиқ учун эса ботиний (ҳолат) асосдир.

10. Мистицизмда босқичлар йўқ. Тасаввуфда эса пирамидасимон тизим (мақомлар тизими) бор. Ҳамманинг ўз ўрни – мақоми бор.

11. Мистицизмда изтироб асос қилиб олинган. Тасаввуфий тарбияда эса бу усулга вақти-вақти билан мурожаат этилади, бироқ махсус аҳамият касб этмайди.⁴⁰

Тасаввуфни ўрганиш ва таъриф беришнинг барча ҳолларида уни Ҳақиқат билан боғлайдилар. Ҳақиқат муҳим фалсафий тушунча бўлиб, уни билишга оид ҳиссий, рационалистик ва иррационал қарашлар мавжуд. Барча инсонларнинг борлиқни билишининг асосий мақсадларидан бири Ҳақиқатни билишдир. Ҳақиқат тўғрисида фалсафий таълимот – инсон билимларида борлиқнинг тўғри инъикос этиши, предмет ва ҳодисалар асли қандай бўлса, уларни инсон ўз миясида худди шундай сиғдира олган билимларидир, деб таъриф беради. Файласуфлар Ҳақиқат – бу борлиқдаги предмет ва ҳодисалар ёки уларнинг белги ва хусусиятларининг ўзи эмас, балки улар ҳақидаги инсон билимларининг ўша предмет ва ҳодисаларнинг белги ва хусусиятларига мос келишидир, деб айтадилар.

Тасаввуф таълимотида Ҳақиқат илоҳий зотни билишдир. Илоҳиёт ақл ўлчовларидан баландда турадиган илмдир. Фақат инсон кўнгли ирфон маҳзанидир. Шунинг учун бу таълимот кўнгил орқали инсон ўз асли бўлган Ҳақиқатни била олади деган фикрда туради ва тасаввуфни моҳиятан ҳақиқат деб қарайди. «Тасаввуф ҳақиқатни билишдир»⁴¹ деб таъриф берилган, фақат бу билишнинг эзотерик, яъни ботиний томони эканлиги қайд

⁴⁰Қаранг: Мустафо Кара.Тасаввуф ва тарикатлар тарихи. Истанбул.1985.15-бет, Мустафо Таҳралининг «Франсалик мусулмон Абдулвоҳид Яҳё (Рене Генон) нинг асарларида тасаввуф ва мистицизм фарқи» // Куббаолти академик мажмуаси, N4. октябрь, 1981) номли мақоласидан. Иқтибос Усмон Турарнинг «Тасаввуф тарихи» (Т.:Истиклол,1999.)дан олинди. 31-бет.

⁴¹Профессор Инайят-Хан. Суфийское послание о свободе духа.М.1914.-С.22., Джавад Нурбахш. Таверна среди руин. Семь эссе о суфизме. Перевод с англ. В.М.Тираспольский.-М.НВР,1993- С.7.

этилган. Ўрта асрлар фалсафий-ирфоний истилоҳида нузул ва сууд ёки уруж тушунчалари мавжуд бўлиб, биринчиси вужуднинг вужудга келиш мартабаларини, иккинчиси моддий олам мавжудотларининг камол даражаларини ифода этади, маънавий оламнинг сайри билан боғланади. Форобий, Ибн Сино, Носириддин Туси ва бошқалар нузул, яъни моддий оламни вужудга келиш масалаларини тадқиқ этишга махсус эътибор берганлар. Мутасаввифлар бўлса, маънавий оламга юз тутиб, инсоннинг маънавий камолоти йўл ва усуллари, яратувчини дарк этишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Яъни тасаввуф инсонни энг мукаммал мавжудот деб, унинг руҳий камолоти йўллари, яъни ҳақиқатга етиши ҳақидаги билимдир. Бу жараёнда кашф ва шухуднинг ўрни катта. Кашф ва шухуд учун инсон ўзи билан асл жавҳари орасидаги ҳижобни кўтариш-қалбни поклаши, қалбни ифлосликлардан тозалаши, қалб ва азалий ҳақиқат орасидаги тенгсизликни йўқотиши, қалб ва ҳақиқат орасидаги ҳижобларини йўқотиши зарур. Тасаввуф ҳақиқатни билиш жараёнида булар амалга ошади.

Тасаввуфни «ҳаракат»⁴² деб таърифлаш ҳам мавжуд. Уни «Ҳақиқатга томон, мутлаққа томон ҳаракат»⁴³ дейилади. Баҳоуддин Нақшбанд бундай ҳаракатни «мукаммал ҳаракат»⁴⁴ дейди. У ўзининг шу хусусияти билан барча ҳаракат турларидан кўра олий ва юксак даражада туриши маълум бўлади.

Ибн Арабий тасаввуф ҳақида шундай деган экан: «Тасаввуф-ёмон ахлоқдан парҳез қилиш орқали илоҳий сифатлар нурига етишдир»⁴⁵. Шайх Ҳаририй ҳам шунга яқин фикрни баён этган: «Тасаввуф-яхши ва олий хулққа кириш ва паст хулқдан чиқишдир». Муҳаммад бин Али Қассоб – «Тасаввуф ахлоқи каримадан иборат»⁴⁶ деган. Демак, тасаввуфнинг моҳияти инсонни илоҳий ахлоқли бўлишини таъминлашдир. Шунинг учун бўлса керак, тасаввуфни «мактаб»⁴⁷ деб таърифлаб Илоҳий ахлоқни ҳаётга тадбиқ этиш мактаби эканлиги, у маърифатли қалб, кашф ва шухуд билан иш юритиши таъкидланади. Илоҳий этика бўлса, ижтимоий келишув этикаси бўлмасдан, на ижтимоий шароитлар ва на «бозор»нинг иштиёқмандлари билан боғлиқ бўлган Илоҳий

⁴²Джавад Нурбахш. Таверна среди руин. С.19.

⁴³Ўша ерда.

⁴⁴Муҳаммад Боқир. Мақомот- 70-бет.

⁴⁵Иқтибос олинди. Нажмиддин Комилов. Тасаввуф. 142-бет.

⁴⁶Ўша ерда.

⁴⁷Джавад Нурбахш. Таверна среди руин. С.7.

сифатлар эканлиги кўрсатилади. Джавад Нурбахш тасаввуфни «Илоҳий этика»⁴⁸ деб таърифлаб, бу йўлнинг Пири, муршиди сўфий қалбини илоҳий сифатлар билан безатиш учун ҳаракат қилади, дейди. Шунингдек, тасаввуфни «эркин бўлиш, озод бўлиш мактабидир»⁴⁹, деб таъкидлайди.

Алишер Навоий тасаввуфни «тариқ», яъни «йўл» деган. У «Фавойидул Кибор» асарида тасаввуфни хилофу ихтилофи бўлмаган зухд, тақво, тоат эмас риёсиз холис, соф тавҳидга элтувчи йўл, дейди:

Бировга мусаллам тариқи тасаввуф,
Ки зотида мавжуд эмасдур тахаллуф⁵⁰.

Амир Ҳусайн ҳам «Тўхфаи Аббоси» асарида тасаввуфни «йўл» деб таърифлайди ва «Ҳеч роҳе аз тасаввуф пеш нест», деб:

«Соф шав бо ҳаққ ниҳону ошкор,
Сўфиёни софро ин аст кор»⁵¹.

Яъни:

«Тасаввуфдан олдинда бўлган йўл йўқ».
«Ботининг ва зоҳирингни Ҳаққ билан пок айла,

Соф бўлган сўфийларнинг иши шудир»деб ёзган.

Тасаввуфга нафсни бўйсундирувчи, инсонни эгоцентризм ва худбинликдан қутқарувчи⁵² деган қараш ҳам мавжуд. Яъни бу йўл инсоннинг ўз аслини танитади. «Ўзини таниган, Парвардигорни танийди» деган сўз тасаввуф аҳли ўртасида машҳурдир. «Тасаввуф шундай йўлки у худбинликдан қалбга этади ва тавҳид ҳукмронлигида тугайди. Бу хосларнинг йўлидир»⁵³ деган таъриф бор.

Маҳмуд Асъад Жўшон ҳам тасаввуфни «йўл» деб шундай таъриф беради: «Тасаввуф фавқулудда юксак даражадаги йўл бўлиб, кишини комил инсон даражасига кўтаради»⁵⁴. «Тасаввуф динимизнинг ўзаги, негизи ва унинг ҳақиқий маъноси комил инсон

⁴⁸ Джавад Нурбахш. Беседы о суфийском пути. С. Москва.: Прицельс, 1998 — С.129.

⁴⁹ Ўша ерда. 149.

⁵⁰ Қаранг. Ҳаққул И. Тасаввуф ва шеърят.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991 3-бет.

⁵¹ Иқтибос олинди. М.Ҳазраткулов. Тасаввуф.- Душанбе: Маориф. 1988. 75-бет.

⁵² Джавад Нурбахш. Беседы о суфийском пути. Москва: Прицельс. 1998-С.51.

⁵³ Ўша асар. 154-бет.

⁵⁴ Жўшон М.А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. Тошкент: Чўлпон. 1998 24-бет.

бўлиш йўлидир»⁵⁵. Тасаввуф жамиятга Илоҳий Раҳмат (файз, барака, хайр)ни етказувчи «восита»⁵⁶ (асбоб, ускуна) деган таъриф ҳам мавжуд. Демак, у орқали жамият Раҳмат нурига муяссар бўлади.

Тасаввуфга дунёқараш деб қараш ҳам мавжуд. Акимушкин тасаввуфга «дунёқараш» деб таъриф беради ва шундай ёзади: «Тасаввуф – ислом доирасидаги махсус мистик, диний-фалсафий дунёқараш бўлиб, унинг намояндалари шахсий психологик тажриба орқали Тангри билан инсоннинг руҳий мулоқоти (мушоҳада ёки бирлашиши) мумкин деб ҳисоблайди»⁵⁷.

Умуман дунёқарашлар афсоналарга асосланган, диний ва фалсафий деб бўлинади. Тасаввуф бўлса шундай дунёқараш эканки, уни диний-фалсафий деб таърифляптилар, яъни у соф диний ҳам эмас, соф фалсафий ҳам эмас, балки диний-фалсафий дунёқарашдир. Унда ҳурфикрлик, руҳнинг озод, эркин бўлишига интилиш жуда кучли.

Тасаввуфни тақволи бўлиш деб тушуниш ҳам мавжуд. «Тасаввуф-тақво билан амал этиш демакдир»⁵⁸. Тасаввуф аҳлининг қалби риё, уjb, кибр, ҳасад ва бутун ёмон хислатлардан холи, тозадир.

Кўп тадқиқотларда тасаввуфга «илм» деб таъриф берилган. Нажмиддин Комилов тасаввуфни «илми ваҳдат», «илми тавҳид»⁵⁹ деб таърифлаган бўлса, М.А.Жўшон «нафс тарбияси илми»⁶⁰, «ботиний фикр илми», «қалб аҳволи илми»⁶¹ деб тавсифлаган. У тасаввуфни нафс тарбияси илми деб, Аллоҳни билиш ва таниш (маърифатуллоҳ), унинг ризолигига мувофиқ холисона бандалик қилиш илмидир, ва «илмларнинг энг шарафлиси ва исломнинг ўзаги, моҳияти ва ҳақиқати»⁶², дейди.

Тасаввуфни илм деб баҳолаш билан бирга унинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари борлиги кўрсатилган:

1.Тасаввуф тажриба орқали ҳис қилиб, яшаб, англашиладиган ҳол илмидир. Мутасаввифлар дин илмини иккига бўладилар.

⁵⁵Ўша ерда. 28-бет.

⁵⁶Джавад Нурбахш. Таверна среди руин.С.19.

⁵⁷Акимушкин О.Суфийские братства: Сложный узел проблем./Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе.-М.:Наука,1989.-С.4.

⁵⁸Умар Фарук Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. Тошкент: Мовароуннахр, 2000 46-бет.

⁵⁹Комилов Н.Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.К.1. Тошкент: Ёзувчи.1996..4-бет.

⁶⁰Жўшон М.А.Тасаввуф ва нафс тарбияси.- Тошкент: Чўлпон,1998. 28-бет.

⁶¹Ўша асар.32-бет.

⁶²Ўша асар.28-бет.

1) Зоҳирий илм («қол илми) 2) ботиний илм («ҳол»илми), буни «ирфон» деб ҳам атайдилар. «Ирфон»га эга бўлган сўфийлар «ориф» деб аталган.

2. Тасаввуф амалда қўлланадиган бир илм бўлганидан муршид ёки шайх (ёки Пири комил) дейиладиган устоз хузурида ва унинг тарбияси остида ўрганилади.

3. Тасаввуф илмининг мавзуси маърифатуллоҳдир.

4. Тасаввуф сирларини ўргатган муршид ёки шайх (ёки пир) деган кишининг ҳазрати Пайғамбаримизга уланадиган, узилиб қолмаган бир силсилага соҳиб бўлиши керакдир.

5. Тасаввуф китобий бир илм эмас. Яъни бирор киши тасаввуфга доир ёзилган китоблар ўқиб, (Пир ва унинг кўрсатмасини бажармасдан) шайх ва сўфий бўлолмайди.

6. Тасаввуф кўз билан кўрадиган бу шаҳодат ва носут олаmidан ташқари, ғайб олаmidан баҳс этади.

7. Тасаввуфга, тариқат деб аталган ва Аллоҳга етказадиган ўзига хос йўллар билан кирилади⁶³.

Тасаввуф илмининг истилоҳлари – «нафсни танимоқ», «қалбидан огоҳ бўлмоқ», «нафсни покламоқ», «мукошафа», «мушоҳада», «мақомлар», «ҳоллар», «қурбият», «мууроқаба», «вусул», «фано», «бақо», «сукр», «сахв», «ишорат», «илҳом» ва бошқалардир. Тасаввуфни тафсир, ҳадис, калом, ақоид ва фикҳ илмлари каби шаръий бир илм деб баҳоланади.

Тасаввуф илми марказлари хонақоҳлар бўлган. Мадраса зоҳирий билим саналган шариат қонун-қоидаларини ўқитиб, ўргатиб, муллалар етиштирадиган диний дорулфунун ҳисобланади. Хонақоҳ эса тасаввуф аҳлининг илмий баҳс ва мунозара «маслаҳатлашиш» жойи эди. Мадраса ўқувчилари «қол» аҳли бўлсалар, хонақоҳдаги тасаввуф аҳли «ҳол» аҳли деб аталган. Мадрасадагилар, ҳатто мусулмонларнинг бир қисминигина жаннат аҳли ҳисобласалар, хонақоҳдагилар барча миллатга бир кўз билан караб, самимий, олижаноб туйғулар билан фикр билдирадилар⁶⁴. Тасаввуф илми ривожига Нодир Девонбеги, Файзобод, Хожа Зайниддин, Баҳоуддин Нақшбанд ва бошқа хонақоҳлар катта ҳисса қўшишган.

Тасаввуфга «ботиний фалсафа»⁶⁵ деган таъриф ҳам мавжуд. «Тасаввуф «вахдати вужуд»хамирида қорилган, «неоплатонизмдан

⁶³Қаранг: Комил Йилмаз. Тасаввуф ва тариқатлар. Истанбул, 1997.20-бет.

⁶⁴Қаранг: Шорасул Зунун. Тасаввуф./Дурдоналар хазинаси. - Тошкент: Шарқ, 1999 176-бет.

⁶⁵Шорасул Зунун. Тасаввуф илми хусусида. /Дурдоналар хазинаси. - Тошкент: Шарқ, 1999 –169-бет.

илҳом олган ва дин либосида ўралган ботиний фалсафадир»⁶⁶. У кашф, илҳом, мушоҳада, илоҳий ишқ воситаси ила ҳақиқатга етишга асосланади.

Тасаввуфни Н.Комилов ва Иброҳим Ҳаққул «таълимот»⁶⁷ деб атаसा, М.Степанянц «диний-фалсафий система»⁶⁸, М.Ҳазраткулов – «диний-фалсафий оқим»⁶⁹ дейди. Профессор Инайят-Хан тасаввуф «диний фалсафа»⁷⁰ деб таъриф берган. У тасаввуфни Муҳаббат, Уйғунлик ва Гўзалликнинг диний фалсафаси деб таърифлайди. Тасаввуф пок, софлиги учун, ихтилоф, қарама-қаршилик, жаҳолат, ифлослик, худбинлик, фанатизм, каставий, диний, ирқий, миллий тафовутлардан йироқлиги учун Муҳаббат, Уйғунлик ва Гўзаллик диний фалсафасидир. Унинг мақсади инсон қалбини шу даражада ёритишки, унда оламни яратишнинг гўзаллиги акс этса, ва бу уни камолотга етишга эриштирса, ҳамда у имкони борича Илоҳий Уйғунликни инъикоси-акс эттирувчиси бўлса. Профессор Инайят-Хан тасаввуфни исломнинг руҳи деб аташ мумкин бўлганидек «барча динлар ва фалсафий қарашларнинг Пок моҳияти»⁷¹ деб аташ ҳам мумкин дейди.

Тасаввуф инсонийлик устида баҳс этиш, кишиларга унинг нафси борасидаги энг зарур маълумотларни, бошқа инсонлар билан муносабатлардаги энг муҳим ижтимоий одобни, банда билан Парвардигор орасидаги боғланишда унга фойда ва зарар берадиган нарсаларни ўргатиш орқали исломни моҳиятини англайтиши билан бир томондан, фикҳ илмига, бошқа жиҳатдан, тиббиёт илмига ўхшаш эканлигини кўрсатилади. «Тасаввуф – «фикҳи ботин» деб аталади, яъни «инсоннинг ички олами Аллоҳ ризолигига мувофиқ бўлиши учун, савоб топиши учун, гўзал ахлоққа эга бўлиши учун риоя қилиш керак бўлган қоидалар, асослар нималардан иборатлигини тасаввуф илми ўргатади»⁷².

Ал Жазарий бўлса «мен тасаввуфни инсонни маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларни муолажаси учун энг таъсирчан бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофида тўплайдиган ўта фойдали ва ўзига мустақил илм ўлароқ кўраман»⁷³ – дейди.

⁶⁶Шорасул Зунун. Тасаввуф илми хусусида. /Дурдоналар хазинаси. - Тошкент: Шарк, 1999 –169-бет.

⁶⁷Комилов Н.Комиллик тариқати // Тафаккур – 1998 – 1-сон 56-бет. Ҳаққул И.Тасаввуф ва шеърят.- Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991-3-бет.

⁶⁸Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма. – М.: Наука, 1987-С.3.

⁶⁹Ҳазраткулов.Тасаввуф.-Душанбе.Маориф.1988-3-бет.

⁷⁰Проф.Инайят-Хан.Суфийское послание духа.-С.9,30.

⁷¹Проф.Инайят-Хан. Суфийское послание духа.-С.31.

⁷²Жўшон М.А.Тасаввуф такво йўлидир. // Қалб кўзи. 1999йил декабрь.

⁷³Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал Жазарий.Тасаввуф сирлари.- Тошкент: Мовароуннаҳр.-1999 4-бет.

Ал Жазарий тасаввуфнинг зоҳирни нурлантириш, сурат ва сийратни поклаш ҳақида маълумот берадиган илм ва унинг мавзуси инсон ва хусусан инсонийлик эканлигини кўрсатади.

Инсон ўз ҳис-туйғулари билан ўз қўл-оёқларини боғлаб қўяди. Инсон камолоти учун, энг аввало ундаги оғриқ фикрлаш жараёнларини даволаш, ундаги ҳис-туйғуларни ўзгартирмоқ лозим. Инсоннинг фикрлаш жараёни соғлом бўлган вақтдан бошлаб у ҳақиқатни тушуна бошлайди. Тасаввуф инсонни руҳий даволайди. Тасаввуф «...руҳий бўҳронларни баён этиб, лозим бўлган дорилар ва энг муҳим бўлган чора-тадбирларни тавсия қилиб, маъсият ила қопланган хаста нафсларни даволайди ва ҳақли равишда қалбий ёхуд нафсоний тиббиёт номини олади»⁷⁴. Бошқа ерда яна «тасаввуф қалб ва руҳ хасталикларини даволовчи ҳақим»⁷⁵ деб таъкидланади.

Тасаввуф инсон қалбини маънавий кирлардан тозалайди. «Тасаввуф тоза-покизаликни амалга оширган бир малҳам»дир⁷⁶. Тасаввуф чиркин ва нохуш деб билган маънавий касаллик ва кирлардан халос бўлишга чорловчи «ҳаётбахш манбадир»⁷⁷.

Усмон Турар ҳам тасаввуфни илм деб қуйидагича таъриф берган: «тасаввуф инсон қалбидаги ёмон сифатлардан халос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалбдаги эзгу сифатлар ва уларни қўлга киритиш йўллари кўрсатувчи, маънавий мартабани босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмоқ қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят тавҳид сирларини баён этувчи бир илмдир»⁷⁸ ёки «тасаввуф Жаноби Ҳақ розилигига эришиш ва абадий саодатга ноил бўлиш учун нафсни тарбиялаш, ахлоқни гўзаллаштириш ва фикҳга муқобил «ботиний фикҳ илми, нафсни поклаш илми» дейди. Тасаввуфни нафсни тарбиялаш илми эканлиги: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амал эканлиги кўрсатилади.

Усмон Турар тасаввуфни «Ҳол» илми дейди ва имон, эҳсон, Ҳақни таниб билиш каби исломнинг ботиний жиҳатлари унинг мавзусини ташкил этишини кўрсатади.

Тасаввуфни «ботин фикҳи» дейиш билан Жўшон «қалб фикҳи» иборасини ҳам ишлатади, «бу илм қалбларнинг фикҳидир, ботин фикҳидир»⁷⁹, дейди.

⁷⁴Муҳаммад Нуруллоҳ Сайдо ал Жазарий.Тасаввуф сирлари.- Тошкент: Мовароуннаҳр.-1999 5-бет.

⁷⁵Ўша ерда. 9-бет.

⁷⁶Умар Форук Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. - Тошкент: Мовароуннаҳр, 2001 46-бет.

⁷⁷Ўша ерда.

⁷⁸Турар Усмон.Тасаввуф тарихи.- Тошкент:Истиқлол.1999-18-бет.

⁷⁹Турар Усмон.Тасаввуф тарихи.- Тошкент:Истиқлол.1999-34-бет.

Шаҳобиддин Сухравардий «тасаввуфнинг аввали илм, ўртаси амал ва охири эҳсондир», дейди. «Илм муродни кашф этади, амал талабга ёрдам беради, эҳсон эса солиқ истагини ҳосил этади».

Инсон руҳ ва бадандан ташкил топган борлиқ бўлиб, унинг руҳи «илоҳий руҳ»дан ва «раббоний амр»дан, бадани эса «тупроқ»дан ва «балчиқ»дан ташкил топган. Латиф руҳ, жисм бўлган баданга киргач, моддий унсурларнинг унга кўрсатган таъсирлари натижасида асл софлигига зиён етказганлигидан ва инсон камолоти фақатгина руҳнинг софлигини муҳофаза қилиш орқали мумкинлиги ва руҳнинг бадан устидан ғалаба қозониши учун чора-тадбирлар кўриш-тасаввуфнинг ғоясидир⁸⁰ деган фикр ҳам мавжуд. Қуръони карим инсондаги биологик ва физиологик хусусиятлардан ташқари яна бошқа илоҳий сирлар сақланганлигини, биз эса бу сирларни кашф этишга буюрилганимизни билдиради. Қуръон ташқи дунёга тегишли сирларни кашф этиш билан бир қаторда, бизни ақл ишлатишга чорлайди ва яна инсонни «ақл эгалари» дея сифатлайди. Ҳолбуки, илоҳий ва руҳоний сирларни кашф этишга чақираркан, инсонни «лубб» эгаси сифатида эслайди. «Лубб»(яъни қалб) ҳақиқатни билишда ақлдан ҳам юксакроқ бир воситадир... Шунинг учун ҳам тасаввуфнинг ғояси инсон руҳида яширинган мазкур илоҳий сирларни кашф қилиб, юзага чиқармоқдир⁸¹. Ўлимдан кейинги ҳаёт сирларини шу дунёда кашф этиш ва ўлмасдан бурун Аллоҳга эришмоқнинг чораси «ўлмасдан бурун ўлингиз» ҳадиси орқали баён этилмоқда. Тасаввуф инсонга «ўлимдан олдин ўлиш»нинг нима эканлигини ва қандай амалга оширилишини ҳам ўргатади.⁸²

Фикҳ, тафсир, калом ва бошқа зоҳирий илмлар каби тасаввуф илми ҳам ҳижрий II ва III асрларда пайдо бўлди. Албатта, бу илмнинг бошқа илмлардан фарқли жиҳатлари мавжуд. Тасаввуф илмининг қандай қилиб дунёга келгани ва қандай хусусиятларга эга эканлиги тўғрисида Ибн Холдун «Муқаддима» асарида аниқ-равшан маълумот берган. Муҳосибий «Ар риоя», Имом Қушайрий «Ар рисола», Сухравардий «Аворифул маориф» ва Имом Ғаззолий «Иҳё улумиддин» асарида тасаввуф ва тариқат масалаларини ёритган.

⁸⁰Моҳир Из. Тасаввуф.-Истанбул,1969-73-бет.

⁸¹Яшар Нури Ўзтурк. Қуръони карим ва суннатга кўра тасаввуф.- Истанбул, 1979.22-бет.

⁸²Яшар Нури Ўзтурк. Қуръони карим ва суннатга кўра тасаввуф.- Истанбул, 1979. 23-бет.

Тасаввуф илми – мавзу, ғоя, усул жихатидан бошқа шаръий илмлардан ажралиб туради. Маълумки, фикҳ, тафсир, ҳадис илмлари ҳис, ақл ва нақлга таянади ҳамда диний ҳужжатларнинг зоҳирий маънолари асос қилиб олинади. Буларда ақл ушбу ҳужжатларга бўйсунди. Калом илмининг манбаи ҳам ҳис, ақл ва нақлдир. Аммо калом илмида ақлга кўпроқ эътибор берилиб, диний ҳужжатлар асос қилиб олган ҳолда, фалсафа усулидан фойдаланилади. Фалсафанинг йўли ҳис ва ақл бўлиб, ақл ҳужжатдан олдин келади. Тасаввуфнинг йўли эса булардан айрича, унинг йўли – «кашф» йўлидир. Манбаи ҳис, ақл ва ҳужжат билан бир қаторда диний ҳаёт тарзига асосланган завқ, илҳом ва кашфдир. Шу билан бирга шариат ҳукмларига итоат қилиш ҳамдир. Фаридуддин Аттор «Тазкират ул-авлиё» асарининг ибтидосида тасаввуфий билимлар наздида зоҳирий илмларнинг кадр-қийматини қуйидагича ифодалайди: «Ирфон амал ва ҳолнинг натижасидир, ёдлаш ва сўзлашнинг маҳсули эмас. Ирфон – аёндыр, баён эмас асрордыр, такрор эмас; ваҳбийдыр, касбий эмас; ҳис қилиш ва яшашдыр, эшитиш эмас. Ва ниҳоят ирфон – «аддабани Рабби» (Парвардигорим мени тарбиялади) каби бўлиб, «алламани аби» (отам менга ўргатди) туридан эмас. Машҳур сўфий Боязид Бастомийнинг сўзлари ҳам аҳамиятга молик. Мискинлар ўликнинг айтган ривоятига асосланади. Ҳолбуки, биз Ҳайй ва «доим тирик бўлган Аллоҳ таолодан илм оламиз»⁸³.

Ҳижратнинг I ва II асрлари тасаввуф тарихида «Зухд» даври дейилади. Бу даврда зухд ҳаётининг маркази Басра шаҳри бўлган. Шунингдек, зухд ҳаракати Куфа, Мадина ва ҳатто Хуросонда ҳам кенг тарқалган эди. Тасаввуф тарихида биринчи такя-хонақоҳ эса бир насроний амир томонидан Рамла шаҳрида Абу Ҳошим учун қурилган эди⁸⁴.

Ислом тасаввуфи бошланишидан бугунга қадар кечган жараёнлар бир неча тарзда тасниф қилинган:

1. а) тариқатлардан аввалги давр (х. I-м. VII аср);
б) тариқатлар пайдо бўлгандан кейинги давр (м. VIII-XIV аср);
в) кейинги даврлар тасаввуфи.
2. а) ташкил топиш даври (х. I-III аср);
б) шаклланиш даври (х. III-м. VIII аср);

⁸³Улудоғ Сулаймон. Ислом тафаккурининг тузилиши. Истанбул. 1979.146-бет.

⁸⁴Ломий Чалабий. Нафахотул унс таржимаси, 86-бет.

в) тақлид даври (м. IX-XV аср).

3. а) Муҳаммад а.с.дан Жунайд Бағдодийгача бўлган давр (х. I-III аср);

б) Жунайд Бағдодийдан Ибн Арабийгача бўлган давр (х. IV-VIII аср);

в) Ибн Арабийдан кейинги давр (х. VIII) ва ундан кейинги асрлар.

4. а) зуҳд даври;

б) тасаввуф даври;

в) ваҳдати вужуд даври;

г) тариқатлар даври;

д) замонамиздаги тасаввуфий жараён.

5. Тасаввуф жараёни, эътиқод нуқтаи назаридан қуйидагича тасниф этилган:

а) сунний тасаввуф;

б) салафий тасаввуф;

в) шиъа тасаввуфи⁸⁵.

Тасаввуф тарихини Н. Комилов икки даврга ажратиб таҳлил этган. 1. Зоҳидлик. 2. Орифлик ва ошиқлик даври². Унинг фикрича, биринчи даврда тақво ва парҳезлик бош мақсад бўлган. Иккинчи даврда тафаккурий-шуурий ривожланиш, яъни дунёни ва илоҳни билиш, танишни асосий мақсад деб ҳисоблаганлар. Орифлик даврини ҳам Н. Комилов босқичларга ажратади.

1. IX-X асрлар – хонақоҳларнинг пайдо бўлиши, тариқат русумларининг шаклланиши даври.

2. XI-XII асрлар – тасаввуф тариқати марказлари ва мактаблари вужудга келиб, шуҳрат топган ва тавҳид асосларини мустаҳкамлашга зўр эътибор берилган давр.

3. XIII-XIV асрлар тасаввуф тарихида махсус давр. Бу даврга келиб тасаввуф ҳам назарий-илмий нуқтаи назардан, ҳам амалий-ҳаракатчилик нуқтаи назардан юксак чўққига кўтарилган эди. Тасаввуф адабиётини гуллаши ҳам шу даврга тўғри келган. XIII аср ўрталаридан эътиборан тафаккурий-ақлий йўналиши етакчилик қила бошлаган. Бу фалсафий оқим тасаввуф тарихида ваҳдати вужуд номи билан шуҳрат топган. Тасаввуф илми энди коинотнинг тузилиши, одамларнинг хусусиятлари, олам ва одам

⁸⁵Қара М. Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. Истанбул, 1985. 110-бет. Иктибос Усмон Турар асаридан олинди 49-бет.

²Қаранг: Комилов Н. Комиллик тариқати. //Тафаккур-1998-N159-бет.

муносабатлари, комил инсон тушунчалари ҳақида баҳс юритган. Нақшбандия таълимоти ҳам шу даврда вужудга келган. Шунинг учун бу таълимотда ҳам тафаккурий йўналиш етакчилик қилади. Комилов тасаввуф тарихи ҳақида гапирганда XV-XVI асрни нақшбандия Мовароуннаҳр ва Хуросонда тўлиқ тантана қилган давр дейди. XV асрдан кейин эса тасаввуфнинг назарий-фалсафий жиҳати сўна бошлади. Илгари тўпланган тажрибани ўзлаштириш, шарҳи, тафсир қилиш ва тарғиб этиш давом этган. Комилов IX-XIII асрни тасаввуфнинг мумтоз даври деган.

Усмон Турар «Тасаввуф тарихи» асарида тасаввуфнинг келиб чиқишини изоҳловчи турли хил қарашлар мавжудлигини қайд этган. Биринчиси бегона ёки ташқи таъсир натижасида тасаввуф вужудга келган деган фикрлар бўлиб, улар қуйидагилардир:

1. Тасаввуф Эрондан келиб чиққан деган даъво: бу фикрни илк бор Комте де Гобинью «Эрон тарихи» номли асарида ўртага ташлаган. Уни Броун маъқуллаган, Олмонияда Хортан, Делитш, Францияда Эдгард Блохет ва Э.Ренан каби шарқшунослар томонидан қўллаб-қуватлашган. Ҳолбуки, тасаввуф Эронга араб миллатига мансуб илк мутасаввуф ва сўфийлар орқали кирган⁸⁶.

2. Ҳинддан келиб чиққанлиги ҳақида даъво: Никольсон, Блохет, Дози ва Ван Кремер каби шарқшунослар тасаввуфнинг келиб чиқишини ҳиндга боғлайдилар. Тасаввуфдаги «фано» билан бутпарастликдаги «нирвана» назариялари ва илк сўфийлардан Иброҳим Адҳам билан будда орасидаги ўхшашлик мавжуд, дейдилар. Л.Массигнон, Л.Гардет ва Анавати каби олимлар тасаввуфдаги зикр услублари ҳинд таъсирида юзага келган деган фикрни билдирадилар⁸⁷.

3. Янги Афлотунчиликдан келиб чиққанлиги ҳақидаги даъво: Янги афлотунчилик ҳинд мистицизмидан ва Орфеос динидан таъсирланиб шаклланган. Орфеос дини эса шарқ динлари таъсирига учраган. Янги афлотунчилик асосчиси Плотинус, Афлотун фалсафаси билан Шарқ фалсафасини бирлаштирган. Бу фикрни Л.Массигнон ҳам қўллаган⁸⁸.

Ибн Арабий ва ундан кейин чиққан мутасаввифлар янги афлотунчилик фалсафасидан фикр олган бўлсалар ҳам, уни

⁸⁶Мохир Из. Тасаввуф. Истанбул. 1969. 85-бет. Умар Ризо Дўғрул. Ислом олиб келган тасаввуф. Истанбул, 1948.28-бет. Зиё Улкан.Ислом тафаккури. Истанбул,1946.105-бет.

⁸⁷Эрол Гунгўр. Ислом тасаввуфининг масалалари. Истанбул, 1982. 49-бет.

⁸⁸Янги афлотунча фалсафанинг тасаввуфга қилган таъсири ҳақида қаранг: Эрол Гунгўр. Ислом тасаввуфининг масалалари. Истанбул,1982 51-бет. Мохир Из.Тасаввуф. Истанбул, 1969. 87-бет.

исломий нуқтаи назар остида сингдириб, ўз фалсафий қарашларини яратганлар.

4. Иброний – насронийликдан келиб чиққанлиги ҳақида даъво: Иброний-насроний унсурлардан арабчага ўтган ва мутасаввифлар томонидан қўлланилган «лохут», «носут», «жабарут», «малакут» каби бир қанча истилоҳларга асосланган. Тасаввуфга насронийликнинг таъсири ҳақида энг кўп А.Палакиос фикр билдирган.

Кўпгина Ғарб шарқшунослари тасаввуфни Исломдан ташқаридаги бир таълимот дея хулосага келганлар. Аммо улар орасида тасаввуфнинг асли Исломдан келиб чиққанлигини, ташқи таъсирлар фақатгина жузъий бўлиб, исломий руҳ ва одатларга зарар бермаслигини айтганлар ҳам бор. Бу тоифа олимларнинг бошида Луиз Массигнон туради.

Иккинчидан, тасаввуф исломий манбалар таъсирида вужудга келганлиги ҳақидаги фикрлардир. Бунга қуйидагилар далил сифатида келтирилади:

1.Оят ва ҳадислар: Тасаввуф таълимотининг тамал асослари Қуръони карим ва ҳадисларга асосланади:

а) Тасаввуфда ладун илми асосий тушунчалардан биридир. Мутасаввифлар «биз унга (Хизрга) илму ладун бердик» (Каҳф-18:65) оятига суяниб, зоҳирий илмдан ташқари яна ладун илми ҳам борлигини қабул қилганлар; сезги ва илҳомга таянадиган билим назарияларини ушбу тамал асосида қурганлар. Уларнинг фикрича, Мусо а.с.га фаришта орқали юборилган ёки халққа таблиғ этиш учун берилган диний билимлар зоҳирий илм ва шарият илми саналади. Хизр а.с.га бевосита ва махсус берилган диний билимлар эса ладун илми, ҳақиқат илми ёки ботин илми саналади. «Аллоҳ бирор кишини ҳидоятга эриштирмоқни истаса, қалбини Ислом учун очиб қўяди» (Анъом-6:125) ояти ҳам маърифат илмига эришиш банданинг касбига қараб эмас, балки Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига ва лутфу карамига боғлиқ эканини кўрсатмоқда. Бу илм банданинг касби билан эмас, Аллоҳнинг иноят қилиши натижасида қўлга киритилади.

б) Тасаввуф асосий тушунчаси зикр бўлиб, ояту ҳадислар орқали тавсия қилинган. «Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан бандалик қилинг)»(Музаммил 73:8), «Эй мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!»(Ахзоб-33:41), «Бас, Мени эсласангиз, Мен ҳам

сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз!»(Бақара-2:152). Парвардигорини зикр қилмаган тирик билан ўлик орасидадир» ҳадиси ҳам шу мазмундадир.

в) Валийлик тасаввуфий ҳаётда муҳим ўрин тутади. Бу тушунча ҳам Қуръон ва ҳадисда асосланган бўлиб, унинг сўзма-сўз таржимаси «дўст» маъносини билдиради. «Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир»(Жосия-45:19) «Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг дўстларига бирон хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар... Иймон келтирган ва /Аллоҳдан/ кўрқувчи бўлган зотлар учун ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бордир. /Юнус-10:62,63,64)

г) Оламнинг яратилиши: Тасаввуф фалсафасининг муҳим мавзуларидан бўлган «оламнинг яратилиши» ҳақидаги тушунча-қарашлари машҳур ҳадис китобларидан ўрин олмаган бўлса ҳам, тасаввуф арбоблари орасида ҳадиси қудсий дея қабул этилган қўйидаги машҳур ҳадисда асосланади: «Мен яширин хазина эдим. Ўзимни танитмоқ учун махлуқотни яратдим». Бу ҳадисга асосланиб, борлиқ оламининг яратилишини «Аллоҳнинг бошқалар томонидан билиниши-танилишини ирода қилишини»нинг натижаси ўлароқ изоҳлаганлар.

д) Тавба: Кўпгина ояту ҳадислар билан аҳли мўъмин тавба қилишга буюрилган: «барчаларингиз Аллоҳга тавба қилинглар, эй мўъминлар; шоядки (шунда) нажот топсангизлар» (Нур – 24:31), «Бас, агар тавба қилсангизлар, бу ўзингиз учун яхшироқдир» (Тавба-9:3) «Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади». (Бақара 2:222).

е) Зухд: Тасаввуфнинг илк даврларидаги асосий тамойилларидан саналган зухд (зоҳидлик) – «воз кечиш, назарга илмай тарк этиш, қизиқмаслик ва эътибор бермаслик» каби маъноларни билдиради. Тасаввуфда эса Аллоҳдан ташқаридаги бошқа ҳамма нарсалар, яъни мосувога кўнгил қўймаслик маъносини билдиради. Чунончи, дунёнинг ўткинчи, алдоқчи охират ҳаётига қиёсан қадр – қимматсизлиги маълум ояту ҳадислар орқали билдирилган ва зухд ҳаёти тавсия этилган «Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти дунё (ўзининг ўткинчи неъматлари билан) алдаб қўймасин.»(Луқмон – 31:33), «Бу ҳаёти дунё фақат (бир нафаслик) ўйин- кулгудир. Агар улар билсалар, охират диёригина (мангу) ҳаёт (диёридир)» (Анкабут – 29:64).

ё) Таваккул: Тасаввуфда муҳим ўрин тутган таваккулдир. У Аллоҳга ишониб, суяниш ва Ундан бошқасига эҳтиёжни айтмаслик маъноларини билдиради. Бошқа тасаввуфий мавзулар каби таваккул ҳам ояту ҳадисларга асосланган: «Ва уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантирур, Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, : (Аллоҳнинг) ўзи унга етарлидир.»(Талоқ – 65:3) «(Ёлғиз) Аллоҳга таваккул қилинг! Аллоҳнинг ўзи етарли вакил-сақлагувчидир» (Ахзоб33:3), «Айтинг, бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсагина етур. У бизнинг Хоҷамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Аллоҳгагина суянсинлар» (Тавба-9:51).

ж) Риёзат – мужоҳада тушунчаси ҳам тасаввуфда ояту ҳадисларга асослангандир: «Бизнинг (йўлимиз) да жиҳод қилган – курашган зотларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз»(Анкабут – 29:69). Муҳаммад а.с. асҳобига: Аллоҳдан ҳақиқий маънога ҳаё қилинг», деган эдилар. Асҳоби: «Алҳамдулиллаҳ, ҳаё қилиямиз» дея жавоб беради. Шунда ҳазрат пайғамбар: «У ҳақиқий ҳаё эмас, ҳақиқий маънода Аллоҳдан ҳаё қилган киши боши ва боши ичидагиларни (бошидаги туйғу аъзоларини) муҳофаза қилсин, қорни ва у ердаги емакларни назорат қилсин, ўлим ва мусибатни эсласин. Охиратни талаб қилган киши дунёвий зеб-зийнатни тарк этсин. Ана шундай қилганлар ҳақиқий маънода Аллоҳдан ҳаё қилган бўладилар»⁸⁹.

Шу билан биргаликда пайғамбар, саҳобалар ва тобеинларнинг ҳаёт тарзи мутасаввифлар учун ўрнак бўлган.

Усмон Турарнинг тасаввуфнинг вужудга келишига оид ташқи ва исломий асосларнинг таъсирига доир юқорида зикр этилган фикрларига асосан қўшилган ҳолда, тасаввуф исломий асосга эга бўлиш билан бирга ўзи тарқалган майдоннинг умуминсоний қадриятларини тўла сингдирганлигини таъкидлаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунинг учун бўлса керак, бу таълимот ҳар қандай диний-мазҳабий, табақавий, ирқий, миллий ихтилофлардан юқорида туради ва кишида инсонийлик хусусиятларини намоён этишга ҳаракат қилади.

Тасаввуфнинг пайдо бўлиб, ривож топишига одамларнинг табиий хусусиятлари, ва буларга жамиятнинг муайян йўналиш ва шакл бериши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қайси динга ва ирққа мансуб бўлишдан қатъи назар, фитрат жиҳатидан мистик майлга эга бўлган инсон муносиб шароит ва муҳитга эришганида, бу

⁸⁹Қаранг. Турар У. Тасаввуф тарихи. 33-бет.

майлини ҳаракатлантиради ва қалб ҳаловатини ўша йўналишда кидиради. Умуман олганда эса инсонлар моддий муҳити ва жамиятида маънавий ҳаловат топа олмаган даврдагина мистик изланишга бошлайдилар.

Юқорида зикр этилган фикрлар таҳлили асосида, бизнинг фикримизча «тасаввуф Мутлақ Ҳақиқатга олиб борувчи таълимот бўлиб, инсонни маънавий камолоти, комил инсон бўлишига оид диний-фалсафий илмларни (нафс тарбияси илми, қалб тарбияси илми, руҳ тарбияси илми, ботиний тарбия илми) ўз ичига олади ва унинг ўзини таниш ғояси билан олий ҳадгача баркамол этади». Биз тасаввуфни таълимот деб таъриф беришимизга сабаб шуки, у вужудга келишдан ҳозирги кунгача инсонларга камолот йўли ҳақида таълим беради. Бизнинг фикримизча, тасаввуф таълимотининг хусусиятлари қуйидагича:

а) Тасаввуф, асос эътибори билан Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларга асосланган бўлса-да, лекин бутун умуминсоний кадриятларни ўзига мужассамлаштирган таълимотдир.

б) Тасаввуф назарий бўлиши билан бирга, тажрибада кўринадиган амалий илм ҳамдир. Калом ва фалсафа имонни мужаррад (фардий) ва ақлий бир ҳодиса сифатида баҳоласа, тасаввуф имонни ахлоқий турмуш тарзи, ўзаро ҳамжихатлик, меҳр-муҳаббат ва ҳол сифатида баҳолайди. Яъни тасаввуфий имон статик (турғун) эмас, динамик (фаол)дир.

в) Тасаввуфда билим манбаи сифатида соғлом фикр ва ақл билан бир қаторда илҳом, кашф ва сезгига ҳам ўрин берилган. Сўфийлар назарида ақл ва нақл маълум ўлчовларда билим манбаи бўлиш билан бирга, энг олий ва энг қудсий билимлар кашфу илҳом орқали ҳосил қилинади. Бу йўл билан эришилган билимга сўфийлар илм эмас, «маърифат», «ирфон», «илми мукошафа», «илми ладун», «илми ваҳбий» каби номлар беришган. «Ирфон» – Аллоҳ ва унинг сифатлари ҳақида бевосита маълумот беради. Ақл ва диний ҳужжатлар эса билвосита маълумот беради. Ботиний тажриба ва маънавий мушоҳадага асосланган бевосита маълумот-«ирфон», диний ҳужжатларнинг ривоят қилишини ёки ақлий қиёс ва ҳужжат келтиришга асосланган маълумотлардан, яъни илмдан муҳимроқ ва кадрлироқ деб қаралади.

г) Тасаввуфий билимларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – янги, асл ва оригиналликдир. Бунинг сабаби эса манбаининг бевосита сезги ва илҳом эканлигидир.

«Маърифат»нинг хусусиятларидан бири унинг янгилиги. Салафиянинг нақлга ва каломиянинг ақлий хужжат келтиришга асосланган статик ва ўзгармас исломий қарашига муқобил сўфийлар янгича ва оригинал услуб қўшганлар.⁹⁰

д) Тасаввуфий билимга эга бўлиш методи қалбнинг покланишидир. Бу иш китоб ўқиш, ёдлаш билан амалга ошмайди. Ақлий хужжат келтириш билан ҳам амалга ошмас. Зеро, бу иш назарий эмас, амалийдир. Шунинг учун «тасаввуф қол (сўз) илми эмас, ҳол илмидир», дейилган.

Тасаввуф Н.Комилов айтганидек, инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққан, ахлоқий покликни тарғиб этиш билан бирга, ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва ҳадислар ҳикматидан озиқланган кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, у расмий-диний ақидапарастлик ва мутаассибликка зиддир. Шунинг учун ҳам бу йўл, бу таълимот, бу илм ҳозирги кунгача камол топиб ривожланиб бормоқда. Шу туфайли дунёдаги турли халқлар ижтимоий, фалсафий, бадий тафаккурдан кенг ўрин эгаллаган ва ривожланиб бормоқда.

Нақшбандия тасаввуфий таълимот бўлганлиги учун тасаввуфга хос бўлган таъриф ва тушунчалар бу таълимотга ҳам тўғри келади. Комил инсон тарбиясини ўзини олдиға мақсад қилиб қўйган нақшбандия баркамол авлод тарбияси учун ҳозирги кунда ҳам давр талабига жавоб бера оладиган таълимотлардан биридир.

Қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Тасаввуф инсон тафаккури маҳсули бўлиб, тенглик, поклик, камолотга интилиш каби инсон манфаат ва мақсадларини акс эттирадиган ғоялар тизими экан.

2. Тасаввуф ислом дини замирида вужудға келган бўлсада, барча миллат, элат, ирқ, жинс манфаат ва мақсадларини акс эттиргани учун уларни бирлаштира олади.

3. Тасаввуф инсон камолоти ҳақида баҳс юритадиган диний-фалсафий таълимотдир.

4. Баркамол инсон тарбияси учун ҳозирги кунда ҳам муҳим бўлгани учун тасаввуфни миллий истиқлол ғоясининг негизларидан бири дейиш мумкин.

⁹⁰ Улуғдоғ Сулаймон. Ислом тафаккурининг тузилиши. Истанбул, 1979. 128-бет.

5. Жамиятдаги инсонлар камолоти ҳақида эзгу фикрлар мажмуи бўлганлиги учун тасаввуфни бунёдкор ғоялар дейиш мумкин.

1.2. ТАРИҚАТЛАР ТИЗИМИ ВА НАҚШБАНДИЯ

Тасаввуфнинг хусусиятларидан бири, фақат назарий жиҳат билан чекланиб қолмасдан, балки тамойилларини тариқатлар йўли орқали амалий тадбиқ этишдир. «Тасаввуф» деб аталган бу таълимот амалий ҳаётда «тариқат» дейилади.

Тариқат – арабча «йўл» деган маънони билдириб, тасаввуф адабиётида «Аллоҳга яқинлашмоқ ва Унинг розилигига эришиш мақсадида юриш керак бўлган йўл» демакдир. Ушбу йўлга юрган кишига эса «солик» дейилади. Солик бу йўлда юриш давомида Аллоҳни билиб-танигунга қадар турли манзиллар ва мақомларни босиб ўтади». Тариқат тушунчасидаги йўл моддий ҳаётдаги бир манзилни бошқасига туташтирувчи маъносида эмас, руҳий камолот йўли маъносида қўлланилади. «Тариқат – Ҳақиқатни мистик билишнинг услубидир»⁹¹, дейди О.Акимускин. «Тариқат – амалий услуб бўлиб, толибни тафаккур, ҳиссиёт ва амалларга йўналтиради, уни босқичма-босқич мақомлардан ўтказиб, ҳолатлар, деб номланувчи психологик тажрибалар билан илоҳий ҳақиқатга етказди»⁹², дейди тариқатларни исломшуносликда махсус тадқиқ этган инглиз олими Дж.С.Тримингэм. Тариқат «илоҳий маърифатни эгаллашга бел боғлаган кишининг руҳий-ахлоқий йўли. Тариқат тасаввуфнинг амалий қисми»⁹³ деган таърифлар бор. Комилов Н. Тариқатга «тараққиёт йўли»⁹⁴ деб баҳо беради. Тараққиёт йўлига кирган толиб бунга ўзини онгли равишда бағишлаб, бу жараёни тезлаштирмоқчи бўлади, ўзлигидан, нафсидан ғолиб келади. Қуръонда тариқ-йўл эканлиги(46:29/30) қайд этилган.

Тасаввуфда инсон руҳий камолотида шариатдан кейинги, маърифат ва ҳақиқатдан олдинги камолот даражаси ҳам тариқат дейилади.

⁹¹Тариқат/Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука,1991-С.224.

⁹²Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Пер. с англ. А.А.Ставиской. М.: Наука, 1989-С.17.

⁹³Комилов Н. Комиллик тариқати// Тафаккур-1998-1-сон.64-бет.

⁹⁴Комилов Н. Комиллик тариқати.Тафаккур. 1998.2-сон.61-бет.

Тарикатни тор доирада дин билан тенглаштирувчи фикрлар ҳам мавжуд. «Тарикат бу ислом дини, Аллоҳ таоллонинг амри, Расулуллоҳнинг (с.а.в) қадр – қиймати беқиёс, бебаҳо суннатидир. Бошқа ҳеч нарса эмас»⁹⁵, деган фикрга қўшила олмаймиз. Чунки тасаввуф таълимотидаги тарикат тушунчаси жаннатий ва дўзахий тушунчаларидан анча юксалиб, таъмадан покланиб, Оллоҳ дийдорига етишиш, асл Ҳақиқат учун ҳаракат ва риёзат йўлидир. Шунинг учун тарикатни фақат ислом дини ва бошқа ҳеч нарса эмас, дейиш уни таъсир доирасини чегаралаш бўлади. Тарикат диний-фалсафий камолот йўлидир. Тўғри йўлнинг бошида бу ҳаракат шариат доирасида бўлади. Кейинчалик унинг даражаси юксалади. Ҳақиқат даражасига етган йўлчи учун диний, жинсий, ирқий, каставий, миллий ва бошқа чегаралар қолмайди. Унинг ҳаракати умумбашарий, умумжаҳоний доирада юксала боради. Шунинг учун тарикатни руҳий маънавий тараққиёт йўли дейиш лозим. Бу йўл маълум чизикдаги ёки маълум доирадаги йўл бўлмай, инсон руҳини олий ҳақ даражасига юксалтирадиган камолот йўлидир.

Тарикат тушунчасининг мазмуни қуйида зикр этганимиздек, тадрижий равишда ўзгарган:

1. IX-X асрларда Муҳосибий, Жунайд Бағдодий, Калободий, Саррож, Суллабий, Худжвирийларнинг фикрича, тарикат асосан амалий (қисман назарий) услуб, ахлоқий, этикавий, психологик қоидалар йиғинидир. Бу даврда тарикат мақом ва ҳол билан боғлиқ бўлган.

2. X-XII аср ўрталарида пир, шайх, муршид ва мурид институти аввал Хуросонда вужудга келиб, кейин бутун мусулмон оламига тарқалган. Бу даврда тарикат таълим бериш мактабига айланган ва фақат махсус кишилар доирасидан кенгайиб, халқ оммаси орасида тарқалган.

3. XII асрнинг охирида силсила институти тўла шаклланди ва сўфийлик тарикатлари вужудга келди⁹⁶.

Инглиз олими Дж.Тримингэм тарикатлар вужудга келиши ва тараққиётини уч босқичга бўлиб таҳлил этган. У бу йўлнинг шахс камолотига таъсирига қараб босқичларга ажратган. Биринчи босқичда шахс Оллоҳгагина бўйсунган деб, уни хонақоҳ деб номлайди. Бу босқични у тарикатлар тараққиётининг олтин даври

⁹⁵Умар Форук. Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. -Тошкент: Мовароуннаҳр, 2000. 9-бет.

⁹⁶Қаранг: Акимушкин О. Тарика / Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: Наука, 1991-С.224.

деб таърифлайди. У X-XII асрларни ичига олади. Иккинчи босқични тариқа деб атайдди. У XIII-XIV асрларга тегишли бўлиб, қоида – усулларнинг ишлаб чиқиш ва таълим беришга силсиланинг кириши билан характерланади. Бу босқичда шахс руҳий камолотида тасаввуф тараққиётида вужудга келган қоидаларга бўйсунуш вужудга келади. Бу даврда жамоа бўлиб экстаз ҳолатига тушиш услублари вужудга келган.

Учинчи босқични Тримингэм т о и ф а деб атайдди ва уни XV асрга тўғри келишини кўрсатади. Сўфийлик бу даврда халқ ҳаракатига айланади. Тариқатлар шаклланиб, улардан янги шохалар ажралиб чиқади. Тоифада муқаддас шахсга сиғиниш кучаяди. Бу даврда жуда кўп қонун-қоидалар ишлаб чиқилдики, улар шахснинг эркин руҳий ўсишини чегаралаб қўйдди. Шахс жамоа талабига мослашади ва жамоа амалиётига бўйсунди⁹⁷. Учинчи босқичда уч ҳолат ҳам мавжуд бўлган. Биринчи босқичда шахс руҳан эркин ҳаракат қилса, учинчи босқичда шахс руҳан шайхига қарам бўлган. Бу эса руҳий қулликка ҳам олиб келган. Натижада кейинги даврда тариқатлар тараққиёти таназулга юз тутган. Биринчи босқичдаги Пир, устоз шогирдининг руҳий камолотига ёрдам берган, уни чегараламаган бўлса, кейинги даврларда бу ҳолат ўзгарган. Биринчи босқич хусусиятини сақлаган тариқатлар камол топган.

Тариқатлар турли хил бўлган. Усмон Турар уларнинг қуйидаги таснифларини келтиради⁹⁸.

I. Зикрдаги ҳолатларга кўра:

1. Қиёмий тариқатлар: кўпроқ тик ҳолда зикр қилувчи тариқатлар; масалан, қодирия.

2. Қуудий тариқатлар: ўтириб зикр қиладиган тариқатлар; масалан, нақшбандия.

II. Зикрнинг бажарилишига кўра:

1. Хафий тариқатлар: овоз чиқармай яширин зикр қилувчи тариқатлар; масалан, нақшбандия.

2. Жаҳрий тариқатлар: овоз чиқариб зикр қилувчи тариқатлар; масалан, хилватия.

III. Қўллаган услубига кўра:

1. Тариқи ахёр (хайрлилар йўли): муомала арбобининг йўли бўлиб, фарз ва суннатларни, нафл намозларни адо этиш, нафл

⁹⁷См. Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. -М. Наука, 1989.-С.90.

⁹⁸Қаранг: Турар У.Тасаввуф тарихи.62-бет.

рўзалар тутиш, Қуръон ўқиш ва ҳоказо ибодатлар орқали Ҳаққа восил бўлишга асосланган.

2. Тариқи аброр (қалби софларнинг йўли): бу риёзат ва мужоҳада йўли бўлиб, шу орқали ахлоқни гўзаллаштириш, қалбни поклаш асос қилиб олинган. Риёзатдан мақсад-нафс истакларини бажармаслик, мужоҳада эса нафс истакларига қарши курашиш бўлиб, шу тарзда қалб ёмон хулқлардан тозаланиб, эзгу ахлоқ билан безанади.

3. Тариқи шуттор (ишқ ва жазба аҳлининг йўли): бу ишқ муҳаббат, жазба йўли бўлиб, бу йўлда юрган солиқ бир ҳолдан иккинчи ҳолга, бир мақомдан иккинчи мақомга ўтиш орқали маънавий сайр қилади. Шу боис бу йўлни «тариқи соирин» ҳам дейдилар. Бу йўлнинг шартинсон ўлимни ўз иродаси билан қабул қилишидир. Солиқ гўё ўлик мисол ҳамма нарсалардан воз кечиб, ҳатто ўз борлигини ҳам йўқ ҳисоблаши керак. Бу йўл «усули ашара» деган қуйидаги ўн асосга таянади: тавба, зуҳд, таваккул, қаноат, узлат, доимий зикр, бутун борлиғи билан Аллоҳга йўналмоқ, сабр, муроқаба ва ризо. Маломатийлар қийин бўлишга қарамай, мақсадга эришувда энг қисқа йўл бўлгани учун, шу йўлни асос қилиб олганлар⁹⁹. в) фикр тизимларининг ҳақ ва ботил бўлишига кўра:

1. Ҳақ (шаръий, ортодокс) тариқатлар: Исломнинг бош асосларига таянган ҳолда ташкил қилинган ва шаклланган тариқатлар; нақшбандия ва қодирия каби.

2. Ботил (ғайри шаръий) тариқатлар: Булар икки қисмдир. Биринчиси, дастлаб зуҳур этиб, асосчисининг фикрлари ҳақ бўлгану бироқ аста-секин турли фикр ва анъаналар таъсирида ботиллашган тариқатлар, масалан, бектошийлик. Иккинчиси, дастлаб пайдо бўлишиданок исломга мувофиқ келмаган тариқатлар; чунончи, хуруфийлик ва қаландарийлик.

г) Силсилаларга кўра: 1. Бакрия ёки сиддиқия: силсиласи ҳазрати Абу Бакрга тақаладиган;

2. Умария ёки форуқия: силсиласи ҳазрати Умарга тақалувчи;

3. Усмония: силсиласи ҳазрати Усмонга тақаладиган;

4. Алавия: силсиласи ҳазрати Алига бориб тақаладиган тариқатлар.

⁹⁹Муҳаммад Али Айнӣ. Тасаввуф тарихи. Истанбул:1341. 193-194-бетлар; Исмоил Ҳаққий. Янги калом илми. 1-ж. Истанбул, 1339. 155-бет.

д) Тасаввуфий қарашларига кўра. Тасаввуфдан мақсад-тавҳидга эришмоқ бўлиб, мутасаввиф-ларга кўра, тавҳидга элтувчи йўл-фанони амалга ошириш. Аммо мутасаввифлар «тавҳид» ва «фано» тушунчаларига кўра уч қисмга бўлинадилар.

1. Қудусия. Ўз қасду иродасини Аллоҳнинг иродасида фаний қилганларга айтилади. Бу тоифа сўфийларнинг Аллоҳдан бошқа бирон мақсадлари йўқ, шу боис, улар Аллоҳ нимани мурод қилган бўлса, уни ирода қиладилар, унинг амридан асло четга чиқмайдилар. Бу тоифанинг йўли юқорида қайд этилган «ахёр» йўлидир. Дастлабки сўфий ва зоҳидлар мазкур йўлни танлаганлар. Буларнинг мақомига «фано фил қусуд» дейилади. Бу сўфийлар Аллоҳ билан бирга ўз борлиқларини ва ибодатларини идрок этадилар. Яъни доимо «сахв» ҳолидадирлар. Измирлик Исмоил Ҳаққий бу йўл пайғамбарларнинг, саҳобаларининг ва авлиёнинг йўли эканлиги ҳамда Исломнинг зоҳир ва ботинини ташкил этишини таъкидлаган.

2. Шухудия. Ҳар нарсада ва ҳар ишда Аллоҳни мушоҳада этувчиларга «шухудия» дейилади. Бу тоифа сўфийларнинг Аллоҳга бандалик қилишлари ва муҳаббатлари шу даражага келганки, Аллоҳга бўлган иштиёқларидан на ибодатларининг, на муҳаббатларини фарқига борадилар. Улар фақат Аллоҳни ўйлайдилар. Ҳар нарсада Аллоҳни мушоҳада этадилар. Бу мартабага «фано фиш-шухуд» дейилади. Бу мартабада Аллоҳ-банда, Аллоҳ бошқа яратиклар каби иккилик муносабатига аҳамият берилади. Шунингдек, сўфий Аллоҳга бўлган муҳаббати туфайли, Ундан бошқа бирор борлиққа (мосивога) аҳамият бермайди. «Аброр» йўлидаги сўфийларнинг ҳоли шудир.

3. Вужудия. Аллоҳдан бошқа бирон борлиқни тан олмайдиган сўфийларга «вужудия» дейилади. Мартабасига эса «фано филвужуд» дейилади. Бу мақомда сўфий назарида, олам Ҳақнинг тажаллиси, шуун (нури) ва атворидан иборат, мустақил борлиғи йўқдир. Сўфийлар назарида «тавҳид»нинг энг баланд мартабаси ҳам шу.

Баъзи мутасаввифлар, маънавий даражаларига кўра мусулмонларни Аллоҳ наздида даражасига қараб тасниф этганлар. Масалан, Мавлоно Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида сўфийларни қуйидагича тартибга солган:

1. Асҳоби вусул (Аллоҳга восил бўлганлар-етишганлар)
 - а) Машойихи сўфия (иршод билан вазифадор муршидлар)

б) Фанофиллоҳга эришганлар (иршод билан вазифадор бўлмаган валийлар.)

2. Аҳли сулук:

а) Олий мақсадга толиб бўлган ва Аллоҳнинг зотига талабгорлар, булар икки қисм: мутасаввифлар, маломатийлар.

б) Жаннат ва охират неъматларини хоҳловчилар, булар эса тўрт қисмга бўлинганлар: зоҳидлар, фақирлар, ходимлар ва обидлар.

Усмон Турар барча тариқатларга хос бўлган инсоний, амалий, фикрий ва моддий унсурлар мавжудлигини кўрсатган. Инсоний унсурларга қуйидагилар киради:

а) Пир, пири соний.

б) Шайх, халифа.

в) Мурид, дарвеш, солик.

Амалий унсурларга қуйидагилар киради:

А) ЗИКР. Тариқатларида энг муҳим амалий унсур зикр бўлиб, луғатда эслаш, ёд этиш, хотирлаш, тилга олиш, баён этиш каби маъноларни билдиради, тасаввуф истилоҳида эса-дин ва дунё саодатини қўлга киритмоқ мақсадида ё комил муршиддан олиб, ё шариат-тариқат ўлчов ва одобига мувофиқ тасбеҳ билан турли «асмой хусно»ни айтишдир. Бунда Тангрини фақат тил билан эмас, қалб ва зеҳн билан ҳам зикр қилиш кераклиги сўзнинг луғавий маъносида яширингандир¹⁰⁰.

Зикрдан мурод қалбда Ҳақни эслаш орқали руҳни ғафлатдан кутқариш ва унга илоҳий тажаллиларни инкишоф этишига имконият туғдиришдир.

Тариқатлар зикрни жамоа бўлиб, ёки якка ҳолатда амалга оширганлар. Жамоа бўлиб зикр этишнинг қуйидаги кўринишлари маълум:

а) Самоъ. Мавлавийларнинг зикрига «самоъ» дейилади. Мусиқа жўрлигида, тик ҳолда ва айланиб ижро этилади. Бу зикр асносида дарвишлар ўз ҳаракатлари билан турли диний-тасаввуфий мавзуларни тимсол этадилар. Самоъ зикрига «муқобала» ҳам дейилади.

б) Хатми хожагон. Нақшбандия тариқатида ижро этиладиган зикр. Бу шайхнинг ишораси билан 5 ё 15 марта истиғфор айтиб бошланади. Юмуқ кўзлар билан робита қилиб, қалбга назар солинади. Ўнгдан етти киши «Фотиха» сурасини ўқийди. Кейин юз

¹⁰⁰Осим. Қомус таржимаси. II-ж. 346-бет.

марта «Салавоти шариф», етмиш тўққиз марта «Иншироҳ» сураси, минг бир марта «Ихлос» сураси ўқилади. Шундан кейин чапдан етти киши «Фотиҳа» ўқийди. Кейин юз маротаба «Саловот» келтириб, охири Қуръон тиловат этилади ва шайх қилган дуога барча омин деб, зикр ниҳоясига етади. Хатм асносида «вукуфи қалбий»га эътибор берилганидек, силсиласининг ва улуг машойихнинг руҳан бу мажлисда ўтирганларини ўйлаб, одоб сақланади.¹⁰¹

в) Дарби асмоъ. Хилватийлар зикри. Ҳалқа шаклида ўтириб, енгил тебраниб бажарилади.

г) Зикри қиём. Руфой ва саъдийлар тик ҳолда овоз чиқариб ижро қиладилар.

д) Даврон. Қодирийлар ўтириб, тик туриб ва айланиб қиладиган зикр.

е) Зикри арра. Яссавийлар ўтириб ва тик туриб қиладиган зикр.

Тариқат аҳли якка ҳолда бажарадиган зикрларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Қалб иштирокисиз фақатгина тил билан қилинадиган зикр.

2. Тил қатнашмаган ҳолда фақатгина дил билан қилинадиган зикр.

3. Ҳам тил, ҳам дил билан қилинадиган зикр.

Зикрни амалга ошириш жараёнига қараб учга бўладилар:

1. Жаҳрий – овоз чиқариб қилинадиган зикр.

2. Хафий – овоз чиқармай яширин ҳолатда қилинадиган зикр.

Хафий зикр ўзи икки хил кўринишда амалга оширилади:

А. Фақат тил билан қилинадиган махфий зикр:

б. Махфий ва қалбан; Қалбан қилинадиган зикр ҳам тўрт кўринишда амалга оширилади.

а) лафзи жалолни (Аллоҳ номини) дили билан, нафасини тутган ҳолда, вужудни ҳаракатлантирмай, кўз юмуқ ва тилни томоққа ёпиштириб зикр қилинади;

б) қалбан, аммо нафасни тутмай, калимаи тавҳидни зикр қилмоқ,

в) нафасни тутиб, қалбан калимаи тавҳидни зикр қилмоқ, бунда бош ҳаракатланиши мумкин;

¹⁰¹Гундуз И.Кумушхонавий Ахмад Зисвуддин. Истанбул, 1984. 274-бет.

г) вужуд аъзоларини қимирлатмасдан, нафасни тутиб, калимаи тавҳидни зикр қилмоқ¹⁰².

3.Алония зикри – очик холатдаги зикр.

Б) ХИЛВАТ, ЧИЛЛА, АРБАИН. Хилват луғатда «бир киши билан ёлғиз, якка қолиш»¹⁰³, «танҳо» қолиш, ёлғизлик»¹⁰⁴ каби маъноларни англатади. Хилват – тасаввуф истилоҳида «бирон киши ёки дунё моли бўлмаган бир жойда руҳнинг Аллоҳ билан сўзлашуви» демакдир.

В) РОБИТА. Арабчада боғланиш, алоқа, муносабат маъноларини билдиради. Тасаввуфий истилоҳида «соликнинг комил шайхга кўнглини боғлаб, унинг ҳузурида ва ғайбан шайхнинг сурати, сийрати ва айниқса, руҳониятини хаёлида ўзи билан бирга эслаб, ёнида эканини ўйлаб, одоб сақлаши»¹⁰⁵ демакдир.

Г) САЙРУ СУЛУК. Сайр ва сулук сўзлари луғатда кетмоқ, бормоқ, юрмоқ деган маъноларни билдиради. Тасаввуф истилоҳида эса тариқатга кирган ҳар бир солик танлаган йўлини бошидан то вуслат мақомига эришувига қадар, яъни тариқатдаги ғоясининг рўёбга чиқишига қадар босиб ўтган қалбий ва маънавий сафари маъносини англатади. Сайру сулук тамоман руҳоний ҳодиса бўлиб, мурид тариқат асослари доирасида қилган ибодати, дуолари, риёзати, мужоҳадаси, хилвати ва тафаккури натижасида руҳининг тадрижий (босқичма-босқич) софлашуви ва илоҳий ҳақиқатларни англашига тўсқинлик қилувчи Пардаларнинг кўтарилиб, аслий ўзлигига эришуви демакдир.

Тариқатда қуйидаги фикрий унсурлар мавжуд:

А. Ботинийлик. Ботин ички, моҳият, сир, яширин ҳақиқат каби маъноларни билдириб, зоҳир (ташқи) нинг акси – зиддидир. Тасаввуфга ботин илми, ботиний фикр каби номлар берилгани юқорида зикр этилган эди, бунинг сабаби – тасаввуфнинг қалбий ва сиррий мавзуларни намоён этиши ва сўфийларнинг ояту ҳадисларга, ботиний маъноларга чуқур аҳамият беришидир. Аммо илк сўфийлар далил-ҳужжатларнинг ботиний маъноларини қабул қилиш билан бирга, зоҳир-ботин мувозанатини сақлашга ҳаракат қилганлар.

¹⁰²Гундуз И. ў.а. 272-бет.

¹⁰³Мутаржим Осим афанди. Қомус таржимаси, Истанбул, 1272, III жилд, 805-бет.

¹⁰⁴Шамсиддин Соми. Қомуси туркий, Истанбул, 1317, 587-бет.

¹⁰⁵Холиди Бағдодий.Рисолаи робита. Рашаҳот хошиясида. 238-бет.

Ботиний эса тасаввуфдан тамоман бошқа, ботил бир мазҳаб бўлиб, унга кўра асл масала-оятларнинг ботиний маъноси; зоҳирий маъносининг эса ҳеч қандай аҳамияти йўқ,. ботинийлик билан шиалик ўртасида илк даврлардан бери фикрий яқинлик мавжуд. Имом Ғаззолий ўз замонасида кенг тарқалган ботинийликка қарши қаттиқ курашган¹⁰⁶.

Б. Ишроқийлик. «Ҳикматул ишроқ» ва «Ҳайоқилун нур» номли асарларининг муаллифи Шаҳобиддин Сухравардий Мақтул (587м.-1191 ҳ.й.в.э.) томонидан шакллантирилган ишроқ фалсафасига кўра, ҳақиқатни тушуниб етишнинг ягона йўли қалбдаги нур ва сезгидир. Бу борада ақл ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Қалбга келаётган нурнинг асл манбаи эса Аллоҳдир. Тасаввуфда ҳам билим манбаи сифатида кашфу илҳомга катта ўрин берилган. Шу жиҳатдан, айниқса, фалсафий тасаввуф, яъни Ваҳдати вужуд фалсафаси билан Ишроқ фалсафаси орасида ўхшашлик бор. Чунончи, ишроқийликда судур назарияси мақбул бўлганидек, Ваҳдати Вужуд фалсафасида ҳам борлиқлар оламининг яратилиши масаласида бу назарияга муносабат билдирилган. Хуллас, фалсафий тасаввуфнинг Ишроқ фалсафасидан таъсирланганини айтиш мумкин.

В. Ҳуруфийлик. Ҳарфларнинг баъзи сир ва ҳақиқатларга эга эканлигига эътиқод қилувчилар.

Г. Маломатийлик. Тасаввуф жараёни доирасида юзага келган ва унга энг кўп таъсир қилган оқимлардан бири бўлиб, Хуросонда яшаган машҳур сўфий Ҳамдун ал Қассор томонидан асос солинган.

Д. Футувват-ахийлик – йигитлик, мардлик, саховат демакдир. Футувват тасаввуф ахлоқидир.

Моддий унсурларга, йиғиладиган таъя ва зовиялар, уларнинг махсус қиёфалари, зикр ва самоъ пайтида ишлатиладиган мусиқа чолғулари ва бошқа тариқат ашёлари киради.

Тариқатларни махсус тадқиқ этган Дж.С.Тримингэм уларни тарихий-хронологик ва диахроник таҳлил этди. У тариқатни «орден» деб атади. Бизнинг фикримизча, бу атама нотўғридир. Чунки тариқатлар ташқи томондан маълум миқдорда орденларга ўхшасалар ҳам, аммо ички тартиб-интизом, ҳаёт тарзи, вазифалари, мақсад ва вазифаларига қараб тубдан фарқ қиладилар.

¹⁰⁶Батафсил маълумот учун: Чубукчи И.О. Ғаззолий ва ботинийлик. Анқара, 1964; проф. Аҳмад Оташ. Ғаззолийнинг ботинийларнинг хонавайрон қилган далиллари. Китаб Кавасим ал Батиния //Илоҳиёт факультети мажмуаси. 1954. III- жилд. № 1—. Анқара:23-44-бетлар.

Бугунги тариқатларнинг кўпи XII асрда юзага келган. Хужвирий «Кашфул маҳжуб» асарининг учинчи бўлимида илк давр сўфий тариқатлари ҳақида маълумот берган. Улар қуйидагилар:

1. Муҳосибия: Ҳорис Муҳосибий (857 й.в.э.) тасаввуфдаги ризо мавзусига кўпроқ эътибор берган.

2. Қассория: Ҳамдун Қассор (884 й.в.э.) маломат мавзусига кўпроқ аҳамият берган. Бу тариқатни маломатия деб ҳам атайдилар.

3. Тайфурия: Абу Язид Тайфур ал Боязид Бастомий (848 й.в.э.) тасаввуфда «сакр», яъни илоҳий ишқ билан йўғрилган рух жўшқинлигига аҳамият берган ҳолни устун деб қабул этган.

4. Жунайдия: Жунайд Бағдодий (909 й.в.э.) «сахв» ҳолига, тамкинни эгаллашга аҳамият берган.

5. Нурия: Абул Ҳусайн Нурий (907 й.в.э.) исор (бошқаларни ўзидан афзал билмоқ), фароғат ва суҳбат тарзини ёқлаган.

6. Саҳлия: Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (896 й.в.э.) нафс, риёзат, чиллага эътибор берган.

7. Ҳакимия: Ҳаким Термизий (898 й.в.э.) валийлик ва каромат тушунчаларига тўхтаган бўлиб у орқали тасаввуфга фалсафа кириб келган.

8. Харрозия: Абу Саид Харроз (890 й.в.э.) фано ва бақо мавзуларига эътибор берган.

9. Ҳафифия: Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳафиф (982 й.в.э.) ғайбат ва ҳузур мавзуларига тўхталган.

10. Сайёрия: Абу Аббос Сайёрий (х.IV-аср в.э.) жамъ ва фарқ мавзуларини ёритган.

11. Ҳалложия: Фориз исмли шахсга нисбат берилган. Ҳулул ва таносух ҳақида гапирганлар.

12. Ҳулмония: Абу Ҳулмон Дамашқийга нисбат берилган. У ҳам ҳулул, имтизож ва руҳларнинг таносухини қабул этган¹⁰⁷.

Хужвирий юқорида зикр этилган 12 тариқатнинг 10 тасини ҳақ деб билган ва охирги иккитасини эса ботил деб ҳисоблаган. «Хужвирий ва бошқалар томонидан бир тариқат сифатида тилга олинса ҳам булар кейинги даврларда пайдо бўлиб, мумтоз тарзда шаклланган тариқатлар каби эмас эди. Шу боис, тасаввуф тарихида тариқат дейилганда х.VI-м.XII асрдан кейин кенг тарқалган ва муштарак унсурлари қайд этилган тариқатлар тушунилади»¹⁰⁸.

¹⁰⁷Хужвирий.Кашфул маҳжуб. 388-бет.,Измилли И.Х. Янги колом илми.Истанбул. 156-бет.

¹⁰⁸Усмон Турар.Тасаввуф тарихи.-Тошкент:Истиқлол.1999.104-бет.

Усмон Турар «мумтоз» деб тилга олган тариқатлар ва асосчилари куйидагилардир:

1. Қодирия. Асосчиси Абдул Қодир Гилоний (1160 й.в.э.) бўлиб Эроннинг Гилон шаҳрида таваллуд топган. Унинг «Алқуня ли толиби тариқил ҳақ», «Футухул ғайб», «Фатҳур раббоний» каби асарлари бор. У саховат, ризо, сабр, ишорат, ғурбат, саёҳат, фақр ва жунли либос киймоқга кўп эътибор берган¹⁰⁹.

2. Яссавия. Асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий (1166 й.в.э.) Сайрам қишлоғида дунёга келган. Дастлабки таҳсилдан кейин Бухорода Юсуф Ҳамадоний (1140 й.в.э.) га боғланиб, унинг учинчи халифаси бўлган. Яссавийнинг «Девони ҳикмат» номли асари машҳурдир. У риёзат, чилла, зикр ва мужоҳадага эътибор берган. Яссавий, унинг тариқати ва издошлари ҳақида Фуод Купрули «Турк адабиётида илк мутасаввифлар» асарида кенг маълумот берган. Бу тариқатда жаҳрия зикри бўлиб, маърифат, таваккул, теран тафаккур тушунчаларига кўп эътибор берилган.

3. Хилватия. Асосчиси Сирожиддин Умар ибн Акмалуддин Лаҳжий Хилватий (1397 й.в.э.). Уларда ҳам жаҳрия зикрдир.

4. Рифоия. Асосчиси Аҳмад Рифоий (1183 й.в.э.) бўлиб, Басрада туғилган.

5. Мавлавия. Асосчиси Мавлоно Жалолиддин Румий (1273 й.в.э.) бўлиб, Балхда туғилган. Унинг «Маънавий маснавий», «Девони кабир» ва «Фиҳи мо фиҳи» асарлари дунёга машҳурдир. Бу тариқат ишқу жазба, самоъ ва сафога асосланган.

6. Шозалия. Асосчиси шайх Абул Ҳасан Мағрибий Шозалий (1258 й.в.э.). У дунё ва дин ишларини кенг олиб боришни тавсия этган.

7. Саъдия. Асосчиси Саъдуддин ибн Мусо ал Жибавий Шайбоний (1301 й.в.э.) бўлиб, Ҳавранда туғилган.

8. Дасуқия. Асосчиси Шайх Сайид Иброҳим Бурҳониддин Дасуқий (1272 й.в.э.) бўлиб, Дасуқ қишлоғида туғилган.

9. Бадавия. Асосчиси Сайид Аҳмад ибн Али Бадавий (1276 й.в.э.). Унинг «Аврод», «Салотлар», «Васоя» каби асарлари бўлиб, «Васоя»да тариқат тушунчаси ҳақида батафсил тўхтаган ва қалб зикрига эътибор берган.

10. Акбария. Асосчиси машҳур олим Муҳйиддин Арабий (1165) бўлиб, у «ваҳдати вужуд» фалсафасининг буюк намояндаси.

¹⁰⁹М.Кара.Тасаввуф ва тариқатлар тарихи.Истанбул,1996. 290-бет.

Унинг «Футухотил Маккия», «Фусусил ҳикам», «Таназзулотул мавсилия» асарлари машҳурдир.

11. Сухравардия. Асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафз Сухравардий (1144). Бу тариқатда шариат – тариқат мувозанати сақланган.

12. Кубравия. Асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро (1154) бўлиб, Хивада туғилган. Унинг «Усули ашара» рисоласи ва «Фавоҳиул жамол» асари машҳурдир.

13. Мадяния. Асосчиси Абу Мадян Шуайб ибн Ҳусайн (1197 й.в.э.).

14. Чиштия. Асосчиси Муинуддин Муҳаммад Чиштий (1236 й.в.э.).

15. Байрамия. Асосчиси Ҳожи Байрам Вали (1430 й.в.э.). Байрамиянинг силсиласи Абул Ҳасан Ҳарақонийга келиб, нақшбандия билан туташади.

Усмон Турар бу тариқатлар билан бирга нақшбандияни ҳам тилга олган ва батафсил таърифлаган. Лекин негадир хожагон тариқатини алоҳида ажратмаган ва фақат яссавия ҳамда нақшбандия тариқатларини таърифлаганда у ҳақда фикр юритган холос. Бизнинг фикримизча, бу нотўғридир, чунки хожагон тариқати жуда кенг тарқалган ва нақшбандиянинг вужудга келишига асос бўлган. Дж.С.Тримингэм нақшбандия ҳақида ёзганда хожагон нақшбандия деб фикр юритган¹¹⁰. А.Д.Книш тариқатлар силсиласи ҳақидаги чизмасида хожагон тариқати ўрнини тўғри кўрсатган ва нақшбандияни хожагоннинг таъсирида вужудга келганини акс эттирган¹¹¹.

Хожагон тариқати Абдулхолиқ Ғиждувоний (1180 ё 1220 й.в.э.) томонидан асослангандир. Бу тариқатга Ғиждувоний хуфия зикри киритган. Маҳмуд Анжир Фағнавий давридан бу тариқатда хуфия билан бирга алония зикри ҳам мавжуд бўлган. Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг «Рисолаи саҳобия», «Рисолаи тариқат», «Васиятнома» ва бошқа асарлари ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда. Хожагон тариқатининг 6 йирик Пири-муршиди – Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Ориф Ревгарий, Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳазрат Амир Кулол билан нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳозирги кунгача мусулмон оламида

¹¹⁰См: Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. С.61.

¹¹¹См: Книш А.Д. Тасаввуф//Ислам Энциклопедический словарь. –М.: Наука, 1991. С.226—227.

«Етти Пир» номи билан машхурдир. Хожагон тариқатининг асосий талаб ва ғояларини нақшбандия тўла қабул этиб, ривожлантирган.

Яқин йилларгача майдонга чиққан тариқатларни рўйхатини тузган олим Массигноннинг ёзишича, ислом тариқатларининг саноғи 394 та экан¹¹². Ҳаририйзода ўзининг «Тубёнул васоил» асарида эса тариқатлар 174 та эканлигини ёзган. Юқорида зикр этилганидек, IX-XIII аср тасаввуфнинг мумтоз даври бўлган.

Юқорида тилга олинган тариқатлар силсиласида нақшбандиянинг ҳам ўз ўрни бор. У Ўрта Осиё, Туркия, Ҳиндистон ва бошқа ерларда энг кенг тарқалган тариқатлардан бири бўлиб, XIV аср ўрталарида вужудга келган мумтоз тариқатларнинг охиргисидир¹¹³. Унинг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанддир (1389 м.й.в.э.).

Шайхлар силсиласига қараганда, бу тариқат бошқа баъзи тариқатлар билан алоқадор эканлиги ва шунга кўра ўша даврда турли номлар билан аталгани ҳақида қуйидаги маълумот мавжуд:

1. Ҳазрати Абу Бакрдан Боязид Бастомийга қадар сиддиқия;
2. Бастомиядан Абдулҳолиқ Ғиждувонийга қадар тайфурия;
3. Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар Ҳожагон;
4. Нақшбанддан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга қадар

нақшбандия;

5. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрордан Имом Раббонийга қадар нақшбандияйи-аҳрория;

6. Имом Раббонийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар нақшбандияйи-муҷаддия;

7. Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Ҳолиди Бағдодийга қадар нақшбандияйи-мазҳария;

8. Ҳолиди Бағдодийдан кейин эса нақшбандияйи-ҳолидия¹¹⁴.

Нақшбандийлик Абдулҳолиқ Ғиждувоний асослаган хожагон тариқати таркибида XIV аср иккинчи ярмида вужудга келиб, Осиёда жуда кенг тарқалди ва яссавия тариқатидан ҳам кучлироқ нуфузга эга бўла бошлади. Имом Раббоний даврида Ҳиндистон ва унинг атрофида кенг ёйилди. Фотих Султон Муҳаммадхон даврида Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг халифаси Мулла Илоҳий воситасида Истанбулга ҳам етиб борди. XVIII асрда Мавлоно Ҳолид Бағдодийнинг ғайрати билан усмонли давлатида кенг тарқалиб, энг фаол ҳаракатга айланди. Истанбулнинг ўзидаёқ 65 та нақшбандия

¹¹²Массигнон Л.Тариқат, Ислом қомуси, XII-жилд. 4-17 бетлар.

¹¹³Комилов Н.Комиллик тариқати.// Тафаккур 1998. 61-бет.

¹¹⁴Курс: Эройдин Салжук. Тасаввуф ва тариқатлар. Истанбул.1981. 221-бет.

даргоҳларининг мавжудлиги, бу тариқатнинг Истанбул ва Онадўли заминида қай даражада кенг тарқалганини кўрсатмоқда.

Нақшбандия аҳли суннат эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, хафий зикрга асосланган. Зоҳирдан кўзга ташланадиган ҳатти-ҳаракатлар бу тариқат аҳли учун асосий бўлмай суҳбат ва робитага эътибор беради. Бу тариқатда ҳар бир киши алоҳида хуфий зикр этади ва маълум кунларда биргаликда суҳбатда йиғилади. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандия зикрига «Хатми Хожагон» дейилади.

Нақшбандияда тариқатга кирган толиб тавба қилиши, пайғамбаримизнинг суннатларига қатъий амал қилиши, шариатга зид бидъатлардан қочиши, тақвони кучайтиришга амал қилиши, зулм ва ноҳақлик қилмаслиги, қарзини тўлаши, розилик сўраши, қазо намозларини ўқиши, Тангрини ҳар лаҳзада зикр қилиши лозим¹¹⁵.

Нақшбандия тариқати қуйидаги тўрт асос устига қурилган:

1.Шариат билан зоҳирни поклаш. 2.Тариқат билан ботинни поклаш. 3.Ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ. 4.Маърифат ила Аллоҳга эришмоқ¹¹⁶. Шу билан бирга нақшбандия тариқатида 11 та асосий тамойиллар ҳам бор. Уларга бу тариқатга кирган ҳар бир солиқ риюя қилиши шарт. Бу тамойиллар қуйидагилардир:

Юсуф Ҳамадоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Ҳуш дар дам – ҳар нафасдан огоҳ бўлиш;
2. Назар бар қадам – ҳар қадамни кузатиш;
3. Сафар дар ватан – ботиндаги сафар, ахлоқни тузатиш;
4. Хилват дар анжуман – зоҳиран халқ билан ботинан ҳақ билан бўлиш.

Абдулҳолиқ Ғиждувоний томонидан асосланган тўрт тамойил:

1. Ёд кард – Тангрини эслаш, зикр этиш;
2. Бозгашт – зикрдан кейин «Тангрим, мақсадим сенсан ва сени ризолигингни тилайман» иборасини такрорлаб, уни поклаш;
3. Нигоҳдошт – қалб ва хотира муроқабаси;
4. Ёддошт – ҳар лаҳза Тангридан огоҳ бўлиш.

Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асосланган уч тамойил:

1. Вуқуфи замони – замон-вақтдан огоҳ бўлиш, уни асраш;
2. Вуқуфи ададий – сон-ададдан огоҳ бўлиш, тавҳидга етиш;

¹¹⁵Курс: Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. — Тошкент: Истиклол, 1999. 108-бет.

¹¹⁶Кара М.Тасаввуф ва тариқатлар тарихи. Истанбул.1996. 295-бет.

3. Вуқуфи қалби – қалб ҳолатидан огоҳ бўлиш:

Нақшбандия тариқатининг энг машҳур шаҳобчалари: аҳрория, мазҳария, мужаддия ва холидия. Мужаддия асосчиси Имом Раббоний Ибн Арабийнинг «ваҳдати вужуд» фалсафасини танқид қилиб, «ваҳдати шухуд»ни ёқлаб чиққан.

Учинчи босқич маломатийлиги сифатида танилган ва «ваҳдати вужуд»нинг қаттиқ тарафдори бўлган маломийи-нурия тариқати ҳам нақшбандия тариқатининг шаҳобчаси сифатида эътироф этилган¹¹⁷.

Нақшбандия таълимотининг вужудга келиши ва камолотида тасаввуф таълимоти ва тариқат арбобларининг хизмати катта бўлган. Булардан Робия Адавия, Абдулқодир Гилоний, Жалолиддин Румий, Ориф Ревгарий, Хожа Али Ромитаний қарашларининг таъсири ҳақида мухтасар тўхталмоқчимиз.

Нақшбандийлик тариқатидаги ихлос ва сидқ билан Тангрига хизмат қилиш ғояси жуда чуқур ва теран илдизлар асосида шаклланган. Ана шундай мустаҳкам илоҳий ишқни қуйлашни Робия Адавиянинг пок илоҳий ишқ ҳақидаги ғояси бошлаб берган. Робия Адавия 713 – 718 йилларда туғилиб, 801 йилга қадар яшаган, Басра тасаввуф мактабининг кўзга кўринган намояндасидир. Робия биринчи сўфий аёллардан бўлиб, тасаввуфий ишқнинг асосчисидир. У одамларни фақат Тангрининг ризолиги учун ҳаракат қилишга чорлаган. У кишиларни риё, манманлик, шухратпарастлик, кеккайиш, мағрурлик, ўзига бино қўйиш каби иллатлардан фориғ қилишга ва барча башарий истаклардан қутқариб поклашга ҳаракат қиларди.

Робия тасаввуфдаги асосий фазилатлар ризо ва сидқ тушунчаларининг асосчиси бўлиб қолди. У Тангрини фақат унинг ўзи учун севиш, беҳишту дўзахдан қутулиш учун севмасликка ундарди. Унинг ўзи айтган қуйидаги сўзлари тасаввуф аҳли ичида жуда машҳурдир: «Худовандо! Агар сенга дўзахдан кўрққаним учун сиғинсам жаҳаннамга равона эт. Агар жаннат илинжида ошиқ бўлсам, уни менга ҳаром эт ва агар дийдоринг умидида бўлсам — жамолингни мендан дариг тутма!»

¹¹⁷Бандирмализода Аҳмад Муниб. Мирқатут турук, Истанбул, 1306, 26-бет: Нақшбандийлик ҳақида маълумот учун: Қосим Куфрали. Нақшбандиянинг қурилиши ва тарқалиши, Туркиёт институти кутубхонаси. N 230.

Робия биринчилардан бўлиб обиддан кўра орифни устун кўйди ва унинг сифатларини кўрсатди. У орифлардаги илоҳий ишқ инсон ҳаётида раҳбар, йўл кўрсатувчи бўлиши лозим деб айтади. Лекин Робия обидларга ва ибодат қилишга инкор кўзи билан қараган эмас, у фақат бу жараённинг пок Тангри ризолиги учун лозимлигини уқтиради. Робиянинг фикрича, барча диний фарзларни бажариш кишининг руҳини ташқи ғам ва ҳислардан поклаб, унинг илоҳий муҳаббатни қабул қилиш ва Маъшук билан муносабат ва мушоҳадага тайёрлайди. Демак, у шариатни тўла бажариб, тана ва руҳни фано ва бақо сифатига тайёрлаш деб тушунади.

Робиянинг ғоялари тасаввуфнинг нақшбандия тариқатига чуқур сингиб кирганлиги ва ўз аксини топганлигини манбалар кўрсатади. Робиянинг куйидаги сўзлари нақшбандия тариқати оламида машҳур бўлган: «Ҳар неки менга шу дунёга қисмат этган бўлсанг, ўз душманларингга бер ва ҳар неки уқбо (охират)га мен учун қисмат этган бўлсанг дўстларингга бер. Зеро, мен учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам фақат ўзинг кераксан».

Нақшбандия тариқатига ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вукуфи қалбий – қалбдан огоҳ бўлиш қоидасини киритган. Бу талабнинг вужудга келишида Робиянинг: «Ё раб, дилимни намозга ҳозир айла ва дил торимни ўзингга созла!» ғояларининг таъсири бор.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига Абдулқодир Гилоний (1077) таълимотининг ҳам таъсири борлигини кўрамиз. У қодирия тариқатининг асосчиси бўлиб, унда «Машғуллик ила фориғ» шиори қабул қилинган. Шу талаб асосида нақшбандия тариқатидаги «Даст ба кору, дил ба ёр» шиори шаклланган. «Машғуллик ила фориғлик» очкўзлик ва худбинликдан буткул йироқ бўлишдир; ўзинг яратган моддий-маънавий бойликлардан ўзгалар ҳам баҳраманд бўлса, бундан фахрланиб, хурсанд бўлиб яшашдир; кўпчилик учун фидо бўлиш, жонкуярлик қилиш ва бунинг оқибатида инсонларни хурсанд қилиб, Оллоҳдан ажр-савоб, яхшилик кутишдир; «ҳаммага берсин, кўпнинг қаторида менга ҳам берсин», -дея дуода бўлиб, меҳнат қилишдир. Ўз нафсини бахилликдан сақлай олишдир»¹¹⁸. «Машғуллик ила фориғлик» нақшбандия тариқатига зикри хуфияни қабул қилишда ҳам асос бўлган.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг маълумотларига асосан Абдулқодир Гилоний авлиёлар ўртасида энг юксак рутбада турган.

¹¹⁸Муҳаммад Сидди Рушдий. Ғавсул Аъзам. Тошкент: Нур, 1992. 53-бет.

Барча авлиёлар бўйни унинг қадами остида бўлган. Султонул Орифин Абу Язид Бастомий Ҳаққа арз этдики, «Шайх Абдулқодирни мендин қайси важҳ бирла даражасини юқори бўлмоқга ҳукм қилурсен?». Нидо келдики, Саййид Абдулқодирнинг сендин икки важҳ бирла мартабаси баланддур, бири улки, ҳабибим Муҳаммад(С.А.С.)авлодларидур, иккинчи улки, сен дунёдин фориғ ва менинг хизматимга машғулсен. Саййид Абдулқодир Бовужуди «Машғуллик бирла фориғдир»¹¹⁹. Гилонийнинг бу фазилати Баҳоуддин учун ибрат мактаби бўлган.

Жалолиддин Румий (1207-1273) Шарқнинг буюк мутафаккири, тасаввуфнинг мавлавия тариқати асосчиси, «Маънавий Маснавий» асарининг муаллифи. Бу инсоннинг ирфоний таълимоти жаҳонга машҳур. Жалолидин Румий ва Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига назар ташлаб улар ўртасидаги умумий чизги жиҳатларни кўриш қийин эмас.

Жалолиддин Румий Оллоҳ берган жисмоний ва руҳий қувватларни меҳнат қилишга, эзгу ишга сафарбар қилишга чақиради. Инсон х о л и с меҳнат қилганида ф а н о ҳолатига етиши уқтирилади. Маснавийда шундай ёзилган:

Даст ҳамчун бел ишоратҳои ўст,
Охир андеша иборатҳои ўст¹²⁰.

Мазмуни:

Қўл куракдек бир ишорат Роббидан
Бўйлаким, жумла иборат Роббидан.

Румий бу мисралари орқали инсонга берилган қўл меҳнат ускунаси бўлмиш белкуракдек бўлиб, у Оллоҳнинг ишоратларидир, дейди. Мулоҳаза қилиб кўрганда, ҳар бир киши барча узвларида илоҳий ибора ва ишораларни кўради, дейди. Жалолиддин Румий «Маънавий Маснавий»нинг тўртинчи қисмида т а в а к к у л ва жаҳд ҳақида гапириб, аввал меҳнат қилиш ва унинг натижаларини Оллоҳга топшириб таваккул қилиш кераклигини уқтиради. Нақшбандия тариқатида ҳам «Даст ба кору дил ба ёр» талаби меҳнат қилиб, қалбда Оллоҳни асраш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш ва ўзгалар учун ўзни нисор этиш қоида қилиб олинган.

¹¹⁹Муҳаммад Сиддиқ Рушдий. Ғавсул Аъзам.- Тошкент:Нур, 1992.53-бет.

¹²⁰Жалолиддин Румий. Маънавий Маснавий. Куллиёт. Ж.1.к.1 / (таржима шарҳи билан: / Таржимон А.Маҳкам; Масбул муҳаррир Т.Маҳмудовлар/ -Тошкент: Шарк, 1999..220-бет.

Жалолиддин Румий «Ўзини билган Худосини ҳам билади» ҳадисига асосланиб, асосий эътиборни ўзини чуқур билиб, ўзидаги илоҳий томонни ривожлантириб, илоҳий сифатларни эгаллашга қаратади, ўзни Оллоҳнинг жамол ва жалолини зухур этиш манзили эканлигини билишга чақиради. У бу ҳақда шундай ёзади:

Онҳо ки талабгори худоед, худоед,
Берун зи шумо нест-шумоед, шумоед...
Дар хона нишинеду нагардед ба ҳар сў,
Зероки шумо хонаву ҳам хона худоед¹²¹.

Мазмуни:

Оллоҳ талабида бўлганлар,
Оллоҳ сиздадир, ташқарида эмасдир,
Уйда ўтирингу ҳар ерда юрманг,
Чунки сиз уй ва шу уйнинг тангрисисиз.

Румий бу мисралари билан Оллоҳ талабида бўлганлар ўзларида барча илоҳий исму, сифату, зоту, жалолу жамол яширинганини уқтириб, уни топиш учун уйда ўтириб, ўзни англаш кераклиги ва инсоннинг ўзи ҳам Оллоҳнинг макони ва унинг сифату исмларини акс эттирувчи эканлигини таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳам «Сафар дар ватан» талабида бошқа жойларга боришнинг ҳожати йўқ, ҳар бир киши ўз жисмоний ва руҳоний дунёсида сафар қилиши ва ўзидаги ёмон, замима сифатларни йўқотиб, илоҳий сифатлар билан сифатланиши керак, дейди.

Сўфийлар орасида Румийнинг «Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил» деган мисраси беҳудага шиор бўлмаган. Чунки мақсад – жисм билан эмас, руҳ билан борлиқнинг аслини кўрмоқ ва ўзни бу бепоён вужудиятнинг бир зарраси сифатида олам моҳиятига ғарқ қилмоқ, аслини англамоқдан иборат. Бу шиордан руҳланган Баҳоуддин Нақшбанд ўзни англаш учун бошқа жойга сафар қилиш шарт эмас, ўзни билиш, англаш, бошқаришни ўрганиш, ўздаги барча илоҳий неъмат бўлган қувватларни унинг ризолиги учун сарфлаш лозимлигини уқтиради.

Академик И.Мўминов ўзининг «Мирзо Бедилнинг фалсафий қарашлари» (1946 йил), «Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихи масалаларига доир (X-XX аср бошлари)» (1954

¹²¹Бу ҳақда қаранг. Иброҳим Ҳаққул. Руҳи ҳур, ирфони ҳур// Тафаккур. 1997.-№2.50-бет.

йил), IXX аср охири ва XX асрнинг бошларида Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти тарихидан» (1960 йилда) ва «Ўрта Осиёнинг машҳур мутафаккирлари» (1966 йил) илмий асарларида Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-сиёсий тафаккурини ёритиб, жумладан тасаввуф фалсафасига ҳам алоҳида эътибор беради.

У машҳур шарқшунос олим В.В.Бартольднинг «История культурной жизни Туркестана» асаридаги Мовароуннаҳрда тасаввуфнинг энг кўп тарқалган оқимлари XI асрда Юсуф Ҳамадоний мактабидан бошланади, деган фикрини қўллаб-қувватлайди. Олим мазкур тасаввуф мактабига юқори баҳо бериб, Юсуф Ҳамадоний издошларидан Абдулхолиқ Гиждувоний ва Аҳмад Яссавий орқали иккита тариқат вужудга келганлигини кўрсатади ва улар ҳақида батафсил маълумот беради.

Абдулхолиқ Гиждувоний сулуки, асосан шаҳар ва унинг атрофидаги жойларга мослашган бўлиб, бу сулук издошлари улар меҳнат жараёнини сўфийлик амалиёти билан бевосита бирга олиб боришган. Академик И.Мўминов Аҳмад Яссавий ҳақида ёзиб, бу улуғ мутасаввиф ҳам Бухорода Юсуф Ҳамадонийдан таълим олганлигини, кейинчалик ўз таълимотини вужудга келтирганини баён этади. Аҳмад Яссавий таълимоти унинг «Ҳикматлари»да баён этилгани ва бу асар биринчи марта ўзбек тилида ёзилганлини таъкидлайди.

Олим Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикматлар» асарини тўғри таҳлил этади, лекин у яссавийлик ва нақшбандийлик тариқатларини бир-биридан тубдан фарқ қилувчи оқимлар деб баҳо беради. Яссавий – тарки дунё этишни ёқлагани учун ҳам мистик оқим, деган фикрда туради. Тасаввуфга доир охириги тадқиқотларда бу икки тариқатнинг бир-бирига қарши қўйилиши ҳақли равишда танқид қилинди. Дарҳақиқат, «Рашаҳот», «Нафаҳот ул-унс» ва нақшбандия таълимотига доир бошқа манбалар гувоҳлик берадики, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд Аҳмад Яссавий издошларидан бўлган Ҳалил ота (кейинчалик Султон Ҳалил)дан 12 йил, Қусам шайхдан 6 ой таълим олган. Демак, Нақшбандия тариқатида Абдулхолиқ Гиждувоний ва Хожагон тариқатининг таъсири қай даражада бўлса, унга яссавийликнинг таъсири ҳам шу миқдорда бўлган. Нақшбандия Хожагон ва Яссавия тариқати асосларини олиб, уларга таянган ҳолда ўз таълимотини яратди, уни янги ғоялар билан бойитди,

шунинг учун ҳам ҳозиргача бутун мусулмон дунёсида у ўз нуфуз-мавқеини сақлаб турибди.

Нақшбандия тариқати ва таълимотининг ўқ илдизи Хожагон тариқати ва унинг намояндалари ирфоний меросидан озиқланади. Биз бу тариқат намояндаларидан Ориф Ревгарий ва Хожа Али Ромитаний илмий-ирфоний мероси ва уларнинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчимиз.

Хожа Ориф Ревгарий таълимоти Баҳоуддин Нақшбанд қарашларига кучли таъсир кўрсатган. Бу улуғ тасаввуф намояндаси ҳақида манбаларда жуда оз маълумот берилган. Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн ул-ҳаёт» асарида Ревгарий Абдулхолик Ғиждувонийнинг тўртинчи халифаси эканлиги, туғилган ва рихлат этган жойи ва ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд насаб ва иродатлари хожа Абдулхолик Ғиждувонийга шу халифа орқали бориб тақалиши кўрсатилган. Хожа Ориф Ревгарийнинг рихлат этган вақти ҳижрий 715 йил деб кўрсатилган¹²².

Хожа Орифнинг фалсафа тарихи ва маънавий меросимиз рўйхатида номаълум бўлган «Орифнома» деб номланган китоби топилди. Бу китобни Покистондаги «Нақшбандия» жамияти раиси Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий ҳазратлари Бухоро илм аҳлига туҳфа этган. «Орифнома»нинг бошқа бир нусхасини биз ҳам олишга муяссар бўлдик. Бу асар ҳижрий 822 йилда Ориф Ревгарий томонидан Хожа Наим илтимосига мувофиқ ёзилган. У орифларга мурожаат бўлиб, Хожагон таълимоти моҳиятини очиб беради.

Рисола бошида толиб ва солиқларга мурожаат қилиниб, «Дунёни тарк этмоқ дегани Оллоҳдан бошқа нақшни қалбдан ўчирмоқ, йўқотмоқ, демакдир. Бу иш олий даражага етмоғингга ҳужжат бўлмай. Барча роҳ, равишда охирги мақсадга эришмоқ ихлосли бандалар учун шу зайлда амалга ошгай»¹²³ каби тариқат шартлари келтирилади. Хожа Ориф ҳақиқатга эришиш учун асосий тўсиқ-нафси аммора эканлигини таъкидлайди.

«Орифнома» асарида Ориф Ревгарий вақтни қадрлашга жуда эътибор бериб ёзади: «Ҳушёр бўлгилки, «Ал вақту сайфун қотиъун!» яъни вақт шамшир каби кескирдир. Солиқ турфатул айнини ҳам ғафлат ва беҳуда ўтказмасин»¹²⁴. Ҳазрат Нақшбанднинг вуқуфи замоний талаби шу талаблардан озиқланиб шаклланган.

¹²²Маҳмуд Зоҳид Қутқи. Тасаввуфи Аҳлок. Истанбул: Сеха, 1985. II жилд. 170-бет.

¹²³Хожа Ориф Ревгарий. Орифнома: Кўлёмза. Муаллифнинг шахсий кутубхонасида. -В.-3а. (Бундан кейин Орифнома.)

¹²⁴Орифнома-В.-3б.

«Орифнома»да қалбни поклашга алоҳида эътибор берилади: «Пок эътиқодли бўл! Зероки, қора юрак, чиркин кўнгил бутун аъзойи баданни палид қилгай. Ахир Тангрини бизни қабул этиши ё этмаслиги айна шу кўнгил туфайли-ку!»¹²⁵. Нақшбандиядаги «Вуқуфи қалбий» ҳақидаги таълимот учун бу ғоя асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган.

«Орифнома»да «Тариқатнинг бошланиши ва саодат калити тавба-тазаррудир» дейилади. Асарда келтирилган «Тавбанинг ҳақиқий маъноси бегоналикдан-ошноликка, яъни (Тангридан) узоқликдан яқинлашмоқдур»¹²⁶ деган фикрлар Баҳоуддин Нақшбанд таълимоти мағзига сингиб кетган, ғоялари марказида турган. «Орифнома» асарида солиқ руҳий камолоти қуйидагича изоҳланган: 1-важд – завқ-шавқ бўлиб, у кашфнинг муқаддимасидир. 2-кашф – маърифатнинг муқаддимаси. 3-маърифат. 4-ғайб эҳсон мурасидир бўлади. Солиқ кўз ўнгидан пардалар кўтарилиб, мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланади.

«Орифнома» асарида авлиёликнинг 3 аломати кўрсатилган:

1. Баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ.
2. Қудрати, сабру тоқати етгунча парҳезкорлик қилмоқ.
3. Кучи етгунча инсоф қилмоқ¹²⁷.

Асарда Ориф Ревгарий бир жойда «Маърифатнинг чегараси-нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг тадбири ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир», деса, бошқа жойда – «Маърифат-қалбнинг Тангри ягоналигини тасдиқ этмоғидир», дейди.

Ориф Ревгарий мушоҳадага алоҳида эътибор беради. У дейди: «Солиқ уйга кирганда Ғаффорнинг сунъини ва ташқарига чиққанда Жабборнинг сунъини кўрсин. Тангри санъатининг тамошоси ила машғул бўлмоқ ғоят гўзал мутолаадир. Санъаткор (Тангри) ни кўрмоқчи бўлсанг унинг ижодини мутолаа (мушоҳада) эт»¹²⁸.

«Орифнома» асарида Боязид Бастомий, Робия Адавия, Ҳасан Басрий, Фузайл Аёз, Сўфиёни Саврий, Яҳё Розий, Шақиқ Балхий, Абдулҳолик Ғиждувонийнинг ҳикматли сўзлари келтирилган. Бу бир томондан, тасаввуф тарихида катта роль ўйнаган, номлари зикр этилган сўфийлар таълимоти ҳақида маълумот берса, иккинчи томондан, бу улуғ тасаввуф намояндалари хожагон-нақшбандия

¹²⁵Орифнома.В.-5а.

¹²⁶Орифнома.В.-7а.

¹²⁷Орифнома.В.-11а.

¹²⁸Орифнома.В.-15а.

тариқати ва таълимотининг маънавий асослари бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Нақшбандия тариқатининг улуғ пирларидан бири Ҳазрати Азизон номи билан машҳур бўлган зот Хожа Али Ромитаний ҳисобланади. Хожа «Силсилаи Шариф»да ўн учинчи халқанинг Пири муршиди сифатида бутун оламга маълум ва машҳур. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётига доир «Мақомот»да Ҳазрат Али Ромитаний яшаган давр, унинг кароматлари, айтган ҳикматлари ҳақида батафсил маълумот берилган. «Бу – Ҳазрат Азизон даврида, замонида эди», деб қайд этилган воқеалар, ривоятлар бор.

Туркий тилдаги манбаларда: «Шайх Али Ромитаний нуру ҳақиқат шаҳпари» деган мисралар бор. Хожа Али Ромитаний ҳақида яна қуйидаги маълумотлар бор: «Хожанинг туғилган жойлари Ромитандадир, рихлат этган йиллари 721 ҳижрий йил. Ҳазрат нуроний, мавзун қадли, бутун аъзолари бир-бирига мутаносиб зот эдилар. Тўқувчилик касби билан тирикчиликларини ўтказганлар. Дунёвий нарсаларга илтифот этмас, фақрни дунёнинг жамики неъматларидан устун кўярдилар. Нақшбандия машойихларининг кубароси (яъни буюги) эрдилар. Хожагон тариқатида Азизон лақаби билан машҳур, 130 йил умр кўрдилар»¹²⁹. Ҳозирча Хожа Али Ромитанийнинг меросларидан бизга бир қитъа, тўрт рубоий, 16 рашҳа – ҳаётбахш ҳикматлар ва бир рисола маълум. Бу китоб манбаларда «Рисолаи Ҳазрати Азизон» номи билан аталади. Баҳоуддин Нақшбанд ўзини Хожа Али Ромитанийнинг муриди деб билар эди.

«Рашаҳот»да қайд этилишича, у кишидан 16 рашҳа – (ҳаётбахш томчи) ҳикматлар сақланган. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

«Жуда кўп киши хизмат қилади ва шу хизмати эвазига албатта бирор нарсани истайди, бошқа киши бўлса хизмат қилганида уни холисона астойдил бажаради. Сиз холисона хизматни бажо этувчилардан бўлинг, то бошқалар сиздан хафа бўлмасунлар»¹³⁰. Демак, бировга сидқидилдан, рози бўлиб яхшилик қилиш лозим.

«Айтубдиларким, гуноҳ қилмаган ҳолда тил билангина дуо қилинг, ўшанда у қабул бўлади. «Демак, фақатгина ҳалол ва пок одамларнинг сўзини Оллоҳ инобатга олади ва шахс ўша даражага интилиши лозимдур.

¹²⁹Маҳмуд Зоҳид Қутки.Тасаввуфи Ахлоқ. Истанбул: Сена, 1985. II жилд. 176-бет.

¹³⁰Рашаҳот.38-бет.

Хожа Али Ромитанийдан инсон камолотига доир қуйидаги рубоий сақланган:

Хоҳи ки ба Ҳаққ раси биёроми тан
В-андар талаби дўст биёроми тан.
Хоҳи мадад аз руҳи Азизон ёби,
Пой аз сари худ соз биё Ромитан¹³¹.

Мазмуни:

Ҳаққа етишмоқчи бўлсанг танангга ҳукмрон бўл.
Дўстинг талабида танангга ҳукмрон бўл.
Азизон руҳидан мадад топмоқчи бўлсанг,
Бошингдан оёқ ясагину Ромитанга кел.

Бу мисралар орқали ҳазрат Азизон кўрсатадики, инсон Ҳаққа етишмоқчи ва дўст талабида бўлса, танаси истакларини тинчлантириб, унга ҳукмрон бўлиши лозим. Азизон ва бошқа буюклардан мадад тиласа, бошини оёқ қилиб, яъни уларнинг таълимоти моҳиятига етиб юзланиши лозим. Бу рубоий ва «Рисолаи ҳазрат Азизон»даги шунга ўхшаш ғоялар Баҳоуддиннинг инсонга доир қарашлари мағзини ташкил этди.

Хулоса қилиб айтганимизда:

1. Тариқат тасаввуфнинг амалий кўриниши бўлиб, ўзига хос услуб ва қоидалар билан инсонни камолотга етказди.

2. Мумтоз тариқатлар XII асрда вужудга келган ва уларда яхлит муштарак унсурлар мавжуд бўлган.

3. Нақшбандия хожагон ва яссавия тариқати замирида XIV аср иккинчи ярмида вужудга келиб, бутун тариқатлардаги муштарак унсурларни ўзига хос равишда акс эттирган мумтоз тариқатларнинг биридир.

4. Нақшбандия тариқати ҳам бошқа тариқатлар каби комил инсонни тарбиялашни ўзига хос услуб ва қоидалар билан амалга оширади.

5. Нақшбандия мумтоз тариқатларнинг охиргиси ва шунинг учун унда бутун тасаввуф ва тариқатлардаги энг яхши томонлар ўз аксини топган.

¹³¹Ўша жойда.

II БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД - ЯНГИ ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЧИСИ

2.1. НАҚШБАНД ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

«Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Бухорий нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқатининг асосчиси. Уни дунёга келган вақти ҳақида қуйидаги маълумотлар бор, «билгинки, ҳазрати Хожаи бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари етти юз ўн саккизинчи (718) йилнинг муҳаррам ойида юз берган»¹³². Худди шу маълумот Фахриддин Али Сафийнинг «Рашаҳот айн-ал-ҳаёт» асарида «Нақшбанд номи билан машҳур Ҳазрат хожа баҳо-ул Ҳаққ ва-д-дин Муҳаммад (қ.с) зикри»да келтирилган.

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётини форс қўлёмалари асосида тадқиқ этган академик А.А. Семёнов (1873). Вюстенфельд жадвали асосида ҳижрий 718 йилнинг муҳаррам ойини милодий 1318 йилнинг 5 мартдан 3 апрелигача бўлган вақтга тўғри келишини аниқлаган.

Манбаларда Баҳоуддиннинг туғилган ва вафот этган жойи Қасри Орифон деб кўрсатилган. Бухородан бир фарсанг масофада (ҳозирги Бухоро вилояти, Когон туманида) жойлашган бу манзил Баҳоуддин туғилишидан олдин «Қасри Ҳиндувон», яъни ҳиндулар яшайдиган қаср номи билан аталган. Шарқшунос В.А.Гордлевский (1876-1956) тадқиқотлари асосида айтиш мумкинки, бу ерда аввал будда динига сиғинган ҳиндулар ҳам яшаган ва шунинг учун унга шу ном берилган¹³³. Муҳаммад Бобои Самосийнинг башоратлари билан Баҳоуддин туфайли бу жой номи Қасри Орифон бўлди. Ҳозиргача бу мавзе шу ном билан машҳур.

Носириддин Тўра Бухорийнинг «Тўхфат аз-зойирин» асарида Баҳоуддин Нақшбанднинг насаби ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: Ҳазрат Баҳо-ал-Ҳаққ-ва-д-дин Саййид Муҳаммад ибн Саййид Муҳаммад Жалол-ад-дин Бухорий ибн Саййид Бурҳон-ад-дин Холдор ибн Саййид Абд-Оллоҳ ибн Саййид Зайн-ал-Обидин ибн Саййид Шаъбон ибн Саййид Бурҳон ибн Саййид Маҳмуд Румий ибн Саййид Исҳоқ, лақаби Илоқ ибн Саййид Тақи ибн

¹³²Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир.Мақомоти ҳазрат Хожа Нақшбанд. Бухоро: Бухорои шариф,1327 х.й.3-бет.

¹³³Гордлевский В.А. Бахауддин Накшбанд Бухарский. (к вопросу о наслоениях в Исламе). —М., 1962. Избр. соч.Т.3.С 385.

Саййид Хилвати ибн Саййид Фахр-ад-дин ибн Саййид Маҳмуд Жомий ибн Саййид али Акбар ибн Ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн ҳазрат Имом Али Мусо ар-Ризо ва насабининг охиригача.

Улуғ Хўжа (Баҳоуддин Нақшбанд) ҳазратлари волида (она) томонидан Сиддиқийдир³. Баҳоуддин Нақшбанднинг риҳлатлари ҳақида барча манбаларда бир хил маълумот берилган. «Рашаҳот»да ёзиладики, у 73 ёшда бўлиб, 74 га қадам қўйган (қамарий йили билан) вақтда бу фоний дунёни тарк этди. Унинг вафоти душанба кечаси – робийул аввал ойининг учинчиси, етти юз тўқсон биринчи (791) ҳижрий йилда содир бўлди. Бу сана милодий 1389 йил 2 мартга тўғри келади¹.

Баҳоуддиннинг вафотлари таърихи қуйидагича келади:

Рафт Шоҳи Нақшбанд, он хожаи дунёву дин,
Он ки буди Шоҳи роҳи дину давлат, миллаташ.
Маскану маъвои ў чун буд Қасри Орифон,
«Қасри Ирфон» з-ин сабаб омад ҳисоби реҳлаташ².

Мазмуни:

Дунё ва диннинг хожаси бўлган Шоҳ Нақшбанд кетди,
У давлати, миллати ва диннинг йўл кўрсатувчи Шоҳи эди,
Туғилган ва ўлган маскани Орифон Қасри бўлган,
«Қасри Ирфон» унинг риҳлати ҳисобига айланди.

Бу сатрлар, бир томондан, Хожа Баҳоуддиннинг Ҳақ йўлини кўрсатувчилар Шоҳи эканини англатса, иккинчи томондан, унинг ҳижрий 791 йилда оламдан ўтганини билдиради. Чунки «Қасри Ирфон» абжад ҳисоби билан 791 санани беради.

Баҳоуддин Нақшбанд вафотлари олдидан васият қилганки,
«Тобутим олдидан бу рубоийни ўқинглар:

Муфлисониём омада дар кўи ту,
Шайъалиллоҳ аз жамоли рўи ту.
Даст бикушо жониби занбили мо,
Офарин бар дасту бар бозуи ту!»³

³Носирид-ад-дин Тура ибн Амир Музаффар ал-Ханафий ал-Бухорий. Хўжа Баҳо-ад-дин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. /Қозоқов Б. таржимаси. Бухоро: 1993.18-бет.

¹Кошифий Фаҳриддин Али Бин Ҳусайн Воиз ас Сафи. Рашаҳот айнал ҳаёт. - Т.: Орифхонов, 1337 х.й.57-бет.

²Рашаҳот. 57-бет.

³Мақомот. 69-бет., Хазинат ал асфиё. 551-бет.

Мазмуни:

Фақирлармиз, сенинг йўлингга келганмиз,
Сенинг юзинг жамолингда йўқ бўлганмиз (сенинг нарсанг
бўлиб қолганмиз).

Тобутимиз томон қўл очгин.

Сенинг қул ва бозуларингга офаринлар бўлсин.

Баҳоуддин икки марта ҳаж сафарида бўлган⁴.

Баҳоуддиннинг 2 фарзандлари – бир ўғил ва бир қизи бўлган. Ўғли ёшлигида вафот этган. Қизи вояга етганда Алоуддин Атторга турмушга берган. Алоуддин Аттор унга ҳам куёв, ҳам халифа бўлган. Авлодидан Хўжа Ҳасан Аттор, Хўжа Юсуф ўз даврининг валийлари бўлган. Унинг авлодлари қизи орқали ҳозиргача сақланган.

Баҳоуддинга тарбия берган устозларни шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

1. Зоҳиран, бевосита мулоқотда бўлиб тарбия берган устозлар.

2. Руҳлари орқали тарбия берган устозлар.

Биринчи гуруҳга Хожа Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳалил Ота, Амир Кулол, Ориф Диггароний, Қусам Шайх ва ҳадис илмини ўргатган устозлари киради.

Хожа Муҳаммад Бобои Самосий Баҳоуддинга тарбия берган биринчи устоздир. У ҳақида «Рашаҳот» асарида маълумот берилган. Муҳаммад Бобои Самосий Хожа Азизоннинг энг комил ва фозил саҳобаларидан эди. У Ромитаннинг Самос қишлоғида дунёга келган. Муборак қабри ҳам ўша ердадир.

Баҳоуддинга фарзандликка қабул назари Муҳаммад Бобои Самосийдан бўлган. У Баҳоуддин туғилишини олдиндан башорат қилган ва Амир Кулолга унинг тарбиясини топширган. Бобои Самосий 755 ҳижрий йилда вафот этган¹³⁴. Хожа Муҳаммад бобо қариб қолган пайтларида Баҳоуддин Нақшбандни бобоси Самарқандга етаклаб борган. Қаердаки бирон-бир дарвишни кўрса, уни уларнинг суҳбатига олиб борган ва беҳад ҳожатмандлик изҳор этган. Сўнг Бухорога олиб келиб, унинг уйланиш маросимини адо қилган. Кейин Баҳоуддин тушидаги ишорага асосан 12 йил Ҳалил отадан тарбия олганлиги кўрсатилган¹³⁵.

⁴Рашаҳот. 55-бет.

¹³⁴Ҳазина-ал асфийё. 542-бет. Тўхфат-аз-зойирин. 43-бет.

¹³⁵Мақомот. 32-бет.

Ҳалил Отанинг нур тўла мозори Нахшабда (Қашқадарё вилояти) Деҳаи Шуллак мавзесида, Қарши кўрғонидан тахминан чорак тош масофада бўлган ўша ер аҳолисининг маъруф зиёратгоҳидир¹³⁶.

Баҳоуддин Нақшбанд тавбага таяниб, Ревартунга келгандан кейин, илм олиш билан машғул бўлди. «Мақомот»да у ҳадис илмини Баҳоуддин Қишлоқий – Диггаронийдан ўргангани ёзилган. Носириддин Тўра «Тухфат-аз-зойирин»да Баҳоуддин Қишлоқийни Нақшбанд устози деб маълумот беради.

Мавлоно Баҳоуддин Қишлоқий – ўз даврининг муқаддаси, раҳбари бўлган. У зоҳирий – ақлий-мантиқий ва ботиний – руҳий илмларни эгаллаган олим, шунингдек, каромат соҳиби бўлган. Унинг туғилган жойи, Қарши вилоятининг даҳаси бўлган Муборак қишлоғидир.

Баҳоуддин Қишлоқий – улуғ Хўжа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандга суҳбат шайхи ва ҳадис илми бўйича устози бўлган эди. Баҳоуддин Қишлоқийнинг шарафли қabri Муборак қишлоғида, Хўжа Муборак номи билан машҳурдир¹³⁷.

Мавлоно Ориф Диггароний Саййид Амир Кулол суҳбати шарафига етишдан олдин, мавлоно Баҳоуддин Қишлоқийга мурид бўлган.

Баҳоуддин тавбага етишиб, Бухорога келиб, ҳадис илмини ўргангандан кейин Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг руҳий ишоратлари билан ҳазрат Амир Кулолдан (вафоти 1370) тарбия олган.

Амир Кулол ўзидаги бор билимларини Баҳоуддин Нақшбандга бергандан кейин бутун асҳоблари мажлисида унга юзланиб шундай деди: «Фарзандим Баҳоуддин, Ҳазрати Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг сиз ҳақингиздаги гапларини тўлалигича бажо қилдим. Менга айтган эдиларки, мен сенинг тарбиянгни қандай бажо келтирган бўлсам, сен ҳам фарзандим Баҳоуддиннинг тарбиясини шундай жойига қўй. Мен худди шундай қилдим!». Амир ўз кўкракларига ишорат қилиб дедилар: «Сизнинг руҳоният қушингиз башариятлик тухумидан чиқди. Сизнинг ҳиммат қушингиз баландпарвоз чиқиб қолди. Энди сизга руҳсат ва ижозатдир, турк ёки тожик шайхлардан ҳам кимнинг иси димоғингизга етса унинг талабида бўлинг. Мақсадга етиш борасида

¹³⁶Носириддин Тўра. Тўхфат аз зойирин. 16-17-бетлар.

¹³⁷Носириддин Тўра. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. 14-бет.

ҳимматингизга нуқсон етказа кўрманг!»¹³⁸. Ҳазрат Баҳоуддин шу кундан эътиборан Саййид Амир Кулолнинг нафаслари бўйича янгидан талаб йўлига кириб ҳол тили билан бу рубоийни айтган экан:

Эй, ошиқи шўридаву авбоши талаб,
Ин ваъда, ки кардааст, ту ҳар жош талаб.
Дар ғам агараш наёби, дар шоди жуй,
Саргардони гузин ҳар жош талаб¹³⁹.

Мазмуни:

Талаб йўлидаги эй ошиқ. Ваъда қилинганни ҳар ерда тила.
Ғамда топа олмасанг шодликда изла ва ҳар жойда излагин.

Баҳоуддин Амир Кулолдан кейин етти йил унинг тўртинчи халифаси бўлган Мавлоно Ориф Диггаронийнинг хизмати ва мулозаматида бўлди. Бу мулозаматда хилма-хил риёзату жидду жаҳдни ўз бўйинларига олди. Кўп вақтлар Мавлоно Ориф билан бирга Работи Малик қурилишида мардикорлик қилдилар.

Мавлоно Орифдан сўнг Баҳоуддин икки-уч ой Қусам Шайхга мулозамат ва мутобаъатда бўлди. Охири Қусам Шайх Хоҷамизга ташриф буюриб дедилар: «Менинг тўққиз ўғлим бор, ўнинчиси сенсан ва уларнинг ҳаммасидан сен муқаддамсан!» Қусам Шайх йиллаб Нахшаб туманларидан Бухорога келиб юрди. Ҳазрати Хожа уларни иззат-икром қиларди. Қусам Шайх айтарди: «Сенда мавжуд бўлган бундай сифат ва қатъий талабни толиблардан бирортасида кўрмаганман! «Қусам Шайх ғоят қарамли ва ўта оддий бўлганлигидан ҳаётининг охирида Бухоро шаҳрида Масжиди Саррофон яқинидаги тимга кириб, ҳар хил харидлар қилди ва тимдан чиқди. Бир дўкончага кирди. Фарзандлари ва тобеъларидан кимки ўзи билан бирга бўлса ҳаммасини олдига чақирди ва деди: «Кетишимиз яқинлашди, калимаи тавҳидни бирга айтайлик». У айтди, бошқалар такрорлади, бир онда жонини Ҳаққа таслим қилди¹⁴⁰. Қусам Шайхнинг мозори Қарши қишлоғида, Пудина Мадин (деб) аталади¹⁴¹.

Демак, Баҳоуддин зоҳиран бевосита мулоқотда бўлиб, Муҳаммад Бобои Самосий, Ҳалил Ота, Баҳоуддин Қишлоқий –

¹³⁸Мақомот. 32-бет.

¹³⁹Ўша жойда.

¹⁴⁰Мақомот. 33-бет.

¹⁴¹Носириддин Тўра. Хўжа Баҳоуддин Нақшбанд ва у киши ҳазратларининг устозлари ҳамда муридлари. 15-бет.

Диггароний, Саййид Амир Кулол, Ориф Диггароний ва Қусам Шайхдан тарбия олган.

Манбаларда Баҳоуддин Нақшбанднинг увайсий эканлиги таъкидланган. XV аср ёзма манбаси бўлган Муҳаммад Порсонинг «Рисолаи қудсия» асарида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида: «Ҳазрат хожа мизнинг йўллари увайсийлар тариқасидир» деб ёзилади¹⁴². Увайсийлик тасаввуфдаги ўзига хос камолот йўлидир. «Увайсийнинг маъноси – авлиёulloҳлардан бир тоифа бўладики, тариқат машойихлари ва ҳақиқат бузрукворлари уларни «увайсийлар» деб аташади. Улар учун зоҳирда пирга эҳтиёж бўлмайди, чунки Рисолатпаноҳ уларни ўзларининг иноят ҳужраларида ўзгаларнинг воситасиз парвариш қилдилар, чунончи, Увайсга (Қаранийга) шундай парвариш берган эдилар»¹⁴³.

Увайсийлар сулукида Раббоний файз ва Раҳмоний тажаллиётга етишишда муқаддас арвоҳлар воситачи бўлади.

Алишер Навоий «Насойим – ул муҳаббат мин шамойил ул футувват» асарида увайсийлик Увайс Қараний номи билан юритилишини таъкидлайди, чунки у Муҳаммад Пайғамбарни зоҳир кўзи билан кўрмасдан туриб, маъно ва руҳоният юзидан тарбият олган эди. Навоий ёзадики, «ҳар кишинингки бу тоифадан зоҳир юзидан пири маълум бўлмаса ва машойихдан бирининг руҳи ани тарбият қилган бўлса, уни увайсий дерлар»¹⁴⁴.

Демак, увайсийлик – ботиний, руҳлар воситаси ила маънавий, руҳий тарбия бўлиб, зоҳирий тарбияга нисбатан олий мақомдир.

Фаҳриддин Али Сафий «Рашаҳот айн ал ҳаёт» асарида Нақшбанд номи билан машҳур ҳазрат хожа Баҳоуддин зикрини келтириб: «Аммо ҳақиқат юзасидан хожа увайсий бўлганлар ва ҳазрат хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийдан тарбият топганлар» дейди¹⁴⁵. Бу билан Нақшбанднинг увайсийлигини ўзидан олдин ўтган Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (вафоти 1180 ёки 1220) руҳониятидан тарбият топганлиги билан изоҳлайди. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ва Салоҳиддин ибн Муборак ал Бухорий томонидан XIV-XV асрларда ёзилган «Мақомот» ва «Маноқиб»га асослансак, Баҳоуддин увайсийлигини кенгроқ изоҳлаш мумкин. Манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, хожанинг биринчи руҳий

¹⁴²Порсо Хожа Муҳаммад.Рисолаи Қудсия.-Бухоро: Бухорои Шариф,-1327 ҳ.й.58-бет.

¹⁴³Рисолаи қудсия. 58-59-бетлар.

¹⁴⁴Алишер Навоий. Насойим ул муҳаббат мин шамойил ул футуват жилд.15 Тошкент: Фафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 74-бет.

¹⁴⁵Рашаҳот. 54-бет.

ҳолатининг ўзгаришига сабаб Хожа Али Ромитаний руҳонияти бўлди. Шунинг учун Нақшбанд ўзини «биз Ҳазрат Азизоннинг муридимиз» деб таъкидларди. Кейин унинг тушида Ҳаким ота – Сулаймон Боқирғоний (ваф. 1186) руҳи ишорат қилган ва у Ҳалил ота тарбиятини олган. Шундан кейин Хожаи Жаҳон руҳонияти тарбиясида бўлган. Унинг айтган ўғитларига тўла амал қилиб, руҳан камолга етган.

Руҳий устозлар ишорати билан Баҳоуддин ҳар бир одамнинг қалбини топишга уриниб, ожиз-нотавонларга ёрдам берган, етти йил ҳайвонларга қараган, итларга хизмат қилган. Кейинчалик етти йил йўлларни тоза сақлаган. Бу ҳақда Нақшбанд тилидан ёзиладики, «Шу етти йил ичида енгим ва этагим тупроқдан асло холи бўлмас эди. Бу Ҳаққнинг дўсти қандай амални буюрса, садоқат билан бажо келтирардим, ҳар бир амалнинг натижасини ўзимда мушоҳада қилардим ва аҳволимда тўлиқ тараққий юз бераётганини сезардим»¹⁴⁶.

Йўлнинг бошида Нақшбанд Увайс Қараний руҳониятига юзланиб, унинг сифатларига кириб сайр этган. Бу ҳақда манбада шундай ёзилади: «Саккиз ойдирки, биз таважжуҳимизни Увайс Қаранийнинг руҳониятига қаратган эдик ва уларнинг сифатига кириб сайр қилардик. бугун уларнинг сифатидан чиқдик»¹⁴⁷.

Баҳоуддин Нақшбанд буюк мутасаввуф Мансур Ҳаллож (858) руҳониятидан ҳам таълим олган. Нақл қилинишича, у айтган: «Талаб айёмларида Мансур Ҳаллож сифати икки марта менда туғён урди. Бир дор бор эди. Икки марта ўзимни дор остига етказдим ва дедим: «Жойинг мана шу дордир!». Тангри инояти билан бу мақомдан ўтиб кета олдим»¹⁴⁸.

Нақшбанд буюк сўфийлар Боязид Бастомий (ваф.875), Жунайд Бағдодий (ваф.910), Шиблий (861) руҳоний оламидан баҳра олган¹⁴⁹. Лекин у доимо хушёрлик мақомида турган. Манбада унинг куйидаги сўзи келтирилади: «Охири бир боргоҳга етдимки, бу боргоҳдан муаззамроқ боргоҳ йўқ эди, билдимки, бу Муҳаммад боргоҳи эди. Боязид қилган ишни қилмадим, яъни беадабликка йўл қўймадим»¹⁵⁰. Демак, Нақшбанд беҳушлик – суқр йўлидан

¹⁴⁶Рашаҳот. 54-бет.

¹⁴⁷Мақомот. 15-бет.

¹⁴⁸Ўша ерда. 21-бет.

¹⁴⁹Ўша ерда. 28-бет.

¹⁵⁰Мақомот. 28-бет.

бормасдан, Жунайд Бағдодий каби огоҳлик, хушёрлик мақомида турган.

Манбаларда кейинги руҳий тарбия берган валий Хожа Ҳакими Термизий (831) эканлиги кўрсатилган. Ҳижрий 789 йилда Баҳоуддин айтган эдики: «Йигирма икки йилдирки, биз Ҳаким ат Термизий тариқатига эргашамиз ва улар бесифат эдилар. Агар бирор киши билса мен ҳам бу замонда бесифатдурман»¹⁵¹.

Нақшбанд шунингдек, Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан Қушайрий (986) ва Фаридуддин Аттор (ваф.1220) руҳониятидан тарбия олган. Мақомотда ёзиладики, у айтар эди: «бизнинг сулуқимиз тариқатда Имом Қушайрий ва Шайх Аттор айтган сўзларига жуда мувофиқ келади»¹⁵². Абулқосим Абдулкарим ибн Хавазан ал Қушайрий (986) – Хуросонлик диндор ва сўфий, «Рисала фи илм-ат-тасаввуф»нинг муаллифи. Бу асар сўфийлар учун қўлланма сифатида хизмат қилар эди ва то ҳануз шундай бўлиб турибди. Асарда машҳур сўфийларнинг таржимаи ҳоли, уларнинг мусулмон қоидаларига муносабатлари, сўфиёна тушунчаларга изоҳ ва шарҳлари берилган.

Қушайрийнинг 1983 йилда Мисрда нашр этилган «Латоиф ал – ишорат», 1969 йилда чоп этилган «Арбаа расаъил фит-т-тасаввуф», 1968 йилда Бағдодда чиққан «Тартиб ас-сулук» асарлари машҳур. 1964 йилда Қорачида нашр этилган «Рисаъил ал – қушайрия» асарида унинг таълимоти тўла ёритилган.

Манбадан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандга Абу Али ал Ҳорис Муҳосибий (781), Абу Сайид Абулхайр (967), Абдуллоҳ Ансорий (1006) ва Абдулқодир Ғилоний (1077-1166)лар руҳий таъсир этган.

Хулоса қилиб, Баҳоуддин Нақшбанднинг тариқат нисбати ва зикр таълимини манбалар асосида кейинги бетда келтирилган 1-чизмада тасвир этилган.


Амир Кулол дунёдан ўтаётган вақтларида бутун шогирдларига Баҳоуддин Нақшбандга итоат қилишни буюрганлар. Бу даврда Баҳоуддин Нақшбанд мустақил бўлган, таълимоти ва йўлини белгилаш орқали ўз тариқатини асослади. Амир Кулол 1370 йилда вафот этган. Демак, нақшбандия тариқати XIV асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Бу тариқат Баҳоуддин Нақшбанд издошлари сифатида нақшбандия номи билан машҳур бўлди ва

¹⁵¹Мақомот. 15-бет.

¹⁵²Ўша ерда. 28-бет.

жуда кенг тарқалди. Унинг таълимоти асосида бутун борлиққа муҳаббат билан қараш ғояси ётади. бу тариқат Хўжа Аҳрори Валий, Маҳдуми Аъзам фаолиятлари туфайли нуфузи ошди ва Ҳиндистон, Арабистон, Туркияга тарқалди. Нажмиддин Комилов бу тариқатни охириги деб

1-чизма



шундай изоҳ беради: «Нақшбандиядан кейин тасаввуф тарихида бошқа силсила вужудга келган эмас. Эрон ва

Ҳиндистонда айрим янги тариқатлар шаклланган, лекин улар шохобчалар бўлиб, тасаввуф учун янги назарий ва амалий йўналиш бермаган. Умуман XV асрдан кейин тасаввуфнинг назарий – фалсафий жиҳати сўна бошлаган»¹⁵³. Нақшбандия тариқатида шахс эркин бўлиб, фақат Оллоҳгагина итоат этган. Тариқатдаги увайсийлик ва робита бунга имкон берган. Шунинг учун бу таълимот ва тариқат таназзулга юз бурмай, юксалиб кенг ривож топган.

Баҳоуддин ўзи асослаган тариқатига Юсуф Ҳамадоний ва Абдулҳолиқ Ғиждувоний асослаган саккиз тамойилга урта янги – «вуқуфи замони», «вуқуфи адади» ва «вуқуфи қалби»ни киритган. Бу тариқатда ҳам «Даст ба кору дил ба ёр» шиор қилиб қабул этилган. Нақшбандия таълимоти ваҳдати вужудга мос бўлиб холис эзгулик қилишга асосланган.

Баҳоуддин Нақшбанднинг одамларга, ҳайвонларга, ўсимлик ва барча мавжудотга меҳр-муҳаббат ва шафқат кўзи билан қараши натижасида руҳий қуввати шу даражада камолотга етадики, балоларни қайтара оладиган, мушкулларни осон қила оладиган бўлади ва шунинг учун уни балогардон номи билан тилга оладилар. Манбаларда кўрсатилишича, душман Бухоро аҳлига хавф солганида у айтади: «бизнинг елкамизда оламнинг юкидир».

Агар табоҳ шавад мамлакат зи шоҳ маранж,
Ки назди аҳли ҳақиқат гуноҳи дарвеш аст¹⁵⁴.

Мазмуни:

Агар мамлакат хароб бўлса шоҳдан хафа бўлма,
Ҳақиқат аҳли орасида бу дарвишнинг гуноҳидир.

Манбалардан маълум бўладики, Баҳоуддин руҳий камолотининг воситаларидан яна бири кучли талаб ва ҳиммат экан. Нақшбанднинг ўзидан бу ҳақда қуйидаги нақллар сақланган: «Биз бу йўлнинг талабига қадам қўйганимизда икки юз киши эдик. Менинг ҳимматим буларнинг ҳаммасидан ўтиш эди. Илоҳий иноятга ноил бўлиб, бу жамоатнинг ҳаммасидан ўтиб кетдим ва асл мақсадга етдим».

Байт:

¹⁵³Комилов Н.Комиллик тариқати//Тафаккур-1998. 61-бет.

¹⁵⁴Мақомот. 88-бет.

Мардони раҳаш расидаанд аз ҳиммат,
З-он дар раҳи ў нишон бе пайдо нест¹⁵⁵.

Мазмуни:

Ҳиммат билан етдилар бу йўлга мардлар,
Ҳиммат билан топурсан унинг нишонин.
Бу ҳақда яна шундай байт келтирилган:
Ҳиммат туро ба кунгираи Кибриё кашад,
Он сақфгохро беҳ аз ин нардбон махоҳ¹⁵⁶.

Мазмуни:

Сени улуғлик аршига етказар ҳиммат,
Бу ҳиммат нарвондир сенга таппа-тахт.

Баҳоуддин айтган: «Мақсад талаби йўлида ҳимматингиз менинг бошимга кадам қўйиб, мендан ҳам ўтиб кетиш бўлмаса, мен сизни кечирмайман!»¹⁵⁷ Демак, кучли талаб ва ҳиммат Баҳоуддин руҳий камолотнинг асосларидан бири экан. Бинобарин, Баҳоуддин Нақшбанд сўфийлик йўлида зоҳир юзидан Муҳаммад Бобой Самосий, Ҳалил ота, Амир Кулол, Ориф Диггароний, Қусам Шайхлардан бевосита тарбия олиш билан бирга, аслида илоҳий иноят ила руҳоний устозлар воситаси билан Оллоҳнинг файзини қабул этган ва илоҳий нурларни зуҳур қилиш манзилига айланган. Шунинг учун тасаввуф тарихига у «увайсий» номи билан кирган. Асли исми Муҳаммад бўлган Нақшбандни Баҳо ул Ҳақ ва дин деб шарафлаганлар. Уни Ҳақ йўлни кўрсатувчи ва диннинг ёритувчиси даражасида деб айтганлар.

Баҳоуддин Нақшбанд номи билан ҳам машҳур бўлган. Чунки у отаси билан кимхобга нақш боғлаш касби билан шуғулланган ва кейинчалик кишилар қалбида Тангри – Олий Наққошнинг Нақшини нақшлай олган, яъни инсонларни олий камолотга етиш йўлига йўналтира олган. Шундан сўнг уни Шоҳ Нақшбанд деган ном билан улуғлаганлар. Баҳоуддин ориф, шайх даражасига етган комил инсон бўлиб, ўзи мустақил нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган. Унинг халифалари Алоуддин Аттор, Муҳаммад Порсо, Яъкуби Чархий ва Ғиждувонийдир. Баҳоуддиннинг ҳаёт йўли комилликка интилувчи ҳар бир шахс учун ибратдир.

¹⁵⁵Мақомот. 16-бет.

¹⁵⁶Ўша жойда.

¹⁵⁷Мақомот. 16-бет.

Баҳоуддин Нақшбанддан ёзма мерос қолганми ёки йўқми деган масала тасаввуфшунос олимлар ўртасида алоҳида муаммо бўлиб келаяпти. Бу ҳақда ҳозирги кунгача икки хил қараш мавжуд. Биринчиси, Баҳоуддин ўзидан кейин ҳеч қандай ёзма манба қолдирмаган деган фикрдир¹⁵⁸. Иккинчиси – Бухоро музейида 10682 /11 рақам остида сақланаётган «Қомусул-аълум»нинг иккинчи томида Баҳоуддин Нақшбандга оид маълумотларда: «Ҳазрат Хожанинг» «Ҳаётнома» манзумаси ва «Далил ул ошиқийн» унвонила тасаввуфга доир бир китоби бордир,»¹⁵⁹ деб ёзилган.

Шайх Муҳаммад Ҳишам Каббоний 1995 йил Чикагода инглиз тилида нашр этган «Нақшбандия сўфийлик йўли тарихи. Валийлар силсиласи бўйича маълумотлар» асарида «Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ал-Аврод-ал Нақшбандия», «Ҳадият ас-соликин ва тухфат аттолибин», «Танбеҳ ал-ғофилин «ва «Маслак ул-анвор» китоблари бор ва улар Истанбулда сақланмоқда»¹⁶⁰ дея маълумот беради.

Биз бу масала юзасидан узоқ муддат изланишлар олиб бордик ва шундай хулосага келдик, дарҳақиқат, Баҳоуддиндан ёзма мерос қолган экан. Бизнинг тадқиқотларимиз натижасида аниқланган китоб – ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълиф этган «Аврод» номли рисоладир. Бу асарнинг борлиги ҳақида қуйидаги маълумотлар бор:

1954 йилда Истанбулда нашрдан чиққан турк тилидаги «Ислом энциклопедияси»нинг 9-томида Баҳоуддин Нақшбанд ҳақида Таҳсин ёзувчининг мақоласи берилган. Унда: «Баҳоуддин Нақшбанднинг «Ав р о д»идан (таъкид бизники – Г.Н.) ва халифаси Порсо тарафидан ёзилган «Рисолаи қудсия» ва бошқа таржиами ҳол билан боғлиқ манбалардан ташқари ҳеч қандай асарлари учрамаяпти»¹⁶¹, деб ёзилган. «Қомус ул аълум» энциклопедиясининг олдинги наشري Истанбулда нашр этилган бўлса-да, лекин ундаги маълумотни Таҳсин ёзувчи келтирмаган, фақат Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» номли асари борлигини ёзиб қолдирган. Таҳсин ёзувчи ўз фикрининг исботи учун шундай ёзади: «Ал Авроди Баҳоийя» номи билан маълум бу «Аврод»нинг

¹⁵⁸Муҳаммедходжаев А. Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1991. С.60. Акимушкин О. Нақшбанд Баҳоуддин. // Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. С.186.

¹⁵⁹Шамсуддин Сомий. Қомус-ал-аълум.-Истанбул: 1312 х.й.Т.2. 1412-бет.

¹⁶⁰Kabbani Shaykh Muhammad Hisham. The Naqshbandi Sufi way:History and Guidebook of the Saints of Golden Chain. Chicago: 1995. P.8.

¹⁶¹Таҳсин ёзувчи. Нақшбанд / Ислом энциклопедияси. Истанбул: 1954. 9-жилд. 53-бет.

Маъмун бин Аҳмад бин Иброҳим ал Турнавий ва Муҳаммад бин Мустафо ал Ходимий тарафидан ёзилган икки шарҳи бордир¹⁶².

Бизнинг тадқиқотларимиз «Аврод» асарининг қўлёзма нусхаси сақлангани ва бу асарга юқорида зикр этилгандан ташқари ёзилган яна иккита шарҳнинг мавжудлигини кўрсатди.

А.Б.Холидов таҳрири остида Москвадаги «Фан» нашриёти собиқ СССР Фанлар академияси қошидаги Шарқшунослик институтининг Ленинграддаги бўлимида сақланаётган қўлёзмалар ҳақида «Арабские рукописи института Востоковедения Академии Наук СССР» номли қисқа каталогини икки қисмда нашр этди. Унинг биринчи қисмида 3464 ва 3465 тартиб рақамлари, В 3829 ва А 1539 шифр остида Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд ал Бухорийнинг (Вафоти 791/1389) «Аврод» номли асари сақланаётганлиги кўрсатилди¹⁶³. Асар номи ёзилгандан кейин А.Б.Холидов таълиф маъносини билдирувчи белгини қўйиб, Баҳоуддин Нақшбанд исмини ёзган. Бу билан «Аврод»нинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанд эканлигини таъкидлаган.

Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод» асарининг В 3829 шифр билан сақланаётган қўлёзма нусхаси 75б-89а варақларида сақланган. Бу нусха ҳижрий 1287, милодий 1870/71 йилда Волга бўйида кўчирилган. Авроднинг А 1539 шифрли нусхаси 25б – 44а варақларда ёзилган қўлёзмада сақланмоқда.

Библиографик каталогда Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» номли асари ҳақидаги қайд мавжуд¹⁶⁴.

«Шарқ қўлёзмалари тўплами»да Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод» асари ҳақида сўфиёна дуолар тўплами деб хулоса қилинган. «Дуо» арабча сўз бўлиб, худодан ёлвориб яхшилик тилаш маъносини билдиради. Бу асар бўлса «Аврод» яъни вирдлар маъносини билдиради. «Вирд» арабча сўз бўлиб, «тарк этмай доим бажариб туриладиган вазифадир» дир. Айни замонда «Вирд» тасаввуфий тушунча маъносида ҳам келади: шайх ва муршидларнинг узлуксиз ўқиб юришлари шарт бўлган тиловат, зикр, тасбеҳ, дуо, саловат каби мажбуриятларни ўз ичига олган. Демак, «вирд» тушунчаси дуо тушунчасидан кенг бўлиб, асосий мақсад талаб этиш эмас, балки Тангри ризолиги учун юкланган вазифаларни бажаришдан иборатдир. Шунинг учун ҳам

¹⁶²Таҳсин ёзувчи. Нақшбанд / Ислом энциклопедияси. Истанбул: 1954. 9-жилд. 53-бет.

¹⁶³Арабские рукописи института востоковедения. Краткий каталог / Под ред. А.Б.Халидова.-Москва: Наука,1986.-Ч.1.С.174.

¹⁶⁴С.В.Р. Т.Ш.№2393 С.259.

библиографик мазмундаги асарларда дуолар ва вирдларни алоҳида гуруҳларга бўлиб тартибга келтирганлар.

«Арабча-русча қомус»да вирд сўзи манба, сарчашма деб таржима қилинган. «Аврод» арабча вирд сўзининг кўплиги бўлиб, сўфийлар зикр вақтида ўқийдиган тизимга келтирилган дуолар»¹⁶⁵ деган таъриф бор. Вирдни Тримингэм уч мазмунда талқин этади: «а) тариқат б) махсус дуо ва в) тариқатнинг зарурий дуоси»¹⁶⁶ Вирдни тариқат маъносида келиши унинг бу йўлнинг асосини ташкил этувчи дуолар тизими эканлигини англатади. «Вирд тариқат сўзининг синоними бўлиб, хизмат қилиш зарур бўлган йўлни англатади. Шунинг учун маълум шайхни вирдига эргашиш шу тариқ-йўлга эргашиш демакдир»¹⁶⁷.

Тримингэм XII асрдаги тариқатларда индивидни силсила билан боғланишини изоҳлаганда унга махсус яширин вирд берилиши ва бу вирдда силсила занжирининг маънавий қуввати жамланганини қайд этади. Вирд тариқатга киришнинг аҳд маросимида бу йўлга қадам қўяётган кишига тасбеҳ билан бирга топширилган ва камолот даражаларига мувофиқ ўқишга ижозат берилган. Дж. Тримингэм исломдаги тариқатларни таҳлил этиб, «барча тариқатлар ўзининг шахсий раҳбари томонидан ижод этилган авродига эга бўлган. Унда тариқатнинг хусусияти ўз аксини топган»¹⁶⁸ деган хулосага келади. Демак, Баҳоуддин Нақшбанднинг Авроди Нақшбандия тариқатининг хусусиятларини акс эттирувчи муҳим манба экан.

Шўролар даврида йирик шайхлар таржимаи ҳоли, ирфоний – адабий меросини ўрганиш қатағон қилингани боис «Аврод»лар тўғрисида етарли маълумотга эга эмас эдик. Ҳолбуки, кўпгина машҳур шайхларнинг ўз «Аврод»лари бўлган. Юқорида тилга олинган «Арабские рукописи»нинг «Вирдлар» бўлимида тасаввуф оламида ҳар бири алоҳида мартаба касб этган Муҳаммад Ғаззолий, Абдулқодир Ғилоний, Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Сухравардий, Муҳайиддин ибн Арабий, Али Ҳамадоний каби машҳур шайхларнинг «Аврод»ларидан нусхалар сақлангани кўрсатилган. Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод»и нақшбандия тариқатига кирган солиқ манзилга – Ҳаққа етиш учун мунтазам англаб, моҳиятига етиб, мушоҳада этиб ва қалб билан такрорлаб туриши зарур бўлган

¹⁶⁵Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М.: Наука, 1989. С.287.

¹⁶⁶Ўша жойда. 174-бет.

¹⁶⁷Ўша жойда. 152-бет.

¹⁶⁸Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. М.: Наука, 1989. С.287.

санолар, Тангрининг исмлари, зикр, тасбех, Қуръон оятлари тиловати, салавот ва дуолар тўпламидан иборат. Бинобарин, Хожанинг «Аврод»ини солиқлар учун илоҳий фойзни қабул қилиш мақсадида яратилган муборак сарчашма деб баҳолаш мумкин.

«Аврод» асарининг таржима ва таҳлилидан маълум бўладики, унда инсон камолотининг энг олий ҳади, яъни идеали бўлган Тангри зоти, сифатлари, исмлари ва феъллари кўрсатилган. Бу билан Баҳоуддин инсонни ўз аслини билиб, Тангридаги гўзал сифатлар билан безанишга ва чиройли ахлоқ соҳиби бўлишга чақиради. Асарда Тангрининг исмлари келтирилган ва Нақшбанднинг ўзи томонидан олий зотга, Худога қилган муножотлари ёзилган. Бу сатрларни англаб, ўқиб, мушоҳада қилган киши оламдаги бошқа боғланишлар тизимидан узилиб, Олий Идеал ва Мукамал Гўзаллик билан боғланади.

Тасаввуф фалсафасида инсон энг асосий муаммодир. Инсон бу ўткинчи оламда таваллуд топганидан то рихлат қилгунга қадар дунёвий – башарий «иплар» билан чамбарчас боғланиб, ўз яратувчисини унутади. Мутлақ Гўзаллик ва Олий Идеал бўлган Тангри ва инсон ўртасида нур ва зулматдан иборат ҳижоб – парда, тўсиқлар вужудга келади. Ҳазрат Баҳоуддин «Аврод»и инсон ва Тангри ўртасидаги ана шу ҳижобларни кўтаришга ва асл моҳиятини англаб идрок этишга хизмат қилади. Рисолада кўрсатилган ўзига хос зикру қоидалар тизими орқали бу ишнинг энг осон йўлини тавсия этади.

«Аврод»да инсоннинг «шариф», яъни мавжудотлар ичида энг мукамал қилиб яратилганлиги ҳақида сўз боради: «Эй менинг Илоҳим ва насут – бу оламнинг илоҳи! Сен бизни бу касрат – кўплик аро юксакликда қўйдинг!» Бу сўзлар Қуръони Каримдаги Тангри Одамни яратар экан барча фаришталарни унга сажда қилишга буюргани, зеро, У инсонни ўзининг ердаги халифаси, яъни ўринбосари сифатида яратгани ҳақидаги оятларининг моҳиятини очади. Демак, Баҳоуддин фикрича, инсон бу оламда ўз ўрни, асл моҳияти, Тангрининг ердаги халифаси эканлиги ва унинг барча сифат ва исмларини ўзлаштириб, куч-қудратини намойиш этиш учун яратилганлигини билиши ва шунга мос амал қилиши керак. Инсон бутун оламни ўзида акс эттирган мукамал зот эканлиги ва бу камолот даражасига етмоқ учун Тангрининг олий, пок, куч-

қувватлари билан узвий боғланишда бўлиши зарурлиги уқтирилади.

«Аврод»да бутун борлиқ ягона илоҳий асосга эга бўлган икки оламдан иборат деб қаралади. Бу оламларнинг бири «Амр», иккинчиси «Халқ» деб номланади. «Амр» – Тангрининг амри билан яратилган бирламчи, абадий ва асосий олам, «Халқ» - шу Амр оламининг тадрижий ривожланиши натижасида вужудга келган мавжудотлар оламидир. Иккинчи оламнинг асли амр олами бўлиб у ўзгарувчан ва фонийдир. Шу билан бирга Баҳоуддин жами борлиқни «Ғайб» ва «Шаҳодат» оламларига ажратади. «Ғайб» бизга кўринмайдиган фаришталар, жинлар ва бошқа илоҳий қувватлар олами. «Шаҳодат» биз гувоҳ бўлиб турган зоҳирий олам. Баҳоуддин фикрича, «Шаҳодат» оламини инсон ўз ҳиссиётлари ва ақли орқали ўрганиши мумкин. Аммо Тангри ўзи истаган кишигагина ғайб олами сир-асрорини ўрганиш, ладуний – ўз билимларидан бериши мумкин.

Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорий Нақшбанднинг «Аврод» асари мазмун ва моҳиятини тўлиқ очиб беришга ёрдам берадиган восита мазкур асарга ёзилган шарҳлардир. «Аврод»га ёзилган биринчи шарҳ XV асрда яшаган йирик мушорих Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Аврод» («Аврод шарҳи – ибодат аҳли учун хазина»)сидир. Ғурий ўз даврининг машҳур шарҳловчи олими бўлган. У Баҳоуддин Нақшбанднинг «Аврод»и билан бирга суҳравардия тариқатининг асосчиси Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар ас Суҳравардий (ваф.632/1234)нинг «Аврод»ига ҳам шарҳ ёзган. Унинг «Канз ал ибод фи шарҳ ал Авроди» икки асарга ёзилган шарҳдан иборат. Бу асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари мавжуд.

Али бин Аҳмад ал Ғурийнинг «Аврод» асарига ёзилган шарҳининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти хазинасида 2944/1 шифри остида сақланмоқда. Бу нусха 18 зулқаъда 864 ҳижрий (4 сентябрь 1460 милодий) йилда, яъни Баҳоуддин Нақшбанд вафотидан 71 йил ўтгач, Абулкабир ибн Носир ... ибн Абу Бакир Рофеъи томонидан кўчирилган. Демак, шарҳнинг асли ҳийла олдин ёзилган. Шарҳ 389 варақдан иборат. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд «Аврод»ига берилган тўртинчи шарҳ «Ал ижобатул раббония ли шарҳи ва манофиъ ул Вирди Нақшбанди ли Шайх ал-Ақбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин ал-

Хусайний ал-Ҳасаний ал-Увайсий ал Бухорий ан Нақшбанд» («Шайхи Акбар Саййид Муҳаммад Баҳоуддин Хусайний Ҳасаний Увайсий Бухорий Нақшбанднинг «Вирди Нақшбанд»и фойдалари ва шарҳига Парвардигорнинг ижобати») деб номланади. Рисоланинг 4-бетидан 19-бетигача Баҳоуддин Нақшбанднинг «Вирд»и ёзилган бўлиб, у ҳақида ва асосий тушунчалар шарҳи фозил аллома, ҳақиқатда комиллик даражасига етган, қудватул орифийн, муршидус соликийин, суннат осорларини яқин нурлари билан тирилтирувчи Мавлоно Шайх Муҳаммад Амин Курди Ирбилий (вафоти ҳижрий 1332 йилнинг 12 раббиулаввал оyi) томонидан ёзилган. Бу шарҳ Қоҳирада ҳижрий 1332 йилдан кейин «Саодат» матбаасида чоп этилгандир, чунки муаллиф ҳақида «мархум» деган ибора қўлланилган.

Рисоланинг биринчи «Фасл ли фазои ли дуо»сида, Муҳаммад Амин бу шарҳни ёзишдан мақсадларини билдирган. У буни Мисрдаги нақшбандия тариқати учун ёзганини айтади ва таъкид этади: «Сақловчиларнинг аъзами бўлган, маърифатнинг банду басти, шариф ҳасаб насабнинг соҳиби Саййид Шайх Муҳаммад Баҳоуддин муридлар учун вирдлар таълиф (таъкид бизники – Г.Н.) қилдилар»¹⁶⁹. Бу сўздан маълум бўладики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд муридлар учун бир эмас, балки кўп вирдлар ёзган экан. Таълиф этган деб айтилиши, вирдларнинг муаллифи Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи эканлигини кўрсатади.

Биринчи фаслда Баҳоуддин Нақшбанднинг бу вирдларни ёзишдан мақсади қуйидагича кўрсатилган: «Бу вирдларни муридларга шунинг учун ёздиларки, то уларнинг қалблари Оллоҳга жазм бўлсин, то уларни бошқа ишлар билан машғул бўлишдан сақласинлар»¹⁷⁰. Демак, мақсад муридлар қалбини Тангридан ўзга барча машғулликлардан сақлаб, фақатгина унга жазм этишдир. Муҳаммад Амин ёзадики, Баҳоуддин Нақшбанд «таълиф этганларнинг энг яхшиси бу «Вирди Кабир» бўлиб уни «Вирди Нақшбандия деб номлаганлар»¹⁷¹. Демак, Мисрдан келган манбада келтирилган «Вирди Нақшбанд» – «Вирди Кабир» бўлиб, у

¹⁶⁹Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал-ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо-уд-дин ал-Хусайни ал Ҳасани ал-Увайси ал-Бухори Нақшбанд. Қоҳира: 1322. 3-бет.

¹⁷⁰Ирбили Шайх Муҳаммад Амин Курди. Ал-ижобатил-раббония ли шарҳ ва манофеъ Вирди Нақшбанди Шайхил Акбарил Саййид Муҳаммад Баҳо-уд-дин ал-Хусайни ал Ҳасани ал-Увайси ал-Бухори Нақшбанд.- Қоҳира: 1322. 3-бет.

¹⁷¹Ўша ерда. 4-бет.

Баҳоуддин Нақшбанд ёзган барча вирдларнинг энг яхшиси сифатида таърифланган.

Муҳаммад Амин ёзган шарҳлар қисқа ва аниқдир. Шарҳловчи «бисмиллоҳ»ни шарҳлаб ёзадики, жамики яхши ишларни Оллоҳ деб бошлагин. Яъни, ҳар бир ишни бошлаётганда Оллоҳнинг сифатларини кўз олдинга келтириб холис, пок бўлгин. «Оллоҳ» сўзини шарҳлаганда уни «Илоҳ» ва «Ал» артиклидан иборат эканлигини айтиб, у сажда қилишга ва ибодат қилишга арзигули зот эканини билдиришни таъкидлайди. Оллоҳни исми зот, вожибал вужуд деб таъриф беради. Бу билан бутун вужудларни ҳосил қилган, яратган зот эканлигини уқтиради.

«Ар-Раҳмон» – Оллоҳнинг муборак исмларидан бўлиб, н е ъ м а т ларни берувчи зот эканлигини кўрсатишини айтади. «Раҳмон» бузург неъматларини берувчи эканлигини қайд этади. «Ар-Раҳим» бўлса Оллоҳнинг кичик неъматлар билан кишига меҳрибонлик қилиши, яхшилик қилиши, деб изоҳ беради.

«Вирди Кабир» «Аллоҳумма анта Маликул Ҳаййюл Қайюмул Ҳаққул Мубин» деб бошланади. Мушорих «Малик» – ҳамма нарсани Оллоҳнинг тасарруфида эканлигини англатишини кўрсатади, деб ёзади. «Ҳай» Оллоҳнинг абадий ҳаёт билан сифатланганини кўрсатади ва Оллоҳнинг ф а н о бўлмайдиган, ўлмайдиган зот эканлигини англатади. «Қайюм» – Оллоҳнинг ўзи-ўзига қоим эканлиги, ниманики истаса, ўзи ижро этишини билдиришини ёзади. «Ҳаққ – Оллоҳнинг собитлиги бўлса, «Мубин – унинг шундай зотлигини кўрсатадики, ҳидоят қилишни истаган шахсларга тўғри йўлни ёритади.

Шарҳлар «Вирди Кабир»нинг ҳар бир бети Пастада 4 – бетларда берилгандир. Жами 188 сўз ва сўзлар бирикмасига шарҳлар ёзилган. Шарҳлар аниқ, қисқа тарзда берилган.

Мақомот, манокиб, рисола, тазкира ва нақшбандия тариқатининг намояндалари асарларида Баҳоуддин Нақшбанд томонидан айтилган қудсий каломлар, байт ва рубоийлар келтирилган.

Хулоса қилиб айтганимизда:

1.Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуф таълимотини мукаммал ўзлаштириб комил инсон даражасида юксалган шахс.

2.Баҳоуддин Нақшбанд тариқатлар жуда кенг ёйилган, тасаввуф таълимоти кишилар руҳиятига кирган XIV асрда яшади.

3.У увайсий эди, яъни зоҳиран унга тарбия берган Халил ота, Амир Кулол, Ориф Деггароний, Қусам шайхлар билан бирга ўтган азиз авлиёларнинг руҳларидан ҳам таълим олган. Бу унинг даражасининг юксаклигини кўрсатади.

4.Баҳоуддин Нақшбанд ўзи мустақил равишда нақшбандия деб номланган тасаввуфий таълимот ва тариқатни асослади. Нақшбандия тариқати комил инсонни тарбиялашнинг энг қисқа, энг мукаммал йўли бўлиб, охириги мумтоз тариқатлардандир.

5.Нақшбанднинг «Аврод» асари ва унга ёзилган шарҳлар сақланган.

6.Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳаёт йўли ва мероси баркамол авлод тарбияси учун ибрат мактаби ва муҳим манбадир.

2.2. БАҲОУДДИННИНГ ТАСАВВУФИЙ-ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРИ

Тасаввуф таълимотида маърифат – инсон руҳий камолотининг шариат ва тариқатдан кейинги учинчи босқичидир. Бу илоҳий иноят билан бериладиган бир даража бўлиб, бундай мартабага юксалган шахс Тангрини танийди, яъни у, аввало, ўзлигини англайди, аслини билади ва шу орқали худосини кўради. Тасаввуфдаги «худшуноси-худошуноси аст» яъни, «ўзини, ўз нафси ва руҳини таниган киши Тангрини ҳам танийди», деган гап асл маърифатли бўлиш моҳиятини очиб беради.

Ориф Ревгарийнинг «Орифнома» асарида маърифатга катта эътибор берилган. Унда ёзилган: «Маърифатнинг чегараси-нафсдан холи бўлмоқ ва бунинг таъбири (усули) ҳалол нарсалардангина баҳраманд бўлмоқни одат қилмоқдир. Маърифат – қалбнинг Тангри таоло ягоналигини тасдиқ этмоғидир»¹⁷². Унинг самараси – Тангри томон юз тутмоқдир.

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни кенг маънода тушунади. У руҳий камолотнинг асосий мақсадини маърифатли бўлишдир, деб билади. Маърифатни – ижмолий (қисқа) ва тафсилий (тўлиқ), деб иккига ажратади. Баҳоуддиндан сўрайдилар: «Сайру сулукдан мақсад нима?». У жавоб беради: – «То ижмолий маърифат тафсилийга айлансин»¹⁷³, яъни солиқ хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани, тафсил йўли билан тўла таниб олсин.

¹⁷²Орифнома. 5-бет.

¹⁷³Мақомот. 62-бет.

Баҳоуддин ижмолий маърифат босқичида далилу хужжат воситаси билан, яъни ақлу тафаккур ила амал қилиш мумкинлигини айтади. Тафсилий маърифат мартабаси эса кашф ва аёнлик ила, яъни Тангри инояти орқали (яқин) ҳосил бўлади, дейди.

Ҳазрат Баҳоуддин «Тавҳидга етиш осон, лекин маърифатли бўлиш мураккаб жараён, шунинг учун унга пиру муршид раҳбарлиги орқали етишиш мумкин»¹⁷⁴, дейди. (Тавҳид – Аллоҳнинг ягоналигини идрок этиш).

Баҳоуддин Нақшбанд «Ҳаққа етиш талабида бўлган солиқларнинг асл мақсади тафсилий маърифатдир»¹⁷⁵, яъни Ҳаққнинг талабида бўлган инсон – бутун Куллга тўла сингиб кетиши сайру сулукнинг охирги мақсадидир, деб белгилаган.

Нақшбанд Ҳаққа етиш йўлининг ўзни танишдан бошланиши, бу йўлда асосий тўсиқ, кишининг ўзи эканлигини таъкидлайди⁵. Инсон маърифатли бўлиш, ўзини англаш, ўрганиш учун аввало ўз-ўзини бошқара олиши, барча қувватларини илоҳий йўлга сарфлаши, бутун вужудини идора этиб, уни руҳий камолот учун сафарбар этиши керак. Шунинг учун Баҳоуддин-покланиш керак, деб таъкидлайди. У айтади: «Ҳақ йўлининг аввали ботиндан ёмон сифатларни йўқотишни талаб этади. Билгинки, ердан яхши ҳосил олиш учун уни барча хашаку хаслардан тозалаб, кейин уруф сепилади. Худди шундай ботинни поклаб, сўнг унга зикр уруғини сепиш керак.»¹⁷⁶.

Баҳоуддин Нақшбанд маърифатли бўлишни фано ҳолати билан боғлайди. Фано ҳолатига етгандан сўнг кишига маърифатнинг сирлари очилади, дейди. Бунинг учун барча ҳижоб тўсиқлар бартараф бўлиши керак.

У яна таъкидлайдики, илм ва ақлнинг йўли то фано соҳилигачадир, яъни бу моддий олам билан боғланган нарсаларни ўрганишда илм ва ақл кўмаклашади. Фано ҳолатига етиб йўқлик оламига киргандан кейин ҳайрат ва бенишонлик бошланади. Яъни тафсилий билиш жараёнида далил ва исбот эмас, нораціонал билиш усуллари зарурлигини айтмоқчи бўлади. Бу жараёни Нақшбанд шундай таърифлайди: «Таниш шухуддан вужудга келади. Шухуд вужуддан эмас, унга зиддир»¹⁷⁷. Яъни бу ирфоний

¹⁷⁴Мақомот. 62-бет.

¹⁷⁵Рисолаи қудсия. 127-бет.

⁵Ўша ерда. 78-бет.

¹⁷⁶Рисолаи қудсия. 78.

¹⁷⁷Мақомот. 62-бет.

жараёнда ақл эмас, рухий билиш, қалб кўзи асосий ўринни эгаллайди. Бу «кўз» билан ғайб олами сирларини кўриб бўлади. Далилу Бурхондан сўнг кашфу аён мартабасига ўтилишини таъкидлайди, у.

Бу жараёнда ҳосил бўлган илмга эса у я қ и н – шаку шубҳа бартараф бўлган ҳақиқий илм, деб таъриф беради.

«Яқинни бизга бер: у дунё ва охират мусибатларини кеткизади»¹⁷⁸, дейди Баҳоуддин. Яқин, Нақшбанд фикрича, асл зотнинг нуридир, инчунин унинг илоҳий сифатларини идрок этишдан иборат.

Баҳоуддин «Аврод»ига ёзилган «Канз ал ибод» шарҳида «яқин» уч даражада бўлиши кўрсатилган: 1. Илм-ал яқин – бу Асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини билиш, у далиллар босқичидан бошланади. Бу илмга эга бўлганларнинг маърифати холи бўлади ва бу даража авлиёлар мартабасига тўғри келади. 2. Айн-ал-яқин – бу босқичдаги билиш футуҳлар билан боғлиқ кечади. Унинг ҳолати жамъдир. Бу даража хос авлиёлар мартабасидир. 3. Ҳаққ-ал-яқинда инсон муфассал билимга эга бўлади. Унинг холи жамъ ул жамъдир. Бу расул ва набийлар ва ҳақиқат аҳлининг даражасидир¹⁷⁹.

Илм ал-яқин – тасаввуф маърифатининг аввалги зинаси бўлиб, у илоҳий моҳият касб қилингандан сўнг ҳосил бўлган билиш орқали амалга ошади. Бу, асосан моддий олам маърифатига мансуб бўлиб, сўфий яқин, аниқ, шак-шубҳасиз тушунадик, моддий оламда кўринаётган барча нарсалар илоҳий зот исмлари ва сифатларининг равшан, яққол кўринишидир. Илм ал-яқин орқали у далил ва исботлар, ақлий муҳокама юритиш воситаси билан ҳақиқат нурининг зуҳурига ишонч ҳосил этади, яъни унда ҳеч қандай шаку шубҳа қолмайди. Бу билиш босқичидан кейин касб қилилмаган билиш йўлига ўтади ва нафсини Поклаш орқали ҳақиқатга етади. Сўфийлар шунинг учун ҳам маърифатни ақлий далиллар, мушоҳада ва мукошафага ажратадилар. Илм ал-яқинда – далил, исбот, айн ал-яқинда – баён, ҳаққ ал-яқинда – аённи шарт қилиб кўядилар. Сўфийлар илм ал-яқин даражасида бўлганларни уқул – ақллар асҳоби, айн ал-яқиндагиларни улум – илмлар асҳоби ва ҳақ ал-яқиндагиларни маъориф – орифлар асҳобига мансуб, дейдилар.

¹⁷⁸Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳоийа: Қўлёзма. 25а-варақ.

¹⁷⁹Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. N 2393. 464 х.й. -В.50а.

Баҳоуддин «Яқинни бизга бер» деганда қалбдан шак-шубҳани кеткизмоқни назарда тутаяди, чунки қалбдаги бу туйғу инсон билан Тангри ўртасидаги энг катта тўсиқдир. Баҳоуддин бу ҳақда шундай айтган:

Гарчи ҳижоби ту берун аз ҳад аст,
Лек ҳеч ҳижобат чу пиндор нест¹⁸⁰.

Мазмуни:

Сенинг ҳижобларинг ҳаддан ташқари кўп бўлса-да,
Лекин бирорта ҳижоб пиндор – гумон, шак – шубҳа каби эмас.

Яъни: Гумон, шак-шубҳадан энг катта ҳижобдир

Баҳоуддин маърифатли бўлиш учун кишига бир муршиднинг раҳбарлик қилиши зарур, деб ҳисоблайди ва «Эй ўғил, раҳбарсиз ишқ йўлида кезиш мумкин эмас»¹⁸¹, – деб таъкидлайди.

Баҳоуддин Нақшбанднинг ирфоний таълимотида вужуд билан шуҳуд тушунчаси қарама-қарши туради. Ақл ва илм вужуд билан боғланган ва далил ҳужжат босқичи, дейилса, ш у ҳ у д кашфу аёнлик даражаси бўлиб руҳият билан боғлангандир. «Ғиёс ул-луғот» да ёзилишича, шуҳуд солиқларнинг истилоҳида «Ҳаққни кўриш, билиш, таниш демакдир»¹⁸². Шуҳуд даражасига етган солиқ сурат, касрат мартабаларидан ўтиб аёний тавҳид мақомига етади. Кўпликнинг суратига қараб туриб, шунинг жамулжамида Ҳаққни мушоҳада этади. Унда Оллоҳдан ўзга нарса ва ҳодисалар мушоҳадасининг ўзи тўла йўқ бўлади ва ҳар нарсагаки кўзи тушса, унда фақатгина Ҳаққни кўради.

Ҳазрат маърифатли бўлишда руҳий камолот босқичлари, бинобарин бундаги нафсга қарши муҳолифатда бўлиш ила сабр фазилатининг ўрнига алоҳида урғу беради. Баҳоуддин маърифатли бўлиш жараёнида ҳалол луқма ва ҳушёрликка алоҳида эътибор бериб, ўзи фақр йўлини ихтиёр этган ва шу боис муридларига «хуш дар дам» талабини шиор қилиб қўйган эди.

Англияда истиқомат қилиб, тасаввуф ва сўфийлик маданиятини чуқур тадқиқ этган атоқли тасаввуфшунос олим Идрис Шоҳ ўзининг «Шарқ мутафаккирлари» асарида ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга оид қатор янги маълумотларни беради. Жумладан, асарнинг «Баҳоуддин маслаҳатлари» номли мақоласида

¹⁸⁰Мақомот. 71-бет.

¹⁸¹Рисолаи қудсия. 79-бет.

¹⁸²Ғиёс ул-луғот. 1-том.— Душанбе: Адиб, 1987. 417-бет.

Ҳазратнинг маърифатга оид 20 та маслаҳатини келтиради. Нодир маслаҳат ҳозирги кунда ҳам маърифатталаб кишилар учун бағоят қимматлидир. Ҳазрат Баҳоуддин маслаҳатларини беришдан олдин инсонни улардан фойдаланишга тайёрлаш мақсадида уқтириб ўтади: «Сиз ўзингизни билим билан тўлдирмоқчисиз. Лекин бир нарсани тўлдириш учун уни аввал бўшатиш лозим. Сиз ўзингизни тўғри билимлар билан тўлдириш ва бўшатиш учун қуйидаги маслаҳатларга амал қилишингиз ва ўзингиз учун уларни қоида қилиб олишингиз мумкин»¹⁸³. Бу билан Баҳоуддин янги, тўғри билим билан ўзингни тўлдирмоқчи экансан, аввало ўзингдаги бор нарсаларни олиб ташлаб, покланишинг керак. Худди биз ердан ҳосил олишни истасак, аввало уни бутун бегона ўтларнинг илдизларини қовлаб тозалагач, кейин уруғни сепганда яхши натижа берганидек, инсон ҳам ўзини поклаб яхши, тўғри маслаҳатларни қабул этишга тайёр бўлиши керак. Баҳоуддин ирфоний таълимотида қуйидаги 20 маслаҳатлари муҳим ўринга эга: «Ҳеч қачон, қанчалик истагингиз кучли бўлмасин, ўқиш муддатига берилманг, ўқиш-ўрганиш шиддат ҳолатида сезилмайдиган йўл-йўриқдир»¹⁸⁴, дейди Баҳоуддин биринчи маслаҳатида. Бу билан ўқиш-ўрганиш шиддат билан, тезлик билан, қисқа муддатда амалга ошадиган жараён эмаслигини кўрсатади. Қисқа муддатда илмдаги ҳарфу қоида, унинг ташқи томонларини ёдлаш мумкин, лекин асл моҳият – унинг ботин тарафини англаш, тушуниш, кўриш узоқ жараён. «Ҳеч қачон ички кечинмаларингизга берилманг. Қачонки сиз уларнинг чегарасидан чиқсангиз билимга етасиз. Улар сизни адаштириш учундир»¹⁸⁵, деб айтади иккинчи маслаҳатида, у. Маълумки, ҳар бир киши атрофдаги воқеа-ҳодисаларни ўзига хос кўради, эшитади, таъсирланади, ўзича хулосалар ясайди ва бу ички кечинмалар объектив илм, ҳақиқатга етиш учун тўсиқдир демоқчи, у. Қачонки уларни енгиб оламга холисона назар қилинадиган бўлса, ҳақиқий билимга етиш мумкин. Ички кечинмалар оламни тор тушунишга, субъектив қарашларга олиб келади ва илоҳий ҳақиқатни билишга тўсиқ бўлади.

«Агар сизни билимни излаш учун юбормасалар ҳеч қачон саёҳат қилманг. Саёҳат билим учун синовдир, йўл-йўриқ эмас»¹⁸⁶,

¹⁸³Идрис Шах. Мыслители Востока./перевод с англ. Х.Б.Номада. – изво “Лориэн” Фирмы С.Е.Г.,1994.- С.181 .

¹⁸⁴Там же.

¹⁸⁵Там же.

¹⁸⁶Там же.

дейди Нақшбанд учинчи маслаҳатида. Маълум бўладики, Баҳоуддин фикрича, инсон бутун оламини кичрайтирилган кўринишидир. У ўзини ўрганиш билан бутун оламининг моҳиятини билиб олади. Шунинг учун олам ҳақида тўғри билим олиш учун сафар ва саёҳат шарт эмас. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган таълимот ва нақшбандия тариқатида «сафар дар ватан» қондаси бор. Унда инсон шахсий камолоти учун ўз вужуди бўйлаб сафар этиши, ўзидаги ёмон томонларини ташлаб, яхши ахлоқни эгаллаши керак, дейилади. Бу ҳақда Баҳоуддан Нақшбанд шундай деган:

Ё раб, чи хуш аст бе даҳон хандидан!
Бе воситаи чашм жаҳонро дидан.
Биншину назар кунки бағоят хуш аст.
Бе миннати По гирди жаҳон гардидан¹⁸⁷.

Мазмуни:

Қандай яхшидир, оғизсиз қалбдан кулмоқ
Кўзсиз қалб кўзи бутун дунёни кўрмоқ
Ўтириб туриб қарагин ва кузатгин, жуда яхшидир.
Оёқларнинг миннатисиз бутун оламини кезмоқ.

Демак, қ а л б кўзи билан кўриш ва мушоҳада этишни ўрганиш, бундай саёҳат ва сафарни жисмонийдан устун қўйиш кузатилмоқда.

«Маълум инсон ёки жамият олий деб ўзингизни ишонтирманг, чунки бу факт эмас эътиқоддир. Эътиқод чегарасидан чиқиб фактга томон боринг»¹⁸⁸, деб Баҳоуддин тўртинчи маслаҳат беради. Бу маслаҳат билан Баҳоуддин шахсларни маъбудга айлантириб, ёки жамиятни идеаллаштириб юрманг. Бу сизнинг эътиқодингиздир, аммо а с о с эмас. Қачонки, эътиқодингизнинг тор доирасидан чиқиб асл ҳақиқат бўлган а с о с ни кўрсангиз билимли бўласиз, демокда. Унинг фикрича, шуни ҳамма вақт билиш керакки, Пайғамбарлару, валийлар, шоҳу, буюк кишиларнинг ҳаммасини ҳам Оллоҳ яратган, шунинг учун уларни маъбудга айлантириб, уларга эътиқод қўйиб, сажда қилиш, улардан ёрдам сўраш оламини тор тушуниш демакдир. Буларнинг асли бўлган илоҳий қувватни кўра билиш кишини оламга кенг қараш ва чуқур мулоҳаза қилишга ўргатади, ҳақиқий маърифатли бўлишга ёрдам беради.

¹⁸⁷Рашаҳот. 22-бет.

¹⁸⁸Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.181.

Баҳоуддин бешинчи маслаҳатида «Агар устозингиз сизни танқид қилса, руҳингизнинг тушишига йўл қўйманг. Шунингдек, мактаганида ҳам руҳиятингиз хурсанд бўлишига йўл қўйманг. Бу ҳиссиётлар сизга йўл кўрсатувчи эмас, балки йўлдан адаштирувчидир»¹⁸⁹, деб айган. Унинг бу маслаҳатидан кўринадики, билим олишни холис бир жараён деб билиш керак. Устозингиз ва бошқаларнинг олдида маълум нарсага эришай деб, қилган ҳаракатингиз риёга олиб боради, яъни халқ учун қилинган ҳаракатларга нафс қўшилади, бу эса маърифат йўлига тўсиқдир. Шунинг учун сизни танқид этганда руҳан тушмасдан, мактаганда хурсанд бўлмасдан, ҳақиқатга етиш учун билим олган Ҳаққа етади, дейди Баҳоуддин.

Хафа бўлиш ёки хурсандлик кишининг ҳали фано даражасига етмаганини, вужуди ва башарий истакларига боғланганини кўрсатади. Бу нафснинг тириклигидан, унинг ҳукмронлигидан далолат беради. Хожа Али Ромитаний бу ҳақда шундай ёзган:

Бар тахти вужуд ҳар ки шаҳаншоҳ аст.

Ўро сўи олами ҳақиқат роҳ аст¹⁹⁰.

Мазмуни:

Кимки вужуди тахтига шаҳаншоҳ бўлса,

Унинг учун ҳақиқат олами томон йўл бор.

«Ювош, итоаткор, тақдирга тан берган, шу билан бирга моддий нарсаларга хасис бўлган кишини ҳеч қачон қўлланманг ва изидан борманг, чунки бундай одам моддий нарсалардан қониқади. Агар сиз хасис бўлсангиз саҳийликни яхши фазилат бўлганлиги учунгина эмас, балки уни бир тузатувчи машқ сифатида тажриба қилинг»¹⁹¹, дейди Баҳоуддин олтинчи маслаҳатида. Бу билан ювош, буйсунувчан, тақдирга тан берган киши бўлсаю, лекин моддий нарсага хасис бўлса, ундай одам шу моддий нарсалар билан қониқадиган бўлганлиги учун уни қўллаб-қувватланманг, яъни у билан алоқада бўлманг, агар ўзингизда хасислик хусусияти борлигини сезсангиз, саҳийликни машқ қилинг ва ўзингиздаги бу иллатни йўқотинг, демоқчи бўлади. Бу йўлга кириб билим олишни истаган киши хасис, моддий олам билан қониқадиган кишилар

¹⁸⁹Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.181.

¹⁹⁰Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Ҳазрат Азизон. Бухоро: Бухорои Шариф, 1327 х.й. 27-бет.

¹⁹¹Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

билан дўст бўлмаслиги ва ўзи ҳам с а х и й бўлиши керак, дейди. У маърифатга моддий нарсага боғлаган киши билан дўст бўлиб етишиб бўлмайди, чунки у бу оламда нима абадий ва нима ўткинчи эканлигини била олмайди, унинг бутун фикри-хаёли шу моддийлик билан бўлганлиги ҳамсуҳбатига ҳам таъсир этади, демоқчи бўлади. «Қачонлардир сиз учун аҳамиятли бўлган, сизни ўраб олган муҳит таъсирида вужудга келган эътиқодлар аҳамиятсиз бўлишини англашга тайёр бўлинг. Улар сизларга фойдасиз бўлиб қолиши ва аслида сиз учун тузоқ эканлиги маълум бўлиши мумкин»¹⁹², деган еттинчи маслаҳати орқали Баҳоуддин сизни ўраб олган муҳит таъсирида вужудга келган эътиқодлар ўзгарувчандир. Бир вақт улар сиз учун муҳим бўлса, кейинчалик аҳамиятсиз бўлиши ва ҳатто тузоққа айланиши мумкин, дейди.

Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанд бутун оламга нисбатан бизни ўраб олган муҳит бир зарра бўлиб, унинг таъсирида ҳосил бўлган ишонч ва эътиқодлар кишини олам мутаносиблигига мосланишига ҳалақит бериши ва ҳатто тузоқ бўлиши мумкинлигини айтмоқда. Атроф муҳитни бўлиб, ботинини англамасдан фақат ташқи томони, шаклини ўрганса, алданади. Шунинг учун инсон борлиққа кенг ва чуқур қарашга ўрганишга тайёр бўлиши керак. Ҳазрат Нақшбанд маълум эътиқодга асос бўлган муҳит йўқолганида таянчини йўқотиб, йўқ бўлиб кетиш ҳолатига тушмасликка тайёр бўлишга чақиради. Чунки бу оламдаги нарсалар фоний ва ўткинчидир. «Сизнинг баъзи ишонч ва эътиқодларингиз тўғри, лекин сафарингиз даражаларига мос равишда уларнинг аҳамияти ва шарҳи ўзгариши, ва бу йўлда бўлмаганларга қарама-қаршидек туюлишига тайёр тулинг»¹⁹³, дейди Баҳоуддин саккизинчи маслаҳатида. У бу билан маърифат йўлида руҳингизнинг такомили натижасида сизнинг баъзи ишонч ва эътиқодларингиз тўғри чиқсада, уларнинг аҳамияти ва шарҳи, яъни мазмуни ўзгариши мумкин, ҳатто бу йўлдан бормаётганларга, тариқатда бўлмаганларга бу умуман нотўғридек туюлиши ҳам мумкин, деб жараённинг мураккаблигини кўрсатиб огоҳлантиради.

«Эсингизда тутингки, идрок ва кашф ибтидосида уларни «бу идрок» ёки «бу кашф» деб айта олмайсиз»¹⁹⁴, дейди Баҳоуддин тўққизинчи маслаҳатида. У бу билан билимларни идрок этиш ва уларни кашф этиш бошда сиз учун маълум бўлмайди ва сиз

¹⁹²Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

¹⁹³Там же.

¹⁹⁴Там же.

уларни ажратиб билмайсиз, демоқчи бўлади. Демак, билиш жараёни ақлу идрок, далилу исбот жараёнидан аста-секин илҳому кашф босқичига ўтади. Бу жараён ақл-иштирокидан руҳий кашф қабулига ўтади. Бу икки босқич шунчалик бир-бири билан боғланганки, сиз дастлаб юқори босқичга ўтганингизни пайқамай қолишингиз мумкин.

Баҳоуддин ўнинчи маслаҳатида «бир вақтда барча нарса ва ходисаларга бир хил усул билан баҳо беришда ўзингизга изн берманг. Бирин-кетинликка риоя қилинг»¹⁹⁵, деб айтган. Бу билан билишда ҳеч қачон барча нарса-ходисаларга бир усул билан баҳо берманг, уларнинг вақти, жойи ва бошқаларига эътибор беринг, демоқчи. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд тариқат аҳлига муносабат ҳақида айтар эди: «Сухбатимизга етишадиган гуруҳлардан баъзилари шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи бор, аммо бу уруғ унга халақит берувчи хасу хошоқлар туфайли униб-ўсолмайди, бизга эса уни поклаш лозим. Баъзилар шундайки, уларнинг кўнгилларида муҳаббат уруғи йўқ, бизга эса уни пайдо қилиш лозим»¹⁹⁶. Демак, Баҳоуддин бу тариқатдаги кишилар турли ҳолатда бўлганидан уларга турлича муомала қилиш кераклигини таъкидламоқда. Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифаси Андоқий шундай деган: «Муайян вақт, муайян жой, муайян биродарликка асосланган жамиятдаги шахслар бўлмас экан, жаҳднинг ўзи самарасиздир»¹⁹⁷. Баҳоуддиннинг бу ўгити шу фикрлар билан ҳамоҳанг.

Баҳоуддин ўн биринчи маслаҳатида «Агар сиз одамлар ҳақида жуда кўп ўйласангиз, меъёридан ортиқ фаолият ҳақида ўйлайдиган бўласиз. Ёхуд сиз нуқул ўзингиз ҳақида муттасил ўйласангиз одамлар ҳақида хато ўйлайдиган бўласиз. Агар сиз жуда кўп китоблар ҳақида ўйласангиз бошқа нарсалар ҳақида тўғри ўйламайдиган бўласиз, биридан бошқасини тузатиш воситаси сифатида фойдаланинг»¹⁹⁸, дейди ва маърифатли бўлиш учун барча ҳаракатларда уйғунлик ва меъёр бўлиши керак, дейди. Дарҳақиқат, киши агар одамларга маъқул бўлиши учун ҳаракат қилса, фақатгина фаолият ҳақида ўйлайдиган бўлади, агар фақат ўзи ҳақида ўйласа, одамлар ҳақидаги фикрлари хато бўлади, фақат китоблар устида ўйласа, бошқа нарсалар ҳақидаги қарашлари бир

¹⁹⁵Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

¹⁹⁶Мақомот. 71-бет.

¹⁹⁷Идрис Шох. Нақшбандийа тариқати. — Тшкент. 1993. 53-бет.

¹⁹⁸Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

ёқлама бўлади. Шунинг учун ҳам одамлар, ўзингиз ва китоблар ҳақидаги қарашларни уйғунлаштириш яхши натижа беради. Агар улардан бирининг меъёри бузилганлиги билинса, хатони тузатиш зарур. Демак, киши маърифатли бўлиши учун ҳамма ишда меъёргароёя этиши зарур экан.

«Менга китоблар керак ва машқлар керак эмас, деб ўйлаганингизда ўзингизнинг шахсий фикрингизга асосланманг. Менга китоблар эмас, машқлар керак деган эътиқодингизга камроқ таянинг»¹⁹⁹, дейилган Нақшбанднинг ўн иккинчи маслаҳатида. Дарҳақиқат, маърифатли бўлиш жараёнида шахс «Менга бу босқичда китоблар билан ишлаш керак, аммо машқларни бажариш шарт эмас, ёки аксинча менга китоблар эмас, машқлар керак», деб ўйлайди. Киши ўзининг бу бир ёқлама фикрига суяниб қолмаслиги керак, демоқда Баҳоуддин. Бу ерда ихтиёр деган тушунчага муносабат бўлаяпти. Киши маърифатли бўлиши каби қийин жараёнда ўз ихтиёрини мукамал даражадаги муршиди комилига (устозига) берса яхши натижа беради. Чунки шахсий фикрлар кишини йўлдан адаштириши мумкин. Баҳоуддин Нақшбанд айтган: «Муршид бу нозик табиб. У муриднинг ҳолига мувофиқ бўлган давони қилади»²⁰⁰. Яна Баҳоуддин таъбирича: «ирода, таслим, ихтиёрсизлик «бу улуг ишдир». Чунки муршидлар толибни ваҳшийлик сифатидан одамлик мақомига етказди»²⁰¹. Ҳар бир тадбирни амалга оширишда бу йўлдан бораётган киши тайёр бўлиши керак. Баҳоуддин аenorни мисол олади. Ҳали ошқозони аenorни ҳазм қилишга тайёр бўлмаган болага аenorни берсалар, у касал бўлади. Қачонки ошқозон уни ҳазм қилишга тайёр бўлсагина аenorни ейиш мумкин²⁰².

«Сиз ўзингизни мурид деб ҳисоблайдиган вақтда бу босқичга устозингизга ҳақиқий ҳолатингизни очиш учун кўтарилганингизни эсингизда тутинг ва бирор бинога нисбатан қанча узоқликда турганингизни ўлчайдиган босқич эмас»²⁰³, дейилади Нақшбанднинг ўн учинчи маслаҳатида. Бу ерда устоз ва шогирд ўртасидаги тафовут руҳий ҳолат билан боғлиқ, инчунин уни моддий ҳисоблар билан ҳисоблаб бўлмайди. Маълум бинога нисбатан шунча фарқ бор, деган моддий ўлчов фақат биз яшаб

¹⁹⁹Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

²⁰⁰Мақомот. 58-бет.

²⁰¹Ўша ерда.

²⁰²Идрис Шах. Мыслители Востока.-Ташкент.1993.-Б.177.

²⁰³Идрис Шах. Мыслители Востока.-Т.1993.-С.183.

турган оламга тааллуқлидир, деб таъкидламоқда у. «Кирган йўлингизни давом эттиришга қизиқишни йўқотганингизни ҳис этаётган вақтингиз сиз учун энг қулай бўлиши мумкин. Зеро, бу йўлни бошқа давом эттириш керак эмас, деб тасаввур этишингиз эътиқодингиз йўқлигидан ёки шубҳадан эмас, балки сизнинг синовга бардош бермаётганингиздандир. Сизда доим шубҳа бўлади, лекин бу иштибоҳ сизнинг ожизлигингиз унга ишорат этганидагина намоён бўлади»²⁰⁴ дейилган ўн тўртинчи маслаҳатда. Бу билан Ҳаққ йўлидан бораётган кишининг руҳий ҳолати ўзгариб туриши, у бу йўлда қизиқишини йўқотиб ундан кетмоқчи бўлаётган вақт, унинг етилиб, пишиб энг қулай вақти бўлиши мумкинлигини кўрсатади. Киши синовга бардош беролмай бу йўлни бошқа давом эттирмайман, деб ўйлайди. Аслида доимо шубҳа бору, фақат ожиз, кучсиз бўлган вақтда у кучаяди. Демак, бу йўлнинг оғирликларига чидаш, сабру қаноат қилиш керак, дейди Баҳоуддин.

«Шубҳани хайдашга сизнинг кучингиз етмайди. Фақат таълимимиз меъёрига мос шубҳа ва эътиқодларингиз кетади. Сиз бу йўлдан эътиқодни олишни умид қилганингиз учун кетасиз. Сиз ўз-ўзингизни билишни эмас, эътиқодни излайсиз»²⁰⁵, дейилган ўн бешинчи маслаҳатнинг тасаввуфий аҳамияти каттадир. Унинг мазмуни шундаки, маърифатли бўлиш жараёнида кишининг ўз шубҳаларини йўқотишга кучи етмайди. Муршид тарбия бериши билан ундаги шубҳа ва эътиқод аста-секинлик билан бартараф бўлади. бу йўлдан нуқул эътиқод излаганлар чиқиб кетадилар. Чунки уларга ўз-ўзини билиш эмас, фақат эътиқод керак.

«Устоз қўлига ўзимни топширайми, деб ўй-фикр қилманг. Сиз доим унинг қўлидасиз. Масала шундаки, у сизга ўзингизга ёрдам беришингизга кўмаклаша оладими, чунки сизда бу ишни қилишингиз учун воситалар жуда оз. Кимгадир ишониш ё ишонмаслик муҳокамасининг ўзи – умуман ишонишни истамасликнинг белгисидир. Шундай экан, у бунга ҳали қодир эмас. Агар сиз ўзингиздан «Унга ишонайми» деб сўрар экансиз, бу кимгадир ишонишингиз мумкинлиги хато эътиқод бўлиб чиқади. Аслида сиз «Ўзимнинг роҳат-фароғатим учун етарли даражада кучли ишончни ривожлантира оламанми» деб сўрайсиз»²⁰⁶, дейди Баҳоуддин ўн олтинчи маслаҳатида. Бу билан у муридни устознинг қўлида эканлиги ва унга тўла ишониб, ихтиёрни бергандагина ўз-

²⁰⁴Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

²⁰⁵Там же.

²⁰⁶Там же.

ўзини англаб, тана ва руҳиятини бошқара оладиган бўлишига ёрдам беришини кўрсатади. Чунки солиқнинг ўзида бу ишни бажаришга воситалар етмайди. «Бировга ишонайми ё йўқми» дейиш вужуднинг ўртада борлиги ва шахсий истак мавжудлигини кўрсатади.

Баҳоуддин «Ҳеч қачон тарбия ва қобилиятни аралаштирманг. Одамлар «яхши», «ўзини тутиб олган» дейдиган даражага эришмасангиз, сиз бамисоли қамишсизким, ҳаракат қилдирганда ёзмасдан ўтира олмайди»²⁰⁷, деб уқтиради ўн еттинчи маслаҳатида. У руҳий камолот учун киши ўзини тута билган, нафсини бошқара оладиган бўлиши муҳимлигини кўрсатади. Бу сифатлардан маҳрум бўлганни у ҳаракат қилдирганда, албатта ёзадиган қамишдан ҳеч қандай фарқи йўқ дейди. Баҳоуддин тарбия ва қобилият ўртасидаги тафовутни алоҳида таъкидлайди. Тарбия – шахсга инсонийлик сифатларини сингдириш, унинг ҳақиқий одам бўлиши учун парвариш этиш бўлса, қобилият муайян фаолият юзасидан шахс лаёқатининг ишни муваффақиятли бажаришдаги объектив шарт-шароитларини ифодаловчи индивидуал психологик хусусиятларидир. Киши ўз қобилиятини жуда эҳтиёт қилиши зарурлиги, ёмонлар суҳбатидан узоқда бўлиши кераклигини айтади. У тарбия таъсирида қобилият тўла намоён бўлишини кўрсатади. Ўн саккизинчи маслаҳатда «Қачонки сиз руҳий безовталиқни пайқаб, ҳис этсангиз уни худди шундай умуман бошқа эътиқодда бўлган одамлар ҳам ҳис қилишини хотирлаш билан тузатинг. Агар сиз бу ҳиссиётингизга юксаклик аломати деб баҳо берсангиз, унда нима учун ошқозондаги оғриқни худди шундай юксак ҳолат деб ҳисобламайсиз»²⁰⁸, дейилган. Баҳоуддин бу ўринда мазкур йўлдан бораётган кишига руҳий безовталиқдан сақланишни маслаҳат беради. Ҳиссиёт билан эмас, балки эътиқоднинг тор доирасидан чиқиб асл ҳақиқат бўлган асосни кўра оладиган бўлгандагина билимли бўлиш мумкинлигини айтади.

«Устоз рағбатлантирганда у сизни ўзига жалб қилишга ҳаракат қилмайди. У сизга қандай енгил тортишингизни кўрсатишга шошилади. Агар у сизни ғамгинликка солса, дарс сабаби шундан иборатки сиз умидсизлик ҳукмидасиз»²⁰⁹, дейилади ўн тўққизинчи маслаҳатда. Бу билан Ҳақ йўлига кирган кишининг руҳиятида нима бўлса, устоз ўшани намоён эттириб,

²⁰⁷Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

²⁰⁸Там же.

²⁰⁹Там же.

рағбатлантиришига мойиллик билан енгил тортиш ёки умидсизликка тушиб маънос бўлишингизни кўрсатишини айтади. Бу билан у руҳиятни меъёрда сақлаш лозимлигини уқтиради.

Йигирманчи маслаҳатда: «Ижтимоий ҳаётдаги ҳақиқат тушунчасини англаш ва билиш умуман фарқ қилади. Сизнинг бу йўл ҳақидаги оддий тушунчаларингиз бу йўлни тушунишни билдирмайди, балки унинг ташқи томони ҳақида англамаган тақлидчилар ўртасида тарқалган фарздир»²¹⁰, дейди. Бу маслаҳат Ҳаққа томон юз тутмоқчи бўлган одам, йўлнинг моҳиятига етган комили мукамал бўлган муршиднинг йўлбошчилигида ҳаракат қилиши зарурлигини таъкидлайди.

Баҳоуддиннинг маслаҳатлари инсоннинг ҳақиқатга етиш учун барча дунёвий боғланишлар ва алоқалардан узилиб, олам моҳиятига фарқ бўлиши кераклигини уқтиради. Унинг фикрича, ҳақиқатга етиш учун инсон ўзини тўла англаши ва ўзидаги бутун қувватларни Олий Ҳақиқат йўлига хизмат учун сафарбар этиши зарур. Баҳоуддин толибларни синов учун «ҳайдаш» яхши натижа беришини кўрсатади²¹¹. Шунингдек, таълим олмоқчи бўлган киши бутун ихтиёрини муршидига топширмаса, унинг аҳволи олтин берамиз деганда «йўқ, мен уни ололмайман, чунки у оқ эмас» деган киши билан таққосланади²¹². У – «Вуқуфи адади ла дуний илм мартабасининг аввалидир»²¹³, деб айтган. Вуқуфи адади – вуқуф – огоҳлик ва адад – сон сўзларидан олинган бўлиб, сондан огоҳлик маъносини билдиради. Бу талабнинг моҳияти оламнинг асли ягона Оллоҳ эканини англаш, тавҳид моҳиятига етишдир. Баҳоуддиннинг «Вуқуфи адади» таълимотини шарҳлашда қуйидаги рубоий ёрқин мисол бўла олади:

Касрат чу ник дар нигари айни ваҳдат аст,
Маро шакки намонд дар ин гар туро шак ҳаст.
Дар ҳар адад, ки бингари аз рўйи эътибор,
Гар сураташ бубинӣ, дар модаам якест²¹⁴.

Мазмуни:

Касрат-кўпликка яхшилаб назар қилсанг, ваҳдатнинг ўзидир.
Сенда шак бўлса, менда бунда шак қолмади.

²¹⁰Идрис Шах. Мыслители Востока. - С.182.

²¹¹Там же.

²¹²Там же.

²¹³Рашаҳот. 28-бет

²¹⁴Ўша асар. 27-бет.

Ҳар бир ададга эътибор билан қарасанг,
Сурати турлича бўлсада, аммо асли биттадир.

Жомийнинг «Шарҳи рубоиёт»ида Баҳоуддиннинг «вуқуфи адади» таълимоти қуйидагича изоҳланади:

Дар мазҳаби аҳли кашф ва арбоби хирад,
Сорист аҳад дар ҳама афроди адад.
Зеро, ки адад гар чи берун аст зи ҳад,
Ҳам сурату ҳам модаам ҳаст адад²¹⁵.

Мазмуни:

Кашф аҳли ва хирад арбоби мазҳабида,
Барча ададлар аҳад бўлинмасидир.
Чунки ададлар ҳаддан ортик бўлсада,
Уларнинг сурат ва асоси ягона ададдир.

Бу рубоий орқали «вуқуфи адади»нинг асли тавҳидга етиш эканлиги кўрсатилади.

Баҳоуддин бу жараён жуда мураккаб эканлигини қуйидагича баён этган:

Сад ҳазорон қатраи хун аз дил чакид,
То нишони қатра з-он ёфта²¹⁶.

Мазмуни:

Юракдан юз минглаб қатра қон томди.
То мен ундан нишона топа олгунимча.

Демак, зикр қилиш, қалбни поклаш, тавҳид калимаси моҳиятига етиш орқали ладуний илм даражасининг аввали бошланар экан. Яъни бу илмни қабул этишда қалб юмшаб, покланиб, вужуд фано бўлиб, файзни қабул қилишга тайёр бўлар экан.

Л А Д У Н – арабча сўз бўлиб, олдидан, ёнидан деган маънони англатади. Қуръони Каримда бу сўз такрорланиб туради. Ладуний асосан Оллоҳнинг олдидаги, ёнидаги маънони англатади. Ладуний илм деганда Оллоҳгагина бор бўлган ва унинг ёнида бўлган, у истаган кишига, истаган жой ва вақтда берадиган илм тушунилади.

²¹⁵Рашаҳот. 28-бет.

²¹⁶Ўша ерда. 65-бет.

«Фарҳанги забони тожик»да ладуний илм ҳақида шундай дейилган: «Ладуний – табиатда зеҳннинг иштирокисиз, жидду жаҳд қилмасдан, Оллоҳ томонидан ато этиладиган, Аллоҳ берган илмдир»²¹⁷. Буни ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қуйидагича таърифлаган: «Ладуний илм шундай илмдурким, қурб аҳлига илоҳий таълим ва раббоний тафҳим ила маълум ва мафҳум бўлади. Бу иш ақлнинг далили ва нақлнинг шоҳидисиз амалга ошади»²¹⁸.

Тасаввуфга доир барча луғат, мақолаларда билиш ҳақида гап кетганда ладуний илм – яқин, тўғри билим, ҳақиқат даражасидаги билим деб, уни Аллоҳ инояти билан берилиши таъкидланади. Йирик олим Франц Роузенталь ҳам «билим – нур, сўфийлик» ҳақида гапирганда «илм» ва «яқин» тушунчаларини таққослайди²¹⁹ ва «яқин» илоҳий томонидан берилади, деган тушунчани илгари суради. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бу нуқтаи назар бошқача изоҳланади. Унинг фикрича, ладуний илм билан яқин илми ўртасида фарқ мавжуддир. У шундай айтади: «Ладуний ва яқин илмларнинг орасида фарқ шудирки, яқин илми – асл зотнинг нури ва илоҳий сифатларини идрок этишдан иборатдур. Ладуний илм эса илҳом орқали унинг маъносини ва Ҳаққнинг каломларини фаҳмлай олишдир»²²⁰.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқадики, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича яқин илми орқали сўфий Тангрини зоти ва сифатларининг нурларини идрок қилади. Ладуний илмда эса Илҳом орқали Ҳақ моҳияти ва каломларини фаҳмлай олади. Баҳоуддин Нақшбанд ладуний илмни яқин илмдан кўра юқори даражада ва бутун оламдаги илмларнинг энг юксаки, деб қарамоқда. Чунки асл мақсад – бу нурларни кўриш эмас, балки Ҳақ моҳияти ва каломлари маъносини англашдир.

Нақшбандийликка оид манбаларда ладуний илм қуйидаги уч йўл билан берилиши кўрсатилган: 1.Ваҳий орқали пайғамбарларга. 2. Илҳом орқали муқаддас шахслар – валийларга. 3. Интуиция (фаросат) орқали – сўфийларга.

Пайғамбарларга илму маърифатни қалбга солиш, инсон қиёфасига кирган фариштадан бевосита эшитиб олиш, уйқусида

²¹⁷Фарҳанги забони тожик. -Т.1 М.: Энциклопедия, 1969. С.590.

²¹⁸Рашаҳот.28-бет.

²¹⁹Роузенталь Франц. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе./ инглиз тилидан таржима.- М.: Наука, 1978 -С.149.

²²⁰Рашаҳот. 28-бет.

аниқ тушлар кўриш ва бошқа руҳий воситалар билан берилади ва бу таълим «вахий» деб аталади²²¹. Уларга, асосан Жаброил фаришта орқали ваҳий тушган. Мусо Пайғамбар Тур тоғида бевосита Аллоҳ каломини эшитгани учун «Қисас ул-анбиё»да у «Калимуллоҳ», деб сифатланади.

Валийлар ҳаётига доир маноқиб ва мақомотларда ладуний илми Хизр – доимий тирик бўлган, илми ниҳоятда баланд ва абадий барҳаёт зот орқали берилади, деб ёзилади.

Ладуний илм ҳол илмининг энг юксагидир²²². У барча ботиндаги моҳиятларнинг асл маъносига етишга ёрдам беради.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд руҳий камолотнинг йўлини маърифатли бўлиш жараёни билан тенглаштиради. У маърифатли бўлиш, деганда ладуний олам сирларини билишдан то ладуний илми эгаллашгача бўлган юксалишни назарда тутди.

Хулоса қилиб айтганимизда, Баҳоуддин Нақшбанднинг маърифий қарашлари ҳозирги кунда халқимизни маърифатли йўлдан боришга хизмат қила олади. Баркамол авлод тарбияси вазифаларни бажаришда, жаҳолатга қарши маърифат орқали миллий мафкурамизни шакллантиришда бу таълимотнинг аҳамияти катта. Умумий хулоса қилганимизда:

1.Баҳоуддин Нақшбанд маърифатни руҳий камолотнинг асосий мақсади деб, кенг маънода тушунган.

2.Маърифатли бўлишга оид Баҳоуддиннинг йигирмата маслаҳати ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда.

3.Баҳоуддиннинг Ладуний илм ҳақидаги ғоялари маърифат тушунчасини чуқурроқ билишга имкон беради.

4.Баҳоуддин асослаган вуқуфи ададий тамойили ладуний илмининг аввали бўлиб, тавҳид даражасида инсонни камолотга етказишга хизмат этади.

²²¹Пайғамбарлар қиссаси. - Тошкент: Қомуслар бош муҳарририяти, 1993. 7-бет.

²²²Рисолаи қудсия. 10-бет.

III БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ

3.1. БОРЛИҚҚА ОИД ҚАРАШЛАР

Борлиқ масаласи барча фалсафий, диний дунёқарашларда асосий бўлган ва ҳозирги кунгача долзарб бўлиб қолмоқда. Нима бор ва нима йўқ, нима асл, боқий ва нима фоний ва ўткинчи бу масала тасаввуфий диний-фалсафий қарашларнинг асоси бўлган. Борлиқ масаласини изоҳлашда монистик, дуалистик, пантеистик қарашлар бир томондан бўлса, иккинчи томондан, унинг моддий ёки илоҳий хусусиятга эга эканлиги, объектив ёки субъективлиги доимо баҳс-мунозараларга сабаб бўлган.

Нақшбандия тасаввуфий таълимотида борлиқ билан боғлиқ назарий масалаларни ҳал этишда тавҳид, валоят, инсони комил, маърифат ва ваҳдати вужуд каби тушунчаларни таҳлил этиш зарур. Буларнинг ҳаммаси ваҳдати вужуд тушунчаси билан боғлиқ бўлгани учун биз асосий эътиборни шу тушунчанинг моҳиятини очиш ва нақшбандийликда унинг ўрнини аниқлашга қаратдик.

Дастлабки амалий томони кучли бўлган тасаввуф аста-секин ҳижрий II ва III асрларда назарий шакл ола бошлади. Машҳур сўфийларнинг диний, фалсафий-метафизик масалаларга бағишланган қатор асарлари вужудга келди. Бу эса тасаввуфда фалсафий йўналишни бошлади.

Тасаввуф назарий шакл ола бошлаган ва дунёқарашга айлана бошланган вақтдан "ваҳдат" масаласига махсус эътибор берилган. Бу фалсафада "тавҳид" масаласини учта хусусияти бор, деб талқин этилди: а) ваҳдати қусуд: банда ўз иродасини Аллоҳнинг иродасига боғлаши, ҳар нарсанинг асосида Унинг иродасини кўришидир. б) ваҳдати шухуд: руҳоний (психологик) бир ҳол сифатида оламда мавжуд ҳар нарсада Аллоҳни мушоҳада этмоқ. в) ваҳдати вужуд: ирода ва мушоҳадада бўлганидек, борлиқ жиҳатидан ҳам бирлик қабул қилинган бу босқичда Аллоҳдан ташқари бирор борлиқнинг ҳақиқатда мавжуд эмаслиги тан олинган. Сўфийларнинг фикрига кўра, бу тушунча "тавҳиднинг энг кейин эришиладиган ва энг мукаммал ҳолидир"²²³.

²²³Хайри Бўлай. Туркияда рухпараст ва моддапараст қарашлар кураши. Истанбул: 1967 171-172-бетлар. Иқтибос Усмон Турар асаридан олинди. 145-бет.

Ваҳдати вужуд фалсафасининг асосчиси Ибн Арабий, деб тан олинган. Бу фалсафанинг асосий хусусиятлари Тангрининг зот ва сифати билан боғлиқ бўлган масаласидир. Бу фалсафий қарашга мувофиқ Аллоҳнинг субъектив бир борлиғи борки, бу жиҳатдан У зоти билан қоимдир, бирдир, вожибдир, қадимдир, азалийдир. Сўфийлар шу жиҳатдан Унга мутлақ вужуд, Зоти ҳувият, Мутлақ Амо сингари исмлар қўйганларки, ягона ва холис борлиқ демакдир. Аллоҳ бу жиҳати билан ҳар қандай изоҳ ва таърифдан покдир²²⁴.

Аллоҳ вужуди вожиб сифатида намоён бўлади, Аллоҳнинг исм ва сифатлари шу жиҳатга боғлиқ бўлиб, борлиқ оламида тажалли этмоқда. Аллоҳ зоти жиҳатидан борлиқлар оламига нисбатан бир ойна кабидир. Ҳар нарса унда кўринади; исм, феъл ва сифатлари жиҳатидан ҳам борлиқлар олами У кўринган бир ойна мақомидадир. Борлиқлар олами У билан қоимдир. Демак, Аллоҳ зоти жиҳатидан ягона борлиқдир ва бутун мавжудотнинг ўзагини ташкил қилади. Оламда ҳамма нарса Унинг зоти билан қоимдир. Ундан ташқаридаги борлиқлар Унинг исми, феъл ва сифатларининг тажаллиларида иборат бўлиб, аслий қоим борлиқлари йўқ. Ҳақиқий вужуд Аллоҳга оиддир. Ортиш ва кўпайиш вужуднинг кўринишларида бўлиб, Ҳақнинг зоти бундан мустаснодир. Бу фалсафага кўра, Аллоҳ мутлақ Зот эътибори ила Ҳақ; муайян бўлиши жиҳатидан оламдир.

Демак, ваҳдати вужудда бутун борлиқ ягона илоҳий асосга эга. Оламдаги бор нарсалар Тангри зоти билан қоимдир. Ҳақиқий вужуд фақат удир. Ундан ташқарида борлиқ йўқ. Унинг исми, феъл ва сифатлари тажаллий этиб намоён бўладилар.

Шундай экан, Ҳақ оламнинг ботини ва асоси, олами эса Ҳақнинг кўринишидир. Мутлақ вужуднинг бир зотий ва асмий камоли бор. Зотий камоли-бошқа нарса тасаввур қилинмасдан, Аллоҳнинг нафсига, нафси учун ва нафси билан зуҳуридир. Бу зуҳур муфассал (тафсилотли)нинг мужмалда (мухтасарда) зуҳури кабидир. Асмий камоли эса хорижий кўринишда зуҳуридир. Бу зуҳур мужмалнинг муфассалда кўриниши кабидир²²⁵.

Тасаввуф аҳли фикрига кўра, Аллоҳнинг исм ва сифатлари кўп ва уларнинг ҳар бири Зотнинг мартабаларидир. Унинг зоти, зотига нисбатан эътиборли бўлган бу исм ва сифатлар билан турли

²²⁴Эртуғрул И.Ф.Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул. 1928. -Б.4, Муҳаммад Байроқдор. Ибн Арабийда воқелик ва борлиқ ҳақида тасниф//Анкара уни. Илоҳиёт факул.мажмуаси. N XXV, Анкара:1981. 349-350-бетлар.

²²⁵Эртуғрул И. Ф. Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул:1928. 5-6-бетлар.

суратларда тажаллий этади. Баҳоуддин Нақшбанд "Аврод" асарида Аллоҳнинг исм ва сифатларини баён этган. Унга ёзилган шарҳларда ҳар бир исмнинг моҳияти очиб берилган. Бу асарда Аллоҳ шундай тавсифланади:

«Ё Аллоҳ! Сен Малик. Ҳай. Қайюм. Ҳаққ. Мубинсан.

Сендан ўзга илоҳ йўқ.

Сен менинг Парвардигоримсан, мени халқ қилгансан.

Ё Аллоҳ, ё Аллоҳ, ё Аллоҳ! ё Гаффор, ё Гафур! Аллоҳ покдир. Барча шукр ва ҳамду санолар Унгадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Аллоҳ буюқдир. Мутлақ куч-қувват фақат Уникидир.

У (Аллоҳ) – Аввал, Охир, Зоҳир, ботиндир ва барча нарсаларни билгувчи – Олимдир.

У (Аллоҳ) ҳаёт берувчи ва ўлдиргувчидир. Унинг ўзи барҳаёт бўлиб, ўлимни билмайди. барча яхшиликлар Унинг қўлидадир. У барча нарсалардан қудратлидир.

Сен пок ва Муаззамсан, яъни азим ва буюқ саналувчилар орасида Азимсан. буюқлигини фақат ўзинг биласан. Башарнинг ақли сенинг зотингни билишдан ожиздир.

Сен поксан ва Мукаррам – карамли, керакли вақтда ёрдам бергувчи деб танилганлар орасида Қайюми – энг ўзгармовчи ва абадийсисан»²²⁶.

Бу Тангрининг исмлари унинг куйидаги жамолу жалолени намоён этади: Малик – Тангрининг бутун борлиқнинг ягона хо-жаси, бутун мулкнинг эгаси, барча нарсалар унинг тасарруфида эканлигини англатади. Ҳай – Тангрининг абадийлиги, барҳаётлиги, фанони билмаслиги, ўлмаслиги каби сифатга эгалигини кўрсатади. Қайюм – ўз-ўзидан қойимдир, ҳар ниманики ўзи истаса, ўзи ижро қилади деган маънони билдириб, унинг кимсага эҳтиёж сезмовчи эканлигини англатади. Ҳаққ – Тангрининг собитлиги, яъни борлиғининг ўзгармас эканлигини англатади. Мубин – Тангрининг шундай зотлигини кўрсатадики, ўзи истаган шахсларга хидоят этиб тўғри йўлни кўрсатади. Аввал – Тангрининг борлиғининг аввали йўқлиги, ўзи азалдан мавжудлигини кўрсатади. Охир – Тангрини борлиғининг охири йўқлигини билдиради. Тангрининг азалий билан бирга абадий эканлигини кўрсатади. Зоҳир – Тангрининг борлиги саноқсиз далиллар билан ошкоралигини кўрсатади. Ботин – Тангрининг буюқлиги ва азамати ҳижоблар билан тўсилганлиги, шунинг учун ҳам у ақл, тасаввур ва идрокдан ботинда (ичкарида)

²²⁶Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳоийя: Қўлёзма. РФАШИ. С-П филиали, инв. N.3464.-В.25.

эканлиги билдирилмоқда. Олим – Тангрининг барча нарсаларнинг энг нозик томонларини ҳам билувчи эканлигини англатади. Тангрининг олимлиги азалий, абадий ва чексизлигидан далолат бермоқда.

"Аврод"да Аллоҳнинг жуда кўп исм ва сифатлари кўрсатилган. Бу таълимотда Аллоҳ исмлари билан биргаликда унинг асосий сифатлари ҳақида ҳам фикр юритилади. Тангрининг аслий сифатлари еттитадир: ҳаёт, илм, ирода, таквин (ёки қудрат), самий, басар ва калом. Нақшбандия манбаларида буларга Аллоҳнинг субутий сифатлари деб айтилган.

Исм зот эътибори билан мусаммонинг айна ўзи, хусусий маъно жиҳатидан эса ғайридир. Сифат зухур этган пайтда исм бўлади. Яъни, сифат исмнинг ботини, исм сифатнинг зоҳиридир. Зот эса сифатнинг ботини, сифат эса зотнинг зоҳиридир. Исм ашённинг ботини, ашён эса исмнинг зоҳиридир. Шунга кўра, Зот ўз навбатида сифат, исм ва ашён шаклида тажалли этмоқдадир. Илоҳий исмларнинг кўпи Зотга, сифатга ва феълларга оид маъноларни ўзларида жамъ қиладилар. Масалан, Раб исми собит, малик, муслиҳ маъноларини ўз ичига олади. буларнинг биринчиси Зотга, иккинчиси сифатга, учинчиси эса феълга оиддир²²⁷.

Яна мутасаввифларнинг айтишларича, Аллоҳнинг ҳаёт, илм, ирода, қудрат каби сифатлари ҳам махлуқотда мавжуд. Аммо бу сифатлар Жаноби Ҳақда мукаммал экан, махлуқотда уларнинг қобилиятига кўра фарқли, нисбий даражалардадир. Сувнинг асли бир бўлгани ҳолда жойлашган жойига қараб ширин, чучук ва ҳоказо бўлгани каби²²⁸.

Ваҳдати вужуд тавҳиднинг уч мартабасини эътироф этган:

1.Тавҳиди афъол: бу мартабада ориф-инсон, малак ва шайтондан содир бўлган феълларни мосивога эмас, Аллоҳга нисбат этади. Бу ваҳдати қусудга зид келади. 2.Тавҳиди сифат: орифнинг барча сифатларни мосивога эмас, Аллоҳга нисбат этишидирки, бу ҳам ваҳдати шухудга зид келади. 3.Тавҳиди зот: борлиқ сифатида фақатгина ёлғиз Зот (Аллоҳ)ни ва Унинг турли мартабалардаги тажаллиларни кўрмоқ, шу аснода мосиводан "борлиқ"ни сургун қилишдир²²⁹. Тавҳиднинг бу мартабалари ҳолга алоқадордир.

²²⁷Эртуғрул И.Ф.Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул; 1928. 27-28-бетлар.

²²⁸Хайри Бўлай. Туркияда рухпараст ва моддапараст қарашлар кураши. Истанбул: 1967. 256-257-бетлар.Иктибос Усмон Турар асаридан олинди. 147-бет.

²²⁹Эртуғрул И.Ф.Ваҳдати вужуд ва Ибн Арабий. Истанбул; 1928. 32-бет.

Ваҳдати вужуд фалсафасининг муҳим масалаларидан бири Тангри билан олам муносабати масаласидир. Ибн Арабийнинг фикрича, коинот илоҳий севги ва зотий ишқнинг зарурати сифатида шахси аниқ борлиқлар ҳолида зот жиҳатидан ягона борлиқ бўлган Аллоҳнинг тажаллисидан бошқа бир нарса эмас. Бу эса оламда исм ва сифатлар билан борлиқдан борлиққа ўтиш, доимий ва ҳар лаҳза янгиловчи хусусияти бўлган бир воқеликни ифодаламакда²³⁰.

Унингча, оламдаги турланиш ва кўпайиш мутлақ маълумлик мартабасидаги Зоти аҳадиятнинг "борлиқ" миқёсидаги кўринишидан иборатдир. Аллоҳ зоти жиҳатидан азалда бор эди ва Ўзи билан бирга ҳеч нарса йўқ эди. Аммо У илоҳий исмларни ўзида мушоҳада этишни тилади. Чунки қудратсиз Қодир, ризқсиз Раззоқ... сифатлари маъносиз ва қиймати йўқдир²³¹. Шунинг учун зот мартабасидан, турли босқичлардан ўтиб, борлиқлар оламини яратди.

Ибн Арабийга кўра, Аллоҳ оламни ва бутун яратилганни қандай шаклда яратишни азалий илми билан биларди.

Оламда яхши-ёмон, зулм-марҳамат, зулмат-нур сингари бир-бирига зид нарсаларнинг борлиги ҳам бир илоҳий ҳикматга асосланади. Бу зиддиятлар соясида Аллоҳнинг ҳам жамоли сифатлари, ҳамда жалол сифатлари тажалли этади.

Ваҳдати вужудчилар Аллоҳ-олам муносабатини изоҳлар экан, борлиқлар оламини қай тарзда яратилгани ҳақида "ваҳдати вужуд" назариясига уйғун тарзда шарҳлар келтиришган. Уларнинг фикрларича, оламнинг яратилиши бир неча мартабалардан ўтиб рўёбга чиққан. Бу яратилиш мартабалари "ҳазароти хамса" (беш илоҳий ҳазрат) , "таназзулоти саба" (етти руҳий эниш) дея номланган. Усмон Турар бу масалани қуйидагича баён этади:

Таназзулоти саба

1. Ла таъайюн мартабаси: Ҳақ вужуди бу мартабада ҳар қандай чекланишдан йироқ. Шунинг учун бу мартабага "аҳадият", "мутлақ ғайб", "итлоқ", "мутлақ амо", "вужуди маҳз" (фақатгина вужуд), "уммул китаб", "ғайбларнинг ғайби", "зоти илоҳия" каби исмлар берилган. бу мартаба Аллоҳнинг зот мартабасидир.

2. Илк таъайюн мартабаси: бу мартаба Зоти илоҳийнинг борлиқ сахнасига нузул қилиш жиҳатидан илк ҳаракатини ифодалайди. Аллоҳ бу мартабада Зотини, сифатларини, исмларини ва

²³⁰Байроқдор Мухаммад.Ибн Арабийда воқелик ва борлиқ ҳақида тасниф//Анқара уни. Илоҳиёт факул. мажмуаси. N.XXV.Анқара; 1981, 351-352-бетлар.

²³¹Ибн Арабий. Футухотил Маккия. 1-ж. 155-бет.

бутун мавжудотни бир-биридан ажратмай, ижмолий ўлароқ билади. Бу ерда воқеликнинг илк бошланиши ҳақида гап кетаяпти. Бу мартабага "вахдат", "мутлақ вахдат", "Ҳақиқати Муҳаммадия", "хувият", "мутлақ илм" каби номлар берилган. Бу мартабада У-"Аллоҳ"-Жамил исми билан номланган.

3. Иккинчи таъаййун мартабаси: бу мартабада Аллоҳ, Зотини, сифатларини ва мавжудотини бир-биридан ажратган ҳолда (тафсилий) билади. Бу мартабада илм суратлари бир-биридан бўлак бўлганидан ва бу суратлар илоҳий сифатларнинг суратлари бўлганидан, уларга "воҳидият", "аъёни собита" ва "ҳақиқати инсония" дейилади. Бу суратлар имкон доирасида борлиқларнинг ҳақиқатлари ва таянчларидир. Илк таъаййун мартабаси бу мақомнинг ботини, бу эса унинг зоҳиридир.

4. Рухлар олами мартабаси: бу мартаба Зоти Илоҳийнинг латифлигини бир даража йўқ этишидан иборат. Бу мартабада ҳар бир рух ўзини, ўз мислини ва ўзининг бошланиши бўлган Ҳақни ўраб олган. Бу мақом эса иккинчи таъаййун мартабасининг зоҳири, у эса бунинг ботинидир.

5. Мисол олами мартабаси: бу мартаба ҳали парчаланиш ва ажралишни билмайдиган латиф мураккаб ашъдан иборат. Бу мартабада рухлар оламидаги ҳар нафар жисмлар оламида шаклга киради. Бу мартабага "хаёл олами" ҳам дейилади.

6. Шаҳодат олами мартабаси: Бу мартаба жисмлар олами бўлиб, парчаланадиган ва ажраладиган қаттиқ ва қоришиқ ашъдан иборат.

7. Шу ергача айтилган барча мартабаларни ўзида жо этган "Мартабаи жомиа" мартабаси бўлиб, бу мартаба инсондир. Инсон хоҳ нуруний (латиф) бўлсин, хоҳ моддий (қаттиқ) бўлсин, барча мартабаларни ўзида жам этган. Аммо бу ерда айтилаётган инсон сўфийлар англаган маънодаги Инсони Комилдир. Исми Аъзам қандай қилиб Аллоҳнинг барча исмларини ўзида мужассам этган бўлса, инсони комил ҳам бутун оламларни ўзида жам қилган.

Бу етти мартабадан илк учтаси вожибий ва ғайбий тажаллилари, қолган тўрттаси эса имконий ва шуҳудий тажаллиларидан иборат. 4, 5, 6-мартабалар навбатма-навбат руҳий, мисолий ва жисмоний таъаййун (юзага келиш) ва тажаллилاردир. Жисмоний тажаллилар кўриниб турган оламга тааллуқлидир²³².

²³²Арвосий А.Риёзат тасаввуфия. Истанбул, 1341-153-бет.

Баъзилар бу мартабаларни "ҳазароти хамса" (беш ҳазрат) номи билан бешта деганлар. Юқоридаги етти мартабадан иккинчи ва учинчи ҳамда олтинчи ва еттинчи мартабаларни биттадан мартаба ҳисоблаб, қуйидагича санаб чиққанлар: 1.Аҳадият, 2.Воҳидият, 3.Арвоҳ, 4.Мисол, 5.Шаҳодат. Баъзилар бу мартабаларни тўрттага ҳам туширганлар: 1.Лоҳут, 2.Жабарут, 3.Малакут, 4.Носут. Булардан Лоҳут юқоридаги Ла таъаййун, жабарут илк таъаййуннинг; малакут иккинчи таъаййун, руҳлар олами ва мисол оламининг; осут эса шаҳодат олами ва инсони комил мартабаларининг ўрнини босмоқда²³³. Абдулкарим Жилий "Маротибул вужуд" асарида бу мартабаларни қирқтага қадар етказган²³⁴.

Нақшбандия таълимотини тадқиқ этган А.Муҳаммадхўжаев ваҳдати вужуд ҳақида гапирганда уни пантеизм билан бир деб қарайди ва шу масалага бағишланган бобга Пантеистик қарашлар деб ном беради²³⁵. Ҳолбуки, бу икки қарашнинг умумий томонлари кўп бўлсада, аслида бир-биридан тубдан фарқ қилади. Пантеизмда Тангри билан ашё бир деб қабул этилса, ваҳдати вужудда бундай эмас, унинг зот жиҳатидан барча нарсалардан алоҳида ва ягона борлиқ эканлиги, ундан ташқарида бўлган барча мавжудот эса Тангрининг исм ва сифатларини тажаллиларида иборат бўлиб, зотий борлиқлари йўқдир. Шунинг учун "ҳулул" (эврилиш) ва "иттиҳод" (бирлашиш) ҳақидаги ғоялар хатодир. Бунда ваҳдати вужудни ақлий далил билан эмас, қалбий мушоҳада, завқ ва ҳол билан эришилган бир "ирфон" эканини, ақлий ва бир назария эмаслигини доимо назарда тутиш керак. Яъни ваҳдати вужудга эришмоқнинг йўли ақлий ва китобий эмас, сайру сулук натижаси "фано" мартабасига эришиш орқали амалга ошади.

Ваҳдати вужуд таълимотини танқид қилганлар, уни моҳиятини тушунмаган кишилар жуда кўп бўлган, лекин улардан фарқли "нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд Ибн Арабийнинг фикрларини тан олган ва "Рисола фи ваҳдатил вужуд" асарида бу назарияни ёқлаб чиққан"²³⁶ Усмон Турар бу фикрида Оташ Сулаймоннинг Анқарадаги "Ислом тасаввуфи" асарига (123-124-бетлар) таянади. То Аҳмад Сирхиндигача бўлган даврда нақшбандия таълимотининг арбоблари ваҳдати вужуд назариясини ёқлаганар. Баҳоуддин Нақшбанднинг "Аврод"идаги ғоялар тўла

²³³Кўнук А.А.Фусусил ҳикам. I жилд. Таржима ва шарҳи. 67-бет.

²³⁴"Мактабатул жандий". Қоҳира, йили кўрсатилмаган.12-42-бетлар.

²³⁵Қаранг: Муҳаммедхожаев А. Идеология нақшбандизми. Душанбе: Дониш, 1991-С110-131.

²³⁶Усмон Турар.Тасаввуф тарихи.-Тошкент: Истиклол,1999. 157-бет.

"ҳамма нарса удир" тезисига тўғри келади. Шунингдек, Баҳоуддин таълимотга киритган "вукуфи ададий" Ғоясининг моҳияти ҳам борлиқ ягона эканлиги ва асл мақсад ҳақиқий тавҳидга етиш эканлигидир.

Ваҳдати вужуд таълимотини қўллаган Кошоний, Абдул Карим Жилий, Қайсарийлар билан бирга Абдурахмон Жомий номи ҳам зикр этилган²³⁷.

Дарҳақиқат, борлиқ ҳақидаги нақшбандия таълимотини ёри-тадиган, ҳалигача ўрганилмаган янги манбалардан бири Мавлоно Нуриддин Абдурахмони Жомийнинг "Суханони Хожа Порсо" рисо-ласида нақшбандия таълимоти ва тариқатининг йирик намояндаси ва муршидининг ваҳдати вужуд назариясини қўллаганини кўрсата-ди. Бу манба М.Моленинг Техрондаги кутубхонада сақланаётган манбаларни жамлаб, 1958 йилда нашр этган "Нақшбандиёт" тўпламининг 294-303 бетларда чоп этилган.

Жомий борлиқ илоҳий эканлигини ёзади ва шунинг учун фақатгина Тангри Таоло билан дўстлик ҳақиқатдир, дейди. Ундан ўзга билан боғланиш жаҳл нодонликдир, деб таъкидланади. Ким ўзини севса, Ҳаққ Таолони ҳам севади. Жомий Оллоҳдан ўзгани дўст тутишни иссиқликдан қочиб, қалин дарахт соясини севувчи, лекин шу сояга сабаб бўлаётган дарахтни севмасдан, уни кўрмайдиган киши аҳволи билан ўхшатади. Бу иборалар орқали асл борлиқ Тангри зоти эканлиги ва бошқа мавжудотлар унинг сояси, тажаллийси эканлигини айтиш билан ваҳдати вужуд таълимотидаги асосий ғояни қўллайди. Бундай одамлар Ҳаққ билан дўстлик унинг маърифати самараси эканлигини англамайди, дейди у.

Манбада таъкидланишича, бутун борлиқ ягона илоҳ самараси бўлганидан борлиқдаги кўринишлар кулнинг жузъларидир." Ҳар бир суратда Зоҳир-Ҳаққдир. Борлиқ илоҳий жамолни файзнинг зухуридир. Бу Жамол ва Жалол ҳаммани ўраб олгандир.

Бутун руҳий ва жисмий олам унинг кўринишларидир. Жавҳар-асл ва араз-сифат ҳам удир. Ҳар нарсага қараганда унинг Зоҳирини кўриб, ботинига йўл топиш мумкин. Бутун олам мавжудоти унинг сифати ва ахлоқидир. Унинг зоти вужуднинг аслидир. Демак, олам ягонадир, бирдан кўп эмасдир. Бутун борлиқ оламда мавжуд бўлган нарсалар унинг Зоҳири, сифатлари, нурлари, кўринишлари,

²³⁷ Кныш А.Д.Ваҳдат ал вужуд/Ислам. Энциклопедический словарь. -М.,1991.-С.49.

вужудининг намоён бўлишидир. Бутун борлиқ ягона вужуддир. У илоҳий зотдир"²³⁸.

Манбада асл зот ва бутун борлиқни тушуниш учун Мақоми Жамъ ва Аҳадият, Мақоми тафсир ва касратни тушуниш лозим, дейилади.

Борлиқ моҳиятини англаш учун ҳижоб-тушунчасини тушуниш керак. Касрат кўплик ҳижоб бўлиб, ундан ана шу либос олинганда бирлик намоён бўлади. Баҳоуддин Нақшбанд айтгандики, Оллоҳ нур ва зулматдан яратган етмиш минг пардани кўз олдидан олгандан кейин фано мақомига етиб, боқий олам моҳиятига шўнғиб кетасиз. Асл ва бор бўлган ягона зотлиги Ҳақиқат аҳли олдида файз ҳам ундандир, қайтиши ҳам унгадир. Ўртада ундан ўзга ҳеч нарса йўқ. Буни фақат қалб соҳиби англаб билади, чунки Ҳаққ маърифатга етишнинг оғирлиги шундаки, у шунчалик Зоҳирдирки, кўз уни топишга ожизлик қилади. Ҳар бир Зоҳир бўлган нарса асл зотнинг бир сифати: жалол жамоли, яратиш қудратига гувоҳлик беради. Кўз ҳар бир нарсага қараганда асл зотнинг яратувчанлик қудратини кўриши лозим. Барча нарса Унинг жамолининг нурланишидир. Барча нарсаларнинг борлиғи унинг борлиғининг намоён бўлишидир. Асарда қалб бирор дамда ҳам илоҳининг яратиш ажойиботларидан ғофил қолмаслиги лозим деб таъкидланилади.

Инсон борлиғи ҳам Ҳаққнинг ахлоқи, феъллари сўзларини, ҳунарларини бирлаштириб кўрсатади. Бутун халқ қилинганлар Унинг феъли, сўзи ва асаридир. Лекин унинг ўзи пинҳондир. Бутун борлиқнинг яратилишига қараб, уни яхлит кўриш керак. Ким аслини кўрмаса, мисоли боғга кириб япроқларни кўриб, лекин боғни кўрмайпман, деган кишига ўхшайди. Манбада шундай мисралар келтирилган:

Инчунин фаҳм кун худоро ҳам,
Дар ҳама рўи ў бубин ҳар дам.
Менигар ҳар сабоҳ дар фаолик,
З-онки халқ аст мазҳари Холиқ.
З-осмону замин ва ҳар чи дар ўст,
Жуз худоро мабин, ҳамон дар пўст.
Неку бадро Ҳаққ кунад пайдо.
Дидани ғайри ў ба дасти у хато.

²³⁸ Жомий А.Суханони Хожа Порсо/Моле М. Нақшбандиёт – Техрон, 1958. 295-бет.

Чун ўро бини ҳамон суи ў пари.
Бар нафи вай даст сад футуҳ бари²³⁹.

Мазмуни:

Тангрини шундай фаҳмлагинки,
Ҳар бир нарсанинг юзида уни кўргин.
Ҳар эрталаб тонгда кунни ёритувчига қара,
Чунки бутун ҳалқ холиқнинг зуҳуридир.
Осмону ерда ва уларда нима бор,
Тангридан ўзгани кўрма, у яширин.
Яхши-ёмонни Ҳаққ пайдо қилади,
Унинг қўлидан бошқасини кўриш хато.
Унинг ўзини кўрсанг, ширк келтирмайсан,
Унинг аслини ҳам кўрадиган бўласан.
Шунда руҳинг билан парвоз этасан,
Унинг қўли билан юзлаб фушуҳотлар топасан.

Басират аҳли, яъни Ғайб оламини кўриш қувватига эга бўлган, қалб кўзи очилганлар айтадиларки, илоҳий маърифат мақоми буюк азиматдадир. Ҳар хил қалбда ҳам илоҳий сирларнинг нури сифмайди. Ҳар қандай қулоққа ҳам уни эшитиш тоқати йўқ,

Ҳасти ки вужуди ў ба худ нест,
Ҳастки ниҳодан аз худ нест.
Ҳасти ки ба Ҳаққ қавом дорад,
Ў нест ва лекин ном дорад²⁴⁰.

Мазмуни:

Вужуди бўлмаган мавжудликни,
Борлиқ деб ҳисоблаш хатодир.
Ҳаққ билан боғланган борлиқ,
Кўзга кўринмасада у бордир.

Бу мисраларни изоҳлаш учун денгиз ва тўлқин, сув ва кўпикни мисол олиш мумкин. Кўпик ва тўлқин асл сувдир. Мавжларга мафтун бўлиб, аслини кўрмаган киши учун асл кетса, борлиқ йўқолади. Шунинг учун ҳам асл билан боғланиш лозим.

²³⁹Жомий А.Суханони Хожа Порсо/Моле М.Нақшбандиёт-Техрон, 1958. 297-бет.

²⁴⁰Ўша ерда.

Нақшбандия таълимотида борлиқ тушунчасини изоҳлашда Лахут, Жабарут, Малакут, Барзах ва Насут оламлари ҳақида фикр юритилган.

Лахут тушунчаси нақшбандия таълимотида энг олий илоҳий оламга нисбатан қўлланилади. Лахут олами деб аршдан юқорида бўлган энг олий, илоҳий фардоният, маҳз ваҳдониятни ифода этадиган оламга айтилади. Бу оламини "ла ҳува илла ҳува" (ундан ўзга ҳеч нарса йўқ), деб номлайди.

Жабарут – араб тилидаги "жабр" сўзидан олинган бўлиб, буюк, улуғ, буюклик, улуғлик маъноларини билдиради. Жабарут Тангрининг энг буюк қудрат ва тавонолигини, азамат ва бузурглигини англатади. Тангрининг Жаббор исми унинг жабарутидан олинган бўлиб, қудратли, азамат маъносини англатади. Бу таълимотга асосан, ҳақиқий фаол, асосий ҳаракатга келтирувчи, фаолиятни бошқарувчи – бу ягона Тангридир.

Жабарут олами арбаанинг иккинчиси сифатида ҳам талқин этилади. Бу азимат, илоҳий исмлар ва сифатларнинг жилоси ва муҳаммадий ҳақиқатнинг ўзи бўлган оламдур. Жабарут олами ваҳдат ва сифат мартабасига тааллуқли бўлиб, унда илоҳий ирода ва майишатдан ўзга ирода ҳукм этмайди. Бу халоиқнинг жабру касрати ва олам кутбининг мақомидир. У аршдан сароғача эгаллагандир. Авлиёларнинг каромати ва набийларнинг мўъжизаси жабарут оламидандир. Солик руҳи касрат мақомидан тараққий этиб, олами жабарутга етади ва ундан лахутгача камол топиб, тўла илоҳийлик сифатини эгаллайди.

Жабарут лахутдан кейинги иккинчи оламдир. Лахут илоҳий зотнинг олами бўлса, Жабарут илоҳий исм ва сифатлар оламидир. Шунинг учун илоҳий исмлар ва сифатларнинг моҳиятига етиб, уларни тўла қабул этиб иродани унга бўйсундириш орқали жабарут олами билан киши боғланади. Тангри одами яратганда инсонга ўз исмларини ўргатиб, фаришталарни унга бўйсунганини беҳудага айтмаган.

Малакут-малак – фаришталар олами. Малакут, бир томондан, фаришталарнинг қудрати ва сифатини акс эттирса, иккинчи томондан, улар яшайдиган оламнинг номини ифода этади. Малоика, яъни фаришталар – Тангрининг бандаларидир. Улар доимо ибодат қилувчи ва ҳар бир буйруқни ниҳоясига етказувчи, гуноҳлардан холи, емоқ-ичмоқ каби сифатлари йўқ, жинслари ҳам йўқ, жисмлари эса нурдан, ўзлари эса шамолдек майин, аммо кўзга

кўринмайдиган, агар кўринишни истаса, ихтиёрий сифатда кўринишга қодир зотлардир. Тангрига энг яқин тўртта фаришта маълум. Жаброил – Пайғамбарларга ваҳий келтирувчидир. Микоил бандаларнинг ризқини таъминловчи, Азроил қазоси етган бандаларнинг жонини олувчи ва Исрофил бандаларнинг жонлари турган сурга ваколатлидир.

Малакут – юксак илоҳий ҳукм, юксак илоҳий ғоялар ва қарорлар ва илоҳий сирлар оламидир. Қуръони Каримда Тангри томонидан яратилган бутун борлиқнинг ердаги мулк қисмига қарши малакут тушунчаси ишлатилади. (Қуръони Карим 6,7,185/184,23,88/90). Малакут жабарут каби инсоний ҳиссиётлар ета олмайдиган манзилдир. Бу фоний олам-мулкка нисбатан малакут ўткинчи, ўзгарувчан эмас, балки доимий ва абадийликка эга комил олам бўлиб ҳисобланади. Малакут ва жабарутда ҳозирги кун ва келажак ҳақидаги билимлар мавжуд. Қуръони Каримдаги Малакут тушунчаси фаришталар оламига нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, бутун ғайб оламига, ботиний моҳият ва маънога нисбатан қўлланилади. Бундаги маънога кўра Малакут-Ал-Ақл ал Аввал, Руҳ ал-Қуддусга тўғри келади. Жабарут эса бунда ан-Нафс ал Куллия, Ал Амр га мос келади.

Малакут олами ғ а й б оламига мансубдир. У ҳам оламнинг ботинини акс эттиради. Малакутнинг ўзи икки даражададир: 1. Малакути аъло-махз уқулнинг оламидир. 2. Қуйи малакут-мусул ва ашёлар суратларидир.

Нақшбандия таълимотида "барзах" олами тилга олинади. "Барзах"-араб тилидаги сўз бўлиб, икки бир-бирига қарама қарши, бир-биридан фарқ қиладиган нарсалар ўртасига нисбатан ишлатилади. Қуръони Каримда "барзах" жаннат ва дўзах орасидаги жой – аъроф сифатида қўлланилган. Чунончи "барзах" - "Раҳмон" сурасида икки денгизни бир-биридан ажратиб турган сув ҳалқаси маъносида келади. Бундан ташқари, барзах – бу дунё ва охира тўртасидаги олам сифатида ҳам талқин этилади. Унинг бу маънода келиши кишиларнинг қабрдаги ҳаётига ишорадир. Қуръони Каримда (23-сура, 100-102-оятлар) "барзах", яъни қабр азоби ҳақида ёзилган. Қиёматгача тана ва руҳнинг ҳолати "барзах" дейилган.

Нақшбандия тариқатида барзах мулк ва малакут орасидаги олам маъносида талқин этилади: инсон аммора нафсини

тўла енгиб, лаввома нафси даражасида юксалганда, унинг руҳи барзах оламида бўла олиши айтилади.

Нақшбандия таълимотига доир манбаларда бутун олам инсон камолотига нисбатан иккига бўлинади: биринчисини – фазл олами деб номлайдилар. Фазл араб сўзи бўлиб, устунлик, афзаллик, дониш, илм маърифат, яхшиликни англатади. Бу оламни маърифат, яъни олам моҳиятини англашга элтувчи йўл, деб қарайдилар. Иккинчи оламни адолат олами деб номлайдилар ва у нафс, башарият, табиат оламларидан тузилган бўлиб, унда қолган кишиларда камол йўқ деб баҳо берадилар²⁴¹. Бу олам билан боғланган киши ҳалокатда бўлади, дейилади.

Нақшбандия таълимотида Ғайб ва Амр олами ҳақидаги қарашлар мавжуд.

"Тангри истаганини ўз қудрати билан қилади, хоҳлаганини ўз изми билан ҳукм қилади. У шундай зотки, Халқ уникидир, Амр уникидир. У бутун оламларнинг муқаддас Парвардигори"²⁴²- дейилган. Бу таълимотда Амр олами - Тангрининг Амри ила ҳар нарсани таъминлайдиган оламдир. Амр оламини изоҳлашда "Чаҳор китоб"нинг муқаддимасида шундай дейилади:

Ибтидо ул худо отидан то,
"Коф" ва "Нун" дин яратди арзу само²⁴³.

"Коф" ва "Нун" ҳарфларининг бирлашувидан кун, яъни "бўл" деган илоҳий Амр ҳосил бўлади. Тангри шу ибора билан ирода этиб бутун Мулк ва Малакутни яратгандир. Носири Хусрав "Куллиёт"и биринчи томида унинг "Хон ул – ихвон" асари келтирилган. Асарнинг "Сухан андар шарҳи "коф"у"нун", ки амри Худой аст" – "Сўз "коф"у"нун" шарҳидаким, у Тангрининг амридир" деб номланади. Унда ёзиладики, барча нарсаларнинг бор бўлишига иллат – сабаб Тангрининг амридир"²⁴⁴.

Бу асарда бутун оламнинг икки ҳарфдан пайдо бўлиши барча нарсаларни жуфт қилиб яратганига ҳам ишоратдир, чунки амр барча нарсаларнинг сабабидир, шунинг учун бу икки ҳарфдан иборат бўлган амр бутун яратилганларнинг жуфтлигидан далолатдир, деб ёзилади. "Коф" ва "Нун" бир-бири билан пайванд

²⁴¹Сиддик Нажи Эрен. Тангрига ва расулига энг яқин йўл. - Истанбул: Сеха, 1992. 28-бет.

²⁴²Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Боҳойя: Қўлэзма .Ўз.РФАШИ. С-П филиали, инв.Н.3464.-В.29.

²⁴³Чаҳор китоб, Тошкент: Литография, Ғулом Ҳасан Арифжанов,1911. -В.2а.

²⁴⁴Носир Хисрав. Хон ал-Ихвон// Куллиёт. К-1-Душанбе:Ирфон,1991. К-1.384-бет.

бўлгани каби бутун жуфтларнинг асоси илоҳий амрдадир. Улардан латиф ва касиф, руҳоний ва жисмоний нарсалар вужудга келади.

Фақатгина Тангри амри билан вужудга келадиган, оламни Нақшбандия таълимотида "Амр олами", деб номлайди. Фаришталар, руҳий олам, инсон асли бўлган қалб, сир, хафий ва ахфо қабилар Амр оламига мансуб. Ушбу Амр оламининг тадрижий тараққиёти, яъни тўрт унсурнинг ўзаро қўшилуви, ўсимлик, ҳайвонот ва инсонлардаги жисмоний, моддий ўзгаришлар оқибатида вужудга келган оламни Баҳоуддин "Халқ олами", дейди. Тангри томонидан яралган халқ оламининг тадрижий тараққий этиши натижасида янги навлар, ўсимлик, ҳайвонот, одамларнинг шаклий ўзгаришлари содир бўлади. Бундай жараёнлар халқ оламида амалга ошади. Лекин халқ оламининг асоси Амр оламидандир.

Қуръони Карим қалби ҳисобланмиш "Ёсин" сурасининг охириги оятларида шундай ёзилган: "Осмонлар ва ерни яратган зот яна уларнинг ўхшашини яратишга қодир эмасми?! Йўқ (албатта қодирдир). Унинг ўзигина яратувчи, билгувчидир. Бирор нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида унинг иши фақатгина "Бўл" демоқлигидир. Бас у (наrsa) бўлур - вужудга келур"²⁴⁵. Қуръоннинг бу оятидаги "Кун фа якун" ибораси Тангри "бўл" деса, бутун олам вужудга келади, деган маънони англатади.

Баҳоуддин касрат - кўплик деганда бизга кўриниб турган олам билан биргаликда Ғайб оламини ҳам эътироф этади.

"Сен Ғайб ва Шаҳодат оламининг Олими, Олийси, Кабир ва Мутаолийсисан"²⁴⁶, деган иборалар, бир томондан, Баҳоуддиннинг Тангрини тавсифлашини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг бутун оламга нисбатан ирфоний дунёқарашини намоён этади. У бутун борлиқни Ғайб ва Шаҳодат оламига бўлиб таърифлайди.

Нақшбандия таълимотида ғайб олами ҳақида кўп фикр юритилади ва у шаҳодат оламига қарама-қарши қўйилади.

Ғайб - диний ва ирфоний тушунча бўлиб, инсонга кўринмайдиган, ҳиссий органлар билан билиб бўлмайдиган, ақл уни англашдан ожиз бўлган оламдир. Бу кўриниб турган, аён бўлган шаҳодат оламига қарама-қарши тушунчадир. Ғайб – Ғ, Й, б илдизидан олинган бўлиб, араб тилидаги сўздир ва кўринмас,

²⁴⁵Қуръони Карим./ Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.- Ёсин.36-сура. 82-83- оятлар.

²⁴⁶Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Боҳойия. Қўлёзма.-В.28.

яширин деган маънони англатади. Ғайб – муқаддас, илоҳий сирлардир. Уни билиш Тангридандир. Шунинг учун ҳам Тангрининг номларидан бири Олами ғайб ва шаҳодатдир. Қуръони Каримда (3, 174, 10, 20/21, 16/77/79, 27, 65 ва бошқа сураларда) ва ҳадисларда ғайб тушунчаси илоҳий сир ва билим сифатида тилга олинади. Ғайбнинг муқаддас ва яширин бўлишига қарамай, у имоннинг асосидир. Масалан, "Бақара" сурасининг иккинчи оятида тақводор кишилар таърифланганда, улар қалбдан ғайб оламига эътиқод қиладилар, деб ёзилган.

Ғайб-сўфийлик таълимотида кўпинча муқаддас илоҳий сирлар олами сифатида талқин этилади. Ислом таълимотида неоплатончиларнинг тажаллий (эмонация) назариясининг пайдо бўлиши ва таъсир этиши натижасида ғайб деганда азалдан мавжуд бўлган, бўлинмас мужаррад – ягоналикни тушуна бошладиларким, у тажаллиётнинг манбаидир ва бу манбадан бутун борлиқ вужудга келади, бундай ҳолатда уни "ал-ғайб таъала", дейдилар.

Ибн Арабий ва унинг мактаби учун ал - ғайб ал - мутлақ - илоҳий моҳиятдир. У "Ғайб"нинг тажаллий этилган кўринишларини билиб, англаш мумкин, унинг ўзини эса билиб бўлмайди, деб талқин этади.

Ғайб пинҳоний илоҳий Амр бўлиб, уни зоҳирий ҳислар ва ақл билан билиб бўлмайди. Ғайб жамъ мақомида ёки илоҳий зотнинг аҳадият мартабасида ғайбул ғуюб дейилади. Ҳаққ зотини эса Ғайби макнун деб номлайдилар. Макнун-араб тилидан олинган бўлиб, яширин, номаълум, нухуфта сақланган деганидир. Демак, илоҳий аҳадият номаълум, пинҳон, яширин қолади. Илоҳий тажаллиёт нурлари бўлган ғайбнинг муайян томонлари илоҳий иноят билан пайғамбар ва валийларга ошкор этилади.

Ғайб олами ақл ва нафслар оламидир. Сўфийлар қалбнинг аслини ва мабдаънинг мушоҳадасини ҳам ғайб дейдилар.

Шаҳодат - ғайб сўзига қарама - қарши бўлган маълум, ошкоро, аён деган маънони англатади. "Шаҳодат олами" деб тасаввуфда ҳозир, назир, маълум ва огоҳ, мушоҳада қилиш мумкин бўлган моддий дунёни атайдилар.

Шаҳодат илоҳий сифатдир. Бошқача ибора билан айтганда, ҳар бир нарса Худо вужудининг шаҳодатидир. Шаҳодат ҳислар ва ақл билан билиб бўладиган оламдир. Бу олам бутун моддий махлуқот – фалак, тўрт унсур, ўсимлик, ҳайвонот ва инсоният яшайдиган макондир. Шаҳодат олами малакут оламига қарама-

қарши бўлган мулк олами, деб ҳам айтилади. Шунингдек амр оламига қарши бўлган халқ олами ҳам шаҳодат оламидир.

Шаҳодат олами орқали Тангри лутф этиб, ўз борлигини намойиш этган. Бу оламдаги ҳар бир зарра Тангри жамол ва жалолини намойиш этади. Ғайб ва Шаҳодат олами тушунчаси орқали инсоннинг ирфоний моҳияти очилади. Унинг Шаҳодат олами билан бирга Ғайбни ҳам била олишини Баҳоуддин таъкидлайди.

Инсоннинг ғайб ва шаҳодат оламига бўлган муносабати асосида билиш йўлларини қуйидагича тасвирлаш мумкин: (қаранг 2-чизма)

2-чизма

ОЛАМЛАРНИНГ ИРФОНИЙ МОҲИЯТИ.

№	ОЛАМ НОМИ	МОҲИЯТИ
1	Ғ А Й Б	ИЛОҲИЙ ИНОЯТ, ВАҲИЙ, КАШФ, ИЛҲОМ, ИНТУИЦИЯ ВОСИТАСИ БИЛАН ИРРАЦИОНАЛ ЙЎЛ ОРҚАЛИ ИНСОН БИЛА ОЛАДИ
2	Ш А Ҳ О Д А Т	ҲИССИЁТ (КЎРИШ, ЭШИТИШ, ҲИД БИЛИШ, ТАЪМ БИЛИШ, ТЕРИ) ОРҚАЛИ ВА АҚЛ ВОСИТАСИ ИЛА БИЛИБ БЎЛАДИ.

Нақшбандия таълимотининг оламлар тизими ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб, қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

I.Оламларни таҳлил этганда хусусиятлари қарама-қарши бўлсада, уларнинг мавжудлиги бир-бирини тақозо этишини айтганлар. Масалан, Амр ва халқ, Ғайб ва шаҳодат, Малакут ва мулк, боқий ва фоний, камол топадиган ва завол олами, Лахут ва Насут.

II.Оламларнинг хусусиятларига қараб:

1.Оламни вужудга келиши ва таракқиётига қараб: Амр ва халқ, Фазл ва адолат.

2.Ирфоний моҳиятига қараб: Ғайб ва Шаҳодат.

3.Зоҳир бўлишига қараб: Малакут ва мулк.

4.Руҳлар олами.

5.Инсон латоифлар олами.

Оламлар тизими кейинги бетдаги 3-чизмада тасвирланган.

3-чизма

№	ХУСУСИЯТИ АСОСИДА ГУРУҲЛАШ	ОЛАМНИНГ НОМИ	АСОСИЙ МОҲИЯТИ
1.	ВУЖУДГА КЕЛИШИГА НИСБАТАН	1.АМР	ВУЖУДИ ВОЖИБ
		2.ХАЛҚ	ВУЖУДИ МУМКИН
2.	ИРФОНИЙ МОҲИЯТИГА НИСБАТАН	1.ҒАЙБ	ИЛОҲИЙ ИНОЯТ БИЛАН, ВАҲИЙ КАШФ, ИЛҲОМ ВОСИТАСИДА БИЛИБ БЎЛАДИ.
		2.ШАҲОДАТ	ҲИССИЁТ ВА АҚЛ ВОСИТАСИДА БИЛИБ БЎЛАДИ.
3.	НАМОЁН БЎЛИШИГА НИСБАТАН	1.МАЛАКУТ	МАЪНОЛАР ОЛАМИ
		2.МУЛК	СУРАТЛАР ВА АШЁЛАР ОЛАМИ
4.	СИФАТЛАРГА НИСБАТАН	1.БОҚИЙ	ЎЗГАРМАС
		2.ФОНИЙ	ЎЗГАРУВЧАН, МОДДИЙ ОЛАМ
5.	КАМОЛ КАСБ ЭТИШИГА НИСБАТАН	1.ФАЗЛ	КАМОЛ ТОПАДИ
		2.АДОЛАТ	КАМОЛ ЙЎҚ – ЗАВОЛ ОЛАМИ
6.	РУҲЛАРНИНГ НУЗУЛ ВА УРУЖИ ОЛАМИ	1.ЛАҲУТ	ИЛОҲИЙ ЗОТ, ИЛОҲИЙ ФАРДОНИЯТ
		2.ЖАБАРУТ	ИЛОҲИЙ ИСМ, СИФАТ, ЖАМОЛУ ЖАЛОЛ
		3.МАЛАКУТ	ФАРИШТАЛАР, ИЛОҲИЙ ҲУКМ, ҒОЯ, ҚАРОР ВА АМРЛАР
		4.БАРЗАХ	ЎТИШ ЙЎЛИ
		5.ШАҲОДАТ	МОДДИЙ ОЛАМ, ЎТКИНЧИ ДУНЁ

7. ИНСОН ЛАТОИФЛАР ОЛАМИ	1.АХФО	ТАЖАЛЛИИ ЗОТИЯ
	2.ХАФИ	ТАЖАЛЛИИ СИФОТИЯ
	3.СИР	ТАЖАЛЛИИ АСМОИЯ
	4.РУҲ	ТАЖАЛЛИИ АФЪОЛИЯ
	5.ҚАЛБ	КАМОЛОТНИНГ ИЛК БОСҚИЧИ
	6.НАФС	НАФСОНИЙ ҚУВВАТЛАР
	7.ЖИСМ	ТҮРТ УНСУР

Ваҳдати вужудни танқид қилувчи қараш ваҳдати шуҳуддир. Уни вужудга келиши ва ривожланишини О.Акимушкин Халложнинг издошлари ва Алоулдавла Симнонийнинг қарашлари билан боғлайди. У Аҳмад Фарух Сирхиндий Симнонийни қарашларини ривожлантирган эмас фақат нақшбандийлар жамоасида тарқатди, деган ғояни илгари суради²⁴⁷. Лекин Усмон Турар ваҳдати шуҳуд таълимотини тўла Аҳмад Сирхинди билан боғлайди ва унинг асарларига таяниб, унинг моҳиятини очади.

"Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд фалсафасини энг жиддий ва тизимли равишда танқид қилган Имоми Раббоний (1624м.й.в.э.) бўлиб, бу назарияга қарши ўзининг ваҳдати шуҳуд ғоясини илгари сурган"²⁴⁸.

Ваҳдати вужуд назариясида, оламдаги борлиқларга "вужуд" дея нисбат бериб бўлмайди, улар бир соядек борлиқлар бўлиб, ягона ҳақиқий вужуд-Ҳақнинг вужудидир, борлиқлар олами (мукавванот)ни Ҳақдан бўлак мустақил "вужуд" лари йўқ, хуллас, вужуд хусусида Аллоҳ-олам ажратилмайди. Ваҳдати шуҳуд назариясида бундай эмас. Имоми Раббоний Аллоҳнинг исми ва сифатларини Унинг зотидан алоҳида борлиқлар сифатида эътироф этган. Бу ҳақда: "бу фақир, Ҳақ аҳли олимлари айтганларидек, Ҳақнинг сифатларини алоҳида-зоид борлиқ (вужуд) деб биламан", деган.²⁴⁹

Унинг фикрича, оламнинг Аллоҳнинг зоти билан ҳеч қандай муносабати ва иштироки йўқ. Оламнинг муносабати Унинг исми ва сифатларини билан ва бу исми ва сифатларининг зуҳур этадиган жойидир: "Агар эҳтимолда ҳаёт бор бўлса, Вожиб таоло ҳаётининг кўзгусидир. Ва агар илм бор бўлса, Ҳақ субҳонаҳунинг илми кўзгусидир. Агар қудрат ҳам бор бўлса, Ҳақ таоло қудратининг

²⁴⁷Акимушкин О.Ф. Ваҳдат аш-шуҳуд. / Ислам. Энциклопедический словарь.-М.: 1991.-С.49-50.

²⁴⁸Усмон Турар.Тасаввуф тарихи. 157-бет.

²⁴⁹Имом Раббоний. Мактубот. Тарж.Мастаким-зода С.-Истанбул, 1270-1277. II-ж. 45-мактуб.53-бет.

ойнасидир. Ҳақ таоло зотининг эса одамда бир ашё ва ойнаси (акс этадиган жойи) йўқдир. Балки, Ҳақ таоло зотининг олам билан ҳеч қандай муносабати йўқдир ва ҳеч нарсада иштироки ҳам йўқдир"²⁵⁰.

Яна Раббонийнинг айтишича, "Аллоҳ мавжуддир, фақат ўзлигида мавжуддир, вужуд сифати билан эмас. Ҳай-Тирикдир, аммо зоти билан ва зотида Ҳай-Тирикдир, ҳаёт сифати билан эмас. Олимдир, аммо зотида ва зоти билан олимдир, илм сифати билан эмас"²⁵¹.

Хуллас, Имом Раббоний олам-Аллоҳ иккилиги мавзуида сўз кетганда, Ибн Арабийдагидек "вужуд" жиҳатидан олам билан Аллоҳни бирхиллаштиришини рад этган. Яъни, Ибн Арабий "монист" бир фикр тарафдори бўлса, Раббоний "дуализм"ни ёқлаб чиққан. Раббонийнинг айтишича, Аллоҳнинг исм ва сифатлари зотининг сояси, олам эса Унинг исм ва сифатларининг сояси ва зухур этадиган жойидир. Фақатгина исм ва сифатларининг Илоҳ зотидан бўлак "вужуд"лари бўлганидек, оламнинг ҳам исм ва сифатларидан айри "вужуд"лари бор. "Фано" мақомига эришган солиқнинг оламда Аллоҳнинг сифатларидан бошқа бир нарсани мушоҳада қилмаслиги оламнинг борлигини инкор қилиш деган маънони билдирмайди. Бироқ худди қуёш нурининг таъсири билан юлдузларни кўрмаган ва уларга қизиқмаган киши каби Аллоҳнинг тажаллиларига гувоҳ бўлган кишининг кўз олдида олам йўқолади. Акс ҳолда, қуёш ёруғлигида юлдузлар батамом йўқ бўлмаганидек, солиқнинг кўз олдидан йўқолган олам мавжуддир²⁵². Шундай экан, Аллоҳ билан олам орасида "иттиҳод" (бирлашув), "айният" (бир хиллик), "ихота" (қамраш), "маият" (бирга бўлиш) туридаги муносабат йўқдир²⁵³. Жовид Сунар бу мавзуда қилган тадқиқоти натижасида Ибн Арабий билан Имоми Раббонийнинг фикрлари орасидаги шундай фарқларни аниқлаган:

1. Ибн Арабийга кўра, зот ва вужуд бир хил (айнан) дир. Раббонийга кўра, вужуд зотдан бўлак ва илк яратилган нарса вужуддир.

²⁵⁰Имом Раббоний. Мактубот.-II-ж-45-мактуб-53-бет.

²⁵¹Ўша ерда. III-ж, 25-мактуб, 28-29-бетлар.

²⁵²Эройдин С.Тасаввуф ва тариқатлар.Истанбул,1981. 158-159-бетлар.

²⁵³Имом Раббоний, ў.а. I-ж, 31, 125-287-мактублар.

2. Ибн Арабийга кўра, сифатлар зотнинг ўзидир. Раббонийга кўра, сифатлар зотдан айри бўлиб, зот вужуд (кўшимча вужуд) билан ташқарида мавжуддирлар ва зотнинг сояларидир.

3. Ибн Арабийга кўра, олам-сифатларининг маълум бўлиш ва юзага келиши (тажалли ва зухур)дан иборат. Раббонийга кўра, сифатларнинг эмас, уларнинг сояларининг тажаллиларидан иборат.

4. Ибн Арабийга кўра олам хаёлдир, аммо Аллоҳ бор. Яъни Аллоҳ оламдир. Раббонийга кўра эса, олам хаёл эмас, унга хаёл дейиш оламнинг объектив реаллигини ва Аллоҳнинг "ибдоъ" сифатини инкор қилмоқдир.

5. Ибн Арабийга кўра, олам соядир, аммо Аллоҳнинг ўзидир. Раббонийга кўра ҳам олам соядир, аммо бу соя асл (Аллоҳ)нинг ўзи эмас, бошқа нарса ва Аллоҳ ўзига бахш этган вужуд билан ташқарида ўз нафсида мавжуддир.

6. Ибн Арабийга кўра, "аъёни собита" (илоҳий илмда - ашённинг азалдан бери собит бўлган сурат ва ҳақиқатлари)нинг вужуди йўқ. Шу туфайли олам ҳам йўқ. Аллоҳ бор. Раббоний фикрича эса бу янглиш фикр.

7. Ибн Арабийга кўра, Аллоҳ бир жиҳатдан оламнинг ичида, бир жиҳатдан оламдан ташқарида ва устидадир. Шу жиҳатдан ҳақиқат, танзиҳ билан ташбиҳ орасини бирлаштириш орқали қўлга киритилади. Раббонийга кўра эса, Аллоҳ оламларга эҳтиёжсиздир, шу боис уни холи равишда танзиҳ этмоқ даркор.

8. Ибн Арабийга кўра, Аллоҳнинг тажаллиси оламда ва унинг объектларидаги "лаҳза"да. Раббонийга кўра эса, доимийдир.

9. Ибн Арабийга кўра, вужуд бир ва фақатгина эзгуликдир. Шу жиҳатдан оламда ёмонлик ва яхшилик деган нарсалар мутлак ва ҳақиқий эмас, нисбийдир. Раббоний фикрича эса, олам вужуд-адам (йўқлик) таркибидан пайдо бўлган ва моҳияти йўқликдир. Моҳияти йўқлик бўлган олам ўз нафси билан мавжудлиги учун барча ёмонликнинг манбаидир. Унингча, ёмонлик ва камчиликлар ҳам нисбий эмас, ҳақиқийдир.

10. Ибн Арабий фикрича, инсон билан Аллоҳ орасидаги муносабат яқин бўлиш (қурб) муносабатидир. Аллоҳ инсонни ўз сурати узра яратган. Нафсини билган киши Аллоҳни билади. Раббоний фикрича, гарчи Аллоҳ бизга жон томиримиздан ҳам яқин, аммо бу яқинликнинг моҳиятини англаш, ақл ҳудудларидан ташқаридадир. Нафсни билмоқдан мақсад, инсоннинг ўз борлигининг нуқсонликлар билан тўла эканини билиши, ўзида ҳам, ўзидан

ташқарида ҳам барча камолот даражаларининг Аллоҳга оид эканини қабул қилишдир.

11. Ибн Арабийга кўра, яратилишнинг сабаби муҳаббатдир. Мақсади эса Аллоҳнинг яширин камол даражаларининг мартабаларда юзага чиқиб, илм ва вужуд жиҳатидан ҳам тугалланган бўлишидир. Яъни Аллоҳ ўзини билиш ва севиш учун оламда тажалли ва зуҳур этган. Раббонийнинг фикрича, яратилишнинг сабаби муҳаббат бўлиб, аммо мақсад Аллоҳни билмоқ ва унинг камол даражаларини мартабаларида тафсил сурати билан тамомланиши эмас. Мақсад-инсоннинг Аллоҳга ибодат қилиши ва фақатгина ўзини камолотга етиштиришидир²⁵⁴.

Хуллас, Ибн Арабийнинг ваҳдати вужуд назариясига қарши Имом Раббонийнинг ваҳдати шуҳуд назарияси дуалистик хусусиятга эга. У Аллоҳ билан оламини бир-биридан ажратади. Ваҳдати шуҳудга кўра, инсон ўз борлиғини ва шуури-идрокига эга бўлганидан барча ҳаракатларида ҳур бўлиб, натижаларига масъулдир²⁵⁵. Ваҳдати вужудга кўра, солиқ эришадиган охириги мартаба "вужудий тавҳид" бўлса, ваҳдати шуҳудга кўра, "шуҳудий тавҳид" дир.

Имом Раббонийнинг ваҳдати шуҳуд назарияси, айниқса нақшбандия тариқати орасида кўпроқ қабул этилган. Зеро, у ваҳдати вужудга нисбатан аҳли суннат эътиқодига янада мувофиқроқ деб топган. Чунончи, Абдулҳаким Арвсий ваҳдати вужудда махфий қолган ва изоҳталаб масалаларнинг кўпини Имом Раббоний воситасида чиққанлигини қайд этиб, энг юксак мақом ваҳдати шуҳуд эканини аниқ баён қилади²⁵⁶. Нақшбандия таълимотида ваҳдати шуҳудни "ҳама аз ўст" деб изоҳлаганлар.

Демак,

1.Баҳоуддин Нақшбанддан Аҳмад Сирхиндийгача бўлган даврда нақшбандия таълимотининг намояндлари ваҳдати вужуд таълимотини қўллаганлар.

2.Аҳмад Сирхиндийдан кейин нақшбандия таълимотида ваҳдати шуҳуднинг таъсири вужудга келди ва шуҳудия оқими пайдо бўлди.

3.Ваҳдати вужуд ва ваҳдати шуҳуд ҳозирги кунгача нақшбандия таълимотда мавжуд.

²⁵⁴Сунар Ж.Ваҳдати шуҳуд, ваҳдати вужуд масаласи. Анқара:1960. 92-94-бетлар. Иқтибос Усмон Турардан олинди.160-161-бетлар.

²⁵⁵Ўша ерда.-Б.94-95.

²⁵⁶Арвсий А.Риёзут тасаввуфия.Истанбул,1341.154-159-бетлар.

3.2. ИНСОН ВА УНИНГ КАМОЛОТ ДАРАЖАЛАРИ

Нақшбандия тасаввуфий таълимотидаги энг муҳим масала инсон ва унинг камолоти мавзусидир. Бу таълимотда инсоннинг моҳияти ва ўзига хос тузулишга эга эканлиги асосида унинг руҳий-маънавий камолоти масалаларига эътибор берилади.

Манбаларда нақшбандия таълимотининг инсон ҳақидаги тушунчаси ёритилган ва инсонга Кабир Олами Куллнинг нусхаси бўлган Сағир олам деб таъриф берилган.

Инсонга нисбатан бу қараш тасаввуфнинг "комил инсон" таълимотига мос келади. "Инсони комил тушунчаси динда мавжуд бўлмаган"²⁵⁷. Бу тушунчанинг моҳияти қудсий ҳадисга кўра, Аллоҳ ўзини зоҳир айлаш учун, уни биладиган, тушунадиган зот - Комил инсонни яратди. Зеро, у ҳақиқатни билгувчи, ҳақиқатларни асл моҳиятини тушунувчи зотдир. Инсон бўлмоқ эса ҳақиқатларнинг тажаллийгоҳи бўлмоқ маъносини акс эттиради. Комил инсон илоҳий камолот даражаларини ўзида мужассамлаштирган кичик оламдир. Бу дунё Комил инсон билан файзли ва барқарордир. Чунки ундан ҳеч нарса яширин қолмайди. Халқда Ҳақни, Ҳақда халқни кўра олгани учун уларнинг хизматини эзгулик ила адо этади.

Инсони Комил деганда Муҳаммад пайғамбарни назарга тутадилар. Комиллик йўлининг бош асоси кўнгилни мосиводан халос этиш. Бу тушунчани биринчи марта Мансур Ҳаллож ишлатган²⁵⁸. Кейинчалик Ибн Арабий "инсони комил" тушунчасининг пойдеворини қурди. Бу таълимотни Абдулкарим Жилий "Инсони комил" ва Азизиддин Насафий "Мажмуаи инсони комил" асарларида кенг ёритдилар. Қайсарий Ибн Арабийнинг "Фусус ал ҳикам" асарини шарҳ этиш жараёнида инсони комил тушунчасини ёритади.

Шоҳ Нематуллоҳ инсони комилни "Инсон кўз қорачиғининг исмидир, чунки инсони комил ҳаммани кўради, лекин ўзини ўйламайди"²⁵⁹, деб таърифлайди.

Манбаларда баён этилишича, инсони комилни турли номлар билан сифатлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Уни Жаброил дейдилар, чунки у оламнинг ҳаққ ва ҳақиқатидан, нозик томонларидан хабари

²⁵⁷Иброҳим Ҳаққул. Тасаввуф сабоқлари. Бухоро, 2000-74-бет.

²⁵⁸Қаранг. Ҳазраткулов М. Тасаввуф.- Душанбе: 1988. 77-85-бет.

²⁵⁹Фарҳанг луғот ва ислоҳот ва таъбироти Ирфони, 1350.й -саҳ.150.

бор зот. Уни Микоил дейдилар, чунки у талабгорларга маърифат ва кароматлар бера олади. Уни Исрофил ҳам дейдилар, чунки у кишиларни қиёмат куни ва нариги дунёдан огоҳ қила олади. Уни Азроил ҳам дейдилар, чунки у одамдаги нафси аммора - хайвоний нафсни ўлдира олади. Уни қуёшга ўхшатадилар, чунки унинг нури оламни равшан этади. Уни Нуҳ каби одамларни тўфон ва балолардан асровчи, деб атайдилар.

Инсонни комилни юқоридаги каби сифатлашлар шуни кўрсатадики, у оддий инсонлардан юксакликда турган валий, пайғамбар даражасида бўлган ва ҳатто ундан ҳам юксалиб, ўзининг асл моҳияти Тангри билан бирлашган, яъни тавҳид даражасида бўлган шахс ҳақида гап кетади.

Демак, мусулмон фалсафасининг бир қисми бўлган тасаввуфда инсон табиат тараққиётининг олий даражасигина бўлиб қолмасдан, у "ал-Ҳақ-Тангри нусхаси" ҳамдир. Бинобарин, инсонни комил инсонларнинг энг мукаммали бўлиб, у шариат, тариқат даражаларидан юксалиб, ҳақиқатни англаган шахс экан. "Комил инсон бўлиши учун кишида тўрт сифат камолга етган бўлиши лозим: эзгу сўз, эзгу феъл, эзгу ахлоқ ва маориф"²⁶⁰.

Оламнинг яратилишидан мақсад инсон, инсондан эса мақсад комил инсондир. Тасаввуф аҳли фикрича, инсон шаклан кичик олам бўлсада, мазмунан буюк оламдир.

Оламда ҳар нарсанинг бир нусхаси инсонда мавжуд²⁶¹.

Нақшбандия инсонни Тангри яратганини ва у бутун борликдаги энг мукаммал мавжудот эканлигини тан олади.

"Сен менинг парвардигоримсан, мени халқ қилгансан"²⁶², деб таъкидлайди Баҳоуддин. У бу иборалар билан инсон Тангри амри билан яратилганлигини, таъкидламоқда. Бу билан инсоннинг асли, яратувчиси, парвардигори Тангри эканлигини кўрсатиб, унинг илоҳий хусусиятга эга эканлигини айтмоқда. "(Эй, Тангри) Сен ўз қўлинг билан бизни яратдинг, парвариш этдинг ва барча касрат – кўплик орасида бизни энг юксакликда қўйдинг"²⁶³-деб Баҳоуддин Тангри томонидан яралган нарсаларнинг барчасидан инсон мукаммал ва юксакликда турганлигини уқтирмоқда.

"... бизни энг юксакликда қўйдинг" - ибораси билан Ҳазрат Баҳоуддин инсонни Тангри халқ қилган, яъни яратгани ва инсон

²⁶⁰Шайх Азизуддин Насафий. Комил инсон. / Н.Комилов таржимаси. –Туркистон, 2000 - 1 август.

²⁶¹Жилий Абдулкарим. Инсонни комил. II-Ж -Миср:1390.71-79-бетлар.

²⁶²Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳоийя: Қўлёзма .ЎзФАШИ. С-П филиали, инв.N.3464.-В.25.

²⁶³Ўша асар.

бутун мавжудотлар – фаришта, хайвон, ўсимлик ва бошқалар ичида энг мукаммал бўлганлиги ва шунинг учун ҳам илоҳий сифатларни эгаллай олишини эътироф этади. Баҳоуддин бу ибора билан инсонни Тангрининг ердаги халифаси эканлигини айтади. У доимо шу номга муносиб бўлиш учун ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидлайди.

Накшбандия таълимотида инсон ҳақида маълумот берганда шундай ёзилади: "Инсон аз-ду чиз муштамил аст. Яке жи с м , ки у тааллуқи олами Халқ ва зоҳири мавжудот аст ва ба макон. Ғизои ў аз ҳамин олам аст. Дуйум руҳ аст, ки у тааллуқи олами Амр аст ва ў ботини мавжудот будааст. Ғизои онҳо ҳам аз ҳамон олам аст"²⁶⁴. Мазмуни: Инсон икки нарсадан таркиб топган бир жи с м бўлиб, у Халқ оламидандир. У мавжудотнинг зоҳири-шакли, кўринишидир. У маконда мавжуд. Унинг озиғи ҳам шу Халқ оламидандир. Иккинчиси руҳ бўлиб, у Амр оламидандир. У мавжудотнинг ботинидир. Унинг ҳади йўқ ва озуқаси ҳам ўша оламдандир.

Буни қуйидагича тасвирлаш мумкин:

И Н С О Н

4-чизма

№	ТАНА	РУҲ
1.	Халқ оламидан	Амр оламидан
2.	Инсоннинг зоҳири	Инсоннинг ботини
3.	Маконда мавжуд	Ломакон
4.	Озуқаси Халқ оламидан	Озуқаси Амр оламидан

"Канз ал ибод" даги шарҳлар гувоҳлик берадики, Баҳоуддин Накшбанд "Аврод" асарида эътибор берган масалалардан бири р у х ва н а ф с тушунчаларидир. Буларни изоҳлашда Баҳоуддин л а т и ф ва к а с и ф тушунчаларини қўллаган. У руҳнинг латифлиги ва нафснинг касифлигини таъкидлаб, руҳнинг Амр олами билан ва нафсни жисм билан боғлиқлигини айтган²⁶⁵.

Руҳ ҳақида гапирганда, уни Тангрининг ўзи ладуний илми билан яратгани ва Мутлақ руҳнинг бир жузъи эканлиги қайд этилади. Руҳ билан жисмга жавҳар ва араз деб таъриф берилади.

²⁶⁴ Абдурахим Накшбандий. Шажараи таййиба машойихи накшбандия мужаддиия. - Чаквол: 1401 х.й.22-бет.

²⁶⁵ Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-Ибод фи Шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. N.2393.-В.7а.

Рухнинг танадан чиқиши ва тана билан бўлган вақтидаги камолотига мос равишда муайян даражаси борлиги, унинг нотикалиги ҳақида мулоҳазалар билдирилади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳ ва нафс ҳақидаги қарашини шундай тасвирлаш мумкин:

5-чизма

И Н С	Р У Х	Мутлақ руҳнинг жузъи ЛАТИФ
О Н	Н А Ф С	КАСИФ жисм билан боғлиқ

Бу таълимотда тана ва руҳнинг ўзи латоифлардан иборат эканлиги ёзилган. "Инсон 10 латоифдан тузилган мураккаб мавжудотдир. Унинг 5 таси Амр олаמידан бўлса 5 таси Халқ оламидандир"²⁶⁶.

А м р олаמידан, яъни фақатгина Тангрининг иродаси билан ва истаги билан мавжуд бўлган оламдан вужудга келган инсондаги беш латоиф – қалб, руҳ, сир, хафи ва ахфо деб аталади. Уларнинг асли Арши Мажиддан ҳам юқорида бўлиб, улар ломакон - макондан ташқаридаги оламдандир, дейилади. Бундан маълум бўладики, инсоннинг руҳи, илоҳий томонининг асли ломакондан бўлиб, яъни ўлчов, ҳад, макон, замонни билмаган чексиз ва чегарасизликдандир. Модомики бу беш латоифнинг асллари шу хусусиятга эга экан, улар ҳам шу сифатларга муяссардирлар. Яъни уларнинг кўриш, эшитиш, қабул қилиш, билишининг чеки йўқ.

Тангри халқ қилган-яратган Халқ олаמידан вужудга келган инсондаги беш латоиф – нафс ва тўрт унсур – тупроқ, сув, ҳаво, оловдир. Модомики инсон танасининг асли бўлган бу беш латоиф халқ олаמידан экан, бу оламдаги хусусиятлар уларда ҳам мавжуддир. Лекин булар халқ олаמידан бўлсаларда, "уларнинг асли Амр олаמידан бўлган латоифлардир. Нафснинг асли-қалбнинг, аслидир, ҳавонинг асли руҳнинг аслидир, сувнинг асли-сирнинг, оловнинг асли-хафининг ва тупроқнинг асли-ахфонинг аслидир"²⁶⁷. Буларни қуйидагича тасвирлаш мумкин.

²⁶⁶Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама - Бухоро: Когон, 1338.х.й -20-бет.

²⁶⁷Ўшф асар.21-бет.

И Н С О Н
10 Л А Т О И Ф

6-чизма

Амр оламидан 5 латоиф	Халқ оламидан 5 латоиф
1.ҚАЛБ	1.Нафс
2.РУҲ	2.Бод
3.СИР	3.Сув
4.ХАФИ	4.Олов
5.АХФО	5.Тупроқ

Демак, бу орқали Халқ олами латоифларининг асли ҳам Амр оламидан эканлиги ва сабабларнинг асл сабаби Амр олами аслини яратган зот эканлиги маълум бўлади. Манбаларда инсоннинг асл моҳияти, яратилиши ҳақида шундай маълумот берилдики, Амр оламининг латоифлари яратилиб, Ҳаққ Таоло ўзининг комил қуввати билан бу мужаррад жавҳарни инсон танасига топшириб қўяди²⁶⁸. Демак, аввало, шуни тушуниш керакки, Амр оламининг латоифлари мужаррад жавҳар деб баҳо берилмоқда, яъни улар инсон танасининг асли сифатида қаралмоқда ва Ҳаққ таоллонинг комил қудрати билангина уларни инсон жисмига киритиши таъкидланмоқда. Лекин "алоқалар ва тўсиқлар таъсирида булар ўз асл моҳиятларини унутганлар"²⁶⁹, дейилади. Маълум бўладики, инсон танасига мужаррад жавҳар бўлган Амр олами латоифлари киргандан кейин зоҳирий олам билан боғланиш натижасида ўз асл томонларини унутадилар. Шунинг учун ҳам ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу халқ олами билан боғланишлар ва алоқаларни "ҳижоб" деб атаган ва ўз аслини билиш учун Ҳақ йўлига кирганларга шундай деб айтган:

Тааллуқ ҳижоб асту беҳосили
Чу пайвандҳо бигсели - восили²⁷⁰.

Мазмуни:

²⁶⁸Қаранг: Аҳмад Сирхинди Мужадиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама - Бухоро: Когон, 1338.х.й -20-бет.

²⁶⁹Ўша жойда.

²⁷⁰Ўша жойда.

Боғланишлар ҳижобдиру, беҳосилсан,
 Бу бандларни узиб ташласанг, восил бўласан. (аслга
 эргашасан)

Манбаларда Амр олами латоифларининг ҳар бирида ўзига хос ранг борлиги кўрсатилган. Ҳозиргача ёзилган барча мақолаларда фақат кубравия таълимотида нурларнинг рангига эътибор берилган, деб келинди. Лекин Нақшбандия таълимотида ҳам Оллоҳни - нурларнинг нури деб, Амр олами ҳар бир латоифининг аслини ўрганган кишига унинг алоҳида-алоҳида нури намоён бўлиши айтилади. Манбаларда бу ҳақда шундай ёзилган:

Қ а л б нинг нури-сарик; р у х нинг нури-қизил; с и р нинг нури-оқ; х а ф и нинг нури-қора; а х ф о нинг нури-сабз-яшил²⁷¹.

Манбаларда Амр оламининг беш латоифининг инсон танасидаги ўз маҳаллари борлиги кейинги бетдаги 7-чизмада кўрсатилган.

Манбаларда инсон асли бўлган Амр оламининг беш латоифининг ҳар бирининг қудрат ва қувватини кўрсатиш ва моҳиятини очиш учун ҳар бирининг бир улулазм пайғамбарнинг қадами остида воқеъ бўлганлиги қайд этилган:

Қ а л б – ҳазрат Одам (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.

Р у х – ҳазрат Иброҳим (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.

С и р – ҳазрат Мусо (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган.

Х а ф и – ҳазрат Исо (а.в.) қадами остида воқеъ бўлган.

7-чизма

Л а т о и ф	Т а н а д а г и ж о й и
Қ а л б	Чап кўкракдан икки бармоқ
Р у х	Ўнг кўкракдан икки бармоқ паст, паҳлуга моил
С и р	Чап кўкрак билан тенг, икки бармоқ кўкраклар орасидаги жойга моил
Х а ф и	Ўнг кўкрак билан тенг икки бармоқ кўкраклар орасига моил
А Х Ф О	Кўкраклар ўртаси

²⁷¹Қаранг: Рисолаи дигар мансуб ба Соҳибзода. //Моле М. Нақшбандиёт. – Техрон, - 1958.321-бет., Идрис Шах. Суфизм. – М.: 1994.-С.417

А х ф о – ҳазрат Муҳаммад (а.с.) қадами остида воқеъ бўлган²⁷².

Нақшбандия таълимотидаги бу ғоялар кўрсатадики, Тангри улулазм пайғамбарлар Одам, Иброҳим, Мусо, Исо ва Муҳаммадни яратиб, олам ва инсоният руҳий камолоти тараққиётида қандай вазифаларни бажарган бўлса, бу латоифлар ҳам ҳар бири инсон камолоти учун шундай хизмат қиладилар. Бунинг учун эса бу пайғамбарларнинг яралиш моҳиятини билиш керак.

Қалб латоифаси моҳиятини очишда Одам (а.в.) биринчи пайғамбарнинг ҳаёти сабоқ бўлади. Одамни сафиюллоҳ-пок деб айтганлар. Бунинг сабаби шундаки, уни Тангри ўзининг ердаги халифаси бўлади, деб гуноҳсиз, пок, мукамал қилиб яратди. Лекин Одам шайтон васвасасига учиб, нафс йўлига кирди ва гуноҳкор бўлди. Натижада у жаннатдан ҳайдалди. Лекин у гуноҳини англаб тавба қилди ва Тангри уни кечириб, яна пайғамбарлик мақомига етказди. У жаннатий бўлди. Бу шуни кўрсатадики, инсон биринчидан аслини, яъни уни Тангри яратганини, аслан пок бўлганини билиши ва иккинчидан, қилган камчиликларини англаб, тавба мақомига кириши керак.

Рух латоифаси моҳиятини очишда Иброҳим (а.в.) ҳаёт йўли ибрат бўлади. Иброҳим пайғамбарни Намруд оловда куйдирмоқчи бўлиб ўтга ташлаганда ҳам Тангридан ўзга ҳеч нарса ва кимсадан ёрдам сўрамайди. Натижада олов Иброҳим учун гулистонга айланади. Тангри ундан синов учун фарзандини қурбон қилишни талаб этганида, қариликда кўрган шу жигарбандини ҳам унинг йўлига қурбон қилишга тайёр бўлади. Бу билан бутун башариятни одамни қурбон қилишдек ёмон одатдан қутқаради. Демак, у фақатгина Тангрига бўйсунди. Иброҳим пайғамбар ҳаётини чуқур ўрганиш орқали Тангрига ҳақиқий олим ва барча илмлар унинг қўлида эканлиги, у барча нарсдан қудратли эканлиги, Намруд оловини Иброҳим учун гулистонга айлантираолгани, у эшитиб, кўриб туриши, барҳаёт ва абадийлиги, ўзига хос калом қилиши, ирода эгаси эканлиги ва унинг истаги билан йўқдан бор бўлиш мумкинлиги англонади.

Сир латоифаси моҳиятини очишда Мусо йўл кўрсатади, унинг ҳаёт йўли ибрат бўлади. Мусо пайғамбарлар ичида калимуллоҳ деб юритилади, чунки Тангрининг инояти билан у бевосита

²⁷²Қаранг: Аҳмад Сирхинди Мужадиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама - Бухоро: Когон, 1338.х.й -Б.21.

Оллоҳнинг каломини эшитган ва Тур тоғида у билан ҳамроз бўлган, бинобарин, ҳеч ким билмаган сирлардан воқиф бўлган. Мусо пайғамбарнинг ҳаёт йўлини чуқур англаб, унинг Фиръавнга қарши кураши, Таврот китобининг унга берилиши катта сабоқ мактабидир.

Хафий латоифаси моҳиятини очишда Исо ҳаёт йўли ибрат бўлади. У моддий оламдаги бирор нарсага боғланмайди тажрид ва тафрид мақомига етади. Натижада Тангрининг якка ягона, мислсиз, пок ва софлигини англай бошлайди.

Ахфо латоифаси моҳиятини очишда Муҳаммад пайғамбар-энг комил инсоннинг жамики сифатлари йўл бошлайди.

Латоифнинг улулазм пайғамбарлар оёғи остида воқеъ бўлиши билан шуни кўрсатадики, Одам илк пайғамбар бўлиб, инсониятга тавба йўлини кўрсатгани каби, қалб инсон руҳи камолоти учун илк босқичдир. Қалб оламига кириш учун эса тавба асосий йўлдир. Руҳ оламига киришда Иброҳим пайғамбардек таваккул зарурдир. Мусо пайғамбардек Тангри каломини тинглаш ва уни англаб мушоҳада этиш сирлар оламига кириш имконини беради. Исо каби тажрид ва тафрид мақомига етиш хафи оламига киритса, бутун Тангри зоти, феъли, сифатларини ўзлаштириш ахфо оламига киритиб, Муҳаммад каби инсонни мукаммаликка етказди.

Демак, пайғамбарлар бутун инсоният руҳониятининг камолоти учун қандай вазифани адо этган бўлсалар, латоифлар ҳам ҳар бир инсон камолоти учун шундай заруратдир. Шу билан бирга ҳар бир пайғамбар келгуси пайғамбарлар учун қандай шароит вужудга келтирган бўлса, қалб оламига кирмай туриб руҳга, руҳга етишмай сирга, сирни англамай хафига, хафи оламига кирмай ахфони очиб бўлмайди. Қандай уруғ ерга ташланганда ниш уриб, куртак чиқариб, япроқ ва гуллар очиб, мева бергани каби инсондаги беш латоиф ҳам навбат билан очилади ва кейинги камолот учун имкон яратади.

Манбаларда инсондаги Амр олаמידан бўлган беш латоифнинг асли ҳақида фикр юритилган. Уларнинг латоифлари тажаллий этиши билан боғлиқлигини манбада қуйидагича кўрсатилган: Қалбнинг асли – илоҳий феъллар тажаллиёти. Руҳнинг асли – субутий сифатлар тажаллиёти²⁷³. Сирнинг асли-илоҳий зотнинг шаънллари ва эътиборотининг тажаллиёти. Хафининг асли - салбия

²⁷³Тангрининг 8 субутий сифати бор. Улар илм, кудрат, ҳаёт, кўриш, эшитиш, калом, ирода таквин-йўқни бор қилишдир.

сифатлар тажаллиёти²⁷⁴. Аҳфонинг асли – шаъни жомеъ тажаллиёти²⁷⁵.

Амр олами латоифларининг асли ва уларнинг улулазм пайғамбарлар қадами остида воқе бўлишини таққосласак, кўрамизки ҳар бир пайғамбар орқали Тангри феъл, сифат ва исмларини тажаллий этган. Бутун олам системаси билан Амр оламининг беш латоифининг боғланишини қуйидагича тасвир этиш мумкин:

8-чизма

ЗОТ ОЛЛОҲ		
Л		
О	ШАЪНИ ЖОМЕЪ	- Муҳаммад (а.с.)
М	СИФАТИ САЛБИЯ	- Исо (а.с.)
А	У ШУУНОТИ ЗОТИ	- Мусо (а.с.)
К	Р СИФАТИ СУБУТИЯ	- Иброҳим (а.с.)
О	У АФЪОЛИ ИЛОҲИЯ	- Одам (а.с.)
Н	Ж	
ҚАЛБ (нафс)	Н	
РУҲ (ҳаво)	У	
СИР (сув)	З	
ХАФИ (олов)	У	
АҲФО (тупроқ)	Л	
ИНСОН		

Амр олами латоифларининг аслини тушуниш учун тажаллий тушунчасини англашимиз лозим.

"Тажаллий" – араб сўзи бўлиб, жилваланиш, ошкора бўлиш, равшанланиш, жилва ва илоҳий нур маъноларини ифодалайди²⁷⁶. Тажаллиёт тажаллий сўзининг кўплиги бўлиб кўринишлар, жилваланишлар, маъносини англатади.

"Тажаллий" – шундай фалсафий ва ирфоний тушунчадирки, у солиқнинг қалбида илоҳий сифат ё Ҳаққ нурининг ҳақиқати зуҳури – ошкора бўлиши, кўринишини ифода этади²⁷⁷. Бу масаланинг бир

²⁷⁴Тангрининг 2 салбия сифатлари бор: Тангри якка-ягона, шериксиз, ҳеч нарса унга тенг эмас ва ўхшамайди ва Тангри барча нуқсон ва айблардан покдир.

²⁷⁵Қаранг: Аҳмад Сирхинди Мужадиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама - Бухоро: Когон, 1338.х.й -21-бет.

²⁷⁶Ўша жойда.

²⁷⁷Абдулхусайни Зарринқўб. Жустужу дар тасаввуфи Эрон. - Душанбе: Ирфон, 1992 й. 386-бет.

томонидир. "Тажаллий – дунёда илоҳий мулкнинг намоёиши, намоён бўлиши"²⁷⁸, деган таъриф бу масалани янада ойдинлаштиради ва уни кенг қамровда ифода этади.

Нақшбандийликда тажаллий кенгроқ тушунилади. Чунки бу таълимот инсоннинг маънавий камолоти қалбдан бошланишини айтсада, кейинчалик у рух, сир, хафий, ахфога томон юксалишини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тажаллийётни нақшбандия таълимотига асосланиб, кенгроқ маънода таъриф этиш мумкин.

Ҳақ йўлига кириб, тавба қилган ва риёзат ила ўзини поклаган солиқнинг соф бўлган латоифларида илоҳий нур жилваланади, кўринади ва улар Ҳақнинг маълум томонларини зоҳир этади. Қалб латоифи покланса, унда Ҳақнинг феъллари намоён бўлади. Рух латоифи Покланганда, унда илоҳий сифатлар кўринади. Сир латоифи покланганда, унда илоҳий шуунот ва эътиборот ошқора бўлади. Хафий латоифи файзни қабул этадиган бўлса, унда илоҳнинг салбия сифатлари зоҳир бўлади. Камолотнинг юқори даражаси бўлган ахфо файзни қабул этадиган бўлса, унда вожиб ал-вужуднинг зоти кўринади.

Нақшбандия таълимотидаги ғоялар асосида: "Тажаллий" солиқнинг Амр олами латоифларида илоҳий феъл, сифат ва зот нурининг ошқора бўлиши", деб таъриф бериш мумкин. Бундан маълум бўладигани, Нақшбандия таълимоти ҳам Мансур Ҳаллож каби оламдаги зоҳир ва ботинда Тангрининг доимо жилоланиб туришини тан олади. Лекин уларнинг фикрича, буни ҳамма ҳам кўра олмайди. Фақат танланган хос кишиларга буни кўриш имкони туғилади. Кимки бирор нафас ҳам Тангрининг борлиги ва бирлигини унутмаса бутун олам моҳиятини кўра олади. Бундай инсон ўзидаги бандалиқ қусурларини йўқотиб, тўла илоҳийлик сифатини олади.

Тажаллий билан боғланган ҳолда файз тушунчаси туради. Нақшбандияга доир манбалар тажаллий даражаларини изоҳлашда инсон латоифларининг файзни қабул қилиши билан боғлаб тушунтиради. Ф а й з - арабча сўз бўлиб, биринчидан, хайру барака ва иккинчидан, лутф карам, инъом, эҳсон маъносини билдиради "Файз шундай амрдирки, кўп саъй-ҳаракат ва ғайрат қилмасдан илҳом орқали солиқнинг қалбида ўрнашади"²⁷⁹, деган таъриф бор.

²⁷⁸А. Кныш. Таджаллий / Ислам энциклопедический словарь. – М.: Наука, Главная редакция вост. литературы, 1996 -С.219.

²⁷⁹Зарринқўб А. Жустужў.... 387-бет.

Файз фақатгина илоҳий бўлиб, барча нарсаларнинг ҳосил бўлиш асосидир. Сўфийлар файзни илоҳий исмларнинг тажаллийси деб биладилар. Улар Ҳаққни файзнинг манбаидир, деб тушунадилар.

Файз манбаини тушунишда судур тушунчаси ишлатилади.

Судур - қадимги ва ўрта асрлар Шарқ фалсафасидаги оламнинг вужудга келишига оид таълимотдир. Зардуштия таълимотидаги 6 комил доира бўлган амшоспандоннинг вужудга келиши, юнон фалсафасидаги янги афлотуния ғояси ҳам судур назарияси асосида турган.

Судур – арабча сўз бўлиб, пайдо бўлиш, чиқиш маъносини англатади. Бутун олам асосида илоҳий Асл туришини билдиради.

Судур тажаллий, ишроқ, фаязон, эманация тушунчаларини бир маънода тушуниш ҳоллари ҳам бор²⁸⁰. Судур рухий амал бўлиб, бу жараён натижасида воҳид зотдан борлиқнинг даражалари силсиласи пайдо бўлади. Судур назариясини, асосан янги афлотуния назарияси намояндалари вужудга келтирганлар. Платон ўз асарларида судур назарияси моҳиятини изоҳлашда Тангри – воҳид зотни мутлақ хайр, мутлақ эзгулик, аввалги қувват деб ҳисоблайди. Олам унинг томонидан яратилган. Бу яралиш зарурат асосида бўлади. Тангри воҳид зотдан яралган биринчи нарса Кулл Ақл (рух)дир. Кейин Кулл Нафс, кейин модда, пировардида физик оламдаги кўриниб турган бошқа нарсалардир. Платон қарашлари Шарқдаги пантеистик оқим ривожига олиб келган.


Нақшбандия таълимотида биз судур деган тушунчани ишлатганларни учратмадик. Асосан файз ва тажаллий тушунчалари ишлатилган. Бу хусусияти билан нақшбандия таълимоти Ғаззолийнинг қарашларига мос келади. Чунки Ғаззолий ҳам судурни ишлатмасдан, шу икки тушунчага таянади. У ҳам Тангрига илк туртки бериб, ҳаракатга келтирувчи биринчи сабаб сифатида қарамайди. Унинг ҳар нафасда ирода эгаси эканлиги ва борлиқнинг аслида туришини тан олади.

Файз – тажаллий этаётган илоҳий нур, хайр-барақа, лутф, эҳсон сифатида нақшбандийликда намоён бўлади.

²⁸⁰Ҳазраткулов М. Судур. // Энциклопедияи советии тожик. Т.7-Душанбе: Сарредакцияи илмии энциклопедияи Советии тожик, 1987. саҳ. 158-159.

Нақшбандия таълимоти намояндалари файз манбаини Аллоҳ деб биладилар. Аллоҳдан энг комил инсон Муҳаммад пайғамбарнинг беш латоифига файз келиши ва солиқ уни Муҳаммад пайғамбардан бошқа пайғамбарлар воситаси билан покланиш даражасига мос қабул қилишини кўрсатади. Файз Муҳаммад қалбидан Одам қалбига ва ундан қалб латоифига, Муҳаммад рухидан Иброҳим рухига ва ундан рух латоифига, Муҳаммад сиридан Мусо сирига ва ундан сир латоифига, Муҳаммад хафийсидан Исо хафийсига ва ундан хафий латоифига ва Муҳаммад ахфосидан инсон ахфо латоифига тушади. Буни кейинги бетдаги 9-чизмада тасвирланган.

9-чизма



Нақшбандия бу қарашлари билан мусулмон мутасаввифлари бўлган Саҳл Тустарий, Ибн Арабий, Абд-ал-Карим-ал Джилийнинг муҳаммадий моҳият, муҳаммадий ҳақиқат каби қарашларига мос келади.

Тажаллий этиш ва файз орқали Тангри инсон ботинидаги мавжуд томонларни зоҳир этади. Бу таълимот асосида Аллоҳ ягона моҳият (зот) бўлиб, борлиқ турлича кўринишларда намоён бўлади, тажаллий этади, деган ғоя ётади.

Ваҳдати вужуд таълимоти тарафдорлари бўлган сўфийлар тажаллийнинг қуйидаги даражаларини ёзганлар.

а) Тажаллий зот – илоҳий моҳиятнинг ўз-ўзида тажаллийети. Буни "тажаллий аввал" деб ундан келаётган файзни энг пок, яъни файзи ақдас, дейдилар. Шунингдек, уни аҳадият-Тангрининг ягоналиги деб ҳам айтадилар. Тангри ўзини-ўзи яхлит тарзда, бўлинмас ҳолатда мушоҳада этади. Бу ягоналикда уруғнинг ичида бўлгани каби касрат оламининг асоси мавжуд бўлган. Яъни уруғда дарахт, тухумда-қуш, нутфада одам қандай яширин бўлса, худди шундай илоҳий зотда ягоналик мавжуд.

б) Тажаллий сифат, уни тажаллий соний дейдилар. Бундаги файзни муқаддас, деб номлайдилар. Шунингдек, бу илоҳий ваҳдат-ягоналик, деб аталади. Бу ерда илоҳий исм ва сифатлар Тангридан ажралиб мустақил ҳолда кўринади.

в) Тажаллий шухудий-борлиқдаги кўриниб турган барча нарсаларга нисбатан айтилади²⁸¹.

Нақшбандия таълимотида тажаллий даражалари инсон камолотига мос ҳолда қуйидагича кўрсатилган.

1.Биринчи даража – тажаллий афъолия. Бу даражага етган, қалби покланган соликка бутун оламдаги ишларнинг асл фоили Тангри эканлиги намоён бўлади.

2.Иккинчи даража – тажаллий сифотия бўлиб, руҳининг аслига етган кишига Тангрининг субутий сифатлари – унинг олимлиги, қодирлиги, мутакаллимлиги, ирода эгаси эканлиги, барҳаёт бўлиб, ўзгаларга ҳаёт бериш, эшитиб, кўриб туриши намоён бўлади.

3.Учинчи даража – шуун ва эътибороти зотиянинг тажаллийсидир. Сирнинг аслига етган киши бу файздан баҳраманд бўлади.

4.Тўртинчи даража – салбия сифатлар тажаллийсидир. Уни пок қудсий мақом дейдилар. Чунки бу камолга етган киши Тангрининг яккаю ягоналиги ва унга тенг йўқлигини кўради. Бу мақом ҳафийнинг аслига етганларникидир.

²⁸¹Кныш А. Таджаллий ... С.219.

5. Бешинчи даража – вожиб - ал - вужуднинг зоти тажаллийсидир. Солик ахфосининг аслига етиб, бу файзни қабул қилади²⁸².

Бундан кейин фано ҳолатига етилади. Баҳоуддин Нақшбанд фанони умуман икки хил: зулмоний табиий вужуд фаноси ва нуроний, руҳоний вужуд фаноси, деб ёзади²⁸³. Баҳоуддин фанога хос валоятнинг ибтидоси деб шундай таъриф берган:

Чист меърочи фалак? Ин нести!
Ошиқонро мазҳаби дин нести!
Ҳеч касро гар нагардад ў фано
Нест раҳ дар боргоҳи кибриё!²⁸⁴

Мазмуни:

Фалакнинг меърожи нима? Бу йўқлик!
Ошиқлар мазҳабу дини бу йўқлик!
Ким агар фанога етмаса
Кибриё боргоҳига унга йўл йўқ!

Шунингдек, мазкур рисолада фанонинг маълум даражалари борлиги кўрсатилиб, Баҳоуддин фикрларига аниқлик киритилган.

Биринчи даража – фано фи шайх деб номланади. Бу солиқнинг ўзини зоҳиран ва ботинан мушоҳада этиш ва уни Шайх зоҳир ва ботинига мослашдан иборатдир²⁸⁵.

Бу мартаба фанои адно, яъни фано ҳолатининг қуйи босқичи ҳам дейилади. Солик фано ҳолига энди кира бошлаган ҳолатини шу ном билан ифодалаганлар.

Бу мартабага етган солиқ бутун оламни Шайх суратида кўради. Шунинг учун бу даражани фано фи шайх мақоми деб атайдилар. Бу фано фи набий мақомининг муқаддимасидир. Бу вақтда нафй ва исбот амали ижро этилади. Яъни бир нафасда 21 бор калимаи тайиба айтилади ва борлиқдаги мавжудодга фано кўзи билан қаралади, асл зот кўрина бошлайди.

Кейин қалб фаноси бошланади. Унда қалбда Тангридан ўзга нарса қолмайди.

Кейинги камолот даражаси жасадий фано ҳолатидир. Унда солиқ жасадини илоҳий нур билан мушоҳада этади.

²⁸²Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода./ Нақшбандиёт. – Техрон; 1958. 319-323-бетлар.

²⁸³Мақомот. 61-бет.

²⁸⁴Рисолаи қудсия. 89-бет.

²⁸⁵Қаранг: Умар Фарук, Сайдо ал Жазарий. Тасаввуф сирлари. -Тошкент: Моваруннаҳр. 2000. 53-55-бетлар.

Бу даражани босиб ўтгач, сифатий фано ҳолатига етади. Солик ўз сифатларини илоҳий сифатлар ила кўради.

Кейинги камолот номи фано фи наби деб номланади. Бу солик ўзлигининг Муҳаммад нурларига тўла маҳв бўлишидир.

Кейинги даража фано фи Оллоҳ деб номланади. Бу ўзни Тангри ҳимоясида ҳис этиш ва илоҳий сифатларда бўлиш мақомидир. Бу мақом икки қисмдан иборатдир:

1. Фанои шухудий

2. Фанои вужудий

Фанои Шухудий - (шухудий фано) илоҳий шухуддан иборат.

У Тангридан ўзгани мушоҳада этмасликдир.

Фанои вужуди - ягона вужудни танишдир.

Фано фи Тангри - Тангрида фано бўлиш мақоми фано мақомларининг олийсидир. бундан кейин бақо ба Аллоҳ ҳолати бошланади. Солик бутун мавжудотнинг Илоҳий сифатлар ҳимояси остида эканлигини топади²⁸⁶.

Демак, фано ҳолати нақшбандия таълимотида:

1. Фано фи Шайх

2. Қалб фаноси.

3. Жасадий фано.

4. Сифатий фано.

5. Фано фи Наби.

6. Фано фи Тангри даражаларидан иборат экан. Фано даражаси ҳолатида солик биринчи шайхида фано бўлади, кейин унинг қалби, жасади, сифати фано бўлиб, набийлар ҳолатига етиб энг охири Тангрида фоний бўлади.

Фано фи Тангрини Валояти сағир мақоми деб номлайдилар. Кейин Валояти Кабир бошланади. Бу анбиёлар валоятидир. Бу валоятда Халқ оламининг лотоифлари билан машғул бўладилар. Кейин Малоикалар валояти бошланади, бу жуда олий мақомдир. Демак, бу вақтда инсон фаришталар сифатини эгаллайди. Бу Халқ олаמידан бўлган олов, ҳаво, сув лотоифлари фаноси билан бўлади. Яъни инсонда тупроқ сифатигина қолади. Кейин Нубувват камолоти валояти бошланади. Бу мақомни ҳам бақо деб номлайдилар. Биринчи ҳолатда Амр олами лотоифлари бақога етган бўлса, иккинчи ҳолатда жисмдаги Халқ олами лотоифлари ҳам аслини таниб бақога етади²⁸⁷. Кейин ҳақиқатлар очила боради.

²⁸⁶Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода.// Моле М. Нақшбандиёт. –Техрон, 1959. 321-бет.

²⁸⁷Ўша ерда.322-бет.

Дастлаб Каъбаи Мукаррамаи Раббоний Ҳақиқатига етади. Бу даражада кашфлар бўлади, мушоҳадага етади. Кейин Қуръон ҳақиқати очилади. Кейин Ҳақоик ал Ҳақоик очилади. Бу Муҳаммадий ҳақиқатдан иборатдир.

Бу мақомларнинг ниҳояси бўлиб, бу даражага етган солиқ иршод ҳуқуқига эга бўлади. Бундай инсонни тамкин ва тамкин номи билан атайдилар²⁸⁸. Бу камолот даражаларини кейинги бетдаги 10-чизмада тасвирланган.

Баҳоуддин Нақшбанд камолотга етганларни талвин (ҳоли ўзгариб турувчилар) ва тамкин барқарор ҳолатидагилар, деб сифатлайди. У талвин надим (ходим)лар мартабасидадир ва уларнинг ихтиёрисиз Тангрига етказилмаса, уни топа олмайдилар, - дейди. Тамкин аҳли эса вазирлар мартабасида бўлиб, Ҳазрати Салтанат (Аллоҳ) уларни ўз ўринбосарлари қилиб тайинлаган, мулк тасарруфи учун ихтиёр берган ва хоҳиш жилови уларнинг қўлидадир. Демак, тамкин аҳлининг ҳ о л и заволдан амондадир. Қачон хоҳласалар, бир сифатдан иккинчи сифатга ва бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчиб ўта оладилар.

Тамкин аҳлида ҳам талвиноти аҳвол-ҳолат ўзгариши бўлади, аммо талвин аҳлидан фарқ қилади. Булар – тамкин аҳли ўз ботинларининг ҳоли устидан ҳокимдирлар ва уни ўз измига солиб биладилар.

Баҳоуддин тамкин аҳлининг сифати ҳақида улар ҳол тасарруфи куллигидан озоддирлар, уларнинг кўз олдиларидан ҳижоб бутунлай кўтарилган, сабаблардан бўлган ҳеч бир сабаб билан уларнинг ҳолига ҳеч қандай тойиш ва заифлик етмайди, оламдаги ҳеч бир нарса уларни Маҳбуб Мушоҳадаси (васли)дан ва у билан шуғулланишдан ажрата олмайди, халқ ичида юриш ва уларнинг ҳолатини мушоҳада қилиш уларга таъсир қилмайди ва сифатини ўзгартира олмайди, дейди.

Шунингдек, Баҳоуддин ҳол жихатдан шарафли бўлишдан кўра камол жихатдан афзал бўлишни устун кўяди. Шунинг учун узлатдаги валийларни талвин аҳлидек надимлар билан тенглаштиради. Эл ичидаги валийни тамкин аҳли деб вазирлар билан тенг кўради²⁸⁹. Чунки "Саҳих" га кирган кудсий ҳадислардан бирида ёзилганки, "Мени жамоат ичида ёд этса, мен уни у жамоатдан ҳам афзалроқ жамоат (фаришталар) ичида ёд этаман" дейилган.

²⁸⁸Рисолаи дигар мансуб ба Соҳиб-зода.// Моле М. Нақшбандиёт. –Техрон, 1959. 323-бет .

²⁸⁹Рисолаи кудсия. 101-102-бетлар.

ИНСОН КАМОЛОТИ

10-чизма

№	Даража номи	Валоят	Ҳолат
1.	Даражаи аввал	В	Тажаллии афъолия
2.	иккинчи даража	А	Тажаллии сифатия
3.	учинчи даража	Л	Шуъун ва эътибороти зотия
4.	тўртинчи даража	О	Салбия сифатлар тажаллиёти
5.	бешинчи даража	Я	Вожиб ал вужуд зоти -
6.		Т	тажаллиёти.
7.		И	Султонал закр
	Фано		Фано фи Шайх
1.		С	Қалб фаноси
2.		А	Жасадий фано
3.		Г	Сифатий фано
4.		И	Фано фи Аллоҳ
5.		Р	а)фанои шухуди
6.			б)фанои вужуди
7.			
8.	Бақо	В	Бақо ба Аллоҳ
		А	Амр олами латоифлари асли.
		Л	Анбиёлар валояти
		О	Халқ олами латоифлари асли.
		Я	Малоикалар валояти
9.	Ҳақиқат	Т	Тупроқ сифати.
1.		И	Нубувватлар валояти.
2.			Халқ олами бақоси
3.		Қ	
10.	Олий даража	А	Ҳақиқати Каъба
		Б	Куръон ҳақиқати
		И	Ҳақиқатлар ҳақиқати
		Р	Муҳаммадий ҳақиқат
			Тамкин ва такмил

Демак, Баҳоуддин фикрига кўра тамкин аҳли камол жиҳатдан афзал экан. Баҳоуддин ўзи хулоса қилиб айтадики, восил ва комиллар икки қисмдандирлар. Бир қисм Тангрига яқин бўлсаларда

бошқаларни камолотга етказиш уларга буюрилмаган. Улар ҳайрат дарёсига фарқ бўлиб, ўз вужудларидан огоҳ эмаслар. Иккинчи қисм восил ва комиллар халққа нажот берарлар. Улар комили мукамалдирлар²⁹⁰. Улар фанодан кейин бақо ҳолатига етганлар.

Баҳоуддин инсон камолоти масаласига эътибор бериб, "валий"лар масаласини махсус тадқиқ этди. Салоҳиддин Ибн Муборак ал Бухорийнинг "Анис ат - толибин ва уддат-ус-соликин" асарининг биринчи қисми "Дар маърифати валояти валий" ("Валийлик валояти маърифатига доир") да таъкидланишича, "валоят нурдан иборатдир". Бу нур Тангри инояти ила ибоднинг қалбини тўлдиради ва натижада исломнинг ҳақиқий нури яқинида жамол кўрсатади. Асарда таъкидланмоқдаки, валоят даражасига етишда Тангрининг инояти шарт. Илоҳий нур-нур ал - яқин - аниқ, тўғри нур бўлгани ила бошқа нурлардан фарқ қилади, шу нур, ила тўлган қалб - валий қалби бўлади. Унга Ислом ўзининг ҳақиқий кўринишида намоён бўлади.

Манбалар таҳлили кўрсатадики, кўп назарий масалаларда етишда бу сулук Хожа Муҳаммад бин Али Ҳаким Термизий асарларидан ғоявий манба сифатида фойдаланган. Валийликка дахлдор масалаларда ҳам бу аллома асарларидан иқтибослар келтирилган.

Нақшбандия таълимотига кўра, валийни кўрган киши Тангри-ни зикр этади, ўзи ва жумлаи оламни яратган бу мутлақ зотга қараб ҳайратга тушади, "Валий қалби маъдани анвори жалолдир. Валий юзидаги нур ва латофат валий қалбидаги ана шу анвордандир. Ул нурнинг акси валийнинг сиймосидан зоҳир бўлур ва ҳар ким унинг юзига назар айласа, ул киши Ҳаққ таолони ёд этар ва унинг зикрига машғул ўлур"²⁹¹.

Шунингдек, бу таълимотда валийларга муносиб хусусиятлардан бири сифатида ҳатто бу таълимот ва валийлар суҳбатига мушарраф шахснинг ўзидаги башарий истаклардан воз кечиб, ма-лакий даражали сифатларга эга бўлиши ҳам иншо этилган. Валий суҳбатига мушарраф шахс ўзидаги гил - тупроқ ва сувдан тузилган тана истакларидан воз кечади ва юксалади, деган фикрни Ҳазрати Азизон қуйидагича баён этади :

Бо ҳар ки наштастию нашуд жамъ дилат,
Аз ту нараמיד захмати обу гилат.

²⁹⁰Рисолаи қудсия. 115-бет.

²⁹¹Анис ат-толибин. 7-бет.

Зинҳор аз он қавм гурезон мебош,
Варна накунад руҳи Азизон бихилат²⁹².

Мазмуни :

Суҳбатдошинг ила қалбинг ноҷам,
Йўқолмади сендан сув - гил захмати ҳам.
Демак, ундайлардан узоқлашмасанг,
Азизон руҳи кечирмас ҳеч ҳам.

Ҳазрати Азизоннинг фикрича, ҳақиқий валий суҳбатига етишган шахс қалби сокин, соф, пок бўлиб, сув - гил захматидан қутулиб юксалади ва тавҳидни англай боради, лекин сохта авлиёлар билан суҳбатлашиб, сенда башарий истаклардан қутулиш каби сифатий ўзгариш бўлмаса, ундай кишилардан тезроқ қочиш керак, деган фикрни уқтиради.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд валийликнинг учта хусусияти бор деб, қуйидаги фикрни баён қилади:

Се нишон бувад валиро, ки нахуст он маъни,
Ки чу рӯи ў бубини, дили ту бар ў гарояд.
Дуввум он, ки дар мажолис, чун сухан кунат зи маъни,
Ҳаммаро зи ҳасти худ б-ҳадис мерабоят.
Севум, он бувад б-маъни вали аҳаси олам,
Ки зи ҳеч узв ўро ҳаракоти бад наёяд².

Мазмуни:

Валийликнинг уч белгиси бор, биринчиси шул эрур,
Унинг юзини кўрган заҳотинг дилингни ром этади,
Иккинчиси, агар мажлисдаги сўзини эшитса,
Бутун борлиғи ила ҳаммани ўзига мафтун этади.
Учинчиси, валий - оламдаги махсус кишидир,
Унинг ўзидан ҳам бирор ёмонлик келмайди.

Мўминлик даражасининг ниҳояси - авлиёлик даражаси деб, ундан сўнг шуҳадо, сидиқо, анбиёву расул, анбиё ул-аъзам ва охири ниҳояси бўлмаган даража мустафо, деб айтилади.

Нақшбандия таълимотига кўра, уларда валийлик даражасига етганлар иккига бўлинади. Биринчиси - муршид раҳбарлигида риёзат чекиб, қалбини софлаган ҳолда шу даражага етганлар. Лекин булар учун ўз башарий истакларини ўлдириш жуда қийин кечади.

²⁹²Рисолаи ҳазрат Азизон. - Бухоро: Бухороӣ Шариф, 1327 х.й.30-бет.

²Мақомот. 59-бет.

Иккинчиси - Тангрининг ўзи уларни тарбия қиладиган кишилар. "Анис ут-толибин" асарида бундай валийлар мажзуб-жазб қилинган, яъни Ҳаққ майдониға тортилган маъносида таърифланган. Валийларнинг бу турида и л ҳ о м тариқи ила қалб ва тилларидан каломи ҳикмат иншо этилиши таъкидланади. Яъни Тангрининг нури уларнинг қалбига илҳом ила кирган ва улар бу илоҳий нур орқали шундай сифатга эга бўлган зотлардир. Ҳозирги илмий тил билан айтганимизда, валийларнинг бу даражасида латиф қувват - биоэнергия майдони бемалол олам қувват-ахбор қатлами билан алоқа қилишга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам улар ўзгалардан ажралиб турадилар.

Валийлар илҳом орқали илоҳий нурни кашф этсалар, анбиё ваҳий орқали Тангри сўзларидан баҳраманд бўлади.

Муҳаммад Порсо валийлар ўз иродаларини тўла Тангри иродасига тобеъ қилганлари ва улардаги барча хусусиятлар илоҳий фазилатга эга эканлигини баён этади:

Авлиёро ҳаст қудрат аз Худо,
Тири жаста боз гардонат зи роҳ²⁹³

Мазмуни:

Авлиёларнинг қудрати илоҳдандир,
Учаётган ўқни ортга қайтара оладилар.

Баҳоуддин Нақшбанднинг тасаввуфий таълимотида "бесифатлик" ва "бенишонлик" деган тушунча мавжуд. Ҳазрат хожа айтардики, "Авлиёлар пешвоси Хожа Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг руҳониятига таважжух қилсам, бунинг таъсири тўлиқ б е с и ф а т л и к тарзида зухур қиларди. Бу таважжухда қанча сайр қилсам ҳам, ҳеч қандай таъсир ва сифат аён бўлмас эди".

Баҳоуддин Нақшбанд бу ҳолатни руҳониятда бўлишини кўрсатади ва айтади: "Руҳоният вужуди ҳақиқатнинг чегарасиз нурлари ичида маҳв бўлгач, одам қанчалик ўзидан мавжудлик қидирмасин ва идрок сармойасини ўзидан изламасин, бесифатлик ва бениҳояликдан ўзга нарсани кўрмайди"²⁹⁴. Бу таърифда бесифатлик, бениҳоялик тушунчаси билан айнан бир хилдек, деб кўрсатилмоқда.

²⁹³Рисолаи қудсия. 64-бет.

Бениҳоялик чексизлик, чегарасизлик бўлиб, илоҳийликка хосдир. Демак, бесифатликда миқдорий ва меъерий боғланишлар йўқ бўлади.

Баҳоуддин "бесифатлик" тушунчасини "валийлар" ҳақидаги таълимотида ишлатади. У авлиёларни сифатий белгиларига қараб учга бўлади.: 1.Бесифату бенишон. 2.Сифат билан. 3.Сифатдан нишона топган. Учинчисини а) маърифат аҳли б) муомала аҳли в) муҳаббат аҳли г) тавҳид аҳлига бўлади.

1.Бесифатлик ва бенишонликни авлиё ҳолининг мукамаллиги ва даражасининг ниҳояга етганлиги, деб айтади. "Бесифатлик Аллохдан юз берувчи к а ш ф ҳолатига ишоратдирки, бу жуда олий мақом ва жуда азиз даражадир. Бу ибора ва ишора мазкур мартабанинг асл моҳияти ва ҳақиқатини англантишдан ожиздир"¹, дейди. Яна у: "Сулукнинг ибтидосида бўлганлар бесифатлик ҳолатини тушунмайди", дейди. Буни ўрта мақомдагилар англашлари учун айтилган.

Манбада бесифатликни изоҳлаш учун қуйидаги назмий иборалар келтирилади:

Бартар аз илм аст, берун аз аён,
Зоташ андар ҳастии худ бе нишон.
З-ў нишон жуз бенишони кас наёфт,
Чорае жуз жонфишони кас наёфт.
Гар аён жўи ниҳон он гаҳ бувад,
В-ар ниҳон жўи аён он гаҳ бувад.
В-ар баҳам жўи чу бечун аст ў,
Он замон аз ҳар ду берун аст ў.
Сад хазорон тавр аз жон бартар аст,
Ҳар чи хоҳам гуфт ў з-он бартар аст.
Ажз аз он ҳамроҳ шуд бо маърифат,
К-ў на дар шарҳ ояду на дар сифат².

Мазмуни:

У илмдан юқори ва англашдан узоқ,
Унинг зоти ўз борлиғи ичида бенишондир.
Ундан нишон қидирганлар бенишонликдан
ўзга нарсани топмади,
Унга жон фидо қилишдан ўзга чора топмади.

¹Рисолаи қудсия. 71-бет.

²Ўша ерда.

Агар уни аёнликда қидирсанг, ниҳон бўлади.
Агар уни ниҳонликда қидирсанг, аён бўлади.
Агар икковидан қидирсанг, қидирки у ҳеч
нарсасага ўхшамайди,
Қидирган пайтингда у бу икки ҳолдан ташқари бўлади.
Жонимиздан у юз минг марта олийроқдир,
Нима деб айтсам ҳам, у айтганларимдан юксакроқдир.
Уни на шарҳлаб бўлади-ю, ва на сифатлаб,

Шу сабабли ожизлик билимимизга ҳамроҳ бўлади. бу мисралар "бесифатлик"ни илмдан юқори ва англашдан узоқ деб ақлнинг уни билишга ожизлигини кўрсатади. бесифатлик аёнлик ва ниҳонликдан ҳам юксак, ҳеч нарсасага ўхшамаслиги ва бизнинг сўз ва ибораларимиздан ҳам юксакликда туриши намоён бўлади. Уни шарҳлаб ва сифатлаб беришга билимимиз ожизлик қилади.

Баҳоуддин бесифатлик мартабасининг камоли Муҳаммад пайғамбарга насиб этган, деб кўрсатади. Бошқа набий ва валийлар ўз мартабаларига мувофиқ Муҳаммад пайғамбарнинг саодат хирмонидан бошоқ терадилар. Улар Оллоҳнинг расули муқаддас ботинидан мадад олиб, бесифатлик мартабасининг даражалари узра тараққий топади. Муҳаммад пайғамбарга хос бўлган "Мақоми маҳмуд" бу зотдаги шу мартабанинг камолига ишоратдир.

Баҳоуддин "бесифатлик" мартабасининг хусусиятлари ҳақида ҳам гапирган. Унинг фикрича, бесифатлик мартабасининг соҳиби т а м к и н (виқор) аҳлидан бўлади, суҳбат туфайли қалби-муқаллиби қалб (қалбни ўзгартирувчи зот) суҳбатига туташган бўлади. У барча илоҳий сифатлар билан сифатланган ва раббоний хулқлар билан хулқланган бўлади. У ботиний ҳолларини ўз тасарруфи остига олган бўлади. Шунинг учун уни "абулвақт" - вақт отаси дейдилар. У ўз хоҳиши билан бир сифатдан иккинчи сифатга ўта олади. У башарий вужудининг фонийлигидан тамоман софланган бўлади. Шу маънода манбада қуйидаги назмий ибора келтирилган:

Сўфи ибн ул вақт бошад дар мисол,
Лек софи фориг аст аз вақту ҳол.
Ҳоли мавқуф азми раъи ўст,
Баста бар раъи жаҳон орои ўст²⁹⁵.

²⁹⁵Рисолаи қудсия. 73-бет.

Мазмуни:

Сўфи бу оламда ибн ул-вақт "вақт ўғли" бўлади,
Лекин тўла покланган соф бўлгани
вақт ва ҳолдан фориғдир.
Ҳол унинг азму раъйига боғлиқдир,
Унинг жаҳонга оро берувчи раъйига қарамдур.

Демак, сўфилар "вақт ўғли" бўлиб, бир нафасни ҳам беҳуда ўтказмай, нафаслар орасидаги онни ҳам нақд деб билсалар, бесифатлик ҳолига етган, тўла покланган мукаммал валийлар вақтни ўз тасарруфига олганлар. Улар вақтдан юқорида, ташқарида турган. Демак, бесифатлик руҳий камолотнинг энг мукаммал мақоми бўлиб, сифат, миқдор, меъёр, вақтдан юқорида бўлади. Буларнинг барчаси унинг тасарруфида бўлади. Бу ҳолатда башарий белгилар йўқолиб, руҳият тўла ғалаба қилган бўлади.

Демак, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида инсоннинг камолот даражаларига алоҳида этибор берилган бўлиб, у комил инсон ҳақидаги сўфийларнинг қарашларига мос келади.

Хулоса қилиб айтганда:

1.Нақшбандия тасаввуфий таълимотида инсон жисм ва руҳдан тузилганлиги ва руҳнинг камолоти орқали комиллик даражасига ета олиши кўрсатилган.

2.Инсоннинг ўн латоифдан тузилганлиги ҳақидаги нақшбандия таълимоти инсонни ҳар томонлама ўрганишга ёрдам беради.

3.Нақшбандиядаги тажаллий ҳақидаги таълимот инсон камолоти даражаларининг янги қирраларини очади.

4.Нақшбандия таълимотидаги фано ва бақо тушунчалари тасаввуфнинг бу мавзудаги қарашини бойитган.

5."Валийлик" тушунчаси бу таълимотнинг муҳим масаласи бўлиб тасаввуфдаги бу тушунчани ривожлантирган.

6.Нафсни бошқариш руҳ камолотининг асоси эканлиги кўрсатилади. Бу таълимотда инсон камолотининг бесифатлик ва бенишонлик даражалари ҳақида фикр юритилади.

7.Нақшбандия таълимотида инсон камолоти қалб оламини тажаллиёти, фанога етишдан бошланиб, бақо ҳолати, тамкин, бесифат ва бенишонликка юксала олар экан. Демак, инсон бутун борлиқни ботинида акс эттира оладиган илоҳий хусусиятга эга зот экан.

IV БОБ. КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ 1. НАФС ТАРБИЯСИ

Тасаввуф аҳли "Ҳар ким нафсини таниса, батаҳқиқ парвардигорини ҳам танийди" дейдилар. Шунинг учун бу таълимот нафсни билмоқ ва уни тарбиялашга алоҳида эътибор беради. Инсон камолотининг энг зарурий шарти нафс тарбиясидир.

"Нафс инсоннинг моддий ўзлиги, "мен"лигидир. Бизнинг ботинимизга бир идора этувчи, жисмимизни, моддий борлиғимизни, ҳаёт учун зарурий манфаатларимизни қўриқлаш ва қўллаш мақсадида фаолият кўрсатувчи маънавий бир борлиқ нафсдир"²⁹⁶.

Нафснинг мавжудлиги зарурат ва унинг истаклари табиийдир. Лекин уни назорат қилиш, тарбиялаш ва ёмон иллатлардан Поклаб туриш шарт. Чунки унинг табиий истаклари бажо этилаверса, у ҳаддидан ошади ва жиловлаб бўлмайдиган ҳолатга келади.

Нақшбандия таълимотида бу масалага махсус эътибор берилади. Бу таълимотга мувофиқ нафс инсоннинг латоифларидан биридир. "Н а ф с - халқ оламидан вужудга келган"²⁹⁷. Шунинг учун у оламдаги хусусиятлар унда мавжуддир. Лекин нафс халқ оламидан бўлсада, "унинг асли амр оламидан бўлган латоиф қалбнинг асlidir"²⁹⁸. Шундай экан, уни тарбиялаш мумкин. Кўпинча адабиётларда нафсни йўқотиш зарур дейилади. Бизнинг фикримизча, инсонга берилган бу қувватни эзгуликка йўналтириш уни тарбиялаш мумкин. Нафс тарбияси орқали инсон маънан камолотга етади.

Рухнинг камолоти учун киши, аввало, унинг қанотлари бемалол парвоз қила олишига имкон бериши ва бу моддий оламдаги барча боғланишларни тарк этиши лозим. бунинг учун эса инсонни моддийлик билан боғлаб турувчи нафсни тарбиялаш керак.

Нақшбандия таълимотига оид манбаларда инсоннинг к а м о л о т ини қалб покланиши билан боғлайдилар. Чунки қалб инсонни ҳақ йўлидан бошлайди, нафс эса халқга маъқул бўлиш ва риёга

²⁹⁶Жўшон М. А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. -Тошкент: Чўлпон, 1998. 13-бет.

²⁹⁷Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338 х. й 19-бет.

²⁹⁸Ўша ерда.

йўллайди. Қалб огоҳликка ундаса, нафс ғафлатга чорлайди ва шуни туғдиради. ғафлат эса инсонни таназзулга олиб борувчи асосий восита бўлиб ҳисобланади. Чунки ғафлатда қолган инсон унга берилган илоҳий неъмат у м р инини беҳудага ўтказди ва шу билан бирга гуноҳкор эканлигини билмайди ва "Мен ёмон одам эмасман" деб ўзига юқори баҳо беради. Демак, нафс тарбияси қалбни покланиши билан узвий боғлиқ.

Нафс тарбияси масаласида Баҳоуддин Нақшбанд шундай айтар эди: "Киши ўзининг нафсига туҳмат қилиши керак. Кимки Ҳақ Субҳонаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг хийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади"²⁹⁹.

Имом Ғаззолий "Кимёи Саодат" асарида нафс тарбиясига оид қуйидаги тавсияларни беради:

1. Нафс билан ширкат қуриш.
2. Уни муроқабат қилиш, яъни кузатиш.
3. Муҳосабат, яъни ҳисоблашиш.
4. Муъқабат, яъни жазолаш.
5. Мужоҳада, яъни у билан шуғулланиш.
6. Муатабат, яъни унга таъна қилиш.

1. Илк вазифа ширкат қуришдир.

Ақлли инсон ҳар куни бомдод намозидан кейин ҳеч нарса ҳақида ўйламай, шериги бўлган нафсига бундай дейиши керак:

"Менинг сармоям шу ягона умримдир. бошқа ҳеч нарсам йўқ. Бу сармоя шунчалик қийматлики, ҳар чиққан нафасни ҳеч қандай йўл билан такрор қўлга киритиб бўлмайди. Бу нафаслар саналган ва улар камаймоқда. Умр тугаса, тижорат ҳам тугайди. Тижоратга ёпишайликки, вақтимиз оздир. Охират узун бўлгани билан у ерда на тижорат, на фойда бор. бу дунё кунлари шунчалик қадрлики, ёнингга ажал келганида бир кунга рухсат сўрайсан, бироқ рухсат берилмайди, бугун бу неъмат қўлимизда. Эҳтиёт бўл, нафсим, ҳушёр бўлгинки, бу катта сармойани қўлдан чиқариб қўйма! Кейин йиғлаб сиқташ фойда бермайди. Бугун ажалинг келганини, яна бир кун муҳлат беришлари учун ялиниб-ёлворганингни ва ўлимингни бир кунга чўзишганини ва ҳозир шу кун келганини фараз қил. У ҳолда бу кунни қўлдан чиқаришдан (бой беришдан), (шу туфайли) саодатга эришмасликдан каттароқ зиён бўлурми? Эртага ўладигандай тилингни, кўзингни ва етти аъзоингни ҳаромдан

²⁹⁹Муҳаммад Боқир. Мақомоти Ҳазрат Хожа Нақшбанд. Бухоро. Бухоройи шариф. 1327 х. й. 56-бет.

сақлагин (тийгин)! Жаҳаннамнинг етти эшиги бор, дейишади. Бу эшиклар сенинг етти аъзоларингдир. Бу аъзоларингни ҳаромдан сақламасанг ва бугун ибодат қилмасанг сени жазолайман!"

Нафс осий, буйруқларни бажаришни хоҳламаса ҳам, насиҳатни тинглайди, хоҳлаган нарсаларни бермаслик (истакларини бажармаслик) ва риёзат унга таъсир қилади. Нафс муҳосабаси ана шундай бўлади. Шу йўқсинда ҳар куни нафсимиз билан келишиб олишимиз керак.

2. Кейинги амал, муроқабадир, яъни нафсни бошқариш, назорат қилиш, ундан ғофил бўлмасликдир. Ундан беҳабар қолсанг, ўз шаҳватларига ва танбаллигига қайтади. Аллоҳ таолонинг қилаётган барча ишларимизни билиб турганини унутмаслигимиз керак. Одамлар бир-бириларининг фақат ташини кўра олади. Аллоҳ таоло эса бандасининг ҳам таши, ҳам ичини кўради. Буни билган кимсанинг ишлари (ҳаракатлари) ва ўйлари одобли бўлади, бунга ишонмаган кофир бўлади. Имон келтириб, бунга (қарши иш қилмоқ, муҳолафат қилмоқ) қарши чиқмоқ катта жасоратдир. Аллоҳ таоло: "Эй инсон! Сени ҳар он кўриб турганимни билмайсанми?"

3. Учинчи вазифа амалларидан кейин қилинадиган муҳосабадир. Ҳар куни ётаётганда ўша куни қилган ишлар учун нафсни ҳисобга тортиш керак. Даромадни фойда ва зиёндан ажратиш керак. Даромад - фарзлар бўлиб, фойда суннат ва нафл амаллардир. Гуноҳлар эса зиёндыр. Инсон шеригига алданмаслик учун у билан ҳисоблашгани каби нафс билан янада ҳушёрроқ муомала қилиши керак, чунки нафс жуда айёр ва ёлғончидир. Ўзининг истак-хоҳишларини сенга фойдали, чиройли қилиб кўрсатади.

4. Тўртинчи иш - муъақабат, яъни нафсга жазо беришдир. Нафсни назорат қилиб, қусурларини топиб, жазо бериб турилмаса, жасоратланади ва эрқаланиб кетади. У билан курашиш қийинлашиб қолади. Шубҳали, нарса еган бўлса, оч қолдириш, бегона аёлларга қараган бўлса, яхши мубоҳларга қаратмаслик керак. Шу тариқа, ҳар бир аъзони жазолаш лозим.

5. Мужоҳада - нафс қабоҳат қилганда жазолаш мақсадида кўп ибодат қилиш, солиҳ бир зотнинг олдида бўлиш, солиҳ инсонлар ҳаётидан ибрат олиш.

6. Нафсга таъна қилиш. Нафснинг ишларини айтиб, унга надоматлар бўлсин дейиш³⁰⁰.

Нақшбандия таълимотида нафс етти кўринишда намоён бўлади деб ёзилган.

Дастлабки ҳолати а м м о р а лик бўлиб, инсонни гуноҳларга ботиб юришига сабабчи бўлади. Уни қуйидагича таърифлаганлар:

Нафси аммора бири, ҳам кўкдир унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам ҳайвони ваҳшийдир.

"Лааммаратул биссу" мазҳаридир.

Ҳирс, тамаъ, шаҳват, буғзу ҳасад, бахиллик феълидир.

Дарду зулум, хуббу дунё завқидир.

Салбу дунё, мавти жони хавфидир.

Ла иллаҳа иллаллоҳ зикри ҳам нажотидир.

Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰¹.

Тасаввуф аҳли умумий нуқтаи назари бўйича, нафс (нафси аммора) барча ёмонлик, чиркинлик гуноҳларнинг дояси эрур. Жунайд Бағдодий "Куфрнинг асоси - нафснинг муроди эрур", деса, Абу Сулаймон Дароний "Нафс ҳам хоин, ҳам ғаним эрур. Энг яхши амал унга қарши курашмоқдир", дейди. Навоий ҳам нафсни душмандан-да хавфли душман, унга тобе бўлиб ғанимни банд айлаши мумкин, лекин нафсни таслим этиш беҳад душвор, дея таъкидлайди:

Бўлиб нафсингга тобиъ, банд этарсен тушса душманни,
Сенга йўқ нафсдек душман, қила олсанг ани қил банд.

Аммора нафсига хос бўлган бу сифатлар ёмонлигини англаш ва улардан қутулиш учун курашиш лозим.

"Ё Аллоҳ! Сендан баднафс, кўп беҳуда сўзловчи бўлиш, кибр, ҳирсу хавас, ҳасад, дунёга берилиш, ёмон гумонли бўлиш, тамаъ, кўполлик, май ичиш, бемаҳал марг, қаттиқ, фитна ва оғир яшашдан паноҳ сўрайман"³⁰² дейди Баҳоуддин. Чунки аммора нафсга хос бўлган ҳирсу хавас - инсонларда мавжуд бўлган ёввойи ҳайвон қувватларидир. Уларнинг қулига айланиш инсонни тубанлик

³⁰⁰Ғаззолий М. Нафс муҳосабаси. ёш куч-бсон-2000. 8-9-бетлар,7-сон. 2000. 10-11-бетлар.

³⁰¹Сиддиқ Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3-нашр: 229-бет.

³⁰²Шайх Муҳаммад Баҳоуддин. Авроди Баҳойя: Қўлёзма. 34а-бет.

ҳолига келтиради. У дунёга ружу қўйиш каби ёмон иллатга олиб келади ва ўргимчак каби инсонни илоҳий нурлардан тўсиб қўяди. Шунинг учун қалб оламига киришда ундан қутулмоқ лозим.

Ҳасад - ёмон ахлоқларнинг энг зарарлисидир, шунинг учун Куръоннинг "Фалақ" сурасида "Ҳасадчиларнинг ҳасадидек ёмонлигидан паноҳ тилайман" деган оят мавжуд. Ҳасад олов каби ҳасадчининг жисму жонини куйдиради. Бундай одамлар тириклигидаёқ дўзах оловида куюдилар ва уларни норий одамлар деб нурий одамларга қарши қўядилар. Мўмин киши ҳавас қилади, мунофиқ эса ҳасад қилади. Натижада қанча молу мулки бўлса-да, роҳат-фароғатни билмай, умрини ҳасрат ва надоматда ўтказди. Дунёда қанча азоб бўлса, шу бечора бандага насиб бўлади. Улар барча шоду масрур одамларнинг қайғу юкини кўтариб юрадилар. Шунинг учун ҳасадни жойидан ҳавас туйғуларини шакллантириш лозим.

Нафси аммора сифатларидан бири таъмадир. Бу бировдан бир нарса умидвор бўлмоқ, риёли амалнинг асосидир. Киши ҳар қанча "яхшилик" қилаётган бўлиб кўринмасин, бировдан нимадир кутса бу таъма бўлади. Таъма қиладиганлар номус ва ҳаёни йўқотадилар. Тангри таоло розилиги учун риёсиз амал нақшбандия таълимотининг тағ заминидир. "Тангрим менинг мақсудим Сенсан ва Сенинг ризолигингни тилайман" деган сўзни тариқат аҳли доим такрорлаб, амалларини тамаъ каби иллатдан пок қилиб турган. Таъмага қарши қаноат ва ризо фазилатларини шакллантириш учун тариқатда зарурий вазифаларни берганлар. Бозгашт амалининг аҳамияти каттадир.

Кишининг камолотига тўсиқ бўлган кучли и л л а т бу дунёга бўлган муҳаббатдир. Шунинг учун унга қарши курашни Ҳадисларда катта жиҳод деб айтганлар. Бунинг натижасида кишининг ахлоқи гўзаллашади ва инсонда м а т о н а т ҳосил бўлади.

Нафси амморани тўла ўлдириб, йўқ қилган киши нафси л а в в о м а мақомига киради. Уни қуйидагича тавсифлаганлар:

Лаввомадир иккинчи, ҳам қизил унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам ҳайвоний аҳлидир,
Ҳамоқат, жаҳолат, ғийбат ахлоқидир,
"Ла уқсиму биннафсил лаввома" мазҳаридир,
Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰³.

³⁰³Сиддик Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3- нашр. 231-бет.

Баҳоуддин шогирдларига устози Хожа Али Ромитанийнинг Ҳаққа етиш учун ношоиста сўзлардан тилнинг хомуш бўлиши зарур деган қуйидаги фикрларини кўп такрорлаган:

Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,
Дар ҳар узве маслиҳате кард ниҳон.
Гар муфсидате надида буди зи забон.
Маҳбус намекард ба зиндони даҳон³⁰⁴.

Мазмуни:

Тангри ҳикмат ила тану жонни яратди,
Ҳар бир узвда бир маслаҳатни (вобасталикни) яширди,
Тилдан ёмонлик келишини билмаганида,
Уни оғизнинг зиндонига маҳбус қилмасди.

Тилни тийишни ўрганиш ва гапириш қувватларини эгуликка томон равона этиш таъсирида нафси тарбияланади.

Лаввома нафси даражасида инсонда маълум ўзгаришлар бўлади. У гуноҳ ишларни қилганини англай бошлайди ва у я т , п у ш а й м о н лик ҳислари унда шакллана бошлайди. бу вақтда киши б а р з а х олами мақомида бўлади. бардавом зикр қилиш туфайли ахлоқи янада гўзаллашади, нафси лаввомадан инсон қувватларини идора қила бошлаб, уни руҳий камолоти учун сарфлайди. Бундан кейин нафси м у л ҳ и м а даражасига юксалади. Уни қуйидагича тавсифлаганлар:

Мулҳимадир учинчи, ҳам яшил унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам хулқи шайтонийдир,
Ужуб, кибр, макру риё ахлоқидир,
Фитна, фасод ишлари нафс феълидир.
"Фаалҳамаҳа фужураҳа ва тақваҳа" мазҳаридир.
Зухду тақво зийнатида зоҳирдир,
Фисқу фужур камолида ботинийдир.
Ужбу риё, ҳуббу мадҳ завқидир,
Худбин бўлиб, ибодатга ҳам сўфийдир.
"Ҳу, Ҳу, ё Ҳу" зикри ҳам нажотидир.
Муршиднинг ҳиммати ҳам уга иршоддир³⁰⁵.

³⁰⁴Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Ҳазрат Азизон. Бухоро:Бухорои Шариф, 1327 х. й. 22-бет.

³⁰⁵Сиддиқ Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3-нашр. 231-бет.

Кибр сўфийлик қарашларида ва бутун умуминсоний ахлоқ нормаларида доимо энг ёмон сифат қилиб кўрсатилган. Қуръонда Азозилни кибру ҳавога берилиб, Тангри иродасига бўйсунмагани учун Шайтони ражимга айлангани, қувилган, лаънатланган мардуд бўлганлиги бир неча марта таъкидланади. Манманлик, худбинлик инсонни илоҳий қувватлардан тўсадиган пардадир. Шунинг учун Баҳоуддин камтарин бўлишга чақирган.

Бу нафс тарбияси билан инсон дунёга муҳаббати қолмайди. Риёкорликка далолат қилувчи қувватлар енгиледи. Бу мақомга етганлар илоҳий сирларни кўра бошлайдилар. Бу мақомда киши қилаётган зикридан тўла лаззат олади. У и ш қ оташида ёнади. Агар лаввома нафси тарбияси орқали бу дунёга муҳаббати йўқолган бўлса, мулҳима нафсини тарбиялаши орқали о х и р а т га бўлган муҳаббати ҳам йўқолади ва қалбида фақатгина Оллоҳнинг муҳаббати қолади. Зикрининг ҳарорати бутун вужудига таъсир этади. Бутун аъзоларидан зикрнинг садоси эшитила бошланади. Инсон бутун оламни илоҳий з и к р этиш билан уйғун бўлади. Бу уйғун ҳолатда бутун табиат зикрини, ҳатто уммондаги балиқлар зикрини ҳам эшита оладиган бўлади. Бу мақомда оз ейди, оз гапиради, оз ухлайди ва у з л а т ни ихтиёр этади. Бу даражага етганлар зикрга, рўзага, намозга кўпроқ ҳаракат қилса, холис ният билан бўлса, унда илоҳий исмлар ва сифатларнинг сири тажаллий эта бошлайди. Агар лаввома нафси тарбияси билан унда и л м ал яқин ҳосил бўлган бўлса, мулҳима нафси тарбияси билан а й н ал яқин илм даражасига юксалади. Олам сирларини кўзлари билан кўради ва ишончи ортади. У воқеаларнинг сабабларини бошқа нарсалардан демайди, уларнинг барчаси илоҳий қудрат ва қувват билан бўлаётганини, барча ишларнинг фоили Оллоҳ эканлигини кўради. Бу мақомда банда т а в ҳ и д и афъол сифатига етади. бу мақомларни тўла эгаллаган киши нафси м у т м а Ъ и н а мақомига ўтади. Нафси мутмаина малоика сифатидаги инсон бўлиб, у куйидагича тавсифланган:

Мутмаинадир тўрти, ҳам оқдир унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам хулқи малакийдир,
Тавазу, ихлос, амал ҳолидир,
Қаноат, саховат, шижоат, иффат феълидир,
"Ё айятуҳал нафсал мутмаина" мазҳаридир,
Амри тоат феъли ҳам ибодат завқидир,
Тарки тоат феъли масъият хавфидир,

"Ҳақ, Ҳақ, ё Ҳақ" зикри ҳам нажотидир,
Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰⁶.

Нафси мутмаъина мақомидаги кишининг дунё ва унинг тасарруфидагиларга нисбатан қалбида ҳеч бир истак қолмайди. Бутун борлиқда Ҳақнинг тажаллийсидан бошқа ҳеч нарсани кўрмайди. Бу мақомга етганлар жуда сахий ва жавонмардлик сифатларини эгаллаган, қ а л б лари юмшаб, Оллоҳ йўлида жонни фидо қиладилар. Бу мақомда инсоннинг назарида ашёларни ўраб турган тўрт унсур пардаси кўтарилган. Нафсини бундай бошқарган кишининг руҳий мақоми **Ж а б а р у т** оламида бўлади.

Нафси мутмаина тарбияси натижасида нафси **р о з и я** даражасига юксалади ва башарий сифатлари маҳв бўлиб, **б а қ о** оламига хос бўлган сифатларни касб этади. Нафси розия - валий сифатидаги инсон. У қуйидаги назмий иборалар билан тавсифланган:

Розиядир бешинчи, ҳам сариқ унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам ахлоқи валийдир,
Таваккал, сабр, таслим, ризо ҳолидир.
Тазаккур, тафаккур, хавф феълидир.
"Иржиил ила роббани розия" мазҳаридир,
Ҳуббу каромат, кашфи малакут завқидир.
Салби каромат, ҳужби малакут хавфидир.
"Ҳай, Ҳай, ё Ҳай" зикри ҳам тафриғидир.
Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰⁷.

Бу мақомга етганлар "Ла мавжуда, ла мақсуда ва ла маҳбуба иллаллоҳ" зикрини давом эттиради. Бундай одам **к а р а м л и** бўлади. Катта ва кичик барча уни ҳурмат қилади. Халқ истаса, истамаса унга ҳурмат кўрсатишга мажбур бўлади. Бу мақомдагилар **т а ж а л л и и а ф ъ о л и я** дан **т а ж а л л и и а с м о ъ и я** га юксалдилар. Нафси розия тарбияси натижасида инсон нафси марзияга юксалади.

Нафси марзия - набий сифатидаги инсондир. Унга қуйидагича таъриф берилган:

³⁰⁶Сиддиқ Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3-нашр. 232-бет.

³⁰⁷Сиддиқ Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3-нашр. 234-бет.

Марзиядир олтинчи, ҳам сияҳ унинг ранги,
Сифатлари еттидир, ҳам ахлоқи набийдир,
Илм, ҳилм, маърифат ҳолидир.
Ишқу муҳаббат, завқу шавқ, иршоди нос феълидир.
"Таҳаллоқу би ахлоқи расулуллоҳ" мазҳаридир,
Жаннату афъол, сифати зот завқидир.
Мақоми жамда халқга тасарруф хавфидир,
"Қайюм, Қайюм, ё Қайюм" зикри ҳам нажотидир,
Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰⁸.

Марзия мақомида тажаллии сифотия даражасига етади. Нафс камолотининг энг юксак даражаси нафси сафия - соф, п о к бўлган нафс даражасидир. Нафси сафия - илоҳий сифатдаги инсон бўлиб, у қуйидаги хусусиятларга эга:

Сафиядир еттинчи, ҳам йўқдир унинг ранги,
Сифатлари олтидир, ҳам ахлоқи худодир
"Тааллоқу биахлоқуллоҳ" мазҳаридир.
Тавҳиди афъол, сифати зотга фонийдир,
Жам, ҳазрати жам, жамул жамда боқийдир,
Духули шаҳри ҳақиқат завқидир,
Хуружи шаҳри ҳақиқат хавфидир,
"Қахҳор, Қахҳор, ё Қахҳор" зикри ҳам фаносидир.
Сидқия, сири тариқат жаҳри қўлда ҳотамдир,
Муршиднинг ҳиммати ҳам унга иршоддир³⁰⁹.

Бу даражада н а ф с билан боғлиқ бўлган барча қувватлар фақатгина руҳга хизмат қилади ва бутун оламдаги борлиқ билан уйғун тарзда Оллоҳнинг зикри билан машғул бўлади. бу мақомга етишган киши учун риёзат чекишга ҳожат қолмайди. Унинг бутун дарди фақатгина Оллоҳнинг р о з и л и г и бўлиб қолади. Бу мақомга етишган инсонни к о м и л инсон деб айтадилар. Нафснинг камол этиши ва руҳиятга хизмат қилишини, руҳ ва нафснинг ўзаро боғланишларини қуйидаги жадваллар асосида изоҳлаш мумкин. (1,2,3-Жадвалларга қаранг)

³⁰⁸Сиддик Нажи Эрен. Аллоҳга ва расулига энг яқин йўл. Истанбул. 3-нашр. 237-бет.

³⁰⁹Ўша жойда. 239-бет.

I жадвал

<i>ИНСОННИНГ АХЛОҚИЙ КАМОЛОТИ</i>	
	Илоҳий- VII нафси сафия
	VI Набий-нафси марзия
	V Валий нафси розия
	IV Малакий сифат -нафси мутмайна
	III Шайтон ҳолатида - нафси мулҳима
	II Ҳайвон ҳолатида - нафси лаввома
I	Ваҳший ҳайвон ҳолатида - нафси аммора

РУҲ ВА НАФС

1	Руҳ	Нафс	Олам	Илм	Сифат
1	Руҳ	Сафия	Лахут	Ҳ Я А Қ Қ И Қ Н У Л	Тажаллий зот ва сифат.
2	Руҳ	Марзия	Валояти курб		Тажаллий асмоия
3	Руҳ	Розия	Бақо		
4	Руҳ	Мутмайна	Жабарут		Тажаллий афъолия
5	Руҳ	Мулҳима	Малакут	Айн ал яқин	Сирлар тажаллиёти
6	Руҳ	Лаввома	Барзах	Илм ал яқин	Руҳ-нурлар мушоҳадаси
7	Руҳ қафасда	Аммора	Шаҳодат олами	Ижмоъ Илми	Қалб оламига кириш

Нафсни тарбиялашда устоз - муршиднинг алоҳида ўрни борлигини Баҳоуддин Нақшбанд таъкидлаб, айтар эдилар: "Изо арадта мақома-л-абдоли фа-алайка табдилу-л-аҳволи" деганларидан мурод бу - Аллоҳ жалла жалолуҳуга суянган ҳақиқий муршид инояти орқали ахлоқни ҳамда ёқимсиз феълларни ўзгартириш билан нафсга қарши курашишдир".

Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: "Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолат (адашув)дан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир.

Ният - касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. Ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. Агар ният йўқ бўлса, умид натижа бермайди".

Нафс тарбиясида қалбни поклаш, ундан огоҳ бўлиб туриш асосий воситадир.

Баҳоуддин Нақшбанд ўз нафсининг тарбиясини қиёмига етказиб, комили мукамаллик даражасига етган эдилар. Шунинг учун ўзлари айтар эдилар: "Агар хоҳласам, нафсимни эллик марта сув лабига олиб бориб, яна ташна ҳолда қайтариб келаман". Баҳоуддин Нақшбанд қалбга руҳоний ва жисмоний олам ўртасидаги воситадир³¹⁰ деб баҳо беради ва шунга асосланиб тариқатга **в у қ у ф и қ а л б и** деган талабни киритади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "вуқуфи қалби" таълимоти икки маънони англатади. Биринчиси: "ҳақиқатни англашни истаган кишининг қалби Ҳаққдан огоҳ бўлиб туриши. Буни **ё д д о ш т** деб айтадилар"³¹¹. Шу маънода яна у "Вуқуфи қалбий" қалбнинг Ҳаққдан шу даражада **о г о ҳ** ва ҳозир бўлишики, худонинг ўзидан бошқа бирон нарса уни машғул қилмайди"¹, деб айтади. Бошқа жойда огоҳликни зарур ҳисоблаб, уни **ш у – ҳ у д, в у с у л** ва вуқуфи қалбий деб номлайди.

НАФС ТАРБИЯСИ

III жадвал

1	Нафс	Ҳолат	Тарбия воситаси	Рухнинг мақоми
1.	Аммора	Қилган гуноҳларининг фарқига бормасдан ўзини юксак ўринга қўяди. Кибрли.	Хавф-қўрқув ва рижо-умид бўлиши керак. Мушоҳада. Зикр	ШАҲОДАТ олами

³¹⁰Рисолаи қудсия. 87-бет.

³¹¹Рашаҳот. 28-бет.

¹Рашаҳот. 28-бет.

2.	Лаввома	Гуноҳ қилса, ундан пушаймон бўлади, виждони азоб беради	"Аллоҳ" зикрини давом эттиради. Фикр ва зикрдан лаззат олади. Бу дунёга муҳаббати йўқолади.	БАРЗАХ олами
3.	Мулҳима	Ахлоқи тузалади.	Зикрдан том маънода лаззат олади. Илоҳий исм ва сифатлар тажаллийси Охиратга муҳаббати йўқолади. Ишқ пайдо бўлади.	МАЛАКУТ олами
4.	Мутмаина	Дунёда ҳеч бир истаги қолмайди. Коинотда Ҳаққ феълларининг тажаллийсини кўради	Зикрда бўлади.	ЖАБАРУТ олами
5.	Розия	башарий сифатлар маҳв бўлади, илоҳий исмлар тажаллийсини кўради. Карамли бўлади. Тажаллий асмоия.	"Ла мавжуда, ва ла мақсуда, ва ла махбуба иллалоҳ"зикри .	БАҚО оламига хос сифатлар
6.	Марзия	Жамиъул жам. Тажаллии сифатия.	Зикр.	ВАЛОЯТ
7.	Сафия	Ризо Комил инсон.	ЗИКР.	ЛАҲУТ

Иккинчи маъноси: "Солик ўз қалбидан воқиф бўлиши ва т а в а ж ж у х қилиши яъни унга тўла юзланиши керак. У қалбини Тангри зикри билан машғул бўлишга чорлаши ва уни ғофил бўлишга қўймаслиги керак"².

Баҳоуддин нафасни сақлаш ва санокқа эътибор беришни асосий деб санамаган, лекин вуқуфи қалбийни шу икки маънода ҳам лозим деган. У бутун мақсадларнинг хулосасини вуқуфи қалбида деб билади ва шундай байтни келтиради:

Монанди мурғе бош к-он дар байзаи дил посбон.

К-аз байзаи дил зоядат мастиву завқу қаҳқаҳа³.

Мазмуни:

Шундай қуш каби бўлгинки у дил байзасига посбондир.

Чунки дил байзасидан мастлик, завқ ва қаҳқаҳа туғилади

Демак, вуқуфи қалби шундай таълимотким, инсон унга асосланиб, доимо барча ҳолат ва иш қилаётганида қалбига қараб огоҳ бўлиши, қалби бўлса фақатгина илоҳий нурларни тажаллий этиши керак. Шундагина инсон Оллоҳнинг ердаги халифаси ва бутун оламнинг гултожи вазифасини бажара олади. У шундагина кубро оламини ботинида акс эттириб, айна пайтда суғро олами бўлиб қола олади. Бу таълимотда таважжух ва муроқаб амалиёти бирлашган бўлади.

Ҳазрат Нақшбанд инсон руҳий камолотининг биринчи мақомини "тавба" ва уни қалб оламига киришнинг ибтидоси деб, тушунтирган. Тавба тушунчаси "қайтмоқ" маъносини англатиб, киши илоҳий даражага юксалиш йўлига кираркан, Ҳаққа элтадиган узоқ йўлдан яқин йўлга қайтади.

Баҳоуддин тавбани турли босқичларни ўз ичига олган ягона руҳий камолот жараёни деб билган. У тавбани тўрт гуруҳга бўлади.

1. Авом тавбаси - зоҳирий гуноҳлардан қайтиш.
2. Солиҳ тавбаси - ахлоқи замимадан қайтиш.
3. Тавбаи ботиния - қалбни поклаш учун қайтиш.
4. Муҳиблар тавбаси - ғафлатдан қайтиш³¹².

Зоҳирий гуноҳлардан қайтишни тавба мақомининг ибтидоси десак, ғафлатдан қайтиш даражасига етишни тавба мақомининг интиҳоси дейиш мумкин. Баҳоуддин таълимотидаги бу қарашларга

²Рашаҳот. 28-бет.

³Рашаҳот. 28-бет.

³¹²Ғури Али бин Аҳмад. Канз ал-ибод фи шарҳ ал-Аврод: Қўлёзма. Ўз ФАШИ, инв. N 2944/1. 2а-варак.

асосланиб, тавба мақомини куйидагича тасвирлаш мумкин. (11-чизмага қаранг)

ТАВБА МАҚОМИ

11-чизма

И Б Т И Д О

1. Авом тавбаси зоҳирӣ гуноҳлардан қайтиш
2. Солиҳлар тавбаси ахлоқи замимадан қайтиш
3. Тавбаи ботиния қалбни поклаш учун қайтиш
4. Муҳиблар тавбаси ғафлатдан қайтиш

И Н Т И Х О

Тавба мақомининг интиҳосига етиш кишининг руҳий камолотининг юксалганини кўрсатади.

Демак, тасаввуф йўлига қадам қўйган солиқ тавба мақомига киради ва залолатдан камолотга томон қайтиб, ғафлатдан хушёрликка томон юзланади. Юксалиб, тасаввуф остонасига қадам қўйгани ва илоҳий файз эшигига кира оладиган ҳолатга тайёрлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам тавбани "боб ул абвоб" - "эшикларнинг эшиги" деб айтганлар. Лекин, тавба мақомининг интиҳосига етолмаганлар қуйи босқичда турганлар. Агар киши фақат зоҳирӣ гуноҳлардан қайтса, у авом даражасида қолади. Замима ахлоқдан қайтган киши солиҳ бўлади. Тавба жараёнлари бир-бирлари билан боғлиқдир. Қуйи босқичларини ўтамаган киши юқори босқичга етолмайди. Олдинги даражага етмаган киши эса кейинги мақомларни ўтишга тайёр бўлмайди. Чунки илоҳий файзни қабул этиш йўлида ғов бўлган барча нарсалардан қайтиш учун тавба зарурдир. Бу мақомга етган киши бутун интилиши, таважжуҳини Тангрига қаратади ва ўзини назорат қила оладиган, бошқара биладиган бўлади.

Киши ўз хатоларини кўриб, ҳис қилиб, уларни тан олиши билан руҳи ва виждони орасида келишув пайдо бўлади, совун кирларни қандай кетгизса, инсон тавба билан маънавий кирлардан тозаланиб, қалби мусаффолашиб боради.

Нафс тарбияси ва қалб покланишида зикр амалиётининг аҳамияти бор.

Зикр - Тангрини ёдлаш бўлиб, тасаввуфда унинг номини тилга олиш ва бутун фикру қувватларни унга қаратишдир. Зикрни аҳли тасаввуф Ҳаққа етишмоқчи бўлган кишининг руҳий камолотида

фикрий қувватларни бошқариш, нафсни талқин этиш, тафаккурни камолот даражасига юксалтиришнинг энг яхши йўлларида деб биладилар. Зикр сўфийнинг мушоҳада ҳолатига киришига ёрдам беради. Зикр вақтида зокир Тангрининг номларини такрорлар экан, бутун рухий қувватларини Унинг идрокига сафарбар этади ва ботинида Ундан шавқ олади. Мушоҳада майдонига парвоз эта бошлайди. Хос кишиларнинг зикри - қалб зикридир, бу даражада зокирнинг қалб кўзи очила бошлайди. У ақл доирасини кесиб ўтади ва Тангрини қалбида ёд, балки идрок этади. Хожа Али Ромитаний бу ҳақда шундай деган:

Гар зикр ба дил расад дилат дард кунад,
Он зикр бувад, ки мардро фард кунад.
Гарчанд, ки хосияти оташ дорад,
Лекин ду жаҳон бар дили ту сард кунад³¹³.

Мазмуни:

Агар зикр қалбингга етса - дард пайдо қилур,
Ва бу зикр мардни яктои даврон қилур.
Зикрнинг қалбга аланга бериш хосияти бўлса-да,
Аммо икки жаҳон орзу-ҳавасидан совутгувчидир.

Қалб зикридан кейин махсус зикр бўлиб, бу даражада зокир фано ҳолатига етади. Бу тариқатдаги энг сўнгги, олий зикр ҳисобланади. Чунки тариқатда фано топмоқ - ишнинг интиҳосидир.

Накшбандия тариқатида Ҳазрат Баҳоуддин хуфия зикрни қабул этган. У "доим, ҳар қаерда, ҳар ким ва ҳар қандай иш билан банд бўлманг - қалб зикри билан машғул бўлинг, лекин бундан ҳеч ким воқиф бўлмаслиги лозим"³¹⁴, деб айтган.

Баҳоуддин қалбни очиш, поклашга зикрнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб шундай деган:

Зикр кун, зикр то туро жон аст,
Покии дил зи зикри Раҳмон аст.
Чун ту фориғ шави зи зикр ба зикр,
Зикри хуфия, ки гуфтаанд он аст³¹⁵.

Мазмуни:

³¹³Рашаҳот. 38-бет.

³¹⁴Рисолаи қудсия. 74-бет.

³¹⁵Рисолаи қудсия. 83-бет.

Зикр қил, зикр то жонинг бор экан,
Қалб поклиги Раҳмон зикридандир.
Зикр вақтидан фориг бўлмоқ керак,
Хуфия зикр деганлари шудир.

Рухнинг камолоти учун зикрнинг аҳамияти катта экан. Қалбнинг зикри мукамалликка етишгач, рухнинг зикри даражасига кўтарилади. Бу даражага етган солик илоҳий исмларни, нурларни кўради ва мушоҳада этади. Унинг эшитиш қобилияти юксалади. Бу даражага етган, тариқат йўлидан бораётган киши с и р зикри мақомига юксалади. Бу зикр муроқаба билан қўлга киритилиб, уни мукамал бажарган кишига илоҳий сирлар намоён бўла бошлайди. Ундан кейин зикри хафий даражасига кўтарилади. Бу мақоми сиддиқлар бўлиб, солик бу мартабага етишса зоти Аҳадиятнинг жамоли нурларини мушоҳада эта бошлайди. Зикрнинг энг юксак босқичи зикри ахфо бўлиб, унда фақат жаноби Ҳақ етакловчидир. Бу мақомга юксалган рух энг латиф бўлади. Амр ва Халқ олами латоифлари зикрда бўлганда зикри кулли мин жасад дейдилар.

Демак, зикрнинг энг қуйи босқичи т и л зикри бўлиб, унинг энг юксак даражаси зикри ахфодир. Олийси зикри кулли мин жасаддир. Рух зикр давомида латифлашиб боради. Тил зикридан юқори зикр даражаларига ета бошлаган сари у латифлашаверади. Энг латиф рух бу ахфо даражасига етган кишининг руҳи бўлиб, у бутун олам асл жавҳарлари ичига ғарқ бўлади. Зикрнинг таъсирида кишининг руҳий камолоти кейинги бетдаги 12-чизмада тасвир этилган.

Зикр давомида латифлашиб бораётган кишининг ҳолатлари ҳам ўзгариб боради ва рух тан қафасидан чиқиб, сайр эта бошлайди.

Бардавом зикр қалб гавҳари имонни мустаҳкамлайди. Тасаввуф тушунчасида имон соф, холис, риёсиз илоҳий ишқдир. Сўфийлар Тангрининг ошиқларидирлар. Шунинг учун уларга фақат У ва унинг ризолиги керак. Уларнинг қалбида Тангридан ўзга нарсага нафратга ҳам, муҳаббатга ҳам жой қолмайди ва шу ишқ туфайли улар бутун борлиқни Тангрининг жамолу жалоли деб биладилар.

ЗИКР ФОЙДАЛАРИ

12-чизма

Зикр тури	Ф о й д а с и
Тил зикри.	Қалб ғафлатдан уйғонади.
Нафс зикри.	Ички ҳис билан англаш вужудга келади.
Қалб зикри.	Мулоҳаза ила виждон билан Оллоҳ ҳис этила бошланади.
Рух зикри.	Илоҳий исмларнинг нурларини мушоҳада этади ва эшитади.
Сир зикри.	Муроқабба орқали амалга ошади, илоҳий сирлар инсонга очилади.
Зикри хафи.	Мақоми сиддиқияда зоти аҳадиятнинг жамолининг нурларини мушоҳада этади.
Зикри ахфо.	Энг сўнгги мақомда бўлганларнинг зикри бўлиб, фақат Ҳақ уни етакловчиму та оли бўлур. Бу мақомга етишган рух руҳларнинг энг латифи бўлур.
Зикри кулли мин - жасад.	Тўла фано бўлиб, бақо ҳолатига этади.

Яъни уларнинг қалбларига Тангри томонидан яралганларнинг барчаси сиғади. Бундай соғлом, пок қалб ҳақида Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган:

Ошиқ ту яқин дон, ки мусулмон набувад,
Дар мазҳаби ишқ куфру иймон набувад.
Дар ишқ тану, ақлу дилу жон набувад.
В - он кас ки чунин набошад ў он набувад³¹⁶.

Мазмуни:

Ошиқ аниқ билки, мусулмон бўлмас,
Ишқ мазҳабида куфру иймон бўлмас.
Ишқда тану, ақлу дилу жон бўлмас,
Ҳар кимки бунингдек бўлмас у он бўлмас.
(яъни ошиқ бўлмас).

³¹⁶Мақомот. 55-бет.

Баҳоуддин нафсни жиловлаш асосида банданинг қанча табиий истаклари ва шу таъсир асосида вужудга келадиган ихтиёрий сифатлари камайса, шу миқдорда унинг башарий вужуди йўқ бўлади ва натижада банданинг олий ҳақиқатга яқинлиги тобора ортиб боради, деб шундай таъкидлаган:

Қурби Ҳаққ дурии туст аз буди хеш
 Бе зиёни худ наёби буди хеш³¹⁷.


Мазмуни:

Тангри билан яқинлигинг ўзингдан узоқлашмоғингдир.
 Ўзингга ёмонлик қилмай туриб яхшилик топмайсан.

(Риёзат чекмасдан туриб ўз аслингни топа олмайсан.) Демак, нафсни жиловлаш руҳнинг камолотига ёрдам беради.

Нақшбандия таълимотида руҳ ва унинг камолоти масаласини тушуниш учун н у з у л - тушиш ва у р у ж - чиқиш тушунчаларини англаш лозим. Руҳлар асл яратилган жойларидан то бу моддий оламгача н у з у л бўлади ва кейинчалик жисм кийимига ўралашганида қилган амалларига мутаносиб ҳолатда аслига томон у р у ж қилади, яъни қайта ўз аслини топади. Бу жараён қуйидаги тарзда амалга ошади:

13-чизма



Руҳ жисмга кирганидан кейин бу олам билан боғланишлар уни аслидан узоқлаштиради. Руҳнинг ўз аслини топишига муршид – комили мукамаллик даражасида юксалган шайх ёрдам беради.³¹⁸

³¹⁷Рисолайи қудсия. 67-бет.

³¹⁸Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338 х. й 19-бет.

Нақшбанд "худро ба дар мон ва он гоҳ даро"³¹⁹ деб нафсни тарк этсанг, илоҳий даргоҳга кирасан, деган. Унинг шу мавзуда куйидаги рубоийси мавжуд:

Дар раҳи ту хошоку хасе нест, туи,
Зеро девори вужуди худ туи.
Кунжи захар ганжи гуҳар шавад зи ту,
Гар зи миён бархези.³²⁰

Рухнинг манзил ва мақомлари, унинг сайр этиши, тасаввуфий адабиёт ва тадқиқотларнинг доим диққат марказида турган. Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳам бу масалага доир ўз қарашлари бор. "Рисолаи қудсия"да унинг бу соҳадаги фикрлари батафсил келтирилган.

Баҳоуддиннинг бу масалага оид қарашларидан маълум бўладики, рухнинг биринчи парвозини у "Сайри Илаллоҳ" деб атаган.

Баҳоуддин фикрича, рухнинг Тангрига томон сайри хос кишиларнинг ишидир. Уни ҳар ким қидиргани билан топавермайди ва ҳар ким сулук қилгани билан етавермайди.

Назм:

На ҳар садаф, ки фуру кард қатраи борон,
Даруни синаи ў гашт жои дурдона,
Садаф бибояду борону баҳр чандин сол,
Ҳануз нест муҳаққиқ, ки мешавад ё на,
Ғаввосиёнро агарче биме набувад.
Дури садафи дури ятими набувад,
Дар умр ба нодир ончунон меафтад
В-ин давлат ҳар сияҳ гилеме набувад³²¹.

Мазмуни:

Ҳар қандай садаф ўз ичига ёмғир томчисини олгани билан,
Унинг ичи дурга жой бўлавермайди.
Садаф дур бўлиши учун ёмғир, денгиз ва неча йил керак.
Бироқ, бу билан ҳам дур ҳосил бўладими-йўқми аниқ эмас.
Ғаввосийларга қўрқинч бўлмаса-да,
Садафдаги дур етим дури бўлавермайди.

³¹⁹Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338 х.й. 55-бет.

³²⁰Рисолайи қудсия. 127-бет.

³²¹Рисолайи қудсия. 68-бет.

Булар ҳаётдаги нодир ишлардир.

Ҳар қандай қора гиламни давлат деб билмаслик керак.

Демак, бу мисраларда руҳнинг сайрини садафда дурнинг ҳосил бўлиши жараёни билан ўхшатмоқдалар. Садаф ичида ҳар қандай ёмғир томчиси дурга айланмаслиги ҳар киши ҳам сулук йўлидан бора олмаслигига ишоратдир. Дур бўлиш учун садаф, ёмғир, денгиз ва неча йиллар керак бўлгани каби сулук йўлидан бораётган киши садафдек хомуш бўлиши, ёмғирдек илоҳий файзни қабул этиши ва денгиздан олам моҳияти ичида фарқ бўлиши лозим, бироқ шунда ҳам йиллар - риёзат кераклиги уқтирилмоқда. Шулар бўлганда ҳам ҳали дур ҳосил бўладими ёки йўқми, руҳий сайр орқали солиқ мақсадига ета оладими ёки йўқми, маълум эмас, дейилмоқда.

Демак, руҳнинг камолоти башарий истаклардан воз кечиб, Тангрига томон сайрдан бошланиб, кейин унинг ичидаги сайр даражасигача юксалар экан.

Манбаларда тариқат йўлидан бораётган солиқ руҳи сайр манзилларининг қуйидаги беш мартабаси борлиги кўрсатилган:

1. Сайри илаллоҳ мартабаси - Оллоҳ йўлига томон юриш. Бу мартабага етган ва камолот йўлига кирган киши н а ф с нинг манзилларидан қутулиб, асл вужуд томонига-равшан у ф қ қ а қараб ҳаракат қила бошлайди. Бу мақомда Ҳақ жамолини тўсиб турувчи к а с р а т (кўплик) ҳ и ж о б лари кўтарилади. Бу қ а л б мақомидир. Яъни қалб оламига кирган кишининг даражасига бу мартаба мос келади. Бундай кишилар Оллоҳ исмларининг моҳиятига етган ва илоҳий ахлоқ билан ахлоқланган кишилар бўладилар.

2. Сайри филлоҳ - Оллоҳнинг йўлида юриш мартабаси. Бу даражага юксалган, камол топган шахс илоҳий сифатларни қабул этади ва улар билан сифатланади. Амр оламининг латоифлари ўрнини топади. Унда башарий сифатларнинг барчаси йўқолади. Бу даражага юксалган шахснинг илми юқори бўлиб, у л а д у н и й и л м нинг соҳиби даражасида бўлади.

3. Сайри маъа Оллоҳ- Оллоҳ билан ҳамкорликда юриш мартабаси. Бу мақомда б а н д а барча ҳолат, иш, феъл ва сўзда Оллоҳ билан бирга бўлади. Киши бу сайрда т а ф р и д в а т а ж а р р у д мақомига етади. Унда иккилик ҳолати тамоман йўқолади. Қул ҳазрати аҳадият мартабасига етишган бўлади. Бу мақомни қоба кавсайдан авададно, яъни Муҳаммад пайғамбар меърожга чиққанида

Оллоҳга қай даражада яқинлашган бўлса, шу даражага етган деб ҳисоблайдилар. Бу сафарнинг ниҳояси бўлган айн ул жамъда бутун борлиқдаги зидлар ўртадан кетади.

4. Сайри аниллоҳ - Оллоҳ йўлидан қайтиш мартабаси. Яъни бу бирликдан кўплик сари йўлдир. Ундан мақсад Ҳакни кўриб, Унинг моҳиятини англаган кишининг халққа қайтиши ва бошқаларни шу йўлдан бошқаришидир. Кишиларга иршод этиш бу мақомнинг аслидир. Бу мақомни "бақо баъд ал фано", "фарқ баъд ал жамъ" деб ҳам номлайдилар. Бу мартабага етган шахс ваҳдатда касратни, касратда ваҳдатни кўради. У илми аъло бўлган ладуний илмни тўла ўрганишдан паст илмларга томон тушади ва шулар воситаси ила халқни тарбиялайди. Улардан яна илми мумкинотга қайтади.

5. Сайр фил ашъ - нарсалар йўлида юриш мартабаси. Барча нарсаларнинг асли, яратилиш хислати ва хосияти, тартиби ва ўрни бу кишиларга намоён бўлади. У барча нарсалар илмини қалби билан кўради. Инсон тўла музмаҳил - йўқ бўлади. У шу адам, музмаҳил йўқлик илмини ўрганади. Бу "талвин баъд аз тамкин" дейилади. Яъни тамкин мақомига етган шахс ҳар бир нарсанинг тусланиши, жиловланиши, ранглари ва хоссаларида илоҳий қудратни кўради. Бу мақомларнинг энг юксагидир. Бу пайғамбарларнинг махсус мақомидир. Буни биз кейинги бетдаги 14-чизмада тасвирладик.

Демак, руҳий, маънавий камолот фоний, ўзгарувчан олам, нафс, башарият ва табиат олаmidан Оллоҳга томон йўл билан бошланади ва Оллоҳ йўлига кирган кишига энди Оллоҳнинг ўзи ҳамроҳ бўлиб, бирга олиб юради. Тўла камолга етганидан сўнг уни қайтиб халққа юборади ва у кишиларни ҳидоятга бошлайди. Энг олий мақом - унга бутун нарсалар илми очилади ва унинг ўзи борлиқнинг асли билан йўқ бўлиб кетади.

Инсон камолотининг барча босқичларида нафс тарбияси муҳимдир. Баҳоуддин Нақшбанд орифлик даражасига етган кишиларнинг руҳий камолот йўллари ҳақида шундай ёзади: "О р и ф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга - м у р о қ а б а, м у ш о ҳ а д а ва м у с о ҳ а б а га бўлинади³²². Демак орифлик даражасидаги шахслар бу уч восита билан ўзини бошқаради.

М у р о қ а б а - орифларнинг руҳий камолот йўлларидан биринчисидир. "Билгинким, муроқабамуштоқ бўлишдир.

³²²Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. 78а-варақ.

Муроқабат тараққабат-интизор бўлмоқ сўзидан олинган. бунда солиқ-Ҳақ йўлидан бораётган киши ўзига хос ҳайъат билан ўтириб ва Оллоҳдан келадиган файзга интизор бўлади. Шунинг учун уни муроқабат деб атайдилар"³²³. Демак, муроқабат-муштоқлик, интизорлик бўлиб, Оллоҳдан келадиган файзга мунтазир бўлиб туришга айтилар экан. Нақшбанд муроқабат ҳақида яна шундай деган: "Муроқабат Ҳаққ йўлидан бораётган кишининг доимо аҳадият яққаю ягона Оллоҳ жамолининг нозирини бўлиши, ундан ўзга нарсаларни унутиши, йўқ деб ҳис этиши ва фано ҳолатида бўлишидир"³²⁴. Бошқача қилиб, тағин у таъкидлайди:- "Яратувчига доимий назар қилиш билан одамларни унутиш-муроқабатдир", "ёки айтамин давому-л-назари ила-л холиқи би-нисийни руъяти-л махлуқи"-яралганларни кўришни унутиш билан яратувчига доимий назар қилиш, яъни бу йўлда юрувчи доимо Тангри жамолига нозир (назар қилувчи) бўлиши керак. Унутиш, йўқлик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига битиши лозим. Нақшбанд таъкидлайдилар: "Муроқабатнинг давомийлиги нодир ҳолдир. Биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршиликдир"³²⁵.

Тариқат солиқларнинг руҳий камолот мартабалари

14-чизма

№	Руҳ сайри	Солиқ ҳолати	Солиқ мақоми
1	Сайри иллалоҳ (Оллоҳга томон сайр).	Нафс манзилларидан қутулиб, вужуди ҳақиқий тарафига уфқи мубинга сафар этмоқдир.	Ҳаққнинг жамолидан касрат хижоблари кўтарилади. Қалб мақомида бўлади. Бунинг Оллоҳ исмларининг ҳақиқатига етганлар ва илоҳий ахлоқ билан ахлоқланганлар қўлга киритади.

³²³ Абдурахим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия - мужаддия 71-бет.

³²⁴ Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. 78-бет.

³²⁵ Мақомот. 66-бет.

2	Сайри филлоҳ-Оллоҳ йўлида сайр.	Оллоҳ сифати билан сифатланади, унинг ахлоқи билан ахлоқланади. Уфқи олий аълога эришади.	Башарий бутун сифатлардан узоқлашади. Бу йўлнинг охирида илмнинг пардаси кўтарилади. Ладуний илм соҳиби бўлади.
3	Сайри маъа Оллоҳ-Оллоҳ билан бирга сайр	Қул ҳар мартабада Ҳақ биландир. Иккилик ўртадан кетади. Ҳазрат аҳадият мартабасига етишган бўлади.	Қоба кавсайн ав-ададномақоми. Валийлик хулласига кийинади. Сафар ниҳоясида айн-ул жамъда бўлади. Бутун зидлар ўртадан кетади.
4	Сайри аниллоҳ-Оллоҳ йўлидан қайтиш сайри.	Бирликдан кўплик сари йўли. Мақсад Ҳақдан Ҳалқга қайтиш ва уни тарбия этиб иршод этмоқ. Маротиби вожиб ал вужуддан илми асмо ва сифатга ва ундан илми мумкинотга қайтади.	Бақо баъд-ал-фано, сафих баъд ал махф, фарқ баъд ал жамъ мақоми дейилади. Бу мақомда қул ваҳдатда касратни, касратда ваҳдатни, озликда кўпликни ва кўпликда озликни кўради. Қул бу мартабада илми аълодан илми асфалга тушади.
5	Сайр фил ашё нар-саларда сайр.	Қулларнинг ашё устидаги сайри, улар илмини илк сайрда қалбада музмаҳил бўлиши.	Бу мақомда музмаҳил бўлган илмни қўлга киритади. Бунга талвин баъд ал тамкин дейилади. Бу мақомларнинг энг юксагидир. Бу пайғамбарларнинг махсус мақомидир.

Демак, юқорида берилган икки таърифдан кўриниб турибдики, муроқабатўла Оллоҳга юзланиш бўлиб, бошқа барча нарсалар асли Оллоҳ эканини кўриш, бошқа нарсаларнинг йўқ бўлиб кетишини шу даражада англашки, уларни кўрмаслик ҳолатига етиш. Муроқабат, Абдурахим Нақшбандий таърифича ўзига хос ўтириб, файзни кутиш бўлса, Баҳоуддин Нақшбанд уни чуқурроқ ва кенгроқ тушунтириб беради, яъни ҳамма вақт ҳамма ҳолатда ўзингиз шу оламда бўла туриб, унинг билан машғул

бўлсангиз-да, бу олам касратини эмас, уларнинг асли бўлмиш Оллоҳни кўриб туриш даражасига етиш, дейди. Бу билан доимо нафсни жиловлаб туриш мумкин дейди.

Ундан шундай ўгит сақланган:

Доим, ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳамма кор

Мидор нуҳуфта чашми дил жониби ёр³²⁶.

Мазмуни:

Доимо, ҳамма ерда, ким билан бўлсангда, барча ишда,

Қалб кўзингни яширин ҳолатда ёр-Оллоҳга қаратиб тургин.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг ўзи шундай камолот даражасига етган бўлганки, биринчи халифалари Алоуддин Аттор шундай нақл қилади: " бизнинг хоҷамиз муборак нафасларидан кўпинча шундай бўлардики, толиблар аввалги қадамлариданок муроқабани давлатига ва бу назар кўпайса ва унинг табиатига иноят қилиб кўпроқ эътибор қилсалар адам-йўқлик даражасига етар эди, бу назар ундан ҳам кўпайса фано даражасига етиб, ўзларидан тўла фоний бўлиб Ҳақда боқий бўлар эдилар"³²⁷.

Абдурахмон Жомий таважжуҳ ва муроқабани Ҳаққа етишишнинг бир шарти сифатида эътироф этган³²⁸. Таважжуҳ тўла юзланиш ва муроқабани файзга интизор бўлиши экан.

Нақшбандия аҳли орасида қуйидаги муроқабани ҳолатлари мавжуд: 1.Муруқабани аҳадият. 2.Муруқабани қалб. 3.Муруқабани руҳ. 4.Муруқабани сир. 5.Муруқабани хафи. 6.Муруқабани ахф. 7.Муруқабани байъат. 8.Муруқабани Исм-аз-Зоҳир. 9.Муруқабани Исм-ал-ботин. 10.Муруқабани камолоти нубувват³²⁹.

Муруқабани аҳадиятда Оллоҳнинг якка-ягоналиги, мислсиз ва поклигини тасаввур этиб, унинг шу сифатларидан келаётган нурларни, файзларни қабул қилишдир. Ундан кейинги бешта муруқабани нақшбандия таълимотида инсонда мавжуд бўлган Амр оламининг беш латоифи муруқабасидир. Шу латоифларнинг асли бўлган зотга юзланиб қалб, руҳ, сир, хафи, ахф билан файз олиш туфайли уларни фанога етказиш ва инсон ўз зотининг жавҳари билан юзма - юз бўлиши мумкин. Муруқабани байъатда инсон Оллоҳни қандай дўст тутса, у ҳам инсонни шундай дўст тутишини англаб туриб муруқабани ҳолатида туришдир. Зоҳир ва

³²⁶Рисолаи Мавлави Жоми. - Бухоро: Бухорои шариф, 1327 х. й. 138-бет.

³²⁷Мақомот. 44-бет, Анис ат-толибин. - В. 79-бет.

³²⁸Рисолаи Мавлави Жоми. 147-148-бетлар.

³²⁹Абдурахим Нақшбанди. Шажарайи таййибайи машойихи нақшбандия - муҷаддидия. 58-84-бетлар.

ботин - бу Оллоҳнинг исмлари бўлиб, бутун оламда бор нарсалар унинг зухуроти эканлиги ва шуларнинг ботинида ҳам унинг моҳияти турганлигини англаб туриб Оллоҳга юзланиш мувоқабати исми Зоҳир ва ботин бўлади. Камолоти нубувват мувоқабати Оллоҳнинг биринчи яратган нури ва бутун борликдаги энг мукаммал дўсти Муҳаммад эканлиги ва унга берилган рисолат ҳам мукаммал эканлигини англаб қилинган амалиётдир. Бу мувоқабалар натижасида инсон ва Оллоҳ ўртасидаги пардалар тўла кўтарилади³³⁰.

Баҳоуддин нигоҳдошт талабини фикрлар мувоқабати деб таърифлаган³³¹.

Ориф руҳий камолотида мувоқабата

15-чизма

Натижа	Илоҳий гўзал ахлоқ билан безаниш	
Мувоқабата босқичи	Мувоқабата олами	Етишган камолот даражаси
Ахфо	Ахфо олами	Муҳаммад машраб
Хафий	Хафий олами	Исо машраб
Сир	Асрор олами	Мусо машраб
Рух	Арвоҳ олами	Иброҳим машраб
Қалб	Қалб олами	Одам машраб
	инсон	

Орифлар руҳий камолот йўлларида иккинчиси деб ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мушоҳадани кўрсатган. Мушоҳада ҳақида у шундай дейди: - "Мушоҳада – воридоти ғайбия дурки қалбга нузул этур"³³². Бу таърифнинг мазмунини тушуниш учун "Воридоти ғайбия"ни тушуниш керак. "Воридоти ғайбия"- ғайб оламидан кирувчи ҳолатдир. "Нузул" юқоридан тушиш маъносини англатади. Демак, авлод-аждодлар, фарзанду шогирдларимизнинг қувватлари бир-бири билан боғланган бўлиб,

³³⁰Аҳмад Сирхинди Мужаддиди Алфи Сони. Панж латоифи нодираи муаззама Бухоро: Когон, 1338. х. й. 22-бет.

³³¹Рисолаи қудсия. 84-бет.

³³²Мақомот. 66-бет, Анис ат-толибин. -В. 79-бет.

ана шу рухий занжирнинг қайсидир ҳалқасида бирор савоб иш қилинса, инсон қалбида ғайб оламидан шодлик тушади, хато қилинса кўнгли қора бўлади.

Демак, ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд мушоҳадага берган таърифни шундай изоҳлаш мумкинки, бу бизга кўринмас оламда бўлган ҳолат-(ёмон - ёяҳши) нинг қалбга тушиши.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мушоҳада ҳақида фикрини давом эттириб, шундай дейди: "Замон ўтувчидир, яъни унда сокинлик йўқ, шунинг учун ғайб оламидан кираётган бу ҳолатларни идрок қила олмаймиз. Лекин бу ҳолатнинг қалбга тушиши натижасида бизда сифат ўзгариши бўлади. Қалбга кирган ҳолатнинг сифатига қараб бизда қабз - сиқилиш, ёки баст - шодлик бўлади ва бундан биз уни била оламиз. "Қабз ҳолида мушоҳадаи жалол ва баст ҳолида мушоҳадаи жамол этармиз".

Ҳаққа етишмоқчи бўлган киши мушоҳада даражасида юксалиши учун қалбининг ҳар бир ҳолатини кузата оладиган бўлиши ва шу ҳолатнинг сабабларини таҳлил этиб топа оладиган бўлиши керак. Бунинг учун инсон "хуш дар дам", яъни ҳар бир нафасда хушёр Оллоҳдан огоҳ бўлиши, ғафлатни тарк этган бўлиши лозим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтар эди: "Зикрнинг ҳақиқати - ғафлат майдонидан чиқиб, мушоҳада фазосига чиқишдир"³³³. Демак, қалбнинг ғафлатдан уйғонишида зикр - Оллоҳни ёдлаб туришнинг аҳамияти катта экан. Қалб тирилгандан, аслини танигандан сўнг ҳар бир нарсанинг асл сабабини била оладиган ва кўра оладиган даражага етгандан кейин ўз ҳолатини мушоҳада эта олар экан. Қалб тарбияси мушоҳада даражасига кўтарилишимизнинг асосий йўлидир. Бу бизнинг фалсафамизга кирган мушоҳада тушунчаси билан тамоман фарқ қилади.

Баҳоуддин Нақшбанд ёддошт талабини мушоҳада деб таърифлаган³³⁴.

Баҳоуддин Нақшбанднинг "вуқуфи замони" тамойили нафсни жиловлаш учун жуда катта аҳамиятга эга. "Бу қоидага асосан, банда ҳамиша ўз аҳволидан воқиф бўлмоғи лозим, токи ҳар бир сифат ўзгаришда (замонида) банданинг ҳоли қандай кечади, мавжиби шукр бўладими ёки мавжиби узрми. Бу деган гап, солиқ(Ҳақ йўлидан бораётган киши) ўз умридаги ҳар бир дақиқани,

³³³Рисолаи қудсия. 84-бет.

³³⁴Мақомот. 66-бет.

яхшилиқ(хайр) билан ўтдимиди ёки ёмонлик (шарр) билан ўтдимиди, буни доимо ҳисоб-китоб қилиб яшамоғи даркор"³³⁵.

Демак, "вуқуфи замони"га асосан Ҳақ йўлидан бораётган шахс ўз аҳволини назорат қилиши, тўғри иш қилган бўлса шукр қилиши, гуноҳ қилган бўлса истиғфор айтиб, Оллоҳдан мағфират сўраши лозим.

Мавлоно Яъқуби Чархий маълумот берадиким, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менга, оғир ҳолатимга истиғфор этишга, тавба қилишга ва яхши, хуш аҳволимда шукр этишга амр этардилар ва шу икки ҳолатга риоя этиш вуқуфи замони эканлигини айтар эдилар.

Мусоҳаба – орифлар руҳий камолининг учинчи йўлидир. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бу учинчи йўл - орифларнинг Ҳаққа этиш воситасини шундай изоҳлаган: "Мусоҳаба - ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонамиз ҳузур билан ўтдимиди ёки нуқсон биланми, агар ҳаммаси нуқсон билан ўтган бўлса қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз"³³⁶.

Баҳоуддин Нақшбанд мусоҳаба билан вуқуфи замони тушунчасини бир маънода ишлатади³³⁷.

Мусоҳаба даражасига этиш учун ориф вақтнинг қадрини биладиган бўлиши керак. Нақшбандия тариқати аҳли орасида бутун тасаввуф аҳлига хос бўлганидек, вақт жуда қадрланган. Вақтнинг нақадар қимматли ва азиз эканлигини билиш лозимлигини солиқларга уқтирганлар. Уни бекорга зое этиб сарфлашдан уларни сақлаганлар. Зеро, вақт - нақддир. Уни бошқа қайтариб бўлмайди. Шунинг учун солиқлар йўлнинг қайси мартабасида бўлсалар ҳам вақтни муҳофаза ва муҳосаба этиб, уни зое этмасликка ҳаракат қилганлар. Туркиядан чиққан "Тасаввуфий ахлоқ" деган китобда муҳосаба ҳақида гап кетганда қуйидаги мисралар ёзилган:

Нақди умри йўқ ерга сарф этма ғафлат айлайиб,
Ҳар замон тоатда бўл, ул ғафлатла эптар бўлмагил.
Вақтингга олим бўлиб, дарк айла дуру нафъини,
Бўлма жоҳил вақтингга, хусронга мазҳар бўлмагил³³⁸.

³³⁵Рашаҳот. 26-бет.

³³⁶Ўша ерда. 66-бет.

³³⁷Мақомот. 64-бет. , Рашаҳот. 26-27-бетлар.

³³⁸Аҳмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлоқ. Истанбул: Сеа, 1985. 102-бет.

Вақтни сақлаш, асраш учун бу таълимот кундузлари - рўздор, кечалари бедор бўлишни талаб этади. Яъни вақтни ейиш ва ухлашга сарфламасдан, оз ейиш, оз ухлаш керак, дейди. Қалбни беқарорликдан, Оллоҳдан ўзгага боғланишлардан ҳимоя этиш, тилини куруқ сўздан, кўзини фойдасиз нарсага боқмоқдан, кулоқларни кераксиз ва гуноҳкор овозлардан, оёқларини беҳуда ерга, гуноҳга ботган жойларга боришдан муҳофаза эта олиши керак. Ҳаром ва шубҳали нарсаларни ейишдан жуда ҳам сақланиши керак. Ахлоқи замимани тўлалигича тарк этиши, бу моддий дунёдаги тааллуқотларини узиши лозим. Вақтида қилиниши лозим бўлган тоат ва зикрларни қилиш, уни бошқа замонга қолдирмаслик керак. Дангасалиқдан жуда сақланиш керак.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд асослаган бу тариқат аҳли ўртасида шундай фикр ҳукмрон бўлган: "Мусибатлар жуда кўпдир. Фақат энг буюк мусибат эса вақтнинг фойдасиз, бекорга кетишидир"³³⁹.

Мусоҳаба вақтида ориф ҳар бир нафасини назорат қилиши ва агар ғафлат билан ўтган бўлса бозгашт қилиш керак³⁴⁰, яъни ишни қайтадан бошлаши лозим дейди.

Бозгашт Нақшбандия тариқатининг қабул этилган 11 умдатининг бири бўлиб, Абдулҳолиқ Гиждувоний томонидан киритилган. Киши қилган амалини бошдан қайта назорат этиб калимаи тойибани қайтариши ва унинг орасидан "Худовандо мақсуди ман туи ва ризогии ту!" - "Аллоҳим менинг мақсудим сенсан ва сенинг ризолигингни тилайман"- дейиши керак. Ҳаракат қилиши керакки, ҳар бир нияти, қалб ҳаракати, амали холис фақатгина Оллоҳнинг ризолиги учун бўлсин.

"Мақомот" да мусоҳабани изоҳлашда Баҳоуддин Нақшбанд устози Ҳазрати Азизоннинг қуйидаги нақлини келтирган: - "Амал қилмоқ керак, қилинмагани ҳақида фикрлаш ва ўз хатоларини англаб амални бошдан бошлаш керак. Йўл мана шу уч тариқадан экан, бу учтадан бошқа йўлни қидирган киши уни топа олмайди"³⁴¹.

Демак, асосий талаб ҳаракатсиз, ишсиз, амалсиз ўтирмаслик бўлиб, айни вақтда ишнинг қилинмаган томони ва хатосини топиб,

³³⁹Ахмад Заҳид Кутку. Тасаввуфи Ахлак. Истанбул: Сеа, 1985. 102-бет.

³⁴⁰Рашаҳот. 26-27-бетлар.

³⁴¹Мақомот. 66-бет.

уни бошдан бошлаш керак экан. Буларнинг ҳаммаси Оллоҳнинг кўмаги ва марҳамати билан амалга ошар экан.

Булар рухий камолот масаласи нақшбандия таълимотининг муҳим масаласи эканлигидан далолат беради. Умумий хулоса қилиб айтиш мумкинки:

1.Инсоннинг камолоти учун нафс тарбиясига эътибор муҳимлигини нақшбандия таълимоти исбот этган.

2.Нақшбандия таълимотида нафс тарбияси етти босқич бўлиб, унинг қувватлари аммораликдан, лаввомаликка, ундан мулҳима ва мутмаъина, улардан марзия ва розия даражасига тарбиялаб, сафия босқичига етказди ва инсоннинг асл илоҳий моҳиятини англашга ёрдам беради.

3.Инсон рухий камолотининг ибтидоси қалбни поклаш бўлиб, ундан руҳ, сир, хафи, ахфо даражаси латифлашиб боради.

4.Нафс тарбияси ва қалбни поклашда нақшбандия таълимоти хафий яширин зикрнинг аҳамиятига юқори баҳо беради.

5.Нафснинг тарбияси рухий сайр асосида амалга ошади.

6.Нафс тарбияси ва комил инсон бўлишда Баҳоуддин Нақшбанднинг вукуфи қалби-қалбдан огоҳ бўлиш ва вукуфи замони - вақтдан огоҳ бўлиш рашҳаларининг аҳамияти каттадир.

7.Орифларнинг нафс тарбияси муроқаба, мусохаба ва мушоҳада орқали амалга ошади.

4. 2. ХУШЁРЛИК УЙҒУНЛИК ЙЎЛИ

Тасаввуф оламида вужудга келган турли сулуклар комил инсон бўлишнинг турли йўл ва ўзига хос услубларини топганлар. Манбалар таҳлили кўрсатадики, барча йўлларни умумий бўлган хусусият - хушёрлик ва хушсизликка муносабатига қараб иккига бўлиш мумкин. Тасаввуфда хушсизлик - суқр ва хушёрлик - сахв - йўли деб аталади ва манбаларда Боязид Бастомий ва Жунайд Бағдодий йўли ёки ишқ ва маърифат йўли деб ҳам ёзилади.

Тасаввуфдаги икки оқим - хушсизлик ва хушёрлик оқими нақшбандия тариқатидан анча олдин вужудга келган. Бу икки оқим ҳам амалиётда илоҳиёт билан интуитив етишиш мумкинлигини тан олиб, бунга эришишнинг рухий йўлларини кўрсатганлар.

Тасаввуфдаги хушсизлик - ёки суқр йўлини анъанавий Боязид Бастомий (ваф. 874 й.) билан боғлаганлар. Унинг таълимотида энг биринчи экстаз ва илоҳий ишқдан маст ҳолатига тушиш (суқр)

характерлидир. Бу оқим тарафдорлари Оллоҳнинг ягоналиги мушоҳадасига тўла ва чуқур берилиш ботиний покликка олиб келади ва шахснинг "Мен"и абсолют даражада йўқолиб, фано ҳолатига етади ва шахс илоҳий сифатни эгаллайди деган фикрда турадилар.

Иккинчи саҳв хушёрлик оқими Абулқосим Жунайд Бағдодий (ваф. 910 й.) фаолияти билан боғлиқ. Унинг таълимоти шахснинг илоҳий сифатини тўла эгаллаш - фано ҳолатига тушишни тан олади. Лекин Жунайд фанони фақат ундан юксакроққа кўтарилишнинг оралиқ йўли, воситаси деб билади. Шахс янада юксакроқда хушёрлик ҳолатига етиши керак. Оллоҳни билиш уни бақо даражасига олиб келишни ва илоҳий моҳиятни англаган шахс тўла ўз-ўзини бошқариш ва кузата олиш қувватига эга бўлиб, ўзини экстаз ҳолатидан қўлга олиб, яна бу оламга қайтиши ва кишиларга маърифат бериши керак дейди. Бу оқим хушёрлик номини олди, чунки у ўз ҳисларига хушёр, танқидий қараш ва уларни тўла назорат қилишга асосланади. Бу оқим тасаввуфда мўътадил оқим деган ном билан ҳам юритилади.

Саҳв - хушёрлик йўлининг асосчиси Жунайд Бағдодийни "султонал муҳақиқин" ва "абул машойих" номлар билан тилга олардилар. Унинг фикрича, ориф - мастлик ва беҳудлик ҳолатидан ақлга келиши керак ва ўзини англаши лозим ва Ҳақни ўз қалбида мушоҳада қилиши керак. Жунайд фикрича, саҳв - хушёрлик Оллоҳга бўлган солиқнинг руҳий муносабатини мустаҳкам сақлай олади. Унинг фикрича, солиқнинг ўнг қўлида муқаддас китоб - Қуръон ва чап қўлида суннатни сақлаган шахс тариқат йўлини босиб ўта олади. Абдурахмон Жомийнинг "Нафаҳотул-унс" асарида Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳақида берилган таърифда "рўй ба роҳи Ҳақ дорад ва китоби худойро иззу ва залла ба дасти рост гирад ва суннати расулро ба дасти чап гирад ва дар миёни ин рўшнои роҳи сулук кунад"³⁴². Мазмуни: солиқ "Юзини Оллоҳга борадиган йўлга қаратиб илоҳий китобни ўнг қўлида, Расул суннатини чап қўлида олиб ва бу ёруғлик орасида сулук йўли ила борган" дейилган. бу сўзлар билан Жунайд Бағдодий кўрсатган йўл-йўриқлар айнан бир эканлигида чуқур маъно бор. Жунайд Бағдодий тасаввуфда катта обрўга эга эканлигини "Нафаҳотул-унс" асаридаги қуйидаги фикрлар кўрсатди: "Ҳар кас ки бо вай Жунайд ним рўз сўхбат

³⁴²Жомий. Нафаҳотул унс. 243-бет.

дошта бошад аз вай беадаби намонад, фикайфа ки бештар"³⁴³. Мазмуни: "Кимки Жунайд билан ярим кун суҳбатда бўлса, ундан адабсизлик чикмас, хусусанки кўпроқ. "

Бу асарда "Абу Жаъфар Ҳаддодни қуйидаги сўзлари ҳам келтирилади:"Агар ақл эр киши бўлганида Жунайд суратида бўларди деганлар"³⁴⁴. Шунинг учун тасаввуфшунослар "Жунайдия йўлини ақлга кўпроқ аҳамият берувчи, олимликни устун кўювчилар"³⁴⁵ деган фикрни ёзадилар.

Бу икки йўлдан бирини танлаган мутасаввифларни шартли равишга аҳли маърифат ва аҳли муҳаббат деб ажратадилар. Маърифат аҳли – маърифат масалаларига кўпроқ аҳамият бериб, инсонни ўз-ўзини англаш ва маънавий маърифатни эгаллаш йўлларини таҳқиқ этадилар, макро ва микро олам алоқалари, комил инсон масалаларига кўпроқ тўхталадилар. Нақшбандия таълимоти ҳам шу йўлни танлаган.

Оллоҳга йўл боши "халқдан Ҳаққа" етганда инсон касратдан ваҳдатга томон юз тутади. Тавҳид ҳолатига етгач, "Ҳақдан Ҳаққа томон" бориб ал-Ҳақ сифатларини қалб кўзи билан кўради ва Ҳақдан Ҳаққа сафар қилиб илоҳий сифатларни ўзида кўради ва сўнг "Ҳақдан халқ"га сафар қилиб комил инсон даражасига етган ҳолда халқга маърифат беради.

Жунайд Бағдодий хушёрлик ҳолатини мастлик ҳолатидан юқорироқ кўяди ва айтади: хушёрлик табиий ҳолат, мастлик ғайри табиий руҳий ҳолатдир. Шунинг учун Ориф - ҳақиқатга етганлар мастликдан ўзига келиши, хушсизликдан ақлга ва ғайбдан хузурга келиб ҳақиқатни англаши лозим. Саҳв солиқнинг руҳий ҳолати ва унинг ҳақиқатга муносабатини барқарор сақлайди. Жунайд ғояларини Абу Насри Саррож, Абуали Даққоқ, Абулқосим Қушайри ва тасаввуфнинг қодирия ва нақшбандия тариқатлари ривожлантирганлар.

Тасаввуфшунос олимлар нақшбандия тариқатини жунайдия-хушёрлик йўлининг энг изчил давомчилари деб тан оладилар. Дарҳақиқат, бу тариқат комил инсон даражасига юксалиш учун таълимотдаги ўн битта талаблари орасида энг зарур ва аҳамиятлиси "хуш дар дам" - "ҳар бир дамда хушёрлик" деган талабни қўйганлар. Шунинг учун нақшбандия тариқати жаҳонда жуда кенг ёйилган ва у ҳақида "акраб-ут-тариқ" - энг яқин йўл - деган таъриф

³⁴³Нафахотул унс. 53-бет.

³⁴⁴Ўша жойда.

³⁴⁵Ҳазраткулов М. Тасаввуф. 8-бет.

мавжуд. Яъни бу тариқат олам моҳиятини англаш ва комил инсон даражасига юксалишнинг энг яқин йўлини кўрсатади деганлар.

"Ҳуш дар дам"- "ҳуш" ва "дам" сўзларидан олинган бўлиб, ҳар бир инсон ўз ўтаётган умрининг ҳар бир лаҳзаси, онда ҳушёр, зеҳнли, огоҳ бўлишини англатади. "Дам"- ибораси бу ерда лаҳза, фурсат, он, нафас маъносида келмоқда. Тадқиқотларда "ҳуш" ни баъзида "ҳуш" деб ёзиб, ҳар онни хурсанд, хушвақт ўтказиш маъносини англатади деган талқинлар учрайди. Лекин нақшбандияда у ҳушёр маъносида келган. Ҳушёрлик ғафлат тушунчасига қарама-қарши бўлиб, инсон ўз умрининг бирор нафаси, берилган бирор фурсатини ҳам ғафлат билан, уйқу ҳолатида ўтказишга ҳаққи йўқлиги айтилади.

Сафийнинг "Рашаҳот айн ал ҳаёт" китобида "ҳуш дар дам"- "рашҳа" сифатида тавсифланади. Рашҳа – ҳаётбахш томчи маъносини англатади. "Ҳуш дар дам"ни рашҳа дейиш билан уни англаган ва унга амал қилган толиб ҳаётбахш қатрадан ичиб абадий тириклик томон қадам қўйгандай бўлади дейилади.

Нақшбандия таълимотининг пири бўлган Абдурахмон Жомийнинг устози бўлган Саъдуддин Қошғарий ёзадики "ҳуш дар дам ҳар бир нафаснинг ғафлатда бўлмасдан ҳузур сиридан воқиғлик ила ўтиши"³⁴⁶ маъносини англатади. Унинг фикрича, нақшбандия тариқати аҳли нафасни ҳимоя этишни муҳим деб билишлари лозим. Агар бирор киши нафасини муҳофаза қилмаса, у ҳақда " фалон киши нафасини йўқотибди, яъни тариқ йўлини йўқотибди"деб айтадилар. Демак, ҳар бир нафасдан огоҳлик ҳолатининг бўлиши, ғафлат, яъни йўлни йўқотишдан асрар экан.

"Ҳуш дар дам" тамойилини шаклланиши чуқур илдизга эга. Бу тамойилни шаклланишида Саъдий қарашларининг таъсири бор. Бу ҳақда Иброҳим Мўминов ҳам ўз фикрини билдирган эдилар. Бизнинг фикримизча, Саъдийнинг машҳур "Гулистон" асаридаги қуйидаги ғоялар бунга асос бўлган. "Ҳар нафасе, ки фурў меравад мумидди ҳаёт аст ва чун бармеояд фараҳи зоти ҳаст, пас ба ҳар нафаси ду неъмате мавжуд аст ва ба ҳар неъмат шукре вожиб аст"³⁴⁷. Мазмуни: ҳар бир ютиладиган нафас одам умрини узайтирувчидир, у чиққанида зотга фарах бахш этади. Шунинг учун ҳар бир нафасда икки неъмат мавжуд ва ҳар бир неъмат учун

³⁴⁶Рашаҳот. 21-бет.

³⁴⁷Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. За-варак.

шукур вожибдир. Яна Саъдийнинг шу мазмундаги қуйидаги назмий парчалари бор:

Ҳар дам зи умр меравад нафасе,
Чун ниғаҳ микунӣ намонад бәсе.
Эй ки, панчоҳ рафта дар хобӣ,
Магар ин панч рӯз дар ёбӣ.
Хижил он кас, ки рафту кор насохт,
Кўўси реҳлат заданду бор насохт³⁴⁸.

Мазмуни:

Ҳар дамда умрдан нафаслар кетади,
Улар умуман тугаб қолади.
Эй, сен элликка кириб, ғафлатда қолган,
Сен беш кунни ҳам ўзинг топа олмайсан.
Умрини беҳуда ўтказганга хижилдир,
Кетиш вақти бўлди, аммо у охиратга озуқаси йўқ.

Ёки:

"Бияндеш ва он гаҳ баровар нафас,
Ва з-ин пеш бас кун, ки гўянд бас"³⁴⁹

Мазмуни:

Андеша қилгину нафасингни чиқар,
Бўлди бас дейишидан олдин оғзингни юмгин.

Яна:

"Абру, боду, маҳу хуршеду фалак дар коранд
То ту ноне ба каф орию ба ғафлат нахўри"³⁵⁰.

Мазмуни:

Булут, шамол, ой, қуёш фалакда доим ҳаракатдадир.
Токим сен нонни кафтингга олсангу, лекин ғафлат билан
емасанг.

"Ҳуш дар дам" талаби Юсуф Ҳамадонийдан қолган. Уни Абдулҳолиқ Ғиждувоний хожагон тариқатига тамойил қилиб олган эди. У бу ғояни ривожлантирди. Абдулҳолиқ Ғиждувоний ҳушёрликка чақириб, ҳар бир нафасни охирги ва умр сармояси деб билган ва қуйидагича таърифлаган: "Ҳар доим охирги нафасга тайёр бўл! Яъни ҳар бир нафасни охирги деб ўйла! Ҳар ишни ўз вақтида қилки, ғафлат юз тутмасин"³⁵¹. "Умр нафасларнинг сармоясидир. Бу

³⁴⁸Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. -В. 4-бет.

³⁴⁹Саъдий Шерозий. Гулистон. Қўлёзма. 4а-варақ.

³⁵⁰Ўша асар. В. 4Б.

³⁵¹Ғиждувоний А. Маслак ал орифин. Қўлёзма. -В. 18а.

сармоядан туну кун, уйқу ва бедорликдан огоҳликда харж қилиш керак. Уни жавоҳир каби асраш лозим. Агар у зое кетса катта зарар кўрилади. Худди бу асл жавоҳир бир хазинаю, беҳуда нафас хазинани ўғирлаган билан баробардир. Шунинг учун ҳам ҳар бир фурсатни ғанимат билиш керак ва уни эътибор ва истиффор билан ўтказиш керак"³⁵².

Хожагон тариқатининг йирик намояндалари Ҳазрат Азизон ҳам бу маънода фикр билдирган: "бир кунда мингдан минг карра нафас оласиз. Ҳар бир нафас учун савол берилади. "Нега нафас олдинг ва нега нафасни чиқардинг?"

Рубоий

Зи ҳар нафас ба қиёмат шумор хоҳад бад,
Гунаҳ макунки, гунаҳқор хоҳад буд.
Басе савор, ки фардо пиёда хоҳад шуд,
Басе пиёда, ки фардо сазовор хоҳад шуд³⁵³.

Мазмуни:

Қиёматда ҳар бир нафас санокдадир,
Гуноҳ қилмагин, гуноҳқор бўласан.
Суворийлар эртага яёв бўладилар,
Яёв юрганлар эса суворий бўладилар.

У "Рисолаи Азизон"да Ҳаққа етишнинг ўн шартини кўрсатган ва унинг 9 чиси деб уйғоқликни таъкидлаган:

"Гуфтам: "ба чи хизмат ба висолат бирасам?"
Гуфто: "ба таллуқи халоқ Оллоҳ"³⁵⁴.

Мазмуни:

Айтдим "Не хизмат билан сенга етаман?"
Айтди "Ҳамма вақт Оллоҳ билан боғланишда бўлишинг билан
"Рашаҳот" асарида Ромитанийнинг шундай шеъри

келтирилган:

Нафас мурғи муқаййид дар дарун аст,
Нигаҳ дораш, ки хуш мурғест дамсоз.
Зи пояш банд магсил то напарад,
Ки натвони гирифта баъди парвоз³⁵⁵.

Мазмуни:

³⁵³Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. 22-бет.

³⁵⁴Хожа Али Ромитаний. Рисолаи Азизон. 23-бет.

³⁵⁵Рашаҳот. 26-бет.

Нафас ботиндаги яширинган бир куш,
Уни асрагин, у лаҳзаларни яратувчидир.
Оёғидан маҳкам боғлаб қўйгин, токи учиб кетмасин,
У учганидан кейин уни ушлаб бўлмайди.

Бу ерда Азизон нафасни жон, руҳ билан тенглаштирмоқда.
Яссавия тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий ҳам ғофил
бўлмасликни уқтиради ва ёзади. Унинг ғоялари ҳам нақшбандия
таълимоти учун асос бўлган.

Оллоҳ ёдин айтур қуллар маъно бирлан
Бемаънога ҳаргиз қулоқ солмас бўлур.
Оллоҳ деган ошиқ қуллар доим мудом
Ҳақ ёдидин зарра ғофил бўлмас бўлур³⁵⁶.

Юқоридаги фикрларни таҳлил этиб, Баҳоуддин Нақшбанд
"хуш дар дам"ни нақшбандия таълимотига асос сифатида қабул
қилган. У асослаган нақшбандия тариқатига "хуш дар дам" рашҳа
сифатида кирган. Баҳоуддин Нақшбанд "хуш дар дам"ни изоҳлаш
учун қуйидаги рубоийни айтган:

Эй, монда зи баҳри илм дар соҳил айн.
Дар баҳр фароғат асту дар соҳил шайн.
Бардор сафи назар зи мавжи кавнайн.
Огоҳ зи баҳр бош байнул нафасайн³⁵⁷.

Мазмуни:

Эй илм эгаллаш учун денгиз соҳилида очик кўз билан турган
киши,

Денгизда фароғат бору, соҳилида ёмонлик.
Тўлқинларнинг талотупидан қарашларингни кўтаргин.
Нафасларинг орасида ҳам денгиздан огоҳ бўлгин.

Баҳоуддин Нақшбанд бу мисралар орқали ҳар бир дам у ёқда
турсин, ҳатто нафасларинг орасини ҳам ғафлат билан ўтказмагин,
мудом оламнинг моҳиятидан огоҳ бўлгин деб ҳақиқат талабида
бўлганларга мурожаат қилмоқда. Бу шеърда "айн" кўз, дида назар
маъносида келиб «шайн» ёмонлик, айб маъносини англатади. Бу
рубоийдан шундай натижа чиқадики, сен соҳилда очик кўз билан

³⁵⁶Яссавий А. Ҳикматлар.-Тошкент: 1991. 154-бет.

³⁵⁷Рашаҳот. 21-бет.

туриб билишинг лозимки, олам моҳияти - денгизни англашда фароғатдир. Соҳилда эса мавжлар сени мафтун этади, аммо ёмонлик яшириндир. Шунинг учун инсон ҳар нафасда олам моҳиятидан огоҳ бўлиши, хушёр бўлиши ва шаклан чиройли, лекин ўткинчи нарсалар уни мафтун этмаслиги лозим.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд "хуш дар дам"ни шундай изоҳлаганлар: "банои кор дар ин роҳ бар нафас мебояд кард, чунонки, иштиғол ба вазифа ба ҳама замонун ҳол, аз тафаккури мози ба тафаккури мустақбил машғул гардонад, нафасро нагузаронанд ва дар хуруж ва духули нафас бе хифзи мобайни нафас саъй намояд, ки бо ғафлат фуруъ нараваду бар наояд"³⁵⁸. Мазмуни: барча ишларнинг асоси нафасдадир. Йўл юрувчи ишида ҳаракат қилиши лозимки, замоннинг муҳим вазифаси билан шуғулланишда ҳаёлни ўтмишдан ва фикрни келажақдан озод этсин ва ҳар бир нафасни зое этмасликка уринсин. Нафаснинг кириши, чиқиши ва икки нафас ўртасини эҳтиёт қилсинки, нафас ғафлат билан кириб чиқмасин.

Баҳоуддин Нақшбанд огоҳликка ҳамма ерда, хусусан таом тановвулида риоятни шарт, деганлар.

Агар дарвешлардан бир киши луқмани ғафлат ичра егучи бўлса, Баҳоуддин дарҳол уларни шафқат ва тарбият қилиб айтарди: "бир луқмани ғафлат билан ема. Агар бир таом ғазаб, кароҳат ва душворлик билан табақ бўлган бўлса, уни егин демаймиз"³⁵⁹. Ўзлари ҳам мудом шунга амал қилганлар. Ғадют деган жойда у киши уларга келтирган таомни емайдилар ва айтадиларки:

- бизга бу таомни ейиш мумкин эмас. Бунга сабаб шуки, у ғазаб билан пиширилгандир.

Баҳоуддин мудом шогирдларига таъкидлардиларки, агар таомнинг бир қапгири ғазаб ва кароҳат билан пиширилган бўлса, бизлар емаймиз. Ҳар ишқи ғазаб ва нафрат қароҳат ва душворлик билан бўлса, унда хайру баракот йўқдур, ҳавойи нафс ва шайтон унга йўл бўлишадир. Ҳосили аъмоли ҳасана таоми ҳалолдадир, уни ғафлатда емаймиз³⁶⁰.

Баҳоуддин Нақшбанддан сўрадилар:

- Ҳузури қалб намозда нимадан ҳозир бўлур?

буюрдилар:

- Таомни ҳалол егул. Доим воқиф ва огоҳликда бўл³⁶¹.

³⁵⁸Рашаҳот. 21-бет.

³⁵⁹Анис ут-толибин.47-бет.

³⁶⁰Анис ат-толибин.47-бет.

³⁶¹Анис ат-толибин 48-бет. Мақомот. 67-бет.

Юқоридаги сўзлардан бу тариқат аҳли орасида ҳалол луқма ва огоҳлик асосий талаб эканлиги маълум бўлади.

"Хуш дар дам" талабини кўп мутасаввифлар таҳлил этганлар. Абдурахмон Жомий ҳам бу масалага оид махсус рисола ёзган. Унинг шундай мисралари бор:

Туро як панд бас аст дар ду олам,
Ки аз жонат наояд бе худо дам.
Агар ту пос дори поси анфос,
Ба султони расонандат аз он пос³⁶².

Мазмуни:

Икки олам учун сенга бир панд, ўгит басдур,
Жонингдан Оллоҳсиз бирор нафас (дам) чиқмасин.
Агар сен нафсларингни кўриқласанг, сақласанг,
Бу муҳофазанг сени султонликка етказди.

Жомийнинг яна шу мазмундаги қуйидаги мисралари мавжуд:

Сарриштаи давлат, эй бародар, ба даст ор,
Ин умри гироми ба хасорат магузор.
Доим ҳама жо, бо ҳама кас, дар ҳама ҳол,
Медор нухуфта чашми дил жониби ёр³⁶³.

Мазмуни:

Эй дўстим, давлатинг бошини кўлга ол,
Бу қимматбаҳо умрингни беҳуда ўтказма.
Доим ҳар ерда, ҳамма билан, ҳамма ҳолатда,
Қалб кўзингни яширин ёр томон сақла.

Яна Жомий айтган:

"Аз зиндагиям бандагии туст ҳавас,
Бар зиндадилон бе ту ҳаром аст нафас.
Хоҳад зи ту мақсуди дили худ ҳама кас,
Жомий аз ту ҳамин туро хоҳад бас³⁶⁴.

Мазмуни:

Менинг яшашимдан сенинг банданг бўлиш ҳавасдир,
Қалби тириклар учун сенсиз бир нафас ҳаромдир.

³⁶²Жоми А. Рисола дар маънии хуш дар дам. ЎФАШИ. Қулёзма N 3844-В. 126а-бет.

³⁶³Рисолаи Мавлави Жомий. 139-бет.

³⁶⁴Хўжа Ахрор. Анфоси Нафиса. Бухоро:Бухорои шариф: 1327 х. й. 5-бет.

Сендан ҳар бир киши ўз мақсудини сўрайди,
Жомий учун фақат ўзинг басдур.

"Ҳуш дар дам"ни нақшбандия таълимотининг давомчиларидан Махдуми Аъзам ҳам изоҳлаганлар. У "Тўрт калима ҳақида рисола" ёзган ва бу тамойилни умумий маъноси, зоҳирий ва ботиний мазмунларини очиб берган³⁶⁵. У бу тамойилни тариқат асли дейди ва ҳуш дар дам - ҳар дам ва ҳар сонияда ҳуши ўзида бўлиши ва ўз-ўзини англаши, дейди.

Махдуми Аъзамнинг фикрича "Ҳуш дар дам"нинг зоҳирий маъноси замондан хабардорлик, нафасни ҳибс қилиш ва у билан бошқа нафслар ўртасидаги талаб истакларини кўра билишдирки, ана ўша бошқа нарса истаклар дилга кириб жойлашиб олмасин. "Ҳуш дар дам" нинг ботиний маъноси эса оддий ҳозирлик ва огоҳ бўлиш дегани эмас, одамнинг нафасидурки, у доимо тирик умр кечиришдан иборатдир ва саодат сармояси ҳақиқий маҳбуб худо васлидир. Бу йўл мазкур шариф калималарга биноан шундай ибтидодирки, ўз қалбингни ана шундай андиша юзасидан тарбиялашдир. Ҳақиқий инсон аввало ўз нафасининг ана шундай андишаларини қилган ҳолда қалбни ҳозирлайдилар ёки ўз нафасини икки баробар тарбиялашдир, яъни ҳозирлик ва огоҳликни ўз нафасинг билан бир қилиб юборишдир. Бу қанча мулоҳаза қилинса, ўз-ўзини шунчалик ҳозир ва огоҳлик, саъй ва униб ўсишга етказди ва ҳар қандай мана шунақа ҳузурлик ва огоҳликни хоҳласанг, ўз дилингни шунча дурга айлантирасан. Эҳтимолдан узоқ эмаски, бу Оллоҳ ликосига ва бақосига эриштирар ва ҳақиқий маҳбуб вужудидай бўлар³⁶⁶.

Буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳам "Лисон ут-тайр" номли фалсафий асарида "Ҳуш дар дам" моҳиятини қуйидагича очади:

Эрмас у Симурғдан айру даме
Васлидин кўнглиға ўзга оламе³⁶⁷.

Демак, ҳақиқий изловчи толиб бирор дам ҳам Симурғ, яъни Аллоҳдан айру эмас, унинг васлидин бошқа, яъни олий ҳақиқат олам моҳиятини англашдан ўзга мақсади йўқ, деганидир.

"Васлдин мамлу, вале дам асрабон,

³⁶⁵Қаранг: Махдуми Аъзам. Рисолаи чаҳор калима. Қўлёзма. ЎзФАШИ. N10626/XXVIII-В. 254 -256-бетлар.

³⁶⁶Ўша жойда.

³⁶⁷Навоий. Лисон ут-тайр. -Тошкент: Фафур Фулом, 1991. 81-бет.

Ғайрдин ҳолини мубҳам айлабон³⁶⁸

деган мисралари билан Алишер Навоий "дам асрабон" иборасини ишлатиб, "хуш дар дам"нинг яна бир янги қиррасига ишора этган ва ички сирни ошкор қилмаслик, тилга эҳтиёт бўлиш, деган маънода ишлатган.

Тадқиқотларда "хуш дар дам"нинг моҳиятини турлича талқин этганлар. Масалан: Дж. С. Тримингэм "Хуш дар дам"ни "ҳабси дам" деб талқин этади. У маърифат йўли (Аллоҳни билиш)га албатта мушоҳада, ҳабси - дам ва зикр киради. Буларнинг мақсади инсон руҳиятини юксалтириб, оламдаги энг латиф қатлам даражани кўтаришдир, дейди. Дж. С. Тримингэм "хожагон-нақшбандия тариқати учун хос нарса ҳабси - дам "нафасни сақлаш"³⁶⁹ деб таъкидлайди. У "хуш дар дам" рашҳасига изоҳ беришда ҳам "нафас олишни назорат этиш йўллари"³⁷⁰ дейди.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов "Хуш дар дам"ни файзни, баракани қабул қилиш, деган маънода изоҳлайди. У киши ёзадики, биз атайлаб "Хуш дар дам" рукни ҳақида алоҳида тўхталмоқчимиз, чунки бу кенгроқ шарҳни талаб қиладиган рукндир. Албатта, бу рукни ҳам ҳафий зикр талабаларидан ташқари олиб қараб бўлмайди. Агар "дам" сўзининг луғавий маъноси нафас бўлса, демак нафасни хушёрлик билан зикрга мослаш ёхуд ҳар бир нафасдан зикр учун оқилона фойдаланиш маъноси кўзда тутилган. Бироқ, бу ўринда маъно чуқурроқ. "Дам" сўзи илоҳий файз, баракот маъноларини ҳам беради. Яъни "хуш дар дам" илоҳий файз тажалли нурини беҳудликда эмас, балки хушёр ҳолда қабул қилиш. Нақшбандия таълимоти бўйича, сўфий ёки солики тариқат ҳамма вақт бедор ҳам хушёр, ўзидан ва атрофидагилардан бохабар бўлиб туриши керак. Бўлмаса, у ўз-ўзини назорат қилолмайди, ўзидаги сифат ўзгариши ва камолотни англамаслиги мумкин"³⁷¹. Жунайд суқр йўлини динга зид ва инсон шуури, тафаккурига зулм деб маън этган. Сўфий ичидан маърифат дарёси тошиб, туғён мавж урганда ҳам ҳушини йўқотмасдан туриши керак, шунда у ҳақиқат асрорини янада кўпроқ кашф этади ва бу дурларни ўз суҳбатдошларига туҳфа қилади. "Назаримда, "хуш дар дам" рукни айна ана шу концепцияни ривожлантиради " деб хулоса қилади Н. Комилов. Жунайд Бағдодийнинг "Хушёрлик" концепцияси Баҳоуддиннинг

³⁶⁸Навоий. Лисон ут-тайр. -Тошкент: Ғафур Ғулом, 1991. 81-бет.

³⁶⁹Суфийские ордены . . -С. 61.

³⁷⁰Ўша асар. 167-бет.

³⁷¹Комилов Н. Тасаввуф. 105-106-бетлар.

барча ғояларига мос бўлиб, шариат талабларига жавоб берар, фикр ҳикматини ошкор этишга кўмаклашарди.

"Ҳуш дар дам" тамойили нафас олишни тартибга солади. У бу жараёни ташқи ва ички томонидан мукамаллаштириб, моҳиятини очади. Нафас олиш жараёнининг ботиний томони ҳақида шундай фикр бор: "Нафас олиш тана, қалб ва руҳ ўртасидаги алоқани таъминлайди"³⁷². "батафсил ўрганиш зарур бўлган биринчи нарса нафас олишдир. У ҳаётдир ва айни пайтда бизнинг моддий борлиғимизни руҳиятимиз билан боғлайди. У Инсонни юксакликка кўтара оладиган кучдир"³⁷³. Профессор Инайят хан фикрича, ҳар бир яхши ва ёмон амал атрофни ўраб турган атмосферага ўзига хос тебраниш ҳосил қилади ва бу бутун оламга тарқалади. Шунинг учун "кимки тебранишнинг сирларига етса, у ҳақиқатда барча нарсани билади"³⁷⁴.

Нафас олишнинг ботиний томонига тасаввуф эътибор беради. Бу таълимот ғоясига кўра нафас олишда веналарга қон билан бирга коинотнинг илоҳий кучи ҳам киради. Унинг манбаи қалб. Шунинг учун қалб ҳаракатига эътиборли бўлиш лозим.

Ҳуш дар дам талабида нафас олиш ва чиқаришига катта эътибор берилади. Бу талаб жуда чуқур фалсафий илдизга эга бўлиб, бир томондан, Шарқда қадимги Ҳиндистондаги йога таълимотидаги прана тушунчаси билан озиқланса, иккинчи томондан, Ғарбдаги стоиклар қарашларидан озиқланган.

Стоиклар - қадимги грек файласуфлари бўлиб, улар космик мос келиш тушунчасини киритганлар. Бунга асосан, бутун олам ягона тирик тана бўлиб, бу тананинг қисмлари у билан бир-бирига мос келади ва боғлангандир. Бу бирликнинг асосида нафас олиш пневма-олов ва сиқилган ҳаводан иборат бўлиб макро олам - олами кабир қуввати бутун танага нафас олиш орқали ўтади ва нафас чиқариш у билан боғлиқ бўлади. Яъни нафас олиш илоҳий қувватнинг киришидир. Уни эҳтиёт қилиш ва англаш муҳим. Шунинг учун бунга мос равишда "ҳуш дар дам" талаби хушёрликка чақириб, ғофил, хушсиз, маст, ақли паришон, олам моҳиятидан хабарсиз бўлишни қоралайди ва кишидан ҳар бир нафасдаги ҳаракати ва амалларидан огоҳ бўлишга чақиради.

Дарҳақиқат, нафас олиш инсон ҳаёти учун жуда муҳим жараён. Одам организмда бир суткада 5-7 млрд хужайра

³⁷²Проф. Инайят-хан. Суфийское послание о свободе духа. М., 1914-С. 37.

³⁷³Ўша асар. 37-бет.

³⁷⁴Ўша асар. 31-бет.

янгиланади. Организмда жами қон юракдан ўтади. Юрак бир қисқаришда 60-70 мл, 1 минутда 5000 мл. 1 соатда 30000 мл. қонни юракдан чиқариб юборади. Яшаш учун энергия керак. Энергия пайдо бўлиши учун кислород керак. Инсон нафас олиш орқали кислородни ютади ва карбонат ангидридни чиқаради.

Тинч ҳаракатсиз ҳаёт кечириш учун (мўътадил ҳаво ҳароратида) одам 1 дақиқада 250 мл, соатида 1500 мл ёки 15 литр кислород қабул қилади. Нафас олишда ўпка, гавдани қоплаб олган тери катта ёрдам беради. Теримиз соатига ўртача 1, 5-1, 7 м² деярли 700 млн алвеолалардан ташкил топган ўпка эса 100 м² сатҳи билан ҳавога тўқнаш келади. Ўпка 50-60 мартадан кўпроқ кислород ютади.

Организмда моддалар кислород орқали алмашинади. Кислородни тўқималарга етказиб бериш ва чиқинди газ карбонат ангидридни чиқиб кетиш вазифасини нафас органлари бажаради. Нафас органлари: 1. Бурун бўшлиғи. 2. Ҳиқилдоқ. 3. Кекирдак. 4. Бронхлар. 5. Ўпка³⁷⁵ дир.

Бир одам бир кеча-кундузда 1, 6 кг кислород ютади. Ер атмосферасидаги кислород олимларнинг ҳисобига қараганда, 300-400 йил ичида кислород охириги қатрасигача қолмай тугаши керак эди. Лекин ўсимликлар дунёси 1 йилда 18 млн тонна тоза кислород чиқармоқдалар. Шунинг учун Саъдий ёзгандики:

Барги дарахтони сабз бар назари ҳушёр,
Ҳар варақаш дафтари маърифати кирдуқор.

Мазмуни:

Ҳушёрнинг назарида дарахтнинг ҳар бир барги,
Тангри маърифат дафтарига тенг бўлган варақдир.

Ҳаёт - нафас олиш актлар сериясидир. Тананинг барча фаолиятлари ичида энг асосийси нафасдир. Чунки тананинг барча бошқа фаолияти шу нафас олишга боғлиқ бўлиб, унга бўйсунди. Нафасни оҳангли олиш бутун табиат билан уйғун тебранишга олиб келиш мумкин ва ўзидаги яширин қувватларнинг тараққиётига ёрдам бериши мумкин.

Нафаснинг инсон соғлигини мустаҳкамлаш учун ҳам аҳамияти беқиёсдир:

³⁷⁵Худойбердиев Р.М. Ўзингизни биласизми Тошкент: Медицина, 1986. 40-бет.

1.Қонни тозалайди - агар у етарли тозаланмаса, артерияга етарли тозаланмасдан ўзидаги тана қисмларидан олинган ифлосликларни сақлаб қайтади. Бу ифлосликлар яна организмга қайтиши эса касалликка сабаб бўлади.

2.Қон таркибига кислороднинг маълум қисми киради ва бутун танага тарқалади. Қонда кислород гемоглабин билан қўшилади ва тананинг ҳар бир хужайрасига тарқалади, уларни тирилтиради ва мустаҳамланишга олиб келади. Артерия қонида 25 фоиз кислород бор. Демак, кислород тананинг ҳар бир қисмини тирилтиради, ҳаёт беради.

3.Овқатларни ҳазм бўлиши, тўла озиқ моддаларнинг оксидланиши уларнинг кислород билан бирикишига боғлиқ. Овқат ва ичимликнинг ҳар бир зарраси танада ҳазм бўлиб кетишидан олдин кислород билан оксидланиши керак.

4.Тананинг чиқиндилардан тозаланиш жараёнида ҳам кислород керак.

5.Қондаги бузилган нарсалар кислород ёрдамида қуяди ва бу жараён натижасида иссиқлик ҳосил бўлиб, танада зарурий ҳарорат ҳосил қилади.

6.Чуқур нафас ички орган ва мускуллар машқидир.

Юқоридаги фикрлар таҳлили асосида "Ҳуш дар дам" талабига амал қилиш қуйидаги мазмунларни англатади, деган хулосага келдик:

- Нафасни ҳушёрлик билан англаб олиш;
- Ҳар бир нафасдан оқилона фойдаланиш;
- Ҳар бир нафасни қадрлаш ва ғанимат билиш;
- Ҳар бир нафаснинг шукрини адо этиш;
- "Илоҳий файз", "баракат"- тажаллий нурларини ҳушёр ҳолда қабул қилиш;

- Ҳамма вақт бедор, ўзидан ва бутун олам моҳиятидан бохабар бўлиб туриш;

"Ҳуш дар дам" рашҳасига амал қилиш инсон табиати талаблари бўлган жараён бўлиб, инсонни ўз-ўзини назорат қилишига ва бутун олам нафас олиши билан уйғун ғафлат, беҳудлик ҳолатига тушмаслигига ёрдам беради.

Инсон ҳар нафас иймонни сақлайди, қўриқлайди, нафсни жиловлайди, қусурларини кўради. Булар эса бутун вужуд имконият ва салоҳиятини бошқариш, қувватларни уйғотиш ва ҳақ йўлига сафарбар этишга имкон беради. Руҳий қувватларни идора этиш

асосида инсон камолга етади. Бу рашҳа инсонни моҳиятга томон қадам ва қадам юксалишга олиб боради. Инсон қалб ҳақиқатига юзланади ва таважжуҳ ҳолатига келади ҳамда тажаллийни қабул этадиган бўлади.

"Ҳуш дар дам" рашҳаси инсон ботинини ва жисму жонини бутун борлиқ билан уйғун ҳолатга киритади, ҳар бир нафасни сақлаб, уни ўткинчилик хусусиятини абадийликка боғлайдиган бўлади. Ҳар бир нафасни андиша қилиш, унинг ҳаққини адо этишга имкон беради. Ҳар нафасни охирги нафас, деб ўйлаш инсонни охирги нафасга тайёр туриш ҳолатига етказди. Бу эса инсонда ҳар бир ишни вақтида қилиш малакасини пайдо қилади. Инсон ҳар нафасдан эътибор ва истиффор билан фойдаланадиган бўлади, вақтни беҳуда ўтказмайди. У нафасни беҳуда ўтказиш гуноҳ эканлигини англайди ва уйғоқ, огоҳ бўлишга интилади. Бу эса бефарқ, бетараф, бепарво, уйқуда бўлиши каби иллатдан инсонни қутқаради. Натижада у нафаслар орасидаги вақтда ҳам олам моҳиятидан огоҳ бўлади, хузур, огоҳлик, ҳушёрлик ҳолати энг олий неъмат эканлигини англайди ва илоҳий ҳақиқат учун бутун куч ва қудратни сафарбар этади. У ҳар нафас ақл, эс-ҳуш, хотирани назорат этиб, унинг куч-қудратини эзгулик йўлига сафарбар этадиган бўлади.

"Ҳуш дар дам" рашҳасига амал қилиш инсонни ташқи томондан ва ботинан ўзгариш ва камолотга олиб келади. Бу куйидагиларда намоён бўлади:

- Руҳ ва жисмни онгли нафас ёшартиради, қувватли қилади, қариш, ўлишдан сақлайди, ҳаракатчан бўлади;
- бадан ортиқча туз, чиқинди, руҳ, ёмон кўз, суқ ҳасаддан покланади ва соғлом бўлади;
- Мияни ишлаш қобилияти ошади, ақлий фаолият самарадор бўлади, интеллект коэффиценти кучаяди;
- Тўғри нафас олиш орқали инсон ўзини барча хавф-хатардан ҳимоя этади;
- Ҳужайралар тўйиниб яшайди, модда алмашинуви яхшиланади, тананинг барча яширин имкониятлари юзага чиқади. Умр узаяди, чунки тўлақонли нафас олинади.
- Инсон танаси муқаддас руҳнинг манзилига айланади, астрал тана ҳаракати яхшиланади.

Инсон "ҳуш дар дам" рашҳаси асосида ўзи учун зарурий уч жараён - нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, қон айланишни бошқариб,

идора қила оладиган бўлади. Натижада инсон танасидаги энергиянинг асосий марказлари уйғонади.

"Хуш дар дам" нақшбандия тариқатида қабул этилган 11 рашҳанинг биринчиси ва асосийсидир. Чунки хушёр ва огоҳ бўлгандан кейин инсон қарашини бошқариб "назар бар қадам"га амал қилади. Бу даражадан юксалиб, фақат қарашини эмас, бутун ички ҳис-туйғу, қувват, нафасини назорат этиб, ёмонини ташлаб, яхшисини ошириб боради. Бу ҳолат инсонни "сафар дар ватан" рашҳасига етказди. Фақат огоҳ, хушёр одамнинг хилвати анжуманда бўлади. "Хуш дар дам" - ёдкард доим Оллоҳни эслаш, бозгашт - қайтиб ўз амалини холис бўлишига эришиш, нигоҳдошт - Оллоҳни ёдда сақлаш ва ёддошт - хотира ва фикрни тўхтатиб, муроқаб ҳолатига етиш учун зарурий рашҳадир. "Хуш дар дам" тамойили асосида инсон руҳий камолот доирасини кенгайиб боришини кейинги бетдаги 16-чизмада тасвир этилган.

Юқоридагилардан шундай хулосага келиш мумкин:

- нақшбандия таълимоти ва тариқати хушёрлик ила бутун олам билан уйғунлашиб, комил инсонни тарбиялашнинг энг мақбул йўлини танлаган.

16-чизма



- "хуш дар дам" рашҳаси инсонни Гўзал, Уйғун тарзда энг яқин йўл билан камолотга етказди.

- "хуш дар дам" рашҳаси нақшбандия таълимотини тасаввуфдаги мўътадил, меъёрий оқимга мансуб эканлигини кўрсатади.

4.3. "ХИЛВАТ" ВА "АНЖУМАН" ТАМОЙИЛЛАРИ

Нақшбандия таълимоти комил инсон даражасига етишгача юксалишга оид ғоялари ўзига хос бўлиб, дунёвий, инсонпарвар хусусиятга эга. Унда меҳнатга асосланган йўл ва услублар топилган. Таълимотнинг бу хусусиятларини очиқда "хилват дар анжуман" жамоада хилватда бўлиш тамойилининг аҳамияти каттадир.

Нақшбандия тасаввуфий таълимотида инсон ҳаётининг мазмунини холис, эзгу ният ила ҳалол меҳнат ташкил этади. Шунинг учун бу таълимот жаҳонга танилгандир. Нақшбандия таълимотининг дунёвий хусусиятини ва ҳаёт мазмунига оид қарашларини очиқ беришга "хилват" ва "анжуман" тушунчалари ёрдам беради.

"Хилват" - арабча сўз бўлиб, ёлғизлик, ёлғиз ўтириш, ёлғиз ўтирадиган жой, бегоналардан холи бўлган жойда ўтириш³⁷⁶ маъноларини англатади. "Анжуман" - жамият, мажлис, одамлар жамоаси, халқ, кишиларни англатади. Бир қарашда бу икки сўзнинг бир-бирига қарама-қарши маънога эга эканлиги маълум бўлади. Умуман олганда хилват анжуманни ва анжуман хилватни инкор этади. Аммо нақшбандия тасаввуфий таълимотида бу қарама-қаршилиқ ўзига хос йўллар билан уйғунлаштирилган.

Баҳоуддин Нақшбанд Ҳиротда бўлганида Малик Ҳусайн билан учрашади. Малик Ҳусайн у кишидан сўрайди: "Сизнинг хулафонгизда жаҳр билан зикр айтиш, хилват ва самоъ борми?" У киши жавоб бердилар: "Йўқ". Яна сўрайдилар: "Сизнинг тариқатингизнинг асоси нима?" Баҳоуддин буюрдилар: "Анжуманда хилват, ватанда сафар, зоҳирда халқ билан ва ботинда Ҳаққ билан бўлиш"³⁷⁷.

Бу жавоб кўрсатадики, буюк шайх "анжуманда хилват" орқали бир-бирига муқобил кўринадиган бу тушунчаларнинг, ботиний йўллар билан уйғунлаштириш воситаларини топган. У ўз издошларига "анжуманда хилват" талаби орқали риёсиз фақат тангри ризолиги учун пок амаллар қилишни ўргатган ва бу билан инсонлар ҳаётининг мазмунини ва камолот йўлини белгилаб берган.

³⁷⁶Фарҳанги забони тоҷики. Иборат аз ду чилд. - Ч. 2. -М., 1969. - С. 477.

³⁷⁷Муҳаммад Боқир, Мақомати ҳазрат хоча Нақшбанд. - Бухоро: Бухорои шариф, 1326 х. й. 53-54-бетлар.

"Хилват дар анжуман" нақшбандия таълимоти асосида турадиган 11 талабнинг биридир. Уни Юсуф Ҳамадоний Абдулҳолик Ғиждувонийга насиҳат қилган³⁷⁸. Хожаи Жаҳон уни қабул этиб, ўзи асослаган Хожагон тариқати учун қоида қилиб қўйган. Баҳоуддин Нақшбанд муршидидан бу ўғитни қабул қилиб, такомиллаштириб мукамал қилган ва ўзи асослаган тариқатнинг негизи сифатида қўйган ва шунинг воситаси билан комил инсон бўлишнинг энг яқин ва энг мақбул йўлини кўрсатган.

Нақшбандийликдаги бу тамойил ҳалол лўқмага риоят, қаноат, ўз меҳнати билан кун кечирिशга чақиртиради. Бу эса уларни жаҳонга машҳур этган "Даст ба қору, дил ба ёр" - "Қўл ишдаю, қалб Оллоҳда" шиорларини ҳам келтириб чиқарган. Бу шиор Абдулҳолик Ғиждувоний асослаган таълимот ва хожагон тариқатидан ворис бўлиб кирган.

Кўпинча мазкур таълимотнинг асосий йўналиши, маъносини белгилаб турадиган бу шиор "Дил ба ёру, даст ба қор!" (Дил Худо билан ва қўл меҳнат билан) деб ёзилади ва талқин этилади. Ҳолбуки бу машҳур шиор "Рашаҳот айн ул-ҳаёт" асарининг Хожа Аҳрори Валига бағишланган (иккинчи) қисмида Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний тилидан шундай тарзда берилади: "Мифармудандке, Ҳазрати Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний (қ.с.) фармуданке, гароний аз халқ бармибояддошт ва он намишавад, илло бо касби ҳалол даст ба қор, дил ба ёр дар тариқи Хожагон (қ. с. арвоҳам) амри муқаррар аст"³⁷⁹ деб ёзилган. Мазмуни: Ҳазрат Абдулҳолик Ғиждувоний буюрадилар: "Халқни оғирлигини енгил қилмоқ керак. Бу эса фақат " Қўл меҳнатда ва қалб Оллоҳда", дейилган. Хожагонларда муқаррар амр ила ҳалол касб билан бўлади.

"Рашаҳот айн-ул-ҳаёт" асаридан келтирилган юқоридаги иқтибос "Даст ба қору дил ба ёр" шиорининг моҳиятини очиб беради. Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний бу шиорни айтишдан олдин "гарони аз халқ бар мебояд дошт" дейдилар. Гарони - сўзининг мазмуни оғирлик, мушкулликдир. Яъни халқнинг оғирини енгил қилиш керак дейилмоқда. Бунинг учун эса меҳнат қилиш, қўлни ишда қилиб, қалбда Оллоҳни асраш лозим. Фақат шу йўл билан кишиларнинг оғирини енгил қилиб бўлади.

"Даст ба қору, дил ба ёр" шиори, меҳнат жараёнида ҳалоллик ва эзгулик билан ишлайдиган киши, албатта, Аллоҳни қалбида

³⁷⁸Ориф Усмон. Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида. - Тошкент: Университет, 1993 17-бет.

³⁷⁹Рашаҳот. 255-бет.

сақлайди, яъни тилида эмас дилида Оллоҳ, эканлигини англатади. Чунки у Оллоҳ берган ҳар бир нафас ва ҳар бир неъматини англаб, улардан тўла эзгулик йўлида фойдаланади. Мантиқан чуқур тааммул қилсак, кўринадики, Аллоҳнинг дийдорига муяссар бўлиш, ҳаққа етишнинг энг яқин ва тўғри йўли, бу бир ҳунарни мукамал ўрганиб, ўшани ҳалоллик билан бажаришдир.

"Даст ба кору, дил ба ёр" - инсон Аллоҳ яратган мавжудодларнинг энг шарафлиси ва аълосидир, унинг Зоти тажаллиси, демак, унинг борлиғи илоҳий борлиқ билан узвий бирликда бўлади, деган фикрни уқтиради. Бу борлиқ инсонда шукроналик туғдиради ва бу инсон қалби орқали намоён бўлади. Демак, инсоннинг Аллоҳ билан илоҳий-ирфоний муносабати унинг зотини фавқулудда шарафли қилиш билан бирга ўзининг ҳар бир нафасида У Олим, Нозир, Қодир ирода назарида туришини ҳам чуқур англатади ва борликда унинг зухуротини кўради. Шунинг учун у берган неъматларни эзгуликка сарф этади ва кўлини ҳам кишилар оғирлигини енгил қилиш учун равона этади.

"Даст ба кору, дил ба ёр" яна шуни ифодалайдики Аллоҳ, инсонга ақл, 5 сезги, шуур, ирода берган, саъйи ғайрат бахт саодатга элтувчи юрак бериб, унинг қалбида туриб, уни эзгуликка даъват этади. Шунинг учун қалб амрига қулоқ солиб, ҳалол меҳнатни холис, риёсиз бажариш керак.

"Даст ба кору, дил ба ёр" - инсоннинг Аллоҳга, борлиққа, ҳаётга, бошқа тирик жонзодларга, кишиларга бўлган мураккаб муносабатларининг яна бир муҳим қиррасини ният, тил ва дилнинг мутаносиблигини ҳам кашф қилади. Маълумки, тил дилдаги бор маънавий-вужудий талаб ва эҳтиёжларни тўла ифодалай олмайди. Бунга унинг ўзига хослиги ҳалақит беради ҳам. Ана шундай тил-дил ғайримутаносиблигини инсоннинг ўз кўли билан қиладиган мулоқоти - "Дил ба ёр, ..." илтижо-муножаатлари, мувоқабатада жуда самарали бартараф этилиши мумкин ва амаллари орқали уни исботлаши мумкин.

"Даст ба кору, дил ба ёр" - инсон ҳаётининг ўткинчи эканлигини бутун моҳияти билан англаб етиш, инсонни умидсизлик, узлатчилик қучоғига эмас, ҳаётни қадрига етиш, фаол инсонпарварлик, ҳаётбахшликка чақиради. Ҳаётдаги эзгу ишлар инсонга хайр бахш этиб, башарият хотирасида ўчмас ва шарафли ном қолдиришни, залолат ишлар эса инсонни заҳматлар, ўнгламас ғам-ташвишлар қаърига отибгина қолмай, инсон вафотидан сўнг,

"бирор савобли, яхши иш қилмаганлиги учун" авлодлар қарғишига учраши, тавқи-лаънатларига дучор бўлишини уқтиради.

"Даст ба кору дил ба ёр"нинг яна бир маъноси - инсон ўз ҳаётида юксак илоҳий нишон-қадриятга эга эканлигини, ана ўша нишон-қадрият юксаклигидан туриб, унинг меъёрлари асосида, ҳатто энг оғир мусибатлар чоғида ҳам ўзини йўқотмай, инсонлик шаънини юксак тутиб яшаши, фақат Оллоҳга илтижо қилиши, унинг ҳукмига риоя қилиши, ундан бошқа бирор нарса ёки зотга тобеълик кўрсатмаслиги, ҳур-озод, ҳаётбахш, гўзал ва эзгу амалли Инсон бўлиш зарурлигини англатади.

"Даст ба кору, дил ба ёр" - инсоннинг ҳаётдан ўзининг буюк зот Инсон эканлигидан, Аллоҳ берган неъматлардан розилигини жуда чуқур ва лўнда ифода этади.

"Даст ба кору, дил ба ёр" бизни Аллоҳ ҳаққ, Адл-инсоф, эзгулик йўлига даъват қилишини, инсон ҳаётидан мурод Адл-инсофни рўёбга чиқариш, саодатга эришиш эканлигини англатади, нопоклик, ҳиёнат, иккиюзламачилик, муртадлик, лоқайдлик ва беғамликдан ихота қилишини уқтиради. Шу маънода "Даст ба кору, дил ба ёр" бизлар учун энг асқотувчи маънавий қадрият нишонидир.

Демак, нақшбандия таълимоти покланиш ва камолотга эришувнинг асоси эзгулик, яхшилик қилиш, халқ мушкилини осон этиш деб тушунади. Бу эса фақат Аллоҳни қалбга жойлаб, тақво ва тоат қилиш билан эмас балки, аввало, Аллоҳ берган қўлни меҳнатга банд қилиш, яъни маълум ҳунарни эгаллаб одамларга фойда келтириш заруратини тақозо этади.

Тасаввуф таълимотида оламда яратилган барча нарсалар Аллоҳнинг зуҳуроти эканлигини кўрсатиб, улар маълум мақсадда яратилиши таъкидланади. Ҳар бир киши нарсанинг моҳиятини кўра билиши, унинг ботиний, ички томонини англай олиши керак. Аллоҳ сўзламайди, у яратгани орқали бизларга нима демоқчи бўлса, англатади. Демак, инсонни ҳам қўл билан яратибдими, бу қўллар эзгулик, яхшилик учун хизмат қилиши ва ҳалол меҳнат билан шуғулланиши керак.

Аллоҳ инсонларга қўлларни ато этиб, бизни меҳнат қилишга чорлаган. Лекин суфийлар дунёдаги бойлик ва мол-мулкдан кўнгил узган кишилар бўлганидан, улар бу меҳнатни ўзгалар оғирини енгил қилиш учун бажарадилар. Бундай холис, эзгулик ниятидаги меҳнат жараёнида инсон руҳан юксалади. У топган нарсаларини

мухтожларга улашиб, фақат эзгу ишлар билан шуғулланади ва руҳан эркин бўлади. Шунинг учун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд айтганлар:

Аз дарун шав ошнову, аз берун бегонаваш.
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон³⁸⁰.

Мазмуни:

Ичдан ошно бўлу, ташқаридан бегонадай бўл,
Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда оздур.

Бу мисралар орқали инсон қалбида Тангрини сақлаши ва буни бошқаларга билдирмаслиги ҳамма қатори меҳнат қилиб яшаши зарур дейилади. Бундай пок, гўзал равишни жаҳонда оз учраши кўрсатилади.

Нақшбандия таълимотининг асоси "хилват дар анжуман" тамойилининг моҳияти шундаки, Тангрини таниш учун анжумандан узоқлашишга зарурат йўқ. Балким "Даст ба кору, дил ба ёр", "Дил ба ёру тан дар бозор" деб ҳалол меҳнат қилиш лозим. У таъкид қиладики, Тангрини таниш учун чилла ўтириш, узлатга чекинишга зарурат йўқ. Аксинча, ҳалол меҳнат билан, жамоага фойда келтириб, фано бўлиш ва боқийлик даражасига етиш мумкин. Чунки ҳалол меҳнат жараёнида инсон нафсини жиловлайди, ўзини танийди ва шу орқали Тангрини ҳам танийди. Нақшбандия таълимотида "хилват дар анжуман" талаби асосида вужудга келган "Даст ба кору, дил ба ёр" талаби орқали бу тариқат XV асрда Мовороуннаҳр ва Хуросонда ҳунармандлар ўртасида катта эътибор топган. "Хилват дар анжуман"даги кундалик турмуш билан зоҳирий ҳаракатда фарқ йўқлиги, яхшилик, олий ҳиммат, меҳнатга муҳаббат, ҳунармандчилик, деҳқончилик қилиш, фақат ўз меҳнати билан кун кечириш, текинхўр, мағрур, насабпараст ва шунга ўхшаш дарвешларни танқид қилиши бу йўлнинг обрў ва нуфузини халқ ичида кўтарди. Шунинг учун Хожа Исмаил, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий ва бошқалар бу йўлни танладилар³⁸¹.

"Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг таълимоти ҳақида" рисоласида Ориф Усмон мазкур шиорнинг фавқулодда муҳимлиги ва нақшбандия (Хожагон) таълимотининг туб моҳиятини ва

³⁸⁰Анис ат толибин. 58-бет.

³⁸¹Мирзозода Х. Таърихи адабиёти точик. – Душанбе, 1989. - С. 85. 2

ижтимоий-дунёвий аҳамиятини белгилаб беришини назарга олиб, унинг ўзбекча, туркча ва татарча таржималарини ҳам келтирган. Бу машҳур шиордаги "даст ба кор", яъни "қўл ишда" талаби "дил ба ёр"лик ҳолатидан олдин келган. Бу эса нақшбандия тариқатида ижтимоий-дунёвийлик асосий масала эканлигидан далолат беради. Ҳар бир киши аҳил меҳнат қилиши билан ўзининг имонли эканлигини кўрсатишини исботлайди.

Тасаввуфшунос тожик олими А. Муҳаммадхўжаев хилватни инкор этиб, меҳнат билан кун кечиришни Абу Али Даққоқ, Нажиб Сухраварди, Абу Сайид Абулхайрлар ҳам тавсия этганини ёзган.³⁸² Шунингдек, бу мазмунда иш олиб борган бошқа валий ва шайхлар ҳам мавжуд. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фақат Баҳоуддин Нақшбанд ўзининг тариқати асосига "хилват дар анжуман"ни қўйди ва бу таълимотни мукамал такомил этиб таҳлил қилди. У қандай қилиб анжуманда хилват қилиш мумкин эканлигини исботлади. Ўзи ўз ҳаёт йўли орқали бу амалнинг афзаллигини кўрсатди. Шунинг учун бу ишда Баҳоуддиннинг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тасаввуфшунос олим Н. Комилов "Тасаввуф" китобида "хилват ва анжуман"га махсус боб ажратиб, уни чуқур таҳлил этган. Нақшбандия таълимотида хилват ва анжуман тушунчаларининг шаклланишида икки ҳадис -"Ислолда роҳиблик йўқ" ва "Фақирлик менинг фаҳрим"нинг ўрни борлигини исботлаган³⁸³.

Баҳоуддин Нақшбанднинг хилват ва анжуманга оид қарашларини шаклланишида Ғавсул Аъзам номи билан машҳур Абдулқодир Ғилонийнинг муносиб ўрни бор. Абдулқодир Ғилоний (1077-1166) қодирия тариқатининг асосчиси бўлиб, унда "Машғуллик ила фориг" шиори қабул қилинган. Шу талаб асосида нақшбандия тариқатининг "Даст ба кору, дил ба ёр" шиори шаклланган.

Тасаввуфнинг мавлавия тариқати асосчиси Жалолиддин Румийнинг (1207-1273) Аллоҳ берган жисмоний ва руҳий қувватларни меҳнат қилишга, эзгу ишга сафарбар қилишга чақириши хилват ва анжуманга оид қарашларни шаклланишига таъсир этган. Жалолиддин Румий ўзининг машҳур "Маънави маснавий" асарида шундай ёзади:

³⁸²Идеология нақшбандизма. Душанбе: Дониш, 1993-С. 169-170.

³⁸³Нажмиддин Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Тошкент: :Ёзувчи, 1996й. 90-113-бетлар.

Пой дори, чун куни худро ту ланг,
Даст дори, чун куни пинхон ту чанг.
Даст ҳам чун бел ишоратҳои Ўст,
Охир андеши ибратҳои Ўст.
Чун ишоратхошро бар жон ниҳй,
Дар вафои он ишорат жон диҳй³⁸⁴.

Таржима:

Чун оёқ тутсанг, ниҳоят лангсан,
Қўл узар бўлсанг, дағи бечангсан.
Қўл куракдек бир ишорат Роббидан,
Буйлаким, жумла иборат Роббидан.
Ҳам ишоратин қилиб жонингга жо,
Ул ишорат ҳаққи қилсанг жон фидо.

Бу асар шарҳида ёзиладики, инсонга қўл-оёқ ва соир аъзо ато айламиш экан ҳаракат этмаслик манфур бир махлуқ ҳолатида бўлишдир. Улардан ҳақ йўли учун фойдаланиш заруратдир.

Нақшбанд тариқатида ҳам "Даст ба кору, дил ба ёр" талаби билан меҳнат қилиб қалба Аллоҳни асраш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш ва ўзгалар учун ўзни нисор этиш ҳақидаги таълимотни яратилишида бу қарашларнинг таъсири бор.

"Хилват дар анжуман" нақшбандия тариқатининг инсонпарварлик моҳиятини ошкора этади. Чунки бу ерда хилват танҳолик, ёлғизликда яшаш, узлатга чекиниш, чилла, оила ва жамоани тарк этиш маъносида эмас, балки анжуманда, кишилар ўртасида бўлиб, меҳнат билан шуғулланиш қалба Аллоҳни асрашни ифода этади ва бу билан бошқа тасаввуф тариқатларидан устун туради. Зоҳирда халқ билан бўлиш, у билан бир хил яшаш ва меҳнат қилиш, оилани тебратиш деган маънони англатади. Лекин нақшбандия йўлини танлаган шахс бошқалардан ботинан фарқ қилади, чунки унинг ботини, қалби доим Аллоҳ билан бўлади. Шунинг учун Баҳоуддин бундай яшаш тарзини "зебо" - "гўзал" "равиш" деб айтган. Чунки қалбида Аллоҳ бўлган бундай кишининг барча амаллари холис ва риёсиз бўлади. Абдулҳолик Ғиждувонийнинг шундай ҳикматли ўғитлари мавжуд:

Бирав, ту тарки риё кун, ки дар риё,
Ҳазор сола ибодат ним жав нахаранд³⁸⁵.

³⁸⁴Румий Жалолиддин. Маънавий Маснавий: Куллиёт. Ж. 1. / (таржима шарҳи Билан: / таржимон А. Маҳкам: масъул муҳаррир Т. Маҳмудов. / -Тошкент: : Шарқ, 1999. 220-221-бетлар.

³⁸⁵Абдулҳолик Ғиждувоний. Маслак ал орифин. Қўлёзма. -В. 135а.

Мазмуни:

Боргин, сен риёни тарк этгинки, риёда,
Минг йиллик риёли ибодатни ярим арпага сотиб олмаслар.

"Хилват дар анжуман" талаби, шунингдек, ҳалол луқмага асосланади. Бу хусусда Баҳоуддин ўз муршиди Амир Кулолнинг куйидаги ўғитларига катта эътибор берган: "Кўзни ҳаром кўришдан, қулоқни ҳаром эшитишдан, қўлни ҳаром ишдан, оёғни ҳаром юришдан сақлаш лозим"³⁸⁶, "Ризқингизни ҳалол касб билан топинг ва исроф қилманг"³⁸⁷, "Дил ва тилнинг поклиги ҳалол луқмадандир. Чунки одам меъдасини ҳавз каби билгин. Унда пок сувлар равондир. Ҳар гул ва мевае, ки сув ва тупроқдан ҳосил бўлади, у ҳам пок ва манфаатли бўлади. Ҳазрат расул буюрадиларки, кимки қирқ кун ҳалол луқма еса, Тангри унинг тили ва дилига илм ва ҳикмат булоғини очиб қўяди ва қалбини равшан қилади"³⁸⁸. Шулар асосида Баҳоуддин "хилват дар анжуман"нинг моҳиятини кўрган. "Хилват дар анжуман" таълимоти орқали Баҳоуддин инсон холис, риёли, ҳалол меҳнат қилиш билан камолотга энг яқин ва барчага мақбул йўл орқали етишишини кўрсатади.

Нақшбандия тариқатининг аҳли ҳамма вақт ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол луқма истеъмол қилганлар. Улар хилват, узлат, чиллада ўтирадиган, меҳнат қилмай текинхўрлик қиладиган шайхларни қаттиқ қоралаганлар ва танқид қилганлар. Уларнинг бу қарашларини Абдураҳмон Жомий куйидагича назмга туширган:

Зи шайхи чилланишин дур бошу чиллаи вай,
Ки ҳаст чиллаи вай сардтар аз чиллаи дай³⁸⁹.

Мазмуни:

Чилла ўтирадиган шайхдан узоқлашгинки,
Унинг чилласи қишнинг чилласидан кўра совуқроқдир

Шу мазмунда ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан сақланган куйидаги мисралар ҳам машҳурдир:

Ту то кай гўри мардонро парасти,
Ба гирди кори мардон гарди расти³⁹⁰.

³⁸⁶Шаҳобиддин ибн Бинту Амир Ҳамза. Мақомотит Амир Кулол. -Тошкент: Ильин. 1328 х. й. -С. 33.

³⁸⁷Ўша асар. 35-бет.

³⁸⁸Ўша асар. 33-бет.

³⁸⁹Чоми А. Асарҳои мунтахаб. Ч.5.Душанбе. 1964.- Саҳ. 303.

Мазмуни:

Қачонгача яхши одамлар қабрига сиғинасан,
Уларнинг ишлари билан шуғуллансанг, камолга етасан.

"Хилват дар анжуман" таълимотида Баҳоуддин Нақшбанд хилват мавзуини қалб ва хилватни ботинда Ҳақ билан бўлиш деб тушунган. Баҳоуддин бу маънони шундай назмга туширган;

Зи ғайрат хонаи дилро, зи ғайрат кардаам холи,
Ки ғайратро намешоят, дар ин хилват саро будан³⁹¹.

Мазмуни:

Ғайрат қилиб қалб уйини ўзгалардан бўшатдим,
Чунки ўзга бу хилватгоҳга арзимаиди.

Маълум бўладики, хилватгоҳ қалбда ёр-тангри билан бўлиш учун, биринчидан, ғайрат керак, иккинчидан, барча тангридан ўзга нарсалардан қалбни пок этиш лозим экан. Бу учун аввало, огоҳ ва хушёр бўлиш ва ғафлатда қолмаслик зарур. Бунда киши ўзини таниши ва ёмон ахлоқдан пок бўлиши керак. Шундан келиб чиқадики, "хилват дар анжуман" талаби "хуш дар дам", "назар бар қадам", "сафар дар ватан" талаблари билан ўзаро боғлиқ экан.

"Хилват дар анжуман" хусусан, "Сафар дар ватан" талаби билан боғлиқдир. Тожик олими Аълохон Асфаҳзод нақшбандиянинг мазкур талабини қуйидагича изоҳлади: "Сафар дар ватан - сўфий ўзининг талабларида сафар қилишни ҳамда ёмон ахлоқни тарк этиб, фаришталар даражасига етиш керак"³⁹². Бу талабда сафар - моддий саёҳат, бир жойдан бир жойга боришни англатмайди, балки, у ботиний, ички, руҳий саёҳатни англатади. Яъни бу сафар натижасида киши ўзининг табиатини чуқур ўрганиб, ундаги ёмонликларни тарк этиши ва яхши сифатларга томон сайр этишни мушоҳада қилади.

Асосий мақсад - ўзининг ботинидан кина, ҳасад, кибр, ғазаб, буғз ва шунга ўхшаш ёмон иллатлардан қутулиш ва фаришталарга хос сифатларни эгаллашдир. Бу ботиний сафар туфайли қалб пок бўлади ва ёр билан хилватда висолга эришишда ёмон хислатлар халақит бермайди.

³⁹⁰ Бертельс Е. Э. Джами: Эпоха, жизнь, творчество. – Сталинабад, 1949. - С. 66.

³⁹¹ Мавлоно Яъқуб ибн Усмони Чархи. Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбанд: Қўлёзма. ЎзФАШИ. N 9328-1-В. 7.

³⁹² Асфаҳзот А. Адабиёти форсу тоҷик дар нимаи дуввуми асри XV- Душанбе, 1989. - Саҳ. 25.

"Сафар дар ватан" туфайли ботин пок бўлиб, хилват учун имконият туғилади. Юқорида айтилган талаблар натижасида инсон мукаммал ҳаракатни ўрганади. Бунинг натижасида солиқ ўз қалбида Аллоҳнинг сифат, феъл зотини кўради. Бундай мукаммал ҳаракат натижасида солиқ Тангрининг т а ж а л л и й этиш манзилига айланади. Шунинг учун ас-Сафий "Рашаҳот айнал ҳаёт" китобида бу талабларни рашҳа - ҳаёт берувчи қатралар деб тўғри таърифлаган.

"Хилват дар анжуман" талабига риоя этиш учун махсус руҳий тайёргарлик лозим, чунки жамият ичида бўлиб, зикр ва тақвони фақат тангри учун холис бажариш мустаҳкам ирода ва кучли эътиқодни талаб этади. Бундай ҳаракат ботиний бўлиб, зоҳирий ҳаракатдан тубдан фарқ қилади. Албатта, бу йўл хос кишиларнинг йўлидир. Зоҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан бўлиш учун солиқнинг қалб кўзи очиқ ва мукаммал ҳаракат қилишга қодир бўлиши лозим. У ҳар бир қилаётган амалини тангри кўриб тургани, огоҳ эканлигига шак-шубҳа қилмаслиги лозим. Хилватга Шоҳ Нейматуллоҳ шундай таъриф берган: "Хилват риёзат орқали кам ейиш, кам ухлаш, рўза тутиш, оз гапириш, ёмон ҳамсуҳбатлардан узоқ туриш, мудом зикр қилиш ва хотирдаги алоқаларни йўқотиш орқали нафс билан муҳолафат қилишдир"³⁹³. Баҳоуддин Нақшбанд Шоҳ Нейматуллоҳ таъриф берган бу хилватни анжуманда амалга оширишни таклиф этади. У меҳнат жараёнида нафсни идора қилиш керак, дейди. Баҳоуддин таклиф этаётган меҳнат қилиш оддий одамларнинг меҳнатида фарқ қилади.

Чунки бундай меҳнат нафс , яъни ейиш, кийим-бош, мол-дунё, обрў ва мансаб, халқ кўзига тушиш учун эмас, балки Тангри ризолиги учундир. Шунинг учун Баҳоуддин "Ал қосиб ҳабибуллоҳ" ҳадисини шарҳлаб, баён этганларини Алишер Навоий ёзган:

Нукта асносида Хабибуллоҳ,
Деди, ал қосибу ҳабибуллоҳ.
Маъни айтур бу сўзга пири комил,
Ки сўз эрди Ҳақ сари шомил.
Ғараз эрмас бу сўздин дунё,
Бал эрур қасбдин мурод фано³⁹⁴.

Мазмунидан маълум бўладики, ҳалол меҳнат, холис амал натижасида ф а н о ҳолати ҳосил бўлади, шахс боқийлик билан

³⁹³Саччоди. Фарҳанги луғот ва истилоҳот ва таъбироти ирфони – Техрон, 1350 х. й. - Саҳ. 356.

³⁹⁴Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами. 5-Т. Тошкент: "Фан"1990. 487-бет.

боғланади. Бунда қаноат зарурлигини Алишер Навоий шундай ёзган:

Қаноат тариқига кир, эй кенгул,
Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.
Десанг, шоҳ ўлай, еру кўк бас дурур,
бу бир тахту ул чатри рафъат санга.
Фано шўъласида ёшур жисмни,
Керак бўлса зарбафт хилъат санга.
Етар лола бутган қиё қулласи,
Мурод бўлса гулгун ҳашмат санга.
Десанг, хилватим анжуман бўлмасин,
Керак анжуман ичра хилват санга.
Ватан ичра сокин бўлуб, сойир ўл,
Сафардин агар етса меҳнат санга.
Назарни қадамдин йироғ солмағил,
Бу йўл азми гар бўлса рағбат санга.
Дамингдин йироғ тутмағил ҳушни,
Ки юзланмагай ҳар дам офат санга.
Бу тўрт иш била рубъи маскан аро,
Чолинмоқ, не тонг кўси давлат санга.
Бу оҳанг ила бўлғайсен нақшбанд,
Навоий, агар етса навбат санга³⁹⁵.

Буларга эътибор берсак, Нақшбандия таълимотида анжуман ичида меҳнат қилиб кўз, қулоқ, тил, қўл, оёқни ҳаромдан сақлаш лозимлиги уқтирилади. У инсонга яхши тизим сифатида баҳо бериб, ўзидаги яхши қувватларини ягона мақсадга йўналтириши ва қалбини тангри жамоли билан висолга очиб қўйиши зарур, деб санайди. Нақшбандия таълимотидаги "хилват дар анжуман"нинг хусусиятларидан яна бири - уни суҳбат билан боғлиқлигидир. Таълимотни суҳбат билан боғлиқлигига махсус эътибор бериб, Баҳоуддин шундай буюрган: "бизнинг тариқатимизда жаҳр-баланд овоз билан зикр этиш ва рақс йўқ. Бизнинг тариқатимиз суҳбатдир ва хилватдир анжуманда ва ватанда сафар этишдир. Хилватда шуҳратдир ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадир"³⁹⁶. Яхши кишилар билан суҳбат инсон камолотига ёрдам беради, аммо хилват бўлса шуҳрат келтиради, дейди у. Шуҳрат офати шундаки,

³⁹⁵Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 1-том. Тошкент: "Фан"1987. 628-629-бетлар.

³⁹⁶Анис ат-толибин. 58-бет.

бунинг натижасида инсон турли йўллар билан уни сақлашга уриниб рухий таназзулга учрайди. Ёмон кишидан қочиш, хилватда бўлиш керак, лекин яхшилар билан суҳбатнинг аҳамияти катта.

"Анжуман" деган тушунча "суҳбат" орқали намоён бўлади. Баҳоуддин яхши ҳамсуҳбатга эътибор бериш керак, дейди.

Бу маънода Хожа Али Рометаний шундай деган:

Маншин бо бадон, ки суҳбати бад,
Гарчи поки туро палид кунад.
Офтоб ба ин бузургиаш,
Парчаи абр нопадид кунад.
Гавҳар аз ноқисони раҳ маталаб,
З-он, ки ин моя комиле дорад³⁹⁷.

Мазмуни:

Ўтирмагин ёмонлар биланки, унинг суҳбати,
Сен пок бўлсанг-да, сени ифлос қилади.
Қуёш шундай буюк бўлса-да, лекин,
Бир парча булут уни тўса олади.
Гавҳарни нуқсонлилардан сўрама,
Чунки моя комиллардагина бор.

"Хилват дар анжуман"- зоҳирда халқ билан ва ботинда тангри билан бўлиш хуфия зикрни тақозо қилган, чунки бундай зикр анжуманда хилватда бўлишга имкон берган. Шунингдек, Баҳоуддин имкони борича тилни асраш ва кам сўзлаш лозим, дейди. Нақшбандия тариқати аҳли ўртасида Исонинг дунёга келиши машҳур бўлган. Улар Исоннинг онаси Марьямнинг хомушликни танлаши - Исонинг туғилиши ва тилга киришига сабаб бўлган, дейди. Бу маънода шундай мисра мавжуд:

То Марьям тани ғурфай қудси нагузинад,
Бо нафҳаи эҳё чу Масиҳо натавон буд³⁹⁸.

Мазмуни:

То Марьям танасини пок қилмаганида,
Масиҳо тирик нафас билан туғилмас эди.
Алишер Навоий эса, ҳазрати Нақшбанд ва у кишининг сулукидаги шайхларни "Лисон ут-тайр" асарида сидра дарахти

³⁹⁷Рисолаи Ҳазрати Азизон.Бухоро: Бухорои Шариф, 1326 х. й. 36-бет.

³⁹⁸Ўша асар. 22-бет.

(жаннат дараhti) даги қушларга ўхшатади. Бу қушлар сокин ва тинч ҳаёт кечирадилар. Ҳеч нарсадан норози эмаслар, ҳар ёққа талпиниб парвоз қилмайдилар:

Бор анингдек қушки очмай болу пар,
Сидра шохи устида айлар муқар.
Келди хилватгоҳи они анжуман,
Сайр этар, лекин ери доим ватан.
Арш парвоз ўлдию судранишин.
Элга зоҳир айламай парвоз ишин.
Эрмас ул Симурғдин айру даме,
Васлидин кўнглига ўзга оламе.
Етмайин жонига ҳажридин газанд,
Сурати васлида ҳар дам нақшбанд.
Васлидин мамлу, вале дам асрабон,
Ғайрдин ҳолини мубҳам айлабон
Боши узра мавҳабат тожи анинг,
Жилвагоҳи васл меърожи анинг.
Васли юз минг дарёдек кўнглида жўш,
Лек ўлуб оғзи садаф янглиғ хамуш³⁹⁹.

Улуғ шоир Нақшбанд сулукининг моҳиятини жуда аниқ таърифлаб берган: ботиний ҳолни халқдан яшириш, ботиний олам билан Ҳақ васлига мушарраф бўлиш, кўнгилда ирфон нурини лиммо-лим сақлаш, аммо буни ўзгалардан (ғайрдан) пинҳон тутиш, дилда маърифатнинг юз минг дарёси тошиб турса ҳам, садаф каби оғизни очмаслик. Зеро, садафнинг оғзи берк бўлгани учун ичида дур ҳосил бўлади. Буларнинг ҳаммаси Боязид Бистомий, Мансур Халлож каби «сўл қанот» сўфийларга зимдан танбеҳ эди. Шунинг учун Баҳоуддин Нақшбанд ўз тариқатлари моҳиятини тушунтириб, деганлар: "Бизнинг тариқатимиз урван вусқодир (мустаҳкам тутқичлар), яъни ҳазрати Расул саллалоҳу алайҳи васаллам мутоибати этагидан тутмоқ ва саҳобаи киром меросига эргашишдир"⁴⁰⁰. Ва яна кўшиб қўйганлар: "Ҳар ким бизнинг тариқатдан юз ўгирса, динида хатар кўради".

Бу йўл мақбуллигидан солиқнинг оиласи, ота-она ва кўни-кўшилари, умуман бутун башарият баҳраманд бўлади. Бу яхши

³⁹⁹Алишер Навоий. Лисонут тайр. - Тошкент: 1991. 81-бет.

⁴⁰⁰Нафаҳот ул-унс. 369-бет.

йўл натижасида ҳақ йўлидан борувчидан ҳам Тангри, ҳам ота-она, пиру устоз, оила, қўни-қўшни рози бўладилар. Шунинг учун бўлса керак, Баҳоуддин Нақшбанд Боязид Бистомий каби султонал орифиннинг йўлига нисбатан нақшбандияга таъриф берганида шундай деган: "Биз уларнинг интиҳосини ибтидода дарж қилганмиз"⁴⁰¹. Бу сўздан маълум бўладики, Боязид Бистомий издошлари эришган охирги натижани нақшбандия йўлидан борувчилар йўлининг бошида етишганлар. Нақшбандия-муҷаддидия таълимоти асосчиси Аҳмад Сирхинди Баҳоуддиннинг бу фикрини давом эттиради ва шундай ёзади: "Бошқаларнинг ниҳояси буларнинг бидоятида мундариж бўлган"⁴⁰². Шунинг учун шоир нақшбандия тариқатига қуйидагича таъриф берган:

Нақшбандия ажаб қофилаосоранд,
Ки баранд аз раҳи пинҳон ба ҳарам қофиларо.
Аз дили солики раҳ жозибай сўҳбаташон,
Мебарад васвасай хилвату фикри чилларо.⁴⁰³

Мазмуни:

Нақшбандия ажаб карвонбошидирки,
Карвонни яширин йўл билан ҳарамга элтади.
Уларнинг суҳбатининг жозибасидан солиқлар қалбидан,
Хилват васвасай ва чилланинг фикри йўқолади.

Баҳоуддиннинг ўзи мудом пайғамбар, валий ва пиру устозларининг ўғитларига амал қилган. У ўзи кимхоб номли қимматбаҳо газмолга нақш босган ва деҳқончилик билан шуғулланган, ҳ а л о л л уқма ва о г о ҳ л и к туфайли валийлик ва орифи раббоний рутбасига етган. Баҳоуддин ўзига ўхшаганларни дарвешлар деб атаган ва уларга баҳо берганда шундай таърифлаган:

То дар ин хирқаем аз касе мо,
Ҳам наранжему, ҳам наранжонем⁴⁰⁴.

Мазмуни:

То шу хирқада эканмиз биз,
Бировдан ранжимасмиз ва бировни ранжитмасмиз.

⁴⁰¹Мақомоти ҳазрат Хоча Нақшбанд. 29-бет.

⁴⁰²Сирхинди А. Мактуботи раббони. Ҷ. 1. - Саҳ. 263. Иқтибос А. Муҳаммадхўжаевнинг ўша китобидан олинди. 182-бет.

⁴⁰³Чоми А. Нафаҳот ул-унс. 413-бет.

⁴⁰⁴Мақомоти Ҳазрат Хоча Нақшбанд. 72-бет.

Қандай гўзал фазилат, ташқи томондан ҳеч кимдан ажралиб турмайдиган бу комил шахслар Тангрининг тақдирига тўла бўйсундилар ва бирон кишидан ранжимаслар ва ҳеч кимга озор бермаслар.

"Тавҳид асрорини англаб етиш Сунна билан бошланиб, тасаввуф ирфонидида юксак камолотга эришди. Аммо бу йўналишлар ибрат, мантиқий тафаккур ва руҳий камолот сифатида, асосан инсоннинг ички такомиллигига қаратилган эди. Инсон ўз-ўзини англаш орқали Ҳақ асрорни идрок этишга интилни, аммо инсоннинг якуний мақсади шунда тугайдими? Инсон Тавҳид асрорини ўзи учун англаб етди, дейлик, энди у нима қилиши керак? Шу саволга тасаввуфнинг охириги тариқати - Нақшбандия жавоб берди"⁴⁰⁵, - деб изоҳлайди М. Имомназаров. Биринчи мақсадга эришилди - "дилда ёр" ҳолати мавжуд, энди ишга киришмоқ лозим - "даст ба кор" га ўтиш керак. "Дилда ёр" ҳолати дилда ғараз, яъни худбинлик йўқлигини кўрсатади, энди "даст ба кор" бўлса, яъни ишга қўл урилса, ўз шахсий ғаразли мақсадлари учун эмас, холис Аллоҳ учун, Ҳақ учун, ҳақиқат ва адолат тантаниси учун амалий ҳаракатга киришилган бўлади. Шу сабабли ҳар нафас "дилда ёр" бўлиши, "Аллоҳ" исми дилда зикр этилиши, яъни "Ҳуш дар дам" қоидасига риоя этиш тақозо қилинади. Чунки Аллоҳ номи бир нафас дилни тарк, этса дарҳол ўрнини ғараз, худбин бир ниёт эгаллаши мумкин. "Назар бар қадам" ҳам шу маънога яқин туради, яъни беҳуда бирор қадам қўймаслик, ҳар бир амалий ҳаракатнинг Ҳақ йўлида қўйилаётганини таҳлил этиб, диққат билан кузатиб назардан қочирмай бориш кераклиги иккинчи қоидадир. Тўртинчи қоида - "Хилват дар анжуман" Ҳақ асрорини англаб етган орифнинг халқ билан бирга бўлиши лозимлигини, аммо доимо Ҳақни дилда тутган ҳолда халқ билан бирга бўлишни таъкид этади. Тўлиқ "Хилват" ни танлаш кибрга, тўлиқ "анжуман" га киришиб кетиш ғаразга етаклаши мумкин, "Хилват дар анжуман" эса мувозанатни сақлаб туриш, демакдир"⁴⁰⁶. Демак хилват дар анжуман инсон ва борлиқ муносабатларини мувозанатга келтиради ва меъёрда сақлайди. бу нақшбандия таълимоти меъёрда бўлганлиги, уйғунликка олиб келишини яна бир бор кўрсатади.

⁴⁰⁵Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -Тошкент: Шарқ, 1996. 70-бет.

⁴⁰⁶Ўша ерда.

Нақшбандия таълимотининг "хилват дар анжуман" тамойилини амалга оширишга ёрдам берадиган хусусиятлардан бири - робитадир. "Нақшбандия тариқати хожагон тариқати йўлига асосланиб, уни увайсийлик ва робита каби мўъжиза билан бойитди"⁴⁰⁷, деган ғояни илмий таҳлил этиш бу таълимотдаги робита ва увайсийликни хилватни анжуманда бўлишига имкон берадиган омиллар эканлиги исбот этилади.

Нақшбандия таълимотида меҳнат қилиб, жамиятда фойдали киши бўлишга имкон берадиган тушунча р о б и т а д и р. Абдурахмон Жомий комил инсон даражасига етишни асосий йўлларига зикр, таважжух, мушоаба билан бирга робитанинг ўрнини қайд этган. У-"Робита пир - устоз, муршидга тобеъ бўлиш керак, лекин бу пир мушоада мақомига етган бўлиши, Аллоҳ зотини тажаллийси - ҳақиқатини англаган бўлиб, унинг дийдори зикр фойдасини бериш керак. Бу пир суҳбатидан дийдор давлатига муяссар бўлиб, бунинг асарини имкони борича ўзида сақласин. Агар шу ишга путур етса, унинг суҳбатига яна мушоаат этсин ва шу кайфият унинг малакаси бўлиб қолиши керак. Шу даражага етиш лозимки, агар у азиз бўлмаса, унинг суратини хаёлига олиб бутун зоҳирий ва ботиний қувватларини йиғиб, қалбга юзлансин ва барча хотираларни йўқотсин. Бу ишда то ғайбат (руҳий олам сирлари намоён бўлиш даражаси) ва беҳудлик кайфияти юз бергунча ҳаракат қилиш ва бу муомалани такрорлаб малака ҳосил қилиш керак. Шундай ҳаракат қилиш керакки, муриднинг бунга етарли шундай қобилияти бўлсин ва пир унга соҳибихтиёр бўлиб, суҳбатнинг аввалида уни мушоада мартабасига етиштирсин"⁴⁰⁸, - деган.

Робита - арабчада боғланиш, алоқа воситаси, алоқа, муносабат маъноларини билдирувчи тасаввуфий истилоҳдир. "Солик (тариқат йўлидан борувчи - Г. Н.)нинг комил шайхга кўнглини боғлаб, унинг хузурида ва ғайбан шайхининг сурати, сийрати ва айниқса, руҳониятини хаёлида ўзи билан бирга эслаб, ёнида эканини ўйлаб, одоб сақлаши"², демакдир. Холид Бағдодийнинг таълимотига кўра, Робита - муриднинг комил шайх суратини хаёлан сақлаш орқали унинг руҳониятидан истимдод тилаш², демакдир.

Асосан, нақшбандия тариқатида кенг тарқалган робита тасаввуф психологиясида муҳим ўрин тутди. Робита сабабли

⁴⁰⁷Ислом энциклопедияси. 9-том. Истанбул, 1954. 54-бет.

⁴⁰⁸Рисолаи Ҳазрати Мавлави Жомий. 140-бет.

Арабистон ва айниқса, мағриб ҳудудида дарвишларга "муробит", такяларга эса "рибот" дейилади. Робита - айна вақтда мурид жисман муршиди билан бирга бўлмаса ҳам, руҳан унинг ҳузурида эканини ва муршидининг маънавий мавқеининг давомийлигини сақловчи воситадир. Айниқса, мубтадий - янги бошловчи солиқларга робита ўз-ўзини назорат қилиш вазифасини бажарувчи фойдали асосдир. Мурид шайхига робита қилиш орқали Муҳаммад пайғамбар руҳи билан, унинг воситаларида эса Тангри билан робита қилган - алоқа ўрнатган бўлади. Робита мавзусида мустақил асар ёзган Абдулҳаким Арвосийнинг ёзишича, бевосита Аллоҳдан файз олиб, истифода қилишга қодир бўлмаган солиқ - робитага муҳтож. Даражаси юксалиб, бевосита Аллоҳдан файз олиш қудратига эришгач эса, робитани тарк этиши вожибдир⁴⁰⁹. Шу жумладан, Имом Раббоний ҳам солиқнинг камолотга эришувида робитанинг зикрдан ҳам фойдалироқ эканига ишора қилади⁴¹⁰. Муриднинг даражасига кўра, робита учга бўлинади:

1. Мубтадий муриднинг шайхига қилган робитаси: Мурид ҳар он ва ҳар жойда шайхининг ҳузурида тургандек ҳаракат қилади, ҳар доим шайхи билан бирга эканини, ҳаракат ва туйғулардан шайхи хабардор эканини, ҳатто ухлаётганида ҳам гўё уни кўриб тургандек, ҳатти - ҳаракатларини шунга қараб назорат қилиши ва одоб сақлаши лозим. Буни амалга ошириш жараёнига "фано фиш шайх", дейилади.

2. Мутасаввиф мурид Муҳаммад пайғамбарга робита қилади. Бу робита эса сайру сулукда маълум босқичдан ўтган солиқ ҳаётининг ҳар онда Муҳаммаднинг ҳузурида ва мувоқабаси остида эканини ўйлаб, унинг ахлоқи билан хулқланишига интилишидир. Буни рўёбга чиқарган солиқ, шайхда фоний бўлиш мартабасини ошиб ўтиб, "фано фир расул" мартабасига юксалади.

3. Мунтаҳий мурид Аллоҳ билан робита-алоқа ўрнатади. Васл мақомига эришган солиқ ҳам шайхда ҳамда Муҳаммад пайғамбарда фоний бўлиш мартабаларидан ошиб, "фано филлоҳ" мартабасига эришгай. Бу мартабада солиқ ҳар он ва ҳар жойда Аллоҳ таолонинг ҳузурида эканини идрок этади. Робитанинг энг мукамал ва охириги кўриниши бўлган бу мақомда мурид бутун борлигини Аллоҳга фидо қилиб, ўзини ва дунёни Аллоҳнинг борлиғи олдида ҳеч нарса эмаслигин англаб этади⁴¹¹.

⁴⁰⁹ Арвосий А. Робитаи шарифа, 2-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

⁴¹⁰ Мактубот. 1-ж, 187-бет. Иқтибос ўша ердан олинган.

⁴¹¹ Гундуз И. Кумушхонавий Аҳмад Зиёвуддин. Истанбун, 1984. 278-279-бетлар. Иқтибос ўша ердан олинган.

М.А.Жўшон нақшбандия тариқати вазифасини бажариш одобида робитани учга бўлади:

1. Робитаи мавт: мурид ҳар лаҳза ўлимни эслаши керак.

2. Робитаи муршид: мурид шайхини гўё икки қошининг ўртасида тургандек тасаввур қилиб, кўнглига мос равишда ва шайхи қалбидаги файзларнинг ўз қалбига оқишини ўйлашидир.

3. Робитаи ҳузур: Аллоҳдан бошқа ҳамма нарсани ақлу хаёлидан улоқтириб ташлаб, тамоман Аллоҳ севгиси билан тўлган қалб билан Ҳақнинг ҳузурда эканини ўйлашдир⁴¹².

Маломатийлар робита қилишга "кўнгил кутиш", дейдилар. Тасаввуф арбоблари робитани баъзи оятлар билан асослайдилар. Масалан, Хожа Убайдуллоҳ Ахрор: "Эй мўъминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва иймонлари ростгўй бўлган зотлар билан бирга бўлингиз!" (Тавба-9: 119) оятидаги "бирга бўлингиз" ояти доимий бирга бўлишни, бу эса фақатгина робита орқалигина амалга ошиши мумкинлигини қайд этган. Яна "Эй мўъминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва унга яқин бўлиш учун васила излангиз ҳамда Унинг йўлида жидду-жаҳд қилингиз, шунда шояд нажот топурсиз!" (Моида - 5: 35) оятидаги васила излаш амрини Муҳаммад ёки комил бир муршидга кўнгил боғлаш ва унга робита қилиш сифатида изоҳлаганлар.

Робита ғоятда нозик амал бўлиб, моҳиятини тўла-тўқис тушунмай ва усулига риоя этилмай бажарилса, муриднинг яширин ширкка йўлиқишига сабаб бўлиши мумкин. Чунончи, баъзан робита қиламан, деб, шайхини Аллоҳнинг ўрнига қўйиб, ҳамма нарсани ундан кутиш ўта даражада таҳликалидир. Шу туфайли ҳам тасаввуфга қарши энг кўп эътироз билдирган мавзулардан бири робитадир.

Демак, устоздан керакли таълимотни олган нақшбандия тариқатининг солики оиласига, меҳнат жараёнига қайтади ва шайх билан руҳан робитада бўлиб, ўз-ўзини камолга етказди.

Жўшон кўнгилни муршидга боғлаш бўйича шундай маслаҳат беради:

"Латиф бир мажлисда устозингиз - муршидингиз билан бирга ўтирганингизни тасаввур қилинг. Муршид қалбига ўз қалбингизни боғланг: устозларнинг қалбларидан маънавий-илоҳий файз олаётганингизни ҳис қилинг! Чунки Аллоҳ таоло ўз файзини валий бандаларига юборади. Уларга ҳам устозлари орқали панд-

⁴¹²Жўшон М. А. Зикруллоҳнинг фазилатлари. -Тошкент: Мовароуннаҳр. 2000. 33-35-бетлар.

насихат беради. Аллоҳ устозингиз қиёфасида сизга файз-эхсон этади, шу боис муршидингиз билан иртиботингизни - робитангизни гўзал равишда адо этинг! Бу алоқанинг асли муҳаббатдир. Бу севги бўлмаса, мурид маънан тараққий этмайди"⁴¹³.

"Хилват дар анжуман" рашҳаси нақшбандия йўлидан борадиган кишиларни руҳан озод, эркин бўлишига имкон беради. Чунки увайсийлик ва робита бу тамойилнинг асоси бўлиб, мурид ва муршид муносабатларини эркин бўлишига асосланади. Тариқатлар тараққиётининг кейинги даврларида шахс Аллоҳга эмас, муршидининг иродасига бўйсунуши ҳолатлари авж олган. Натижада тариқат йўлидан бораётган киши руҳий қул ҳолатига тушган. «Хилват дар анжуман» тамойилига асосланган нақшбандия йўлида бундай ҳолат ҳеч қачон бўлмаган. Доимо бу йўлдан борувчи фақат Аллоҳга сиғиниб, унгагина бўйсунган ва руҳан хур ва озод бўлган.

Демак:

1. Нақшбандия таълимотида комил инсон тарбияси энг яқин ва барчага мақбул йўл "хилват дар анжуман" тамойили асосида амалга ошади.

2. Бу йўл эзгу ниятда ҳалол меҳнат қилиб, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш ғоясига асосланади.

3. Шу тамойил асосида "Даст ба кору дил ба ёр" бунёдкорлик ғояси шаклланди.

4. Бу тамойил инсондаги жисмоний, ҳиссий, нафсоний, ақлий, ижтимоий, илоҳий манфаатларини уйғунлаштириб, камолга етказди.

5. Робита нақшбандия таълимоти учун хос бўлиб, хилватни анжуманда ўтказишга имкон беради.

6. "Хилват дар анжуман" мурид ва муршид муносабатларини эркин бўлишига асосланади ва инсоннинг руҳини озод камол топишига имкон беради.

7. Бу тамойил руҳий қуллик, зулмга асосланган, шакли сақланган тариқатлардан фақат нақшбандиянинг афзаллигини кўрсатади. Нақшбандия тариқатида шакл ва мазмун уйғундир.

⁴¹³Жўшон М. А. Тасаввуф ва нафс тарбияси. -Тошкент: Чўлпон, 1998. 48-бет.

ХОТИМА

XIV асрда бухорода Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд раҳбарлигида нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва тариқати вужудга келган, кейинги асрларда такомиллаштирилган ва бутун мусулмон оламига кенг ёйилган. Комил инсонни тарбиялашни мақсад қилиб олган бу таълимотнинг назарияси ва амалиёти ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақламоқда. Чунки "комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз"⁴¹⁴, - дейди Президентимиз И.А.Каримов. "Комил инсон ғояси - ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган, одамзотга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир"⁴¹⁵. Бу ғоя инсониятни камолотга етаклайди ва таназзулдан асрайди.

Нақшбандия таълимоти ва тариқати тасаввуфдаги мўътадил йўл бўлиб, ҳаддан ташқари ҳолларни ислоҳ этди. У риёзат ва покланиш соҳасидаги ишларни жисмоний ва ижтимоий-ахлоқий эҳтиёжлар билан мувофиқлаштирди. Ёвузликка нафрат ва ўч олиш ҳиссининг ўрнига шафқат ва меҳр орқали уни эзгуликка айлантириш йўллари топилиди. Шунинг учун нақшбандия ҳаётий ва инсонпарвар таълимотдир. У инсонни тана, ақл, нафс, руҳини меъёрида камолга етказиш йўллари топилиди. Унда на инсоннинг танасига, на ақлу шуурига, на нафсу руҳига зулм йўқ. Бу тариқатда таркидунёчилик йўқ. У инсонлар оғирини енгил қилиш учун ҳалол меҳнат қилишга чақириб, эзгулик хусусиятларини намоён этади.

Нақшбандия руҳий ҳурликка асосланган йўлдир. Нақшбандия тариқатида руҳий эркинлик мавжудлигини қуйидаги иккита далил кўрсатади:

1. Нақшбандия тариқатида фақат бир шайхгагина бўйсунуш шарт бўлмаган. Масалан: Баҳоуддинга Амир Кулол ўзидаги бор билимларини берганидан кейин унга рухсат беради ва айтадики, сиз руҳий камолот учун туркми ёки тожикми ким бўлса-да устоз топинг. Баҳоуддин Ориф Ревгарийдан 7 йил, Қусам Шайхдан 5 ой таълим олганлар. Демак, бу тариқатда, шогирд руҳий камолотида шайх танлаш ва уларга боғланишда эркин бўлган.

⁴¹⁴Каримов И. Тарихий хотирасих келажак йўқ. -Тошкент: Шарк, 1998. 35-бет.

⁴¹⁵Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2001. 56-бет.

2. Нақшбандия тариқатида жамоадаги қоидаларга шогирд тўла бўйсунishi шарт бўлмаган. У Аллоҳга бўйсунган. Масалан: Баҳоуддин Нақшбандга Абдулҳолиқ Гиждувоний фақат яширин хуфия зикр талқинини буюрганлар. Нақшбанд Амир Кулолга мурид бўлиб, халифалари даражасига етган. Лекин Амир Кулол жамоасида жаҳрия зикр бўлган. Шунинг учун зикр вақтида Баҳоуддин ажралиб, алоҳида хуфия зикрларини бажарган. Шунга қарамай, Амир Кулол ўлимидан олдин шогирдларига Нақшбанд изидан боришга ва у билан боғланишга васият қилганлар. Шогирдлари Амир Кулолга Баҳоуддин зикрда сизга бўйсунмади деганларида, Нақшбанддаги барча ҳаракатлар Аллоҳ иродаси билан бўлганлигини тушунтирганлар. Демак, нақшбандия йўлида руҳий камолот талабида бўлган шахс эркин бўлган.

Нақшбандия комилликка элтувчи йўлларнинг энг яқин ва мукамалларидан эканлигини қуйидагилар кўрсатади:

1. Нақшбандия йўлини танлаган шахс жисмонан эркин бўлган ва камол топа олган. Чунки ҳалол луқма, овқатланиш, ухлаш ва гапиришда меъёрни сақлаш талаби инсондаги жисмоний, таний қувватлардаги барча имкониятларни очилишига ва эзгулик йўлига хизмат қилишга имкон берган.

2. Бу йўл таълимоти ва амалиёти натижасида инсондаги нафсоний қувватлар руҳий камолот учун хизмат қилади. Аммо нафс талабларини йўқотиб, нафсни лаввома мулҳима, мутмаина, розия ва марзиядан сафия даражасигача камолга етказилади. Инсоннинг нафсоний қувватлари эзгуликка хизмат қиладиган бўлади ва ўсимлик, ҳайвонот ва бутун табиат билан уйғун ҳаракат вужудга келади.

3. Бу йўл инсон ақлининг камолига йўл очган. Чунки, бу ҳушёрлик йўли мастлик, жазавага асосланмаган йўлдир. Бу йўл ақл, идрок, зехн, хотирага зулм қилмасликка асосланади. У фано ҳолатидан бақога олиб келади ва Ҳаққа етган ҳар бир кишини яна халқ учун керакли қилади, инсонни доимо ўз-ўзини назорат қилишга, мушоҳада қилишга асосланади. Инсон доимо фикр жараёнида бўлади.

4. Бу йўл инсон қалбини тўла очади ва руҳий камолга имкон беради. Чунки бу йўл чин ихлосга асосланади. Хуфия зикр ва ҳалол луқма, меҳнат билан кун кўриш инсонни риёдан поклайди. Инсон қалби сокин бўлади, ҳасад, кибр, таъма каби иллатларни вужудга

келишига имкон бўлмайди. Қалб барча дунёвий ва охират боғланишлардан мусаффо бўлиб, Аллоҳгагина боғланади.

5. Нақшбандия тариқатини танлаган солиқ моддий жиҳатдан мустақил бўлган. Чунки унинг ўз хунари бўлиб, унинг орқасидан ўзини, оиласини таъминлай олган ва ўзгаларга ҳам зарурий вақтда ёрдам бера билган. Тариқатдаги «Даст ба кору дил ба ёр», яъни «Қўл ишдаю, қалб Аллоҳда» шиори, «хилват дар анжуман» — рашҳаси бунга имкон берган.

6. Бу йўлдан бораётганлар жамиятда эркин бўлганлар. Чунки улар ўз ота-она, оила, қон-қариндош ва жамоаси олдидаги бурчларини, ҳақларини тўла адо эта олган. Уларнинг зикри хуфия бўлганлиги учун, хилвати анжуманда бўлганлиги, чилла ва узлатни тарк этгани, самоъ ва жаҳрия зикрни инкор этганлари учун, зоҳиран халқ билан ва ботинан ҳақ билан бўлган гўзал йўлни йўлчиси сифатида жамиятнинг ҳурматига сазовор бўлганлар. Бу йўлдагилар ҳар бир нафасини эҳтиёт қилганлари туфайли вақтини беҳуда сарфламаганлар. Бу эса ҳам моддий, ҳам маънавий меҳнатларини самарали қилган. Натижада улар кўпнинг ҳурматига сазовор бўлганлар. Бу йўлдагиларнинг урф-одатлари жамиятга мақбул бўлган.

7. Инсон руҳан хур бўлади, чунки у шайхи, пири - устозидан илоҳий қувватлардан файз олишни, Аллоҳга таважжуҳ қилиш, яъни тўла юзланишни, хуфия зикр сирларини ўрганади ва мустақил жамоадаги меҳнат жараёнида фақат Аллоҳга бўйсуниб, унинг ризолиги учун, холис амал қилиб яшайди. Бу тариқатда инсон фақат Аллоҳга бўйсунган.

Нақшбандия таълимоти Баҳоуддин Нақшбанддан Аҳмад Сирхиндийгача ваҳдати вужуд тарафдори бўлган. Аҳмад Сирхиндий давридан ваҳдати шухуд вужудга келган. Ҳозир таълимотда вужудия ва муҳодияга эътиқоди кучли бўлганлар бор.

Нақшбандия таълимоти инсонга дунёни кенг тушуниш, мукаммал ҳаракат қилиш, вақтни асраш ва умрнинг ҳар онини ғанимат билиш, ҳушёр ва огоҳ бўлиб, ҳалолу пок яшаш, бутун борлик, бутун табиат, бутун жонли ва жонсиз мавжудотга меҳр-муҳаббатли бўлиб яшашни тарғиб этади.

Нақшбандийлик таълимоти тасаввуф йўлидаги комил инсонни тарбиялаш йўллари ичида ўз мукаммаллиги билан ажралиб туради. Шунинг учун уни бутун сўфийлик тариқатларининг хулосаси, деб

тан олганлар⁴¹⁶. Бизнинг фикримизча, бу қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Бу тариқат аҳли огоҳликни тарғиб этиш орқали ҳар бир нафас ва ҳатто нафаслар орасидаги вақтни ҳам эҳтиёт қиладилар. Нақшбандия таълимоти вақтни, умрнинг ҳар бир нафасини эҳтиёт қилишни ўргатади.

2. Бу тариқатда "сафар" ва "ватан" тушунчалари ўзига хос уйғунлаштирилиб, руҳий камолот учун ватан бўлган вужуд бўйлаб сафар этиш, ундаги ёмон фазилатларни йўқотиб, камол топиш йўли орқали ҳақиқатга етишнинг энг яқин йўли кўрсатилган.

3. Руҳий камолотдаги "хилват" ва "анжуман" тушунчалари ўртасидаги муаммони ҳал этиб, холис, эзгу ният ила меҳнат билан баркамол бўлиш йўлини кўрсатиши орқали тариқат аҳлининг жамият учун мукамал меҳнат, яъни ҳам руҳий, ҳам жисмоний ҳаракат қилиб, фойдали кишилар бўлишига олиб келган. Бу билан таълимот "Даст ба кору, дил ба ёр", деб яшашни ўргатади.

4. Инсоннинг ўз-ўзини бошқариш, ўз-ўзини назорат этиш, руҳини камол эттириш йўллари сифатида муроқаба, мушоҳада ва мусоҳаба тушунчаларини киритган.

5. Тарихийлик нуқтаи назаридан қараганда, нақшбандия барча мумтоз тариқатларнинг энг охиригисидир. Бу тариқат ўзидан олдинги сулукларнинг барча яхши томонларини ўзида мужассам этди. Шунинг учун уларнинг энг охиригиси ва мукаммали бўлиб қолди. Нақшбандийликни тасаввуфий тариқат мумтоз камолотининг олий босқичи, деб айтиш мумкин.

Нақшбандия таълимоти ғояларидан қуйидагиларни баркамол авлод тарбияси учун фойдаланиш мумкин:

1. Нафс тарбияси масаласини комил инсонни шакллантириш жараёнига киритиш. Нафс нима, унинг турлари, уни тарбиялаш йўли ва воситалари ҳақида махсус услубий қўлланмалар тайёрлаш ва тарбия жараёнини бошқарадиган ва амалга оширадиган муассасаларни у билан таъминлаш.

2. Комил инсон тарбиясида қалбни соғломлаштириш, уни тоза, пок, эзгу ният ва меҳр билан тўла бўлиш технологиясини ишлаб чиқиш. Қалб тарбиясига махсус эътиборни қаратиш. Қалб орқали ҳар бир шахснинг "мен"лик туйғусини тўғри шакллантириш.

⁴¹⁶Жалол Ҳиравий. Рисолаи раҳнамои уқдакушои. // Моле М. Нақшбандиёт. -285-293-бетлар.

3. Тарбияланувчиларнинг қизиқиш оламини англаган ҳолда, агар унда эзгуликка ҳавас бўлса, бу туйғуни такомиллаштириш, агар ёвузликка мойиллик бўлса, уни тугатиш воситаларини ишлаб чиқиш зарур. Қизиқиш оламини тўғри англаш ва тўғри йўналтириш усуллари ва тарбия технологиясини ишлаб чиқиш.

4. Тарбия жараёнини тўғри ташкил этиш учун ҳар бир тарбияланувчининг ижобий ва салбий сифатларини билиш, унда ижобий фазилатларни кучайтириб, салбий хислатларни эса тугатувчи юмушлар бериш орқали ўзгартириш. Масалан, кибрни меҳнат орқали тузатиш. Бунинг учун ёмон ишларни йўқотувчи илмий асосланган меҳнат жараёнини ташкил этиш зарурдир. Меҳнатга муҳаббат, пешона терининг қадрини билиш ва ҳар бир кишининг меҳнاتини қадрлаш сифатига олиб келиш тамойили асосида тарбия жараёнини ташкил этиш.

5. Комил инсон тарбияси фақат етук, мукаммал устозлар тарбияси асосидагина ҳосил бўлади. Шунинг учун боланинг маънавий ва жисмоний соғлом бўлиши масъулиятини ўз зиммасига ола билладиган етук устозлар институтини ташкил этиш лозим.

6. Устоз-шогирд тарбия йўналишидаги фаолиятни мустаҳкамлаш, бу тизимни такомиллаштириш учун махсус услубий қўлланмалар тайёрлаш ва йўл-йўриқлар бериш.

7. Тарбия жараёнида ибрат ва намуналарнинг аҳамиятига махсус эътибор бериш. Баҳоуддин Нақшбанд каби комил инсонларни устоз сифатида ибрат қилиб, тарбия жараёнида ва устозларни шакллантиришда ундан фойдаланиш. Устозларни сўзда, фикрда, амалиётда ибрат манбаи бўлишига олиб келадиган моддий ва маънавий имкониятларни тайёрлаш.

8. Фидойилик хусусиятларини шакллантиришда тасаввуфнинг нақшбандия таълимотидан "Даст ба кору, дил ба ёр" шиорини моҳиятини очиш ва ўзгаларга эзгулик қилиш, оғирини енгиллаштириш ҳаёт мақсади бўлган бу тариқат аҳли ҳақида барча воситалар ила маълумотлар бериш.

9. Тарбия дастурларида инсон ва унинг ҳаётининг мазмуни, мақсадини очиб берувчи томонларини кучайтириш ва бунда нақшбандиянинг бу соҳадаги таълимотидан фойдаланиш.

10. Ўлим ва ҳаёт муаммоларини тарбия технологиясига киритиш орқали шахсинг ҳар нафасини, вақтини эзгуликка сафарбар этишга эришиш.

Нақшбандия таълимоти миллий истиқлол ғоясининг диний-фалсафий илдизидир ва миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси - озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаётни амалга оширишга хизмат этади. Нақшбандия тариқати аҳлининг бунёдкор қалби ва эзгу амали мустақил Ўзбекистонимизда Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик ғояларининг эътиқод, дунёқараш ва амалиётга айлантириш жарёнини тезлаштиришга хизмат қилади.

МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
I БОБ. ТАСАВВУФ ВА ИНСОН КАМОЛОТИ	13
1.1.Тасаввуф тушунчаси ва моҳияти	13
1.2.Тарикатлар тизими ва нақшбандия	34
II БОБ. БАҲОУДДИН НАҚШБАНД - ЯНГИ ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСЧИСИ	59
2.1.Нақшбанд таржимаи ҳоли	59
2.2.Баҳоуддиннинг тасаввуфий-ирфоний қарашлари	79
III БОБ. НАҚШБАНДИЯ ТАЪЛИМОТИНИНГ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ	97
3.1.Борлиққа оид қарашлар	97
3.2.Инсон ва унинг камолот даражалари	119
IV БОБ. КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИ МУАММОЛАРИ.	145
4.1.Нафс тарбияси	145
4.2.Хушёрлик —уйғунлик йўли	174
4.3.«Хилват» ва «анжуман» тамойиллари	191
ХОТИМА	213

**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси
институт Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия
этилган.**

МУҲАРРИР: М.Содиқова, Р.Шодиев

КОМПЬЮТЕРЧИ: Р.Навруз-зода

МУСАХҲИХ: Р.Джумаев

Нашриёт рақами: №79
Босишга рухсат берилди 23.05.05 йил.
Офсет босма. Офсет қоғоз. Ҳисоб – нашриёт т. 8,9.
Шартли босма т. 12,75. Буюртма адади 500 нусха.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўз Р ФА “Фан” нашриёти: 700047,
Тошкент, акад. Я.Ғуломов кўчаси, 70.

«Techno-tasvir» босмаҳонасида чоп этилди.